

Узб. 2
49
D-16

Х. Дадабоев З. Хамидов З. Холманова

**Ўзбек адабий тили
лексикаси тарихи**



«Фан»

938.2
49
Q-16



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА О'РТА МА'РУФЛАР
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

Х.Дадабоев, З.Ҳамидов, З.Холманова

Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи
(XIV асрнинг иккинчи ярми - XX аср боши)



ТОШКЕНТ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2007

Ушбу монографияда “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV асрнинг иккинчи ярми - XX аср боши)” мавзuida иш олиб борган илмий гуруҳнинг тадқиқот натижалари эълон қилинмоқда.

Монографиядан тилшунослик соҳасига оид фанларни ўқитишда, ўзбек тили тарихий тараққиётининг назарий ва амалий масалаларини ёритишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотда келтирилган маълумотлар филолог аспирант ва тадқиқотчилар учун илмий манба сифатида хизмат қилади.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. Э.Умаров

Тақризчилар:

ф.ф.д., проф. Қ.Содиқов,

ф.ф.н., доц. М.Қодиров

ISBN 978-9943-09-330-0

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2007 йил.

Шартли қисқартмалар

Абу Ҳайён – Расулова Н.А. Исследования языка «Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак» Абу Хайяна. Морфология, лексика и глоссарий. Дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1969.

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т. 1 – 4. Тошкент. “Фан”. 1983-1985.

АРСл - Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М. “Русский язык”. 1976.

Банг ва чоғир – Фазылов Э.И. Лондонская рукопись “Дах-наме” и “Спора между опиумом и вином” Юсуфа Амирий. Ташкент. 2007

БД – Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. 1-2. СПб., 1869, 1871.

БН – Захириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Тошкент. 1960.

Г – Сайфи Саройи. Гулистон би-т – туркий. Фазылов Э.И. Старо-узбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т.1-2. Ташкент. 1966, 1971.

Гул ва Навруз – Фазылов Э.И. Будапештская рукопись «Гуль и Навруз» Лютфи. Ташкент. 2006.

Гулшанул-асрор - Ҳайдар Хоразмий. Гулшанул-асрор. Муборак мактублар. Тошкент. 1987.

Дахнома - Фазылов Э.И. Лондонская рукопись “Дах-наме” и “Спора между опиумом и вином” Юсуфа Амирий. Ташкент. 2007

ДЛТ – Махмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов). Т.1-3. Тошкент. 1960-1963.

ДТС – Древнетюркский словарь Л., 1969.

ЖВС – Жомеал-вокеоти султоний. Огаҳий. Асарлар. У1 жилд. Тошкент. 1980.

ЗТ – Зубдатут –таворих. Огаҳий. Асарлар. У жилд. Тошкент. 1978.

Латофатнома. Ходжанди. Латафат-наме. Книга о красоте. Введение, транскрипция текста, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И.Фазылова. Ташкент. 1976.

ЛТ – Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Илмий-танкидий текст. Тайёрловчи: Ш.Эшонхўжаев. Тошкент. 1965.

ЛОК – Легенда об Огуз-кагане. Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М. 1959.

Лутфий – Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент. 1987.

МА - Поппе Н. Монгольский словарь «Мукаддимат ал-адаб». М., - Л. 1938.

Мезонул-авзон – Алишер Навоий. Мезонул-авзон. Асарлар. Х1У том. Тошкент. 1967.

МН – Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Асарлар. ХП том. Тошкент. 1965.

Муҳаббатнома – Хоразмий. Муҳаббатнома. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники Х1У века. Т.1-2. Ташкент. 1966,1971.

НАЛ – Ибрагимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари лугати. Тошкент. 1973.

НМ – Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. Асарлар. ХУ том. Тошкент. 1967.

РД – Огаҳий. Риёзуд-давла. Асарлар. У жилд. Тошкент. 1978.

РСл – Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий.Т.1-1У.СПб., 1893.1911.

СИ – Алишер Навоий. Садди Искандарий. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев.Тошкент (қўлёзма).

СС – Алишер Навоий. Хамса. Сабаъи сайёр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев. Тошкент.1956.

СУЯ – Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники Х1У века. Т.1-2. Ташкент. 1966, 1971.

Таашукнома – Сайид Аҳмад. Таашукнома. Муборак мактублар. Тошкент. 1987.

Таржумон – Таржумон. Х1У аср обидаси. Наширга тайёрловчи филология фанлари номзоди А.Юнусов. Тошкент.1980.

Тафсир –Боровков А.К.Лексика среднеазиатского тefсира ХП-ХШ вв. М. 1963.

ТАҲ –Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар. Х1У том. Тошкент. 1967.

ТМА – Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. Асарлар. Х1У том. Тошкент. 1967.

ФШ – Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев. Тошкент. 1963.

ХМ – Алишер Навоий.Хамсатул-матаҳаййирин. Асарлар. Х1У том. Тошкент.1967.

Хазойинул-маоний - Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Т. 1-1У. Тошкент.1963-1965.

ХШ – Қутб. Хусрав ва Ширин. Фазылов Э.И.Староузбекский язык. Хорезмийские памятники Х1У века. Т.1-2. Ташкент. 1966, 1971.

ШН – Мухаммед Салих. Шейбани-наме. Посмертное издание П.М.Мелиоранского под наблюдением и с предисловием А.И.Самойловича. СПб. 1908.

ШТ – Абулғозий . Шажарайи турк. Тошкент. 1992.

ЮГС – Ахмад Югнакий. Ҳибатул -хақойиқ. Древнетюркский словарь. Л. 1969.

Юсуф ва Зулайҳо – Дурбек. Юсуф ваЗулайҳо. Уч булбул гулшани. Тошкент. 1986.

ЭСС – Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков.Т.1-2.М.,1974,1978.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Т.1-2. М. 1980.

ҚБ – Юсуф Хос Ҳожиб.Кутадғу билиг.Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов.Тошкент.1971.

Қисаси Рабғузий – Rabghuzi. Narrationes de Prophetis Cod. Mus. Brit. ADD 7851, reproduced in Facsimile with an introction by K.Gronbech. Copenhagen. 1984.

ҲА – Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев.Тошкент. 1970.

Ҳақиқатнома – Саййид Қосимий. Ҳақиқатнома. Муборак мактублар. Тошкент. 1987.

СЎЗ БОШИ

Тил тарихини илмий асосда ўрганиш ёзма обидаларни ҳар томонлама ва систем тадқиқ этиш билан чамбарчас боғланган. Бу ғояни сўнгги йилларда туркология, хусусан, ўзбек тилшунослигида амалга оширилган изланишлар яна бир тасдиқлайди. Тил ҳодисаларини диахрон аспектда таҳлил этиш натижалари қадимги туркий тиллар тараққиёти тарихини даврлаштириш, адабий тил эволюцияси босқичларини ойдинлаштириш, туркий тиллар тарихий ва этимологик луғатларини яратишда қимматли материал бўлиб хизмат қилади.

XX аср иккинчи ярми- XXI аср бошида туркий тиллар лексикасини тадқиқ этиш борасида муайян ютуқларга эришилди. У ёки бу туркий тил лексик – семантик сатҳини ҳам анъанавий, ҳам систем – структур тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш йўлида қатор тадқиқотлар дунё юзини кўрди.

Айни чоғда туркий лексикология, айниқса, тарихий лексикологияга ҳос долзарб масалаларни ҳозирги кунда узил-кесил ҳал этилган деб бўлмайди.

Ўзбек туркологлари олдида ўзбек тили тарихий лексикологиясини яратишдек машаққатли вазифа анчадан бери кўндаланг бўлиб турибди. Бундай фундаментал тадқиқотда, бизнинг назаримизча, лексик воситалар тараққиёти, тил лексик таркибининг шаклланиш ёки терминларнинг пайдо бўлиш ёхуд истеъмолдан чиқиш сабаблари, лексиканинг экстралингвистик омилларга муносабати сингари жиҳатлар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур монографияда тарихий-филологик характердаги илмий изланишлар натижаси ўларок қўлга киритилган натижаларни баён этишда қайд этилган вазифалар диққат марказида турди.

Тадқиқотда XIV аср иккинчи ярми- XX аср боши ўзбек адабий тили лексикаси шу даврда яратилган илмий, бадиий, тарихий манбалар ашёвий материаллари мисолида таҳлил қилинди.

Кўпдан-кўп обидалардан олинган фактик материал транскрипцияда келтирилди. Транскрипцияни беришда биз ўзбек лингвистлари қўллаб келаётган белгилар тизимига суяндик.

Монографиянинг “Алишер Навоий даври ўзбек адабий тили лексикаси” боби З.Ҳамидов ва З.Холманова, қолган қисmlари эса Ҳ.Дадабоев томонидан ёзилган.

КИРИШ

Ўзбек адабий тили табиати, ўзига хослиги ва уни тарихий ўрганиш тамойилларига тааллуқли жиҳатлар ўзаро чамбарчас муносабатларга эга бўлиб, уларни бир-биридан ажраган ҳолда алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш адабий тилнинг шаклланиш, тараққий этиш динамикаси ҳақида объектив мулоҳаза юритишга тўсқинлик қилади.

Ўзбек адабий тили тарихига доир дастлабки илмий изланишлар ўтган асрга тегишли бўлса-да, унинг ўзбек тилшунослигида муайян соҳа йўналиши тарзида қарор топиш, мақомга эга бўлиш жараёни хануз давом этмоқда.

Ўзбек адабий тили тарихи академик фан предметига нисбатан ўқув фани шаклида кенгрок ривожланди. Ўтган асрнинг иккинчи ярми ҳамда сўнгги йилларда нашр юзини кўрган бир қатор ўқув кўлланмалари у ёки бу адиб, ёзувчи, шоир асарлари тилининг фонетик-фонологик, морфем-морфологик, лексик-семантик, синтактик сатҳлари нуктаи назардан баҳоли кудрат ёритишга қаратилди. Улар, шубҳасиз, ўзбек адабий тили тарихи, тараққий босқичлари, унда юз берган фонетик, лексик ва грамматик ҳодисалар борасида ўқувчига нисбатан дуруст маълумот берилга хизмат қилади.¹ Айни пайтда, бир неча асрлик шаклланиш ва ривожланиш даврига эга бўлган ўзбек адабий тили том маънодаги тарихининг ҳозирга қадар яратилмаганлиги тилшунослар учун сир эмас. Маълумки, Я.Экман, А.Н. Кононов, А.К.Боровков, А.М.Шчербак, С.Н. Иванов, Ғ.Абдурахмонов, Э.Ғозилов, А.Рустамов, Ш.Шукуров, Қ.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов ва бошқа қатор туркологларнинг² ўзбек

¹ Қаранг: Абдурахмонов Ғ, Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973; Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари Тошкент, 1981; Гурсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1995; Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1994; Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент 1995 ва ҳ.к.

² Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка М., -Л 1960; Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв. Л., 1980; Боровков А.К. Лексика средневекового тюркского языка XII-XIII вв. М., 1963; Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка М., -Л. 1962; Абдурахманов Г. Исследование по старотюркскому синтаксису (XI век) М. 1967; Шчербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана. М.-Л. 1961; Ғозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент, 1965; Ғазылов Э.И. Староузбекский язык Хорезмийские памятники XIV века. Автореф. дисс. док. филол. наук., 1967; Шу муаллиф Лондонская рукопись "Джамнаме" и "Спора между опиумом и вином" Юсуфа Амирий. Ташкент 2007; Будапештская рукопись "Гуль и Нарвуз" Лютфи. Ташкент. 2006; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майллари тараққийи. Тошкент 1980; Ўзбек тилида феъл замонлари тараққийи. Тошкент, 1976 Маҳмудов Қ. Аҳмад Н. и навийнинг "Ҳибат ул - ҳақойик" асари ҳақида. Тошкент. "Фан". 1972, Нигматов Х. Морфология языка восточнотюркских памятников XI-XII вв. Автореф. дисс. док. филол. наук. Баку 1978 ва ҳ.к.

адабий тили масалаларига, муайян сатҳларга ёки тарихий даврларига оид кўпдан-кўп йирик монографик гадқикотлари, изланишлари, таълимотлари эътироф этилган. Шу билан бирга мавжуд тадқиқотлар турли мақсадлар ва вазифаларни ечишга йўналтирилганлиги, турфа илмий савия ва даражада бажарилганлиги боис улар асосида умумий мулоҳазага келиш, изланишларда илгари сурилган назарий фикрлар асосида муайян тўхтамга эришиш ҳар қандай тадқиқотчидан катта меҳнат талаб қилади.

Ўзбек адабий тили тарихини тула-тўқис яратиш масаласи оғир ва машаққатли вазифа ҳисобланиб, у биринчи навбатда тахминан ўн уч аср мобайнида улкан ҳудудда ҳаёт кечирган аждодлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларидан дарак берувчи қадимги туркий тил (VII-X), эски туркий тил (XI-XIV) ва эски ўзбек адабий тилида битилган барча кўлёзма манбаларни беистисно атрофлича синчковлик билан тадқиқ этишни тақозо этади. Туронзамин халқлари, хусусан, ўзбек халқи тарихи ўз ифодасини топган араб, форс-тожик тилларидаги тарихий, бадий, географик, илмий асарлар ҳам ўзбек адабий тили тарихини юзага чиқаришда муҳим объект бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, умуман ҳар қандай миллат тилининг бўлгани каби адабий тилнинг ҳақиқий бунёдкори ҳам халқ ҳисобланади. Умумхалқ сўзлашув тилининг турлари, бирон-бир тарихий тараққиёт босқичида халқни бирлаштирувчи умумлисоний воситаларни эътиборга олмай туриб адабий тил тарихи тўғрисида тўлақонли мулоҳаза юритиш амри маҳол.

Қайд этиш лозимки, ўзига хос бетакрор асарлар ижодкори бўлмиш ёзувчи, шоир, муаррих ва адиблар, шубҳасиз, адабий тилнинг асрлар оша сайқалланган, қолипга тушурилган қонуниятларига риоя қиладилар, унинг меъёрий чегарасидан ташқари чиқиб кетмаган ҳолда ижод қилишга интиладилар.

Ўзбек адабий тили тарихини яратишда унга хос ички қонунятлар қатори ижтимоий-тарихий сабаблар оқибатида вокеланган ташқи омилларнинг ҳам тилга қай даражада таъсир ўтказишни ҳар томонлама таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Муболағасиз айтиш мумкинки, тараққиётнинг етакчи ҳамда зарурий унсурларидан бири ҳисобланмиш ёзувнинг роли ота-боболар турмушида ўзига хос “локоматив” вазифасини ўтади.

Турк-рун алифбосида битилган Ўрхун-Энасой битиглари, санскрит, сўғд тилларидан қилинган таржима асарлар VII-X асрларда ўзбек миллати вакиллари аждодлари яшаган улкан минтақадаги

лисоний вазият хусусида, адабий тил ва халқ сўзлашув тили ҳақида маълум хулосага келиш имконини яратади.

Ўрта асрларда Мовароуннахрнинг араблар томонидан фатҳ қилиниши, ислом мафқураси, яъни Қуръони Карим ҳамда Ҳадиси шарифга асосланган Ислом динининг маҳаллий халқ онгига сиғдирилиши, араб тили ва араб ёзувининг қонуний жорийланиши қадимги туркий тил ва Қорахонийлар даврида (XI аср) шаклланган эски туркий тил орасидаги алоқанинг маълум даражада заифлашувига сабаб бўлди. Турли шевага халқ сўзлашув тили ва унинг бевосита негизида шаклланган адабий тил хусусиятларини ўзида яққол мужассам этган эски туркий тил обидалари- Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойик” сингари асарларида қадимги туркий тилга, жумладан, халқ сўзлашув тилига оид бўлган белгилар муайян даражада акс этган. Ва айни чоғда, зикр этилган ёдгорликларда эски туркий тилга хос бўлган лисоний материаллар ҳам ўз ифодасини топган.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ўзбек миллати тили қарор топишнинг янги босқичига қадам қўяди. Ўзбек миллий тили бутун миллат учун муштарак бўлган, меъёрланган, қўл вазифали адабий тил ҳамда нутқнинг ностандарт оғзаки турларини ўзида намоён этувчи мураккаб ҳодиса тарзда майдонга чиқади. Адабий тил миллий ўзбек тилининг меъёрий шакли сифатида бой ва қўл қатламли лексик тизимга эга бўлган. Тил сатҳлари ичида тарихийлик жиҳатдан тез ўзгарувчан, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни зум ўтмай ўзида акс эттирувчан лексик тизим биринчидан, сўзларнинг лексик-грамматик синфлар (сўз туркумлари)га ажратилишида, уларнинг ўз навбатида лексик-семантик (синонимия, антономия қаторлари) гуруҳларга киришида, иккинчидан, сўзларнинг сўз яшаш муносабатларида, учинчидан, сўзларнинг семантик, дистрибутив ва стилистик алоқаларида намоён бўлади.

XIV аср иккинчи ярми - XX аср боши ўзбек адабий тили лексикаси тизимида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил ва тадқиқ этишда турли лексик, генетик-стилистик қатламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари масалаларига алоҳида диққат қаратишни талаб этади. Бу қатламлар тарихи билан ўзбек адабий тили лексикаси умумий ривожланиш аънаналари, лексик таркибнинг бойиш йўллари узвий боғлиқликка эга. Зикр этилган ўзбек адабий тили лексик қатлами асосан қуйидаги бирликлардан иборат бўлган:

1. Умумтуркий лексика. 2. Соф (асл) ўзбек тили лексикаси. 3. Ўзлашган лексика. 4. Умумхалқ лексик фондидан ҳамда худудий, касбий, социал диалектлардан кирган лексика.

Умумтуркий характердаги лексика сирасига нафақат ўзбек адабий тили, шунингдек, бошқа қардош туркий тиллар лугат таркибидан ўрин эгаллаган, бир неча юз йиллар давомида фаол қўлланишда бўлган лексик бирликлар киради. Урганилаётган давр давомида умумтуркий характердаги лексика ўзининг функционал аҳамиятини аксарият ҳолда сақлаб қолишга эришган. Мазкур тадқиқотда ўзбек адабий тили лексикасининг таркиб тонишида умумтуркий характердаги сўзларнинг ўрнини, уларда юз берган семантик жараёнларни, лексик бирликларнинг жамиятда пайдо бўлган янги тушунчаларни ифодалаш сабабларини, умумтуркий ҳамда соф ўзбек адабий тили лексемалари алоқасини, уларнинг ўзга тиллардан кириб келган ўзлашмаларга муносабатини белгилашга имконият доирасида ҳаракат қилинди.

Табий, ўзбек адабий тили тарихий лексикологияси нимани ифодалаш учун йўналтирилган? деган савол туғилиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ушбу саволга тубандагича жавоб бериш тўғри бўлади, деган мулоҳазада миз. Яъни: ўзбек адабий тили доирасидаги лугат таркиби манбасини аниқлаш, бошқа қардош туркий тиллардан ўзига хос хусусиятлари орқали фарқланиш ва хусусийлашиш даврида юзага чиққан янги лексик бирликларни ойдинлаштириш, умумтуркий характердаги лексик мерос (қадимги туркий тил ва эски туркий тил лексикаси) ҳамда ўзга оилаларга оид тиллардан кирган ўзлашмалар иштирокида пайдо бўлган янги (қоришик) сўзларни белгилаш, эски ўзбек адабий тилини қўшни қардош туркий тиллардан фарқловчи лексикологик жиҳатларни кўрсатиш, эски ўзбек адабий тилининг шева лексикасига бўлган муносабатини аниқлаш, эски ўзбек адабий тилида содир бўлган лексик ҳамда лексик-семантик ва функционал-семантик жараёнларни очиб бериш, лексик таркибнинг тез-тез ўзгариб туриши, турли манбалар ҳисобига бойиб бориши, эскирган сўзларнинг лугат таркибидан чиқиб кетиши каби ҳодисаларни кўрсатиб бериш тарихий лексикологиянинг, асосий вазифаси сифатида эътироф этилади.³ Демак, XIV аср иккинчи ярми- XX аср боши эски ўзбек адабий тили лексик таркибида юз берган асосий қонунятлар, ҳодисалар хусусида мулоҳаза билдиришда юқорида қайд этилган жиҳатларга суяниш, уларни диққатдан қочирмаслик керак

³ Каранг. Филлин Ф.П. Проблемы исторической лексикологии русского языка (древний период) // ВЯ. 1981 №5 С.3

бўлади. Шу билан бирга, имконият доирасида муайян лексик бирликнинг вужудга келиши, унинг илк бор истеъмолга кирган вақти, сўз маъносида ёки маъно оттенкасида рўй берган ўзгариплар, силжишлар, кўчишлар ҳақида керакли маълумотларга эга бўлиш талаб қилинади.

Шубҳасиз, деярлик, олти асрга тенг вақт давомида ўзбек адабий тили сўз хазинасида содир бўлган жараёнларни тўлалигича очиб бериш масаласи ўта масъулятли ва захматли вазифа бўлиб, у тадқиқотчидан минг-минг лексик бирликларни, уларнинг функционал, семаптик, этимологик нозикликларини назардан ўтказиш, улар устида соатлаб бош қотиришни талаб этади.

Ушбу тадқиқотда ўзбек адабий тили лексикасининг XIV аср иккинчи ярми- XX аср бошидаги ҳолати ва ундаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар асосида бўлиб ўтган жараёнлар борасидаги масалани мутлақ ечиш мудаоси мақсад қилиб қўйилган эмас.

Тадқиқотдан кутилаётган натижа ўзбек адабий тили лексикаси бўйича бажарилган изланишларни эътиборга олган ҳолда, олти асрлик лексик таркибнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини умумий планда кўрсатишдан иборатдир.

XIII аср биринчи ярмидан XIV асрнинг 60-йилларига қадар Мовароуннаҳр мўғуллар истибдоди остида қолди. Забт этилган худудларда қисқа муддат ичида татар-мўғулларнинг маҳаллий туркий халқлар билан аралашуви ва уларнинг туркийлашуви содир бўлади. Мўғуллар тобе юртлар аҳолиси билан ассимиляция бўлиши қатори ўтроқ халқ дини ва тилини қабул қиладилар. Туркийлашув жараёнининг қанчалик тез ва сезиларли кечганини XIV асрдаёқ Жўжи улуси (Олтин Ўрда) ва Чигатой улусида туркий адабий тилнинг шаклланишидан кўриш мумкин. Тобе юртлар маданияти, дини, тилини қабул қилиш натижасида мўғуллар қисқа муддат ичида ўз она тилини унутдилар. Мўғуллардан фақат ном ва уларга хос анъаналар сикланиб қолди.⁴ Мўғул тилига хос муайян лисоний элементлар туркий тиллар тизими томонидан ўзлаштирилди ва, асосан, лексик-семаптик сатҳда фаол қўлланишда бўлди.

XIV асрга келиб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, диний ҳаётда анча барқарорликка эришган Жўжи улусининг маданий миқозларида яшаб, ижод этган кўндан-кўп хоразмлик шоирлар, суғдишлар, олимлар, фозиллар Олтин Ўрдада Хоразм адабиёти, фани,

⁴ Гривин В. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и её падение. М., -Л. 1950. С. 66. Рахманалиев Р. Ф. Описание Тамерлана Великого. М. 1996. С. 3.

маданиятининг кенг илдиз отишига муносиб улуш қўшдилар. XIII-XIV асрларда Марказий Осий, Дашти Қипчоқ, Волгабўйи, Қирим ва мамлюклар Мисрида турфа мазмун ва ранг-баранг жанрдаги дунёвий ва диний адабиёт туркий тилда яратилди. Тил характериға кўра бу асарларнинг бир қисми нисбатан янги адабий тил тури ҳисобланган тиллар гуруҳиға мансуб бўлса, иккинчи қисми эса қарлук-уйғур адабий тилиға даҳлдор, нисбатан архаик тил бўлган д-з-з гуруҳиға тааллуқли эди.⁵

XIII-XIV асрларға оид бўлган ҳамда туркологияда “шаркий туркий”(К.Брокельман), “ўғуз-қипчоқ (қуйғур-қипчоқ”. “хоразм-туркий” (А.Самойлович), “қарлук-хоразм адабий тили”, “Олтин Ўрда адабий тили” (Н.Баскаков), “қипчоқ”(А.Баттол Тоймас, А.Инан), “мамлюк-қипчоқ “ (Я.Экман) “чигатой” (Р.Кўпрулу) “Олтин Ўрда-Миср адабий тили” (А.Нажип, Э.Фозилов), “ўғуз-қипчоқ адабий тили”, “Олтин Ўрда-Хоразм” (А.Нажип), “хоразм-туркий адабий тили”(Э.Тенишев) “эски ўзбек” (А.Боровков, А.Шчербак, Э.Фозилов) сингари номлар билан юритилган ва кенг омиллашган адабий тил эски ўзбек, эски татар, эски туркман, эски қирим-татар, эски озарбайжон, эски турк адабий тиллари шаклланиши ва тараккий этишида муҳим роль ўйнайди.⁶

Маълумки, ўзбек миллий тилининг шаклланишида XI-XII асрлар, яъни Шаркий Туркистон, Етгисув, Фаргона ва Қопғарни ўз ичига камраб олган Қорахонийлар салтанати даври алоҳида ўрин эгаллайди. Ягона ёзув ҳамда умумистеъмолдаги тилға эға бўлган Қорахонийлар давлатида қарлук ва уйғурлар етакчи мавқеға эға эдилар.

Сўғд ва Хоразмнинг юқори маданиятли халқларининг бирлашуви ўз ифодасини туркий адабий тилда ҳам топади. Н.А.Баскаков фикрича, ушбу тилнинг ривожланишида нафақат қарлук-уйғур диалекти асосида шаклланган шаркий, шунингдек кейинчалик ўғуз-қипчоқ диалекти асосида Хоразмда таркиб топган ғарбий адабий тилға сезиларли таъсир кўрсатган форс адабиётининг кенг қўламда ёйилиши маълум даражада туртки бўлган.⁸

Ўрта Осиё туркий тиллари ривожидеги ушбу жиҳат ўз равнақининг энг юқори чўққисига Темурийлар даврида эришган эски

⁵ Наджип Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. На материале «Хосрау и Ширин» Кутба. Кн. I. М. 1972. С.6.

⁶ Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. 2. Ташкент. 1971. С.9

⁷ Кляшторный С.Г. Эпоха Махмуда Капгагарского // Советская тюркология 1970 № 1. С.18-23.

⁸ Баскаков Н.А. Тюркские языки. М 1960. С.46.

Ўзбек адабий тили шакллангангунға қадар (XIV-XV) давом этди.⁹

Қорахонийлар салтанати адабий тили ва унинг асосида юзаға чиққан Жужу улуси адабий тили негизида Чигатой улуси адабий тили, яъни чигатой адабий тили вужудға келди. Бу адабий тил ўз шаклида буюк Алишер Навоий ижод қилган эски ўзбек адабий тилининг муқаддимаси сифатида эътироф этилади.¹⁰ Чигатой адабий тили Ўрта Осиёдаги бошқа қардош халқлар адабий тилларининг шаклланишиға сезиларли таъсир утказган.¹¹

Мовароуннахрнинг XVI асрда Шайбонийхон бошлиқ қўчманчи ўзбеклар томонидан забт этилиши, уларнинг Аму ва Сир ораллиғидаги ерларида жойлашуви бу ердаги ўтрок халқнинг на этник, на лисоний тилиниға таъсир қилди. Қўчманчи ўзбеклар ўзбек миллатининг шаклланишида на фақат асосий, балки етакчи элемент ҳам ҳисобланмади. Ўзбекистоннинг бугунги худудида қўчманчи ўзбеклар қадимдан ўз тилиға, маданиятиға эға бўлган қўчманчи туркийзабон аҳоли билан тўқнаш келдилар. А.Ю. Якубовский таърифлаганидек, қўчманчи ўзбеклар мақур туркийзабон халққа ўз номини берган эди, унинг таркибиға сўнги шакллантирувчи сифатида қирган эди.¹² Чигатойилар ва ўзбекларнинг бир-бириға зид қўйилишида Мовароуннахр ўтрок туркийлари ва қўчманчилари орасидаги юқоридаги фарқ ўз ифодасини топган. Қайд этилганлардан келиб чиқиб, эски ўзбек адабий тилининг қандай этник ранг-баранглик негизида шаклланганлигини тасаввур этиш мумкин.¹³

Маълумки, туркологияда чигатой адабий тили даври хусусида бир-бириға зид фикрлар мавжуд. Чигатой адабий тилини хронологиялаштиришда уч дунёқараш кўзға ташланади. Биринчи дунёқарашға кўра, чигатой адабий тили XV-XVI асрларда ўзининг мустақкам ўрнини эгаллаган ва 1921 йилға қадар фаолият кўрсатган.¹⁴ Иккинчи дунёқарашға мувофиқ, чигатой адабий тили XV-XVI асрларға оид китобий-ёзма тилға нисбатан қўлланган. Бу икки дунёқараш қаторида XV асрғача бўлган даврда яратилган манбалар

Баскаков Н.А. Тюркские языки. С. 48

Баскаков Н.А. Тюркские языки. С. 148; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных памятниках XI-XIV вв. Ташкент 1991. С.5.

Баскаков Н.А. Тюркские языки. С. 54; Тенишев Э.Р. Принципы составления исторических грамматик и истории литературных тюркских языков // Советская тюркология. 1988. №1. С.75

Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. М. 1941. С.3.

Артамошина В. Условия формирования и некоторые особенности языка среднеазиатских народов-предшественников А.Навои // Тюркско-монгольское языкознание и фольклористика. М. 1960. С.9

Самойлович А.П. К истории литературного среднеазиатского-турского языка. Мир-Алишир. Л. 1928. С.21-23; Eckmann Y. Cagatay manual. Bloomington 1966. S. 9-10

тилини чигатой тили, Ўзбек миллати шаклланиши даврида юзага келган тилни эса эски Ўзбек адабий тили деб номлаш ва бу тилни чигатой тилининг бевосита давомчиси тарзида эътироф этишни тавсия қилувчи учинчи дунёкараш¹⁵ ҳам ўртага ташланганлигини назардан қочимаслик лозим бўлади.

Қорахонийлар давридаги тил билан бир чизик бўйича тараккий этган¹⁶ чигатой тили (лафзи) ибораси илк бор Алишер Навоий асарларида қайд этилади: ... ва ҳар нэчўк қандаким, маъни анбарыға зийнат ва арайиш кўргузиб эрдилар, чығатай лафзи билә рақам урдым.¹⁷ XIX асрнинг 60-йилларида мажар турокологы Херман Вамбери «чигатой тили» ва «чигатой адабиёти» истилоҳларини илмий истеъфодага олиб қиради.¹⁸

Чигатой тили истилоҳи В.Радлов, Н.Ильминский, П.Мелиоранский ва ҳ.к.лар томонидан собик Чигатой улусида XIV-XVII асрларда шаклланган мумтоз адабий тилга нисбатан қўлланган. А. Самойлович фикрича, чигатой тили остида Чигатойилар ва Темурийлар даврида маълум даражада ўтруклашган ва туркийлашган кўчманчиларга хос жонли сўзлашув тилини ҳам тушуниш лозим бўлган.

Чигатой терминига оид икки маъноликка барҳам бериш мақсадида А. Самойлович Ўрта Осиё адабий тилини ифодалаш учун «ислом даври Ўрта Осиё турк(ий) тили» шаклини таклиф этади ва чигатой истилоҳи маъноси доирасини торайтириб, уни фақат Темурийлар даври мумтоз адабиёти тилига нисбатан қўлаш зарурлигини таъкидлайди. А.Самойлович тамойилларини маъқул қўрган Е.Аргамошина Отоий, Саккокий, Лутфий ва уларга замондош туркийгўй шоирлар тилини Темурийлар даври «Ўрта Осиё турк(ий) адабий тили» ёки «XV аср биринчи ярми Ўрта Осиё турк(ий) тили» деб юритишни маъқул кўради.

А.М. Шчербак «чигатой» ва «эски ўзбек тили» терминларини бир-биридан фарқлаш кераклигига тилшунослар диққатини тортиб, «эски ўзбек» истилоҳи билан жонли халқ тилининг назарда тутилишини, «чигатой» термини билан эса эски ўзбек тилининг

¹⁵ Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М, 1969. С.305-307; Роль уйгуро-карлукского литературного языка Караханидского государства в развитии литературных тюркских языков средневековья// Советская тюркология №4 1970. С.17-18.

¹⁶ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир//Ўзбек тили ва адабиёти. 1977 №4 25-6

¹⁷ Алишер Навоий. Мезонул-авзон Ўн туртинчи том. Тошкент. 1967. 135-6

¹⁸ Vambery H. Sogataische Sprachstudien. Leipzig. 1867. S. 6-7.

адабий шаклини тушуниш мақсадга мувофиқлигини кайдлайди.¹⁹

XX аср собиқ шўролар замонида ижод қилган туркологлар Темурийлар даврига хос ёзма адабий тилга нисбатан “чиғатой” ва “эски ўзбек” истилоҳларини параллель равишда қўллаб келдилар. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги иккинчи истилоҳни қўлланиш лозим топди.

И.А.Баскаков фикрича, чиғатой адабий тили тараққиётнинг уч диврини босиб ўтган: а) Ҳайдар Хоразмий, Отоий, Лутфий, Саккокий, Юсуф Амирий, Мирза Гадоий, Саид Аҳмад, Якиний асарларида ўз ифодасини топган (XIV-XV аср биринчи ярми) эртачиғатой адабий тили; б) Навоий, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Солих, Шайбонийхон, Убайдий асарларида қайд этилган классик чиғатой адабий тили (XV аср иккинчи ярми-XVI аср биринчи ярми); в) бир томондан эски ўзбек тили, иккинчи томондан эски уйғур тилига бўлиниб кетган кеччиғатой адабий тили (XVI асрнинг иккинчи ярми-XIX аср). Қайд этилган даврларни тавсифлаш асносида олим эртачиғатой ва классик чиғатой даври тилининг ўзбеклар ва уйғурлар учун умумий ва фақат кеччиғатой даври бир томондан ўзбеклар, иккинчи томондан уйғурлар учун специфик характерда бўлганлигини ургулайди (Введение в изучение тюркских языков.М., 1962.С.132).²⁰

Г.Ф. Благова “чиғатой тили” истилоҳини “эски ўзбек тили” терминидан фарқлаш зарурлигини тавсия этади. Унинг фикрига кўра, “чиғатой” термини “эски ўзбек тили” терминига нисбатан кенгрок маъно касб этиши, шу сабабли XII-XVI асрларда битилган ёзма обидалар тилини “эски ўзбек тили (ёки қадимги ўзбек тили)” термини билан эмас, балки “чиғатой” истилоҳи билан номлаш керак.²¹

Қозок тилшуноси А.Кайдаров мулоҳазасига кўра, ўртачиғатой ёки классик чиғатой тили сингари илк эртачиғатой тили ҳам узоқ вақт мобайнида Ўрта Осиёнинг барча халқлари учун умумий адабий тил сифатида хизмат қилган. Айни чоғда араб ва форс тиллари таъсирига ким учраган жонли сўзлашув тиллари ёзма адабий тилдан сезиларли фарқланган.²²

¹⁹ Қаранг Шербак А.М Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1960. С.7.

²⁰ Артамошина Е. Условия формирования и некоторые особенности языка среднеазиатских поэтов-предшественников А.Навои// Тюркско-монгольское языкознание и фольклористка. «Восточная литература». М. 1960. С.8.

²¹ Қаранг Благова Г.Ф. Тюркский чигатай, русский чагатай (джагатай)// Тюркологический сборник М. 1971. С. 167-205.

²² Кайдаров А. Развитие уйгурского литературного языка. Алма-Ата, 1969. С.30.

22а Фазылов Э.И. Будалештская рукопись «Гуль и Навруз» Лютфи Ташкент. 2006.С.53.

Туркий тиллар тарихи ва манбашунослик бўйича атоқли олим Э. Фозилов сўнгги тадқиқотларидан бирида Ўрта Осиё ҳамда унинг ташқарисидаги халқлар адабий тилининг шаклланишида кучли таъсирга эга бўлган, айти пайтда, ўзи ҳам қардош на ноқардиндош тиллар элементларини муйян даражада қабул қилган, Лутфий ижод этган давр тилини туркий адабий тил тарзида номлайди^{22a}

**Ўзбек адабий тили лексикасининг
Алишер Навоийгача бўлган даврдаги тараққиёти
(XIV аср иккинчи ярми- XV аср биринчи ярми)**

XIV аср иккинчи ярми- XV аср биринчи ярмида ўзбек адабий тили лексикасида содир бўлган асосий жараёнлар

Ўзбек адабий тили ва унга хос лексик таркибнинг шаклланиши ҳамда ривожланишида XIV аср иккинчи ярми- XV аср биринчи ярми алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу давр адабий тилдаги ранг-баранг услуб ҳамда жанрларнинг шиддатли тараққий этиши билан характерланади. Ўзбек адабий тили лексикасининг кейинги тараққиётида бу давр алоҳида ўринга эга бўлди. Ҳозирги ўзбек адабий тили лексик тизимида мавжуд бирликларнинг муайян қисми айни кийд этилган даврга мансубдир.

Навоийгача бўлган лексик тараққётдаги асосий жараёнлар, албатта, шу даврда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бевосита алоқадор. Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Шарқий Туркистон каби худудларда XIV аср иккинчи ярми- XV аср биринчи ярмида юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги жиддий ўзгаришлар XIV асрнинг ўрталарида сиёсий майдонга чиқиб, Мовароуннаҳрда бир ярим аср давом этган мўғул хонлари зулми ва истибдодига барҳам берган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан кучли, марказлашган, мустақил давлат барпо этишдек олий мақсадга бор куч-ғайратини, билимини, истеъдодини, қобилиятини бағишлаган, ўз гоёларининг ушалиши йўлида Дашти Қипчоқ, Жата, Хоразм, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Шом, Кавказ, Кичик Осиё, Миср каби мамалакатлар ва юртларга ҳарбий юришлар қилган улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур асос солган салтанат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Амир Темур феодаллар мулкини ягона давлатга бирлаштирди ва марказлашган салтанат барпо этишга муяссар бўлди. Ҳокимият тахтига Шоҳруҳ келгач, салтанат ўз бутунлигини сақлашга муваффақ бўлган эрса-да, амалда бир пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон ва иккинчи маркази Самарқанд ҳисобланган Мовароуннаҳр давлатлари мавжуд эди.

Эътироф этиш жоизки, “Темурийлар деб юритилган Темур порислари ҳақиқий маънодаги маърифатли кишилар бўлган. санъат ва



фаннинг йирик ҳомийлари эди. Ҳиротни пойтахт этган Темурийлар бу шаҳарда ажойиб бинолар бунёд қилган ва санъат, адабиёт, фалсафа, ҳаттотлик, меъморчиликда ўз ҳомийлигини кўрсата олган”.²³

Рўйи заминнинг том маънодаги сайқалига айланган Самарқандда Темурийлар даврида Ўрта аср Ренессансининг буюк жавоҳирлари, яъни ҳозирга қадар жаҳон афкор оммасини ҳайратга солиб келаётган Шоҳи Зинда, Ғўри Амир, Регистон, Бибиҳоним сингари архитектура мажмуалари барпо этилди. XV асрда Париж фанлар академияси билан бир вақтда Самарқанд академиясига асос солинди.

Иқтисодий, ҳарбий ҳамда ижтимоий муносабатлардаги муайян ўзгаришлар турли билим соҳалари ривожини такозо этар эди. Шу нуқтаи назардан математика, астрономия, жуғрофия каби аниқ фанлар қатори тарих, адабиёт ва тилга доир асарлар пайдо бўлади. Тадқиқ этилаётган даврга хос асосий манбалар сирасига Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Кутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Маҳмуд ибн Али ас-Саройининг “Наҳжул-фародис” каби деярли бир худудда ва айни адабий тилда битилган ҳамда Саккокий, Дурбек, Яқиний, Гадоий, Хўжандий, Отоий, Амирий, Лутфий сингари шоирлар қаламига мансуб асарлар киради. Эътироф этиш лозимки, Темури Темурийлар даврида тарих фани жадал ривожланганлиги билан ажралиб туради. Асосан форс-тожик тилида таълиф этилган Низомуддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ғиёсуддин Али, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофиз Абру ва ҳ.к. тарихнавислар гомонидан қолдирилган мерос нафақат ўзбек халқининг тарихи, балки тилини тадқиқ этишда зарурий манбалардан бўлиб хизмат қилди.

Мазкур асарлар, уларга хос лисоний хусусиятлар ҳақида туркологияда етарлича мулоҳазалар мавжуд. Шу боис бу жиҳат хусусида такроран фикр баён этиш ўзини унчалик оқламайди.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқда юз берган туб ўзгаришлар ижтимоий, илмий ва маданий ҳаётнинг турли қирраларида ўз аксини топади. Бу ўзгаришлар эски ўзбек адабий тили тизимига, айниқса, жамиятда юз берувчи ҳар қандай ўзгаришга ўша заҳоти муносабат билдирувчи лексик таркибига сезиларли таъсир кўрсатади.

Тадқиқ этилаётган давр манбалари тилида эски ўзбек адабий тили лексикаси таркибида маълум маънода бир-бирига зид турувчи

²³ Ўзбекистон халқлари тарихи 1-жилд. Тошкент. “Фан” 1992. 163-бет.

умумтуркий ҳамда фақат эски ўзбек адабий тили учунгина мансуб бўлган лексикани ўзаро фарқлаш лозим бўлади.

XIV аср иккинчи ярмидан эътиборан олдинги лисоний узуснинг ўнгири бошлаши кузатилади. Лексикада умутуркий ва эски ўзбек адабий тилига хос қатламлар яққол фарқлана бошлайди. Айни чоғда шунингдек ўз ўрнини эгаллашга жиддий киришган ўзбек адабий тили хос лексемалари катори ҳали анча мустаҳкам мавқега эга бўлган умумтуркий лексика ўртасида луғат таркибида сақланиб қолиш учун ўзини хос қарама-каршилиқ, ифодали қилиб айтганда, мусобақа юзага чиқади.

Бу “мусобақа”да ҳар икки тараф ўз мавқеини имкони борича суяштирамаслик тадорикида бўлган.

XIV асрнинг иккинчи ярмида эски ўзбек адабий тили лексикасида қадимги туркий (VII-X) тил ҳамда эски туркий тил илк шариғи (X-XII) тегишли умумтуркий сўз бойлигининг сон жиҳатидан кўпчилиги, қўлланиш жиҳатидан эса анча фаоллиги кўзга ташланади.

Ашъвий далилларга мувожаат этайлик. Қутбнинг Берке Факих гомонидан 1383 йили Мисрнинг Александрия шаҳрида кўчирилган, ҳозирги кунда Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган “Хусрав ибн Ширин” асари ягона нусхаси матнида 2500 лексема ишлатилганлиги проф. А.Нажиб гомонидан ўз вақтида аниқланган эди. Асар лексикасининг диалектал белгисига кўра таснифи манба тилида ишлатилган сўз бойлигининг 38% умумтуркий характердаги лексемалардан ташкил топганлигини кўрсатади. Қолган асосий қисмини эса ўғуз ҳамда кипчоқ элементлари ташкил қилади.²⁴

Олтин Ўрда ва Хоразм тили хусусиятларини ўзида мужассам этган мазкур ёднома тилидаги лексик бирликлар Сайфи Саройининг “Тулстон бит-туркий”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асарлари сўз бойлигидан сезиларли фарқланса, иккинчи томондан 1310 йили Хоразмнинг Работўғуз мавзеида Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий томонидан битилган “Қисаси Рабғузий”, Маҳмуд ибн Ас-Саройининг “Наҳжул-фародис”, муаллифи номаълум “Тафсир” лексикасига жуда яқин туради.

Умутуркий характердаги лексиканинг муайян қисми Нисонийгача бўлган эски ўзбек адабий тилида ўз фаоллигини сақлаб қолган ҳолда, бошқа бир қисми эса маълум даражада архаиклашган. Архаик лексемалар аксарият Қорахонийлар даври бадий-лисоний шеъраларини ўзида сақлаб қолган обидалар тилида кўринади.

²⁴ Қдрини Наджиб Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века... С.48.

Структур жиҳатдан архаизмларни туб ҳамда ясамаларга тақсимлаш лозим бўлади. Биринчи гуруҳ архаизмларга: 1) мавхум маъно англатувчи изи “хўжайи; Аллоҳ”, эрдām “билим”, асығ “фойда”, ал “макр, хийла”, булун “асир, тутқун, банди” ва ҳ.к. 2) инсон фаолияти, табиий, маиший тарзи билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи ағ “тўр, тузок”, а́тмāk// этмāk “нон”, сў “лашқар, кўшин”, қулавуз “йўлчи, йўл бошловчи”, йул “булоқ, чашма”, иг “касаллик, дард”, тиши “ургочи; аёл киши”, қумаш “қўйнак, кийим”, ид “ҳид”, ил “йил” ва ҳ.к.; 3) анатомик тушунчаларни англатувчи а́л//эл “қўл”, азақ “оёқ”, боз “бой”, айа “кафт”, авуч “ҳовуч” ва ҳ.к. 4) зоологик тушунчаларни билдирувчи инāk “сигир”, уй (<уз< уд “сигир” ва бошқа лексемалар тааллуқли бўлса, иккинчи гуруҳ архаизмларига: 1) ясама (аффиксация йўли билан ҳосил қилинган) отлар сўнў “найза”, йазуқ “гуноҳ”, йармақ “пул. ақча”, қузуч “қудук”, элиғ//илиқ “қўл”, чимган “ўтлоқ, майсазор”, табуғ//табуқ “хизмат”, билиқ “илм, билим”, оглак “улоқ, ашлығ “дон” ва ҳ.к.; 2) феълнинг функционал шакллари бўлиш “ўлим, қазо” (отлашган), йэмиш, “хўл (тар) мева” (отлашган), барғу “бориш, сафар қилиш”, сақынғу “эхтиёт бўлиш”, кўчғу “кўчим, кўзгалиш”, битигли “ёзилган, битилган”, кэчигли “ўтган, кечган”, йарағлы “ярайдиган” ва ҳ.к.; 3) ясама феъллар а́зарла=“эгарламоқ”, тунгқа=“хурмат қилмоқ”, қабса=//қамса= “қамал қилмоқ, қуршамоқ”, иглаң= “касалланмоқ”, бит= “ёзмоқ”, бити= “битмоқ, ёзмоқ” тара= “экмоқ, сепмоқ”, ыз= “юбормоқ, жўнатмоқ, отлантормоқ”, йитўр= “йўқотмоқ, айрилмоқ” ва ҳ.к.; 4) морфологик усул билан ясалган ва белги-хусусиятни ифодаловчи лексемалар итиғ “ўтқир, кесқир” татлығ “тотли, мазали” ва ҳ.к. лексемалар тегишли бўлган.

Эътироф этиш лозимки, қайд этилаётган даврга хос баъзи манбалардаги архаиклашган лексемалар кейинги пайтларда фаоллашган вариантлари билан ёнма-ён, параллель қўлланилини кўриш мумкин. Масалан; азақ ва айкақ «оёқ», боз ва бой “бўй, гавда қомат”, узы= ва уйу= “ухламоқ”, ай= ва айт= “айтмоқ, демок”, қазғу ва қайғу “қайғу, ғам, алам”, йапуғрақ ва йапрақ “барг, япроқ”, йа ва йай “ёй, камон” ва ҳ.к.

Алишер Навоий ижодиётигача бўлган давр ўзбек адабий тили лексикасида олдинги замонлар тилида қўлланишда қузатилмаган ўзбек адабий тили бошқа қардош туркий адабий тиллар қатори ўз таракқиёт босқичига кирган паллада унинг базасида вужудга келган лексик бирликлар алоҳида аҳамият касб этади.

Миллумки, ҳар қандай миллий адабий тилга хос метёрлар ҳамда лексик тизимнинг таркиб топишида расмий ҳужжатлар тили муҳим ўрни таллашди.

Мансуб билан таъкид этиш жоизки, ўрганилаётган даврга тааллуқли кўнгилга расмий ҳужжатлар асосан форс-тожик тилида битилганилиги сабабли амалий тил лексикаси хусусида батафсил мулоҳазани билдириш борасида маълум қийинчиликлар юзага чиқади. Шунга қирамай бизгача етиб келган баъзи бир хон ёрликлари мавжуд мушкулни бироз бўлса-да енгилаштириш учун хизмат қилади. Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамышхоннинг Польша қироли Ягайло (1392)га қўлланган хаги, Темур Кутлугнинг 1397 йилга оид ёрликлари²⁵ XIV аср олдинги ўзбек адабий тили расмий лексикаси хусусида фикр юритиш имконини беради. Ёрликлар лексикасидаги соф туркий қатлам таркибига назар ташланар экан, унда эски туркий тилда мажуд бўлмаган, фақат эски ўзбек адабий тили сўз бойлигида фаол бўлишида қузатилган бир қатор лексик бирликларни кўриш мумкин. Масалан: йарғучы “судья, қози”, тумән бэги “туман ҳокими”, шаҳар бэги “шаҳар ҳокими”, тартнақчы “тарозибон”, буйқўл “нархчи”, йамчы “почтачи, алоқачи”, анбарчы “омборчи”, йасакчы “божмон, солиқчи”, қушчы “қуш билан ов қилувчи”, барсчы “барс овловчи”, ақтачы “от боқар” каби турли мансаб, рутба номлари, салығ//салық “жон солиғи”, тартнақ “тарози ҳақи солиғи”, қарауллуқ “соқчи ҳақи, соқчилик солиғи”, йол ҳақы “йўл солиғи”, табанлуғ “тобе кишилардан ундириладиган солиқ”, тирханлык “тархон солиғи” каби солиқ ва ўлпон маъноларини ифодаловчи терминлар шулар жумласидандир.

Эътироф этиш жоизки, фақат эски ўзбек адабий тилига мансуб янги лексемалар нафақат расмий ҳужжатлар, ёрликлар, шунингдек бадний адабиёт тилида ҳам кенг қўламда ишлатила бошлаган. Ушбу лингвистик ҳолатни XIV аср иккинчи ярми ва XV асрда Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда ўзининг янги ривожланиш босқичига кирган эски ўзбек адабий тилга оид, жумладан, Мовароуннаҳр худудидида д/з тилда ёзилган сўнгги асар, яъни “Қисаси Риббуний”дан кейин й-тилда бунёд этилган Дурбек каламига хос “Юсуф ва Зулайҳо” асаридан эътиборан қузатиш мумкин. Поэтик тилининг жонли халқ сўзлашув тилига яқинлиги билан муҳим аҳимиятга молик бу дostonда қадимги туркий тил ва эски туркий тил

²⁵ Қўрағи Ярлыкь Хава Золотой Орды Тохтамышша к польскому королю Ягайлу 1392-1393 года. Илдан князем К. М. Оболонским. Казань. 1850; Березин Н. И. Ханские ярлыки. II. Тарханные ярлыки Тохтамышша, Тимур-Кутлука и Саадет-Гирея. Казань. 1851.

манбаларида қайд этилмаган туб ҳамда ўзлашма лексик бирликлар, изофалар, изофали бирикмалар, қоришиқ лексемалар қўлланган. Достон лексикасининг нафақат Ўрхун-Энасой, илк эски туркий тил (XI-XII), ҳатто XIII-XIV аср эски туркий тил, жумладан, Хоразм обидалари тили суз бойлиги билан муқоясаси муайян лексемаларнинг фақат Дурбек асари лексик хазинасида дастлаб ишлатилганлигини кўрсатади. Бундай хос лексик бирликлар сирасига қачқак “қочоқ”:

Илики эгри, ёзи қачқак эрўр,

Барча йаманлық ичидә тақ эрўр (25-4),

атака // атка “тарбиячи, мурабий”:

Жами атака=у энәгани ҳам,

Ким эдилар барчаси хас=и ҳарам (37-12),

энәга , ўй қызы “канизақ, жория”:

Дәди Зулайҳаға бу ўй қызылары,

Йусуф=и Сиддик кәләдур бу сары (92-3)

ва ҳ.к. бирликлар оиддир. Салтанат иктисодий-сиёсий ҳаётида содир бўлган ўзгаришларнинг эски ўзбек адабий тилида акс этишини тасдиқловчи ашёвий далил сифатида “Юсуф ва Зулайҳо” матнида давлат хазинасига тушиши лозим ҳисобланган солиқлардан бирини ифодаловчи мал терминини келтириш мақсадга мувофиқ:

Шаҳ=и Йаман фикр қылыб бималал,

Сақи=йу хаббазга йубарды мал (63-3).

Асарда ижтимоий ҳаёт тарзи билан бевосита боғлиқ қатор тусунчаларни аңлатувчи бирикмалар ҳам мавжудки, улар олдинги давр қўлёзма обидаларида қайд этилмайди. Масалан: “зиндонийлар, банди қилинганлар» семемасининг “Қисаси Рабғузий” асарида зиндан халқы бирикмаси билан аңлашилганлиги аён: Мэн тэлим йыллар болды бу зиндан халқы бирлә оғрандим (91v16). Қайд этилаётган маънони ифодалаш мақсадида Дурбек бирикманинг иккинчи компонентини эл сўзи билан алмаштиради ва зиндан эли шаклига олиб келади:

Ҳар нәки зиндан эли көрсә баҳаб,

Барчаға табир қылыб дэр жаваб (Юсуф ва Зулайҳо, 70-75).

Шу ўринда эски ўзбек адабий тилида “маълум бир мамлакат, юртда биргаликда яшовчи аҳоли” семемасининг халқ лексемаси зиммасига юклатилиши боис даражаланиш муносабати нуқтаи назардан “гурух, жамоа, тўда” маъносини ҳам билдирувчи эл лексик

бирлигининг Дурбек томонидан бирикма таркибига олиб кириш сабабини аңлаб етиш унчалик мушкуллик тугдурмайди.

Достонда зикр этилган семемани билдириш йўлида шунингдек зиндоний ўзлашмасидан ҳам фойдаланилган. Натижада, зиндан эли ва зиндоний синонимик қатори вужудга келади. Бироқ, ушбу лексик бирликларнинг маълумларнинг биринчиси иккинчисидан кўплик ҳамда бирлик шаклидан ўзаро фаркланади. “Зиндон соқчиси, кўриқчиси” семемасини ифодаловчи зинданчы қоришиқ лексемаси биринчи бор “Қисаси Рабғузий”да қайд этилган: Зинданчы: Йусуф тонын чықарылың, қурыны йазалың,- тәди (87r16). Дурбек асарида бу қориниқ термин қўлланишда давом этади.

Чарлады зинданчыға деди:- Раван

Барғын-у зинданға кир ушбу заман (54-55).

Айни пайтда достон муаллифи асар жозибадорлигини ошириш, баднийлигини турфа қилиш мақсадида зинданбан ўзлашмасини матнга олиб қиради:

Кирди-у зинданда бу зинданбан,

Дәдики, -Йусуф, сәна айлай айан (53-53).

Тарихий –бадий асарлар ҳукмдор саройида турли мансаб ишлари хизматда бўлганлигидан далолат беради. Жумладан, ҳукмдор учун тайёрланадиган таомлар ва ичимликларнинг сифати, инсон ҳаёти учун хавфсизлигини таъминловчи мутасаддлар эски туркий тил обидаларида ашчы “ошпаз”, аяқчы “соқий” истилоҳлари билан номланган: Ул икәгүнің бири Раййан маликнің ашчысы эрди, йана бири аяқчысы эрди (ҚР, 87v12). Дурбек достонида “соқий” маъносининг на фақат аяқчы, шунингдек кейинчалик “сув ташувчи, ҳаммол” маъноси касб этган сувчы ислоҳи билан ҳам аңлашилганлигини кўрсатади, дейиш мумкин бўлади.

XIV асрнинг иккинчи ярми- XV аср бошида расмий тил вазифаси кенгайиши қатори мулоқот тилининг бош лексик фонди ҳисобланмиш ўзбек тили ўз лексикаси ролининг сезиларли даражада кучайиши ва кенгайиши кузатилади.

Маъмур давр адабий тилига халқ тилига оид сўзлар шиддат билан кириб кела бошлайди. Бу ходиса асосан турли жанрларда майдонга чиққан бадий адабиётда ўз ифодасини топади. Уларда авунчақ “ошунчоқ эрмак”, йаратқан “Аллоҳ”, көрк “жамол, хусн”, көзгү “кўнгу,ойна”, чырак “чироқ”, йағы “душман,ғаним”, кәнәтә “тўсатдан, бирдан, ногоҳ”, сайран “хушвақт, хурсанд”, уруғ “насл”, иул-қиз “фарзанд”, босаға “остона”, энәгә “энага,тарбиячи”, қайчы “қайчи”, аяқ тутқучы “соқий” каби мавҳум, инсонлар қундалик

турмуш тарзи, аниқ-маиший маъно касб этувчи кўпдан-кўп лексемалар, сзвун= “шод бўлмоқ, севинмоқ”, авун= “овунмоқ, хотиржам бўлмоқ”, чэвур= “айлантирмоқ”, йўклән= “ҳомила бўлмоқ”, қазған=“тўпламоқ, йиғмоқ”, чырға= “ўтказмоқ”, кўзлә= “мақсад қилмоқ”, қуч= “кучмоқ, оғушига олмоқ” каби феъл-лексик бирликлар кенг истеъмолда бўлган.

Таъкидлаш керакки, лексик таркибининг сўз ясовчи неологизмлар ҳисобига бойиши тил тараққиётининг у ёки бу даврига оид асосий лексик жараён ҳисобланади. Бироқ, лексиканинг бойиш тезлиги ҳар бир даврда бирдай бўлмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Тил шаклланиш босқичларида шундай вақтлар бўладики, унда ҳам ички, ҳам ташқи сабаблар боис янги сўзларнинг пайдо бўлиши ўта фаоллашади, нисбатан қисқа фурсат ичида тилнинг лексика тизими ўз ичига катта миқдордаги неологизмларни камраб олади²⁶. Навоийгача бўлган давр айнаи шундай лисоний ҳодисаларни юзага чиқарди. Темурийлар салтанати, Олтин Ўрда хонликларида содир бўлган турфа ўзгаришлар бу жараёнга таъсир ўтказди. Натижада, ўзбек адабий тилида қатор янги сўзлар тизими вужудга келди.

Ушбу даврга хос етакчи лисоний жараёнлардан бири сифатида ўзбек адабий тили лексик таркибининг ўзлашмалар ҳисобига бойишини қайд этиш мақсадга мувофикдир.

Гарчи XII-XIII аср адабий тилининг шаклланишида ўзга тиллардан кириб келган ўзлашмаларнинг сезиларли ролини таъкидлашга шу даврга тегишли қўлёзма манбалардаги фактик материаллар изн бермаса-да, бу фикрни XIV аср иккинчи ярмидаги ўзбек адабий тили лексикаси позициясидан туриб бемалол айтиш мумкин. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида рўй берган кескин ўзгаришлар оқибатида макон ва замонда янги-янги нарса-предметлар, улар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалаш мақсадида янги сўзлар ўзбек тилига қиради. XII-XIV аср биринчи ярмида араб, форс-тожик ва мўғул тилларидан ўзлашган ўзлашмалар қатори XIV аср иккинчи ярми-XV биринчи ярмида янги ўзлашмалар ҳисобига янада кенгайди. Бу жараён Алишер Навоий даврида ўзининг чўққисига чиқади.

²⁶ Қаранг: Сорокин Ю. С. Развитие словарного состава русского литературного языка. 30-90 годы XIX века. М., -Л. 1965. С. 180.

Лексиканинг бойиши

XIV аср иккинчи ярми – XV аср биринчи ярмида юз берган ўзгаришлар, юқорида таъкидланганидек, фан, техника, илм, маданият ва ҳ. к. соҳасида пайдо бўлган янги маъно ва нарса-предметларни ифодалаш учун тилда янгидан-янги лексемаларнинг яратилишига тўғрив бўлди. Бу давр тил лексик таркиби бир қанча янги сўзлар ҳисобига кенгайди. Лексик таркибнинг бойиши асосан икки йўл, яъни ўзбек тили асосида сўз ясаш ҳамда хорижий тиллар лексикасини ўзлаштириш орқали рўёбга чиқди.

Лексиканинг янги ясамалар билан тўлдирилиши

Навоийгача бўлган ўзбек адабий тили лексик таркибининг шаклланишида кўрилаётган давр муҳим аҳамиятга эга. Бу давр тил луғат таркибининг асосий бойиш манбаларидан бири ҳисобланади. Айни мана шу даврда бир қанча сўз ясовчи моделлар фаоллашди ва бу ҳолиса кейинги даврларда ҳам ўз кучини сақлаб қолишга эришди.

Мазкур даврда сўз ясашда фаол қатнашган сўз ясовчи моделлар сирисига қуйидаги қилипларни киритамиз:

1. Тилнинг аввалги босқичларидаги сингари мавҳум от ясовчи қадимий -лығ, -лиғ // -лык, -лик // -луг, - луг // -лук, -лук форманти²⁷ интироқида ҳосил қилинган янги сўзлар – баҳадурлук “ботирлик, кяхрамонлик”, тириклик, йаманлык, кўнўл хушлуг, пасткашлик, раятлығ, надимлик, диваналык, тоқлук “туқлик, фаровонлик”, қиҳатлык “очлик” ва ҳ.к. дериватлар ўзбек тили сўз бойлигидан муносиб ўрин эгаллайди.

Қайд этилган формант бу даврда белги, хусусият, ҳолат англатувчи сифатлар ясашда ҳам фаоллик кўрсатган – паришанлык “ўйчан”, зарарлык “зарарли”, дардисарлык “дардисарли”, жибалык “жибали, совутли”, сарв бойлығ “сарв (тик) қоматли” ва ҳ. к.

Қадимги туркий тил ва эски туркий тилда мавҳум отлар ҳаракат номи ясашда нисбатан сермахсул бўлган -(ы)ш, -(и)ш // -(у)ш, -(ў)ш форманти кузатилаётган давр ўзбек адабий тилида ўз фаоллигини йўқотгани сўзиш “ҳолат”, санчыш “жанг, уруш”, барыш “ташриф” каби баъзи сўзларни ясашда намоён бўлади. Бу аффикснинг каммиҳсуллиги Навоий даврида ҳам сақланиб қолади²⁸.

²⁷ Ушбу аффикснинг мавҳум от ва сифат ҳосил қилиш характериға эгаллиги илк бор Маҳмуд Қошиқрий томонидан таъкидланганлиги туркологияда яхши маълум.

²⁸ Қўрнинг Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент. “Фан” 1984 75-6

Айни чоғда изланилаётган даврда мавхум от (харакат номи) яса-шда -мақ / -мақ формантининг²⁹ улуши ортади – йығмақ “йиғиш, тўплаш”, ачылмақ “очилиш, равшанланиш”, бакмақ “қараш, назар таплаш”, ақмақ “оқиш, тўкиш”, чалмақ “чалиш; овоза солиш”, сепмақ “сепиш; азоблаш”, қачмақ “қочиш, кетиш” ва х.к.

-чы, -чи аффиксли шахс отининг салмоғи Алишер Навоийгача бўлган даврда ҳам юқорилиги билан диққатни жалб этади. Ушбу формант ёрдамида ясалган ясама сўзларнинг кенг қўламда ишлатилиши -чы / -чи аффиксининг нафақат туркий, балки ўзлашмаларга ҳам қўшилиб дериват ҳосил қилиш қобилятини сақлаб қолганлиги билан изоҳланади. Масалан, йайчы “камон ясовчи уста; ёйчи”, атымчы “мерган”, боғачы “гириш ип”, ойнағучы “раққос, уйинчи”, аяқ тутғучы “соқий”, жафачы “жафочи, озор берувчи” ва х.к.

Морфологик йўл билан ҳосил қилинган хос эски ўзбекча дериватлар хусусида мулоҳаза юритганда, XIV–XVI аср ҳам эски ўзбек тили, ҳам форс-тожик тилида таълиф этилган бадиий, тарихий асарлар матнида фаол қўлланган элчи, айтқачи, эшик ағасы сингари терминлар қатори ҳукмдор саройида хизматда бўлган турфа мулозимлар умумий номини ифодаловчи ички истилоҳи борасида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Форс-тожик тилидаги ёдгорликларда ичкиян (Ҳабибус-сийар; “Абдалланома” ва х.к.), ўзбекча манбаларда ичкиләр (БН, ШН ва б.) кўплик шаклига эга бўлган термин таҳлил этилаётган давр обидаларидан дастлаб Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” асарида қайд этилади:

Дэди ичкилари: э гул’узәр,

Жанэ азиз айлали сэңа нисар. (54-9).

Ёдгорликларнинг далолат беришича, ички лар зарурат туғилган вақтда ҳарбий ҳаракатлар, жумладан, жангларда ҳам фаол қатнашган. “Бобурнома”даги қуйидаги фактик материалларга эътибор қаратамиз: Ғолда Қасим бэг ва йана ба’зи йавуқ ичкиләр эди ёки: Болған абдаи йигитларни ва ичкиләрни тамам иравулгә битилиб эди (БН, 145). Ичкиларнинг муҳорабаларда бевосита қатнашиши Муҳаммад Солиҳ томонидан ҳам бир неча қатла баён этилган:

Йана бир ичкиләридин Чалбаш,

Ул дағы йахшы кылур эрди сивани (ШН, 138-14)

Эски ўзбек адабий тилининг Навоийгача бўлган лексик хазинасида икки отнинг аниқловчилик муносибати киришуви натижасида ҳосил бўлган туркий изофалар миқдорини кўпчилиكنи ташкил этади.

²⁹ Қаранг: Кононов А. П. Грамматика старомонгольского и древнетюркского литературного языка. М.-Л. 1966. С. 115-116.

Аналогично акцентининг бир тури ҳисобланмиш изофа бирикмасининг биринчи, маълумки, қадимги туркий тилга бориб тақалади. Лекин шу изофа бирикмадан келиб чиқиб берилган лозимки, қадимги туркий тилда туркий изофа бирикма билан чиқарувчи компонентларнинг белгили бўлишли шакли билан ҳам кулланилганлиги, эски туркий тил обидаларида эса, нисбатан кўпроқ ишлатилиши билан характерланади.

Эски ўзбек тилининг тадқиқ этилаётган давр ёдгорликларида сўз бирикмасининг бу тури муайян ўринларда мавжудлиги билан шундайтагага эътибордир. Чупончи, Тэңриниң амры “Аллоҳнинг буй-буйи”, Атафит мулкиниң султаны “гўзаллар гўзали, жонон”, Тэңриниң мажирасы “ғам, андух”, улусның пādшāхы “хукмдор, да-даш бошини”. дунйаның ашқāлы “жаҳоннинг сура (шакл)лари” биригари изофали бирикмалар “Юсуф ва Зулайхо”, “Даҳнома”, “Гул ва Мағруф”, “Гваншпукнома”, “Гулшанул -асрор”, “Латофатнома”га бундан обидлар тилида ўз ифодасини топган. Шу ўринда изофали бирикма ушбу турининг насрий ёдгорликларда назмий асарларга қараганда фаолроқ эканлигини таъкидлаш керак бўлади. М., Бу туркий ми’мāры, бу шаклниң мухтариы, бу расмниң мубтадиы, бу харфиниң мураккиби, бу лафзниң мурааттиби, бу сирниң сāҳибзамири (Танг ва чоғир, 330v5) ва ҳ.к.

Давр манбаларида изофа бирикмасининг аниқловчи белгисиз бўлиб, аниқланмиш белгили бўладиган тури нисбатан тез-тез қулланганлиги билан характерланади. М., фалак гардиши “осмон, фалак”, шаҳр ичи “шаҳар ичи”, қавун ғуссасы “қовун соғинчи”, Тэңри қалāмы “Қуръони Карим”, Канāн улусы “Канъон мамлақати”, Тэңри йолы “Аллоҳнинг йул-йуриғи”, йэр йўзи “ер юзи” каби изофали бирикмалар “Юсуф ва Зулайхо”, сахар вақты “тонг-сахар”, хибни султаны “зулмат, қоронғулик, Рум эли “Кичик Осиё, тафаккур биҳри “уй, ҳаёл”, салāтин сарвари “хукмдор, султон”, шажāат мулки “ботирлик, мардлик, қахрамонлик” сингари бирикмалар “Латофатнома”, афлāк қушлағы “осмон, кўк”, адл эли “адолатлилар”, миҳнiт кўни “машаққат, қийинчилик вақти”, йармақ уны “танга жаранги”, иш кўни “жанг, разм куни”, уруш кўни “жанг, муҳораба куни”, тўн āбуусы “зулмат, қоронғулик, сахар шам’и “қуёш”га ўқшан изофалар “Даҳнома”, улуғлар қашы “буюқлар хузури” хусн ордины “гўзаллик, латофатлик”, малāхат кинвари “гўзаллик, офат-гажонлик”, кбнўл кушы “муҳаббат, севги, опиклик”, йигитлик ма-масумы “Йигитлик онлари” каби бирикмалар “Ташшпукнома” да ўз ак-тини топган.

Лексик таркибнинг ўзлашмалар ҳисобига бойиши

Навоийгача бўлган ўзбек адабий тили даврида чет тиллардан сўз ўзлаштириш асосий лисоний жараёнлардан бири эди. Ўзлашмалар ижтимоий-сиёсий, иктисодий, диний, ҳарбий соҳаларда, айниқса, яққол намоён бўлади. Қатор илмий, техникавий, ҳарбий ва маиший терминлар бу даврда оммалашади ҳамда тилнинг луғат таркибидан ўрин эгаллайди.

Маълумки, ўзлашма сўзларга, бир томондан, халқаро алоқалар натижаси, иккинчи томондан эса, тилни бузиш манбаи тарзида муносабатда бўлинган. Муайян минтақадаги қўшничилик, савдо-сотик, дипломатик ва ҳ.к. тарихий алоқалар у ёки бу тилда ўзлашмаларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Ўзлашмалардан ҳоли бўлган бирон-бир тилни топиш амри маҳол.

Ўзлашма сўзлар ўзбек адабий тилида ора-чорада жойлашадиган нарса бўлмай, балки ўзлаштирувчи тил томонидан фаол ўзлаштирилган объект мақомига эга бўлган. Ўзбек тили лексикаси тизимидан ўрин олган ўзлашмаларнинг каттагина қисми ўзлаштирувчи тилга хос сўз ясаш, сўз ўзгартириш ва шакл ясаш воситалари негизида ўз шаклини ўзгартирган. Бошқача қилиб айтганда, ўзлаштирувчи тил ўзига керакли сўзни ўзлаштирибгина қолмай, шунингдек ёт лексик материалга шаклий мазмун беради, уни қайтадан дунёга келтиради.³⁰

Бошқа қардош туркий тиллар сингари ўзбек адабий тили учун ҳам сўз ўзлаштириш характерли жараён ҳисобланади. XIV асрга оид ўзлашмаларнинг ўзбек адабий тилига кириб келишида форс-тожик ва араб тилидан туркийга қилинган бадиий таржималарнинг роли сезиларли эди. Форс-тожик тили бу даврда маъмурий, ҳуқуқий, тижорий, илмий, диний тушунчаларни ифодаловчи шарқ тиллари сўзларининг ўзбек адабий тилига ўзлаштиришида воситачи вазифасини бажаради. Ўзлашмаларнинг турли соҳа лексикаси таркибига кириши, табиий, кескин фарқланган. Хусусан, ҳарбий терминалогия сезиларли равишда мўғулча ўзлашмалар ҳисобига кенгайган бўлса, маъмурий, сиёсий, тижорий-молиявий, илмий, диний лексика эса асосан арабча, форс-тожикча ўзлашмалар ҳисобига бойинган.³¹

Умуман, туркий тиллар лексикасидаги ўзлашмалар хусусида мулоҳаза юритилганда уларни икки гуруҳга тақсимлаб таҳлил этиш ўзини оклайди.

³⁰ Қаранг: Доза А. История французского языка М 1956. С 135

³¹ Қаранг: Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент 1991 С.133.

1) вақимий (исломгача бўлган давр), бу гуруҳга санскритча, суғди ва хитойчи унсурлар хос;

2) инсобиати янги (исломдан кейинги ва мўғуллар истилоси даври), зақур гуруҳдан арабча, форсча-тожикча ва мўғулча ўзлашмалар ўрноқ эгаллайди.

Туркий тиллар сўз бойлигида сўғдча, санскритча, хитойча ўзлашмаларнинг пайдо бўлишига туркий халқларнинг жуда қадимдан суғд, хонд, хитой, хоразм халқлари билан яқиндан бўлган алоқалари мазмунли сифатида баҳо берилади.³²

Санскритча ўзлашмалар

Навоий ижоди давригача бунёд этилган эски ўзбек адабий тили шаклларида санскритча ўзлашмаларнинг микдоран ўта озлигини биз кўриб бурган статистик таҳлил яққол намоён этди. Таъкидлаш жоизки, вақимий туркий тил битигларида санскрит тилидан кириб келган сўзларнинг ранг-баранг бўлганлиги “Древнетюркский словарь”ни вақимий асосида дарҳол кўзга ташланади. Бунда, табиий, санскритдан ўзранишга қилинган таржималар муҳим роль ўйнаган. Эски туркий тилида санскритча ўзлашмалар сон жиҳатидан кескин қамайган. Кейинги даврларга келиб уларнинг аксарияти истеъмолда муқим ўрин эгаллашга муваффақ бўлолмаган. Туркий тилда сақланиб қолганлари ҳам деярли ўз сўзга айланиш даражасига яқинлашган.

Ишлатилар ўрганилаётган эски ўзбек адабий тили обидаларида “қўшми, лашкар” маъносини ифодаловчи **чэриг//чэрик** вазимисининг фаол қўлланишда бўлганлигини тасдиқлайди. Биринчи бор қадимги туркий руник битиклар сирасига карашли “Кули Чур” ва “Муюн Чур” ёдномаларида ишлатилган бу санскритча (ksatrika ДТС, 144) термин деярли барча манбаларда истеъмол қилинганлиги билан диққатни тортади:

Газат қылмакка Рума навжаванэ,

Чэрик гартдыки болса қахраманэ, (Ҳақиқатнома, 162 -7)

Терминнинг эски ўзбек адабий тилига қанчалик чуқур сингиб, ўранишиб олганлигини унинг эски ўзбек адабий тили қонуниятларига бўйсунган ҳолда сўз ясаш жараёнида фаол иштирок этганини ўзига хос лексик парадигманинг юзага чиққанида кўриш мумкин.

“Ул ва Наврўз” достонида терминдан туркийча –ла // –ла аффикси билан “лашкар тортмоқ” маъносини англаувчи **чэриклэ**= феъли шаклида: Адан пэдшәхы Йәман ханыга чэрикләгани (45v6).

Қаранг: Дадабаев Х. Қўрсатилган асар. 134-бет.

-мак // -мак аффикси иштирокида “қўшин тортиш, лашкар билан юришга чиқиш” семемасини ифодаловчи **чэрикләмак** ҳаракат номи лексемаси ҳосил қилинади:

Чэрикләмак болуб хаста көрүб ул,
Йуруди туттуруб ҳар сарыдын йол (45v10).

Достонда ўзлашма термин бир қатор ўз ва ўзлашма лексик бирликлар билан ўзаро синтагматик муносабатга киришади ва тубандаги термин-бирикмаларни юзага келтиради.

Чэрик йығмак “лашкар жамлаш, тўплаш”:

Йырак, ул көрди Навруз-и жаҳангир

Ки, шаҳ этгай чэрик йығмакқа тадбир (45v13);

XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек дидактик достончилигининг таракқиётига салмоқли улуш қўшган шоир Саййид Қосимийнинг “Ҳақиқатнома” асарида **чэрик йығ** = “лашкар тўпламоқ” бирикмаси ҳам қайд этилади:

Чэрикин йығды бихадд=у ниҳайат,
Қылыб ҳар бирига башқа инайат (166 -7).

“Гул ва Навруз” да :

чэрик башлат = “қўшинга қумондан этиб тайинламоқ”:

Йаман падшаҳы Наврузга чэрик башлатыб Адан султаныға отруйыбаргани (45r1);

чэрик ихтийары “лашкар қумондонлиги”:

Баҳрам=и хунҳар Навруз билә мажара қылыб чэрик ихтийарын озиға алғаны (45r6);

чэрик йаса = “лашкарни жанговар сафга тизмоқ”:

Йасады өз черикин шад=у хуррам,

Көрүб, аңлаб, билиб йанды ҳамул дам (46v7);

чэрик алды (аллы) “қўшин, лашкар авангарди (илғор қисми)”:

Чэрик аллын тўзубан тутты йолны,

Қаравул турғузуб тохтатты голны (47v6);

чэрик тохтат = “қўшинни тўхтатмоқ”:

Навруз ачығланыб чэрикни тохтатканы (47v4);

чэрикка көзи тўш = “лашкарни кўрмоқ”:

Қаравулға кэлиб эди Гул өзи,

Ҳамин ким бу чэрикка тўшти көзи (46v4);

чэрикни чэнә = “лашкарнинг сонини чамаламоқ”:

Гул қаравулга чықыб Йаман чэрикин чэнәгани (46v3) каби қўшма феъллар ўз ифодасини топганлиги билан характерланади.

Хуллас, қадимги туркий тил ва эски туркий тилда “лашкар қўшин” маъносини англатувчи **сү—чэрик** синонимик каторида қуршо

функциясини бажарган санскритча ўзлашма XIII–XV аср сўнггида сў-чллик-лашкар-сипаҳ маънодошлик қаторида доминантага айланади ва губ туркий сў лексемасини истеъмолдан бутунлай сиқиб чиқаришга эришади.³³

Сўгдча ўзлашмалар

Давр обидалари матнида сўгд тилидан ўзлашган элементлар сон жиҳатидан санскритча ўзлашмалардан бир оз ортиқлиги билан фарқланади. Туркий ва сўгдийларнинг айна бир худудда аралаш истиқомат қилиши, ўзаро турфа муносабатга кириши каби ижтимоий-маданий алоқалар негизида қадимдан туркийлар тилида сўгдча ва аксинча сўгдийлар сўз бойлигида туркийча унсурлар фаолият кўрсатган.

Жумладан, “олам, дунё, жаҳон” маъносини ифодаловчи **ачун** // **ажун** (zwn) лексемаси илк бор уйғур ва брахма ёзувида битилган Турфон матнларида “бор бўлишлик, қайта туғилиш” маъносида қайд этилган (ДТС, 74). Юсуф Хос Ҳожибнинг „Кутадгу билиг“ асарида лексема “дунё, олам, ҳаёт” маъносини касб этади (ҚБ, 10-5). Маҳмуд Қашгарий ўзлашмани (الآن) “дунё, олам” маъносида ишлатиб, фоний дунёни бу **ажун**, боқий дунёни эса ол **ажун** тарзида ифодалайди (ДҲТ, I, 106). Урта Осиё тафсирида ўзлашма **ажун** ва **ачун** фонетик шиклларида “дунё, олам” маъносини англатади (Тафсир, 40 б 7 8, 2). Ушбу маънода **ачун** (اجون) Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” (МН, 292 а 3), **ажун** Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида (XIII, 336 10) акс этади. XIV аср араб тилида битилган рисолаларда ўзлашма мавжуд эмас³⁴. Эски ўзбек адабий тилининг XIV аср иккинчи ярми – XV аср бошида бунёд этилган манбалари тилида ўзлашманинг ҳам **ажун**:

Йусуф эрўр зикр=и – аның субҳ=у шам,

Жумла **ачун** айши анадур ҳарам (Юсуф ва Зулайҳо, 11-1), ҳам **ажун**:

Табиаттын чықардым назм=и бисйар,

Ажунда булмадым эдгў харидар (ЛН, 41-9)

фонетик вариантлари қўлланаверган. Айна пайтда шу жиҳатга эътибор бериш зарурки, манбалар тилида таҳлил этилаётган сўгдча лексик элемент **алам – дунйа – жаҳан – замин – асман – кёк** лексик бирликлари билан маънодошлик қатори ҳосил қилган бўлса-да, бироқ **ажун** // **ачун** ўзлашмаси “эскирганлик” белгиси билан қолган маънодошларидан фарқланган.

³³ Сў лексемаси сўнгги марта Шайбонийхон девонидида қайд этилади.

³⁴ Қдранг Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. Ташкент. “ Ёзувчи”. 1991 С. 135.

Қадимги туркий тил ва эски туркий тилда “малика; ҳукмдор завжаси” маъносини англатувчи хатун лексемаси давр обидалари матнида қўлланишда давом этади:

Жумла бэклар хатуны сарбасар,

Тапты Зулайҳаның ишидин хабар (Юсуф ва Зулайҳо, 45-14).

Келтирилган байтнинг биринчи мисрасида Азизи Миср даргоҳида хизматда бўлган бекларнинг жуфти ҳалоллари ҳақида сўз кетмоқда.

Жуда қадим замонларда туркий тилга кириб келган бу лексик библик илк марта қадимги туркий рун битиги “Култегин”да “хонима, зодагон аёл, оқсуяк аёл” маъносида қатун фонетик шаклида ишлатилган (КТ, 31). “Олтин ёруқ”да лексема “ҳукмдор, бек хотини” маъносини англатади: бу савығ элиг бэгли қатунлы эшидип “бек-ҳукмдор ва унинг хотуни бу сўзларни тинглаб” (ДТС, 436).

Маҳмуд Кошғарий сўзни “ҳукмдор, давлат бошлиғи хотини; хоним, малика” тарзида изоҳлайди: Хан иши болса қатун иши қалур “хон иши олдида малика (хоним) иши тўхтайти” (I, 388).

“Қутадғу билиг”да лексема ишлатилмаган. Сўзнинг хатун фонетик шакли “аёл; завжа; бека; малика” маъноларида биринчи бор Урта Осиё тафсирида учрайди: Фир’авн хатуны Айса “Фиравн завжаси Ойса” (29, 33). Демак, XII асрда ўзлашма умуман “завжа; аёл киши” янги маъноси касб этади. XIV аср ёзма манбалари тилида сўзнинг кейинги фонетик шакли “хоним, бека” ва “хотин; аёл киши” маъноларида бир неча бор қайд этилади: Қамуғ хатунларни хатун тэма зинҳар (XIII, 108 а 21); бир хатун аңа айтты (Г, 79 а 4); Пайғамбар алайҳис-салом дунйадын накл қилмышда токуз хатуны қалды (НФ, 4 а 9). XIV аср араб тилидаги филологик рисоалардан “Китоб ул – идрок ли-лисон ул-атроқ” (73) ҳамда “Таржумон”да (32-16) биз лексеманинг қадимги фонетик шакли қатун “бека, хоним” билан яна тўқнаш келамиз. “Ат-туҳфа” да лексема хатун шаклида “хоним, бека” ва “завжа” (18 а 8) маъноларида истемолда бўлган. Рабғузий асарида хатун “завжа; аёл киши” (23 v 5; 6 v 1) маънолари касб этади.

Хуллас, қатун//хатун ўзлашмасининг маъновий тараққиёт йўлини тубандагича шарҳлаш мумкин. Дастлаб у “зодагон аёл, хоним, малика”, сўнгра “завжа; аёл киши” маъноларини ифодалаш учун хизмат қилган. Лекин “бека, хоним” маъно оттенкаси ушбу сўз томонидан ифодаланаверган.

Л.З. Будагов лугатида лексеманинг фонетик вариантлари келтирилган, улар “завжа; хотин киши; хоним” каби маъноларни англатган (БД, I, 524). В.В. Радлов лугатида лексема ҳам қатун “малика” (Рсл

II, 291), ҳам қатын “завжа; турмушга чиққан аёл” (РСл, II, 284) фонетик шиклларда кўзга ташланади. Кейинчалик туркий ва мўғул тилларда фисол қўлланган хатун “хоним, малика” лексемасини В. Бартольд сўғдиш сўзлардан бири эканлигини эътироф этади³⁵.

Рашидуддиннинг таъкидлашича, Чингизийлар салтанатида хатун турминини ҳукмдор завжаси, яъни маликага нисбатан қўлланган ва улар таът эгасини сайлаш мақсадида чакириладиган курултойларда иштирок этган. Олтин Ўрда хонлигида улу хатун “улуғ хоним” ва кўчўк хатун “кичик хоним” термин-сўз бирикмалари ишлатилган. В.В. Радлов луғатида “аёл киши” маъносидаги қат лексемасининг телеут ва куманид тилларида мавжудлиги ҳақида қайд берилган.

Ушбу фонетик материалларга суянган ҳолда туркийшуносликда хатун // хатун лексемасининг икки қисм, яъни қат “қат, қават, саф” ҳамда -(у)н/ -(и)н аффиксидан иборатли эканлиги хусусида фикр-мулоҳаза ҳам йўқ эмас³⁶.

Ж. Класон қатун // хатун “бека, хоним” терминини сўғд тилидаги хатун “хукмдор, зодагон завжаси” лексемасининг туркийча ва арабча фонетик шакллари тарзида изоҳлайди.

Форе-тожик тилида хатун лексемаси 1) “хонлиг завжаси, хоним”; 2) “бека, зодагон аёл”; 3) “аёл киши” маънолари касб этади. XIV аср куманлар луғати “Codex Sumanicus”да ҳам қатун, ҳам хатун фонетик вариантлари келтирилган бўлиб, улар “зодагон аёл; бека; аёл киши” маъноларини ифодалаган. Луғатда қан қатуны “хоним” султани қатуны “малика” сўз бирикмалари ҳам ўз ўрнини топган³⁷.

Хитойча ўзлашмалар

Хитой ва туркий халқлар ўртасидаги қадимий иқтисодий, сиёсий, маърифий, маданий алоқалар оқибатида туркий тилларда маълум миқдорда хитой тилига хос лексик элементлар ўзлашишга муваффақ бўлган.

Туркологияда туркий тиллардаги хитойча ўзлашмалар ҳақидаги мулоҳазаларга бағишланган изланишлар юзага чиққан³⁸. Текширилаё-

³⁵ Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Сочинения. Т. 5. М. 1968. С. 43.

³⁶ Поварская Л.А. Термины родства // Историческое развитие лексики тюркских языков. М. 1961. С. 59.

³⁷ Бартольд В.В. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология. С. 61-64.

³⁸ Бартольд В.В., Баскаков Н.А. К проблеме китайских заимствований в тюркских языках // Советская терминология. 1987. № 5. С. 69-75; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология... С. 136-138.

тган давр эски ўзбек адабий тили манбаларида қуйидаги хитойча ўзлашмалар ўз ифодасини топган:

хақан “хонлар хони, олий ҳукмдор; Чин подшоши”:

Гул ўчўн мунтазир хақан шаб=у руз

Ки, йэтти нағаҳан Гул бирла Навруз (Гул ва Навруз

33г11).

Хитой тилидаги **ке** буюк, улуғ + **куан** “ҳукмдор” термини қадимги Ўрхун – Энасой битиглари матнида қаған, эски туркий тил манбаларида эса хақан фонетик шаклида қўлланган³⁹.

XIII–XIV асрларга доир эски туркий тил обидаларида хақан термини Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонини ҳисобга олмаганда Жаҳан хақанлари болсун қулунуз (XIII, 6 а 12) деярли кўзга ташла нмайди. Эътироф этиш жоизки, ўзлашма термин бу давр асарларида аксарият, Чин, Хитой императори маъносини ифодалаш учун хизмат қилади:

Камина чақариң қуллуқчысыдур,

Азиз=и қайсар=у хақан=у фағфур (Таашшукнома, 136-7).

Демак, ўзлашма қаған шаклида асосан қадимги туркий тил битигларида ҳамда сўнги бор “Ўғузнома”да ишлатилади: Ошбу қағаннын чэриги кўп кўп .. эрди (ЎН, 14-8). Хақан фонетик шакли илк бор Маҳмуд Кошғарий луғати (ДЛТ, III, 172) ва “Қутадғу билиг”да истеъмолда бўлган: Бэгим болды хақан улуғ “менинг бегим улуғ хоқон бўлди” (ДТС, 636). XIV аср эски туркий тил манбаларида ўзлашма умуман “олий ҳукмдор” маъносини касб этган. Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тилида термин маъносида муайян хусусийлашув жараёни юз берган ва асосан “Хитой (Чин) ҳукмдори, императори” маъносини ифодалаш учун хизмат қилган. Хақан ҳокимияти наслдан наслга мерос сифатида ўтган. У тинчлик ва уруш, қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлар масаласини ҳал қилган, вилоят, шаҳар ҳокимлари ва лашкарбошилари тайинлаган ёки уларни вазифасидан озод қилган, у хоҳишига кўра солиқ ва хирож масалалари бўйича ҳукм юритган, арқони давлатга суюрғол ва инъомлар белгиланган. Семантик нуктаи назардан хақан форсча-тожикча шаҳаншаҳ лексемасига муқобил тушган.

Темурий мирзолардан фақат Шохруҳ Мирзо хақан-и саид шарифли унвонга сазовор бўлганлиги тарихий асарларда кайд этилади⁴⁰.

³⁹ Қаранг. Менгес К Восточные элементы в «Слове о полку Игореве». Л 1979 С. 110-111, Басков Н.А. Тюркизмы- социальная терминология в «Слове о полку Игореве». Turcologica. Казань. Изд-во АН. Кононова М. 1976. С 225-225

“Хукмдор, хон” маъносини билдирувчи хан ўзлашмаси қан фонетик шаклида илк бор қадимги туркий рун битигларида “хукмдор, хон, пул бошчи, раҳнамо” маъносида қўлланишда кузатилади (ДТС, 417). Ўзлашманинг хан фонетик шакли XI-XII аср илк эски туркий тил обидларида қўлланган: Тавғач ханның торқусы тәлим “Тавғач (Хитой) хонининг ипак матоси кўп” (ДЛТ, I, 402). Маҳмуд Кошгарий дустаридаги хан сўсин қурды “Хон лашкарини сафга тузди” (ДЛТ, II, 1) гагида ўзлашманинг “хукмдор, хон” маъносида ишлатилиши лексеманинг нафақат хусусий, яъни “Хитой хони”, балки умумий маъно бериб келганини далиллайди. Юсуф Хос Ҳожиб даврида ханлар хам бирликмасининг мавжудлиги (ДТС, 636) унинг юқорида қайд этилган эски лексик бирлиги билан илк эски туркий тилда маънодошлик баъорини вужудга келтирганлигидан гувоҳлик беради. Қадимги туркий тилда “хукмдор” (Тун, 2; У, 1) ва “раҳнамо, бошчи” (ДТС, 417) маъноларида қан лексемасининг қўлланганлигини кўриш мумкин. II II. Бартольд ва бир қанча туркологлар ушбу терминнинг хан лексик бирлиги сингари қаған лексемасининг қисқариш ҳодисаси оқибатида юз бериб келганлигини эътироф этади⁴¹.

Қан фонетик шакли “хон, султон, хукмдор” маъносида XIV аср араб тилида битилган грамматик рисоалардан топилган қийин эмас (Ат-туқфа, 18 а 8; Абу Ҳайён, 74). Мўғуллар ҳукмронлиги даврида қан унвонига Чингизийлар сулоласининг вакилларида ҳисобланган, булар империянинг бирор-бир қисми (улус)га раҳбарлик қилган шахслар санои бўлган. Ўрта Осиё, Дашти Қипчоқ ва бошқа минтақаларда мўғуллар империяси парчаланиши натижасида ташкил топган давлат бошлиқлари хан унвони билан сарафроз этилган. Лекин чин фахрий унвонига фақат Чингизхон авлодларигина даъвогар бўлиб қолган ва фақат уларгина хонлик тахти учун кураш олиб борган.

Навонийгача бўлган эски ўзбек адабий тили манбаларида хан унвонимаси аксарият Чин (Шарқий Туркистон, Шимолий Хитой) хукмдори хусусида сўз кетганда ишлатилади. Айни чоғда хан лексемасини хос бўлган семантик чегаранинг маълум даражада “бузили-

⁴¹ Абдуришод Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайин. Ташкент. 1969. 57-6, Фасих азоби. Муджмали Фасихи (Фасихия свод.). Перевод, предисловие, примечания и указатели Ф. Муниной. Ташкент 1980. С 291.

Бартольд В. В. Сочинения. Т II Ч. I. М. 1963. С. 604; Баскаков Н. А.. Тюркизмы – основные терминологии в “Слове о полку И

Саркы” // Turcologica. К 70- летию академика А. Н. Кононова. Л. 1976. С. 226; Clauson G. An Etymological Dictionary of pre thirteenth-century Turkish. Oxford. 1972. 630; Doerfer G. Türkische und mongolische Elemente im Neupersischen. Bd. I. Wiesbaden. 1967. S. 141-145

ши”, яъни ҳар қандай давлат бошлиғига нисбатан унинг қўлланиши ҳам кузатилади. Масалан,

Ки Фарҳар элинда бир ханымыз бар,
Шаҳ=и Мушкин деган султанымыз бар.

Эрур Жамшид уруғиндын нажады,

Фаридундын ҳам артуқ адл=у дады (Гул ва Навруз, 9v13.

9r1).

Ушбу байтларда Пешдодийлар сулоласига мансуб ҳукмдорнинг султан термини ва унинг маънодоши хан билан шарафланиши юқоридаги фикрни тасдиқлаш учун хизмат қилади.

Лексема маъно оттенкасининг хусусийликдан умумийликка томон силжишини Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” назмий асаридаги куйидаги байтда ҳам кузатамиз:

Улуғ султан-и муаззам Шаҳруххан,

Муҳаммад ҳулқ-у султан бинни Султан (123-10).

Таъкидлаш жоизки, Темур ва унинг авлодлари асосан мирза унвони билан кифояланган. Зеро, улар Чингизхон наслидан бўлмаган. Лекин Соҳибкирон, унинг баъзи ўғиллари ва набиралари Чингизхон хонадонига мансуб аёлларга уйланиб **кўраган** унвонини олганлиги тарихдан яхши маълум.

“Хитой императори” маъносини англатувчи **фағфур** ўзлашмаси таҳлил этилаётган давр ёдгорликларида тез-тез кўзга ташланади. Уни “Гул ва Навруз”:

Нэча йылдын бэри йығган хазина,

На ким фағфурдын қалган дафина (26 г 4) ёки “Таашшукнома”да учратамиз:

Камина чакариң куллуқчысыдур,

Азиз=и қайсар=у хақан=у фағфур (136-7).

Ўзлашма илк бор XIV аср эски туркий тил обидаси Кутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида айнан юқорида келтирилган маънода қўлланган бўлиб:

Турукмыш қайсар=у хақан=у фағфур,

Қамуғ куллуққа бағлиб бэлиңгй қур (XIII, 51a 8),

қайсар, **хақан** истилоҳлари билан парадигматик муносабатларг киришади. Мазкур ўхшашлик муносабатида бўлган ҳар уч лексия бирлик хусусий маъно оттенкасини эгаллиги билан тенг қийматли (эквивалент) зиддиятни юзига чиқаради.

Чунончи, **қайсар** термини мумтоз адабиётда Рум (Кичик Осиё) ҳукмдорини англатса, **хакан** лексемаси аксар Туронзамин ва Шарки

Туркистон ҳукмдорларини билдирган. **Фағфур** ўзлашмасининг фарқлиғи ашъвий материалларда фақат “Хитой императори” маъноси билан қолган икки терминидан фарқлиғини сезиш қийин эмас.

Хитойча **инжў** (чжэньчжу, чинчу) ўзлашмаси “дур, марварид” маъносида “Гул ва Наврўз” достонида ўз ифодасини топган:

Коруб Жавҳар бу қымматлық гуҳарни,

Кўбиндин салды барча инжуларни (Гул ва Навруз, 37v12).

Найтдаги ўзлашма лексема ўзининг денотатив маъноси билан фарқлиқ тилидан ўзлашган гуҳар лексемасига маънодош бўлиб келибди. Айни шу маънода хитойча сўз даставвал ДЛТ да ўз ифодасини топган: Ол йэньжў тизди (II, 16). Қайд этиш керакки, **Маъмур** Кошгарий асарида ўзлашманинг “ёш, бокира жория, канизак” маъносида ишлатилгани ҳам эътироф этилган (III, 37). ДЛТ **Муштарак**нинг таъкидича, ўзлашма **йинжў**, **жинжў** (I, 67) фонетик вариантларига эга бўлиб, биринчи шакл туркча, иккинчи шакл эса ўтувчи ҳисобланган. XI–XIV аср эски туркий тил обидаларида аксаринан **инжу** (XIII, 62 а 12; НФ, 32 а 5; Таржумон, 31–15; Тафсир, 132 б 10) билан **инжи** (Ат-туҳфа, 31 а 11) ёки **йинжўк** (НФ, 62 б 4) шакллари қўлланилган ва асосан ўзлашманинг денотатив маъносини аниқлаган.

В. Ридлов луғатида **инжў** нинг чиғагой адабий тилида “ҳукмдор мулки, ери” ҳамда “бек хизматида ўз хоҳиши билан хизматга кирган **инжў**, хизмагдор” маъносини касб этганлиги изоҳланган.

Э.В. Севортян **инжў** лексемасини -чы / -чи // -чу / -чў аффикси орқилида ясалган туркийча содда ясама сўз сифатида баҳолайди ва уни “ҳукмдор, зодагон, бек ва ҳ.к. мулкида хизмат қилувчи, “қарол”, “бул”, “мол-мулк” билан бирга меросдан-меросга ўтувчи шахс, мерос” тартида талқин этади (ЭСС, I, 362). Ўзга туркологик адабиётларда **инжў** нинг хитой тилига оидлиги шубҳа остига олинмаган⁴².

Мўғулча ўзлашмалар

Бир неча юз йилликлар мобайнида туркий ва мўғул халқлари аж-бдаларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, диний муноса-батида бўлиши оқибатида туркий тиллар сўз бойлигида мўғулча эле-ментлар ва аксинча икки тил учун муштарак ҳисобланган лексик рағлам таркиб топган. Қайд этиш жоизки, туркий ва мўғул тиллари-нинг ўшро алоқаси, табиий, икки томонлама кечган. Мўғул тили тур-

⁴² Қарағ: Бискаков Н.А. О китайских заимствованиях в тюркских языках. С.72 Менгес К. Источники элементы в «Слове о полку Игореве». С. 94-100, Далабаев Х. Общественно-политическая и социолно-экономическая терминология. С. 137 ва ҳ.к.

кий тилларга таъсир этгани каби, ўз навбатида, туркий тиллар ҳам мўғул тилига ўз таъсирини ўтказган. Мўғулча ўзлашмалар туркий тилларга, жумладан, эски ўзбек адабий тилига асосан XIII асрнинг 20-йилларидан, яъни Чингизхон бошлик мўғул босқинчиларининг Жану-бий Сибирь ва Ўрта Осиёни забт этиш вақтидан эътиборан жадал кириб кела бошлаган. Бу даврда мўғул тили Дашти Қипчоқ ва Мовароуннахрда маълум вақт давомида туркий тилнинг кучли таъсири остида қолди. Чингизхон томонидан Туронзаминга доимий яшаш учун жўнатилган саккиз минг мўғул оиласи тезликда маҳаллий туркийлар билан аралашиб кетди ва ўз она тилини деярли унутди. Бироқ ассимиляцияга учраган мўғул тили изсиз йўқолиб кетмади, унинг баъзи лексик, морфологик элементлари қардош туркий тиллар томонида қабул қилинди⁴³. В. И. Рассадин фикрига кўра, чигатой ва унинг воқислари ҳукмронлиги вақтида эски ўзбек адабий тилига юзга яқин мўғулча сўзлар кириб келган⁴⁴.

Эски ўзбек адабий тилининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган “Ўғузнома” асарида **жыда** “найза”, **мўрән** “дарё”, **чак/чан** “вақт, лаҳза”, **амырак** “дўст, ўртоқ”, **уран** “пароль”, **нўкәр** “навқар жангчи”, **қурылтай** “қурултой, йиғин”, **шыра** “зиёфат” қўлланган лексемаларнинг мўғул тилидан ўзлашганлиги ўз вақтида А.М. Щербак томонидан эътироф этилган эди⁴⁵. Кузатишлар ушбу ўзлашмаларнинг аксарияти Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тили манбаларида ишлатилганлигидан далолат беради. Мўғулча ўзлашмалар моҳият-мазмунига кўра асосан ҳарбий иш ва ижтимоий сиёсий соҳа терминлари сифатида намоён бўлади ва моносемантик лексемалар қаторидан урин олиб, ўзбек тили сўз ясовчи қўшимчалари иштирокида янги сўзлар ясаш жараёнида айтарли қатнашмайди.

⁴³ Қаранг: Баскаков П.А. Алтайский язык. М. 1958. С. 36-44; Очерк развития и формирования алтайского языка и его диалектов. Уч. Зап. Горно-Алт. ИИИИЯД. 1960. Вып. 3. С. 48-55; Катанов Н.Ф. Опыт исследования урянхайского языка с указанием главных родственных отношений его к другим языкам тюркского корня. Казань, 1903; Натачкова Д.Ф. Материалы к изучению истории лексики хакасского языка // Вопросы хакасской филологии. Абакан. 1962. С. 18-20; Рассадин В.И. Монгольские заимствования в алтайском языке // Советская тюркология. 1971. №1. С. 62-72. Он же. Монголо-бурятские заимствования в сибирских тюркских языках. М. 1980; Татаринцов Б.И. Монгольские языковые влияния на тувинскую лексику. Кызыл. 1976; Щербак А.М. О характере лексических взаимосвязей тюркских, монгольских и тунгусо-маньчжурских языков // ВЯ. 1966. №3; G. Doerfer. Türkische und mongolische Elemente im Neupersischen. В. Wiesbaden. 1963. 5-7; Дадабоев Х. Эски ўзбек тили обидаларида мўғулча сўзлар // Ўзбек тили адабиёти. 1986. №6. 32-6.

⁴⁴ Рассадин В.И. Монголо-бурятские заимствования. С. 7-9; Яна қаранг: Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л. 1962. С. 238.

⁴⁵ Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М. 1959. С. 104.

Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳарбий иш ва ҳарбий санъат ўз тараққиётининг олий чўққисига кўтарилди. Сидкирон ўз армиясида янгича қонуқ-қоида ва тартиб-интизом жорий этиш катори, қўшинга Чингизхон армиясида мавжуд бўлган ва Ушбу шмон учун намуна ҳисобланган аскарый тизимни олиб кирди. Натижада кўпгина ҳарбий тушунчалар, хусусан, ҳарбий қисмлар, тактика имшиётлар, қурол-яроғлар, ҳарбий-маъмурий бошқарув аппарати амалдорлари ва ҳ.к., мўғулча ўзлашмалар билан ифодаланади.

Ушбу лексик-семантик гуруҳларга оид терминлар ичида, кези келишиди, мўғулча сўз ясовчи **-вул** ва **-л** аффикслари билан ясалган бирикмаларнинг диққатга моликлигини таъкидлаш керак бўлади. Зеро, биринчи аффикс хусусида жаҳон туркологларининг муштарак дунё кўраши мавжуд бўлмай, бир гуруҳ тилшунослар **-вул** ни туркий тилларга хос кўшимча, деб мулоҳаза юритса⁴⁶, иккинчи гуруҳ олимлар уни мўғул тилидан кириб келган аффикс деб ҳисоблайди⁴⁷. XI–XIII аср мўғул тилида ўта сермахсул бўлган ушбу феълдан от ясовчи аффикс туркий тилларда нисбатан пассив қўлланишида бўлган. XIV–XV асрда келиб **-вул** ёрдамида **йасавул** “интизом сақловчи, соқчи”:

Сурды йасавуллар улусны тамам,

Қылды тавāзи бирлā Йусуф салām (Юсуф ва Зулайҳо, 41-5),
қиравул “соқчи ҳарбий гуруҳ (аванпост)”:

Қиравулға кэлиб эди Гул ўзи,

Ҳамин ким бу чэриқкā тўшти кэзи (Гул ва Навруз, 42v4),

бикавул “сарой ошпази”:

Барды бакавул йасады дар замāн,

Алтун айақта барысы алты хан (Юсуф ва Зулайҳо 121-7),

шығавул “ҳукмдор қабули, саройида ўтадиган расмий тадбирларни уюштирувчи мутасадди”:

Шығавуллар қойуб и'зāз бирлā

Агырсы қылды иззқу нāз бирлā (Гул ва Навруз, 27r2)

⁴⁶ Қаранг Мелиоранский П.М. Араб филолог о турецком языке СПб. 1900; Қазргі қазақ тілі грамматикасы (фонетика, грамматика). Алматы. 1964; Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. Опыт сравнительного исследования. М. 1966 С. 237-239.

⁴⁷ Бидриш Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка. С. 128-129, Рамstedт Г.И. Введение в афганское языкознание Морфология. М. 1957 С. 132-134; Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент. 1984 65-6; Усманов А. Мухакаматал-қавтафи Алишера Навои. Ташкент. 1948 С. 106-109; Рассадин В.И. Монгольские заимствования в афганском языке//Советская тюркология 1973. №1 С. 66; Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке В кн. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка Ташкент. “Фан”. 1990 С. 75-76; Дадабаев Х. **-вул** кўшимчаси хусусида//Тіл ва филология та'лими. 2003. №5 48-49-б

сингари ясалган анчагина сўзлар манбаларда фаол қўлланишда бўлган.

Атоқли немис туркологи ва шарқшуноси Г. Дёрфернинг фикрича, чигатой адабий тилида -вул қўшимчаси иштирокидаги 100 дан ортик лексемалар истемолда бўлган⁴⁸.

Фикр билдирилаётган аффикс ва унинг иштирокида ҳосил қилинган терминлар ҳақида туркологияда биринчи бор Алишер Навоий “Муҳокаматул -лугатайн” асарида мулоҳаза юритганлиги яхши маълум. Шоир шундай ёзади: “Йана бир вав ва лам баъзи лафзга илҳақ қылыб бир махсус сифатқа таъйин қылулки, салатиннин хах разм асбабы учун ва хах базм жиҳати учун муътабардур. Андакки, хиравул ва қаравул ва чангдавул ва янкавул ва созавул ва патавул ва китпавул ва йасавул ва бакавул ва шығавул ва дакавул, алар мундин арийдурлар”⁴⁹.

Кузатилаётган қўшимча ёрдамида фёздан ясалган терминлар қадимги туркий тил (VII-X) ва эски туркий тилнинг илк даврида (XI-XII) ҳали кўзга ташланмайди. -вул иштирок этган лексемалар биринчи бор эски туркий тилнинг кейинги даври (XIII-XIV) обидаси Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида қайд этилади: татғавул, тутқавул “божмон, бож ундирувчи”

Буйурды татғавуллар қойды бажын,

Суйурқаб алмады элдин хиражын (XIII, 106a20),

йасавул “интизом сақловчи, соқчи”:

Йасавуллар саф йасаб айтур оқуң тэб,

Ўзунўздин кузу сафқа бақың тэб (XIII, 73616).

Тарихий маълумотлар Соҳибкирон Амир Темурнинг жаҳон ҳарб иши ривожига қўшган улкан улушлари ичида қўшин қанотларини муҳораба чоғида ганим ҳужумидан асраш ва ўз навбатида душман қисмларини икки ёндан айланиб ўтиб, унга орт томондан кучли зарба бериш учун мўлжалланган суворий қисмларни тузганлигидан гувоҳлик беради. Бундай қиём мўғулча қунбул термини билан номланган⁵⁰.

Г. Дёрфернинг таъкидлашича, мазкур лексема на Чингизхон армиясида, на Элхонийлар қўшинида истемолда бўлган⁵¹.

⁴⁸ Doerfer G. Turkische und mongolische Elemente im Neupersischen. Bd. I Wiesbaden. 1963. S. 5.

⁴⁹ Alisir Nevayi Muhakemetul -Lugateyn. Iki Dilin Muhakemesi Hazirlayan Sema Barutcu Ozonder. Ankara. 1966. S. 44.

⁵⁰ Қаранг: Далабоев Ҳ -вул қўшимчаси хусусида .. 49-б: Шу муаллиф. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати Тошкент. “Ёзувчи”. 1996. 10-б

⁵¹ Doerfer G Юкоридаги асар 1 416-418- 6

Эски ўзбек адабий тилида ушбу термин илк бор “Гул ва Наврӯз”да кайд этилган:

Мужьлар турғузуб бэркитти кунбул,
Қаравуллар сачы гул болды сунбул (47v8).

Ўрганилаётган ўзлашма аслида мўғулча кумби- “марказни ўрғамок, куршамок” феълидан ясалган бўлиб, унинг кумбул шакли кейинчалик Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonида кўзга бир ўриндагина тапланади:

Сафэ тўзди тўзмакка айини харб,

Ки бири кумбулы шарқ эди, бири ғарб (СИ, 261 а 14).

Соҳибқирон тарихига хос форсча-тожикча асарларда кунбул терминини фаол қўлланган бўлса-да, эски ўзбек адабий тилида зикр этилган икки асардагина мавжудлиги билан характерланади.

“Лашкарнинг белгиланган ерга тупланиши ҳақидаги буйрук, фармон” сsmемасини ифодаловчи тунқал//тонқал ўзлашмаси илк марта “Гул ва Наврӯз”да ишлатилган ва у кейинчалик Навоий асарларида ўз ифодасини топган:

Чэриги бутрашиб тонқал йасақ йоқ,

Қошунлар бошалыб ҳэч бош-айақ йоқ (46v6).

Айни шундай мулоҳазани “жанговар тартиб, интизом” маъносини бийтнинг биринчи мисрасида англатаётган йасақ ўзлашмаси борани ҳам билдириш мумкин. Мазкур термин мўғуллар салтанатида Чингизхон жорий этган қонун-қоидалар мажмуасини ифодалаган⁵².

Эски ўзбек адабий тилида терминнинг маъно оттенкасида муайян сифатини юзага келганлиги юқоридаги мисолда кўринади.

Йасақ терминининг ўзакдоши, яъни туркийча-мўғулча йаса= феълидан мўғулча -л қўшимчасини қўшиш орқали ясалган йасал “жанговар тартиб, саф” лексемаси билан маънодошлик катори ҳосил қилинганлиги “Гул ва Наврӯз” да гавдаланади.

Чу нагаҳ бу йасалны корди Бахрам,

Қыла башлады эл кўнин саранжам (46r2).

Шу ўринда мўғулча -л аффикси баъзан туркий феъллардан ҳам ил термин ясашда қатнашганлигини эслатиб ўтиш лозим бўлади. Чуқиничи, “ёпмок, беркитмок” маъносига қабла= // қапа= феълидан қилинган ва “муҳосара, қуршов, камал” маъносини ифодаловчи қапал терминининг илк бор Дурбек асарида қўлланганининг шоҳиди бўлмиш:

Ушбу қабал халқ ўч айи тамам,

⁵² Фарош Рашид ад-Дин. Сборник летописей Т.1. Кн.2. Перевод с персидского О.И. Смирновой М.-Л 1952. С. 260.

Йэр эдиләр гусса=у гам субх=у шам (Юсуф ва Зулайхо, 8-9)

Нукәр ўзлашмасининг “жанговар сафдош, жангчи, навкар” маъносида илк бор “Ўғузнома”да ишлатилганлиги юкорида айтилган эди. Эски ўзбек адабий тили обидаларида ўта фаол қўлланган терминлар сирасига кирувчи бу мўғулча лексема Хоразм обидаларидан фақат “Хусрав ва Ширин”да қўлланганлиги билан характерланади: Нукәр атланды кэтти (XIII, 23 б 4). Араб тилида битилган грамматик рисо-лаларда бу ўзлашма қайд этилмайди. Ўзлашма “Юсуф ва Залайхо”да яна бир мўғулча сўдәр // савдәр “мулозим, хизматкор” ўзлашмаси билан ясалган жуфт сўз таркибида акс этади:

Дэди: Йурўн, ушбу заман чарлатың,

Нукәр -у сўдәрни хабардәр этиң (161-14).

Мазкур жуфт сўз, шунингдек “Гул ва Наврўз”да ҳам истеъмолда бўлган:

Нукәр сўдәр билан бир талиб абдал

Кийиб ҳар бири бир эски қара шал (17г1).

Ушбу дostonда ўзлашманинг танҳо ўзи ишлатилган ўрни ҳам йўқ эмас:

Айырды нукәр ош туғ=у нақара,

Вилайат, ганж=у мал=э бишумара (44г12).

Темур ва Темурийлар кўшинида “лашкарни нотаниш, ўтиш муш-кул бўлган жойлардан бошлаб борувчи, йўл кўрсатувчи, йўлчи”семемасини ифодалаш учун мўғулча қажарчы قاچرچى истилоҳидан истеъфода этилган⁵¹. “Гул ва Наврўз” дostonида ўзлашма ўзининг мўғул тилидаги асл ғажарчы фонетик шаклида غاچرچى қайд этилади:

Ғажарчы башлар эркән саҳв этмиш,

Йурубан арсланы бар йолға йэтмиш (38v10).

Бу ўзлашма XI-XIV аср эски туркий тил манбаларида зикр этилган маънода фаол ишлатилган асл туркийча қулавуз лексемасини кейинчалик истеъмолдан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлган эди. Хоразм обидаларида тез-тез кўзга ташланган соф туркийча терминнинг Ҳайдар Хоразмий “Гулшанул-асрор”фалсафий-дидактик асарида ҳам қўлланишда давом этганлигини кузатиш мумкин:

Йолны қулавуз билә тапса болур,

Рамзни хикмат билә тапса болур (217-12).

⁵¹ Қаранг. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент. “Ёзувчи.” 1996. 20-б.

Болжар ўзлашмаси эски ўзбек адабий тили обидаларида аксарият “ириш олдидан кўшин тўпланадиган жой”ни ифодалаган. Ушбу термин илк бор “Юсуф ва Зулайхо”да қайд этилади:

Ташда ошал суҳбат-у гулзәр эди,

Шаҳар ичида миҳнат-у болжар эди (8-1).

Немис шарқшуноси Г. Дёрфер таъкидича, болжар 1) кўшин тўпланадиган аниқ жой; 2) тўпланиш мақсадида келишилган (аҳдлашилган) вақт; 3) ҳар бир қисмнинг жанг майдонида тутган ўрни, позицияси каби маъноларни англатган⁵⁴.

Қайд этилган маънонинг биринчиси Дурбек асарида ўзлашманинг туркийча йэр лексемаси билан синтагматик муносабатга киришган болжар йэри изофали бирикмаси ёрдамида англашилганини кузатамиз:

Барчасы болжар йэрига болды жам’,

Көн эдилар барысы мисли шам’ (Юсуф ва Зулайхо, 82, 11).

Айни шу асарда лексеманинг иккинчи маъноси ҳам болжар кўни бирикмаси ёрдамида очилган.

Кимасалар барчасы болжар кўни,

Барча гунаҳқар кылындлар мэни (Юсуф ва Зулайхо, 112-4).

Э.В.Севортян болчарни Паве де Куртейн сингари “лашкарлар тўпланадиган жой”, “соқчи пост, истеҳком” тарзида изоҳлайди (ИСС, II, 189). Г.Вамбери булчар “бутун кўшин жамланадиган жой” деб тушунтиради⁵⁵. Термин мўғулча *bolja-* “учрашув вақти ва ўришни келишиб (аҳдлашиб) олмоқ” феълидан ясалган⁵⁶. Ҳозирги замон мўғул, бурят (*bolzoo*) ва қалмоқ (*bolza*) тилларида таҳлил этилаётган ўзлашма термин “келишилган вақт” маъносида қўлланмоқда⁵⁷.

Урганилаётган давр манбаларидан бири Яқинийнинг “Ўқ ва ёй муношраси”да илк бор мўғулча **баранғар** “кўшиннинг ўнг қаноти” ўзлашмаси қайд этилади: Йигит тўз йолдын кэлиб садақ бирла баранғарга чықты. (257) Эски мўғул тилида **baraun gar** “ўнг қўл, томон” маъносида истеъмолда бўлган. Чингизхон ясаси-ҳукмига мувофиқ сулу, халқ ўнг қўл **baraun gar**, сул қўл – **jaon gar** ва марказ – **qol ga** бўлишган. Ўз навбатида бутун мўғул кўшини ҳам ўнг қўл, марказ ва сул қисмлардан ташкил топган. Ўнг қўлда Чингизхоннинг фарзандлари, сул қўлда унинг ака-укалари, марказда эса хоннинг ўзи, хотин

⁵⁴ Doerfer G. Türkische und mongolische Elemente im Neupersischen. I. S. 229-231.

⁵⁵ Vambery N. Sogataische Sprachstudien. Leipzig, 1867. S. 249.

⁵⁶ Baran. Doerfer G. Türkische und mongolische Elemente im Neupersischen. I. S. 229.

⁵⁷ Барин. Рассадин. В.Н. Монгольские заимствования в алтайском языке... С 71.

ва куёвлари жангчилари билан ўрин олган. Барангарга ўзбекча унқ қол бирикмаси маънодош бўлган:

Он қолыда миң йигит эрди, йана

Барчалары шаҳваш=у маҳликā (Юсуф ва Зулайҳо 108-11).

Жувангар ўзлашмаси ҳам илк бор Яқиний асарида ишлатилган ва “қўшиннинг сўл қаноти” маъноси билан барангарга зид бўлган:

Қары чап тўшўб, сол қолдын жувангарга тўшти (ЎЁМ, 257)

Ушбу ўзлашма ўзбекча сол қол бирикмаси билан синонимик катор ҳосил қилган:

Сол қолыда миң йана маҳруй,

Барчасы хуршидавш=у мушқбуй (Юсуф ва Зулайҳо, 108-13).

“Қўшиннинг маркази” маъносини ифодаловчи ғол ўзлашмаси биринчи бор “Тул ва Наврўз”да ишлатилган:

Чэрик аллын тузубан тутты йолны,

Қаравул турғузуб, тохтатты ғолны (47v6).

Эътироф этиш жоизки, мўгул тилида бу лексема асосан қол “марказ, ўрта” фонетик шаклида истеъмолда бўлган. Айни ушбу шакл Амир Темур тарихига доир форс-тожик тилида битилган ёдномаларда фаол қўлланган. XV-XVII аср эски узбек адабий тили манбаларида ҳар икки шаклнинг қўлланишда бўлганлиги кузатилади.

Илк марта Замахшарийнинг “Муқаддиматул -адаб” луғатида *manqlai* (МА, 129), *manglai* (МА, 259) фонетик вариантларида истеъмолда бўлган ва “пешона” ҳамда “қўшиннинг илғор қисми (авангард)” маъносини англатган *манглай* ўзлашмаси Яқиний асарида яна намоён бўлади: Ғазā кўни санчышқалы баҳадирлар алында манглай чықсам (ЎЁМ, 259). Аммо Темур тарихига доир форсча-тожикча обидаларда *манқлай*// *манглай* ўта фаол қўлланган. Эски туркий тили манбаларида “олд, пешона” туб туркийча *алын* (ДЛГ, I, 107) лексемаси ёрдамида англашилган ва у Яқиний асаридан келтирилган юқоридаги мисолда ўз аксини топган. Ўзлашманинг анатомик маънода ишлатилиши Навоий асарларида кўзга ташланади. “Шажаран турк”да *манглай* ҳарбий термин сифатида қўлланган (82).

“Ҳукмдор томонидан уюштириладиган зиёфат” маъносини англатувчи *шилан* ўзлашмаси биринчи марта “Замахшарий луғатида *šilon* (МА, 220) шаклида келтирилиб “шўрва” маъносини билдирган. Эски мўгул тилида лексема *šilān* (СС, 192) *šālān* (СС, 229) шаклларида ишлатилган ҳамда 1) “шўрва” ; 2) “ҳукмдор хазинасига йиғиладиган солиқ тури(бир подадан бир дона 2 яшар қўй)”ни англатган. Эски

Ўзбек адабий тилида **шилан** “хукмдор томонидан бериладиган зиё-
фат” маъносини касб этган ва “Юсуф ва Зулайхо”да қайд этилади.

Болды шилан вақты ошул дам магар,

Қойдылар ул лаҳза улуғ шырлар (69-30).

Минкур ўзлашма эски туркий тилда кенг қўлланишда бўлган туб
ан лексемасини истеъмолдан сиқиб чиқарган.

Маълумки, **қошун** ўзлашмаси илк бор Қутбнинг “Хусрав ва Ши-
ран” достонида “ҳарбий қисм” маъносида қайд этилган: Қошун
қондурды (XIII 80 б 15). Йирик мўғулшунос Б.Я. Владимирцовнинг
таълимига кўра, Чингизийлар салтанатида термин махсус қисмни билдир-
ган. Темурийлар даврида минг ва ундан оз жангчидан иборат ҳарбий
тузилма шу истилоҳ билан номланган. Низомуддин Шомийнинг ёзи-
шича, Соҳибкирон бир ўринда икки юз кишидан тўрт **қошун** тузишни
таърифи. Яна бир жойда эса олти юз аскардан етти **қошун** тузилган-
лиги айтиб ўтилади⁵⁹.

Абдураззок Самарқандий 1405 йил воқеаларини тасвирлаш
қилиб, Амираншоҳ Мирзонинг ўғли Умар Мирзо ҳар бири беш юз
қошундан иборат қирқ етти **қошунни** кўриқдан ўтказганини ёзади⁶⁰.
Низомуддин Алининг “Темурнинг Ҳиндистонга юриши тарихи” асари-
да ҳам бир аскар ҳам **қошун** деб номланганини кўзатиш мумкин⁶¹.

Эски ўзбек адабий тилининг XIV – XVI аср манбаларида **қошун**
қилишининг оз ўринларда ишлатилиши, унинг бу даврда ҳали унчалик
қўлланмаганлигидан далолат беради. Ўзлашма ўрганилаётган давр
манбаларидан фақат “Гул ва Наврўз”дагина қайд этилади:

Чэриги бўтрашиб тонқал йасақ йоқ,

Қошунлар бошалыб ҳэч баш-айақ йоқ (46v6).

Ушбу байтдан **қошуннинг чэриг** га маънодош эмаслиги, балки
қошуннинг муайян қисми эканлиги ҳусусида мулоҳаза юритилаётган-
лигини илғаб олиш мушкуллик туғдирмайди.

Мўғул тилида **қошун** аввал “башара; тумшук; уч” сўнгра.
“қошунима”, ундан кейин “туруҳ, ҳарбий қисм” ва ниҳоят “маъмурий-
қудудий бирлик”ни англатган⁶².

⁵⁹ Каран Б.Я. Владимирцов. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой
феодализм. М. 1934. С. 133-134.

⁶⁰ Каран Doerfer G. Turkische und mongolische Elemente im Neupersischen. Bd. I. S. 400.

⁶¹ Абдураззок Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн Форс-тожик тилидан
тарғима, Кириш сўзи ва изоҳли луғатлар тарих фанлари кандидати А. Ўринбоевники Тошкент.
1998. 88-бет

⁶² Ишиқов Али. Дневник похода Тимура в Индию. М. 1958. С. 177.

⁶³ Doerfer G. Кўрсатилган асар. 408-б

Қирғиз тилшуноси С. Содиқовнинг фикрича, қошун ва даруға “қалъа бошлиғи” ўзлашмалари мўгул тилидан туркий тилларга XIII–XIV асрлардан эътиборан кириб келган⁶³. Бизнинг изланишларимиз мазкур мулоҳазанинг тўғрилигин тасдиқлайди.

“Ошпаз, ҳукмдорга тайёрланган овқатни татиб кўрувчи мансабдор” маъносини ифодаловчи **бавурчы** ўзлашмаси илк бор эски кипчоқ тили ёдгорлиғи “Кодекс куманикус” да қайд этилган бўлиб, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонида “соқий, бош ошпаз; таомни татиб кўрувчи” маъноларида ишлатилган:

Ишарат қылды шаҳ бавурчығаким,

Кэтүр хан сал ким, эмди аш йэғалим (XIII, 29 а 11).

“Қисаси Рабғузий”да термин “ҳукмдор ошпази” маъносида ишлатилади:

Ул хатунлар алты эрди: вазир хатуны, ҳажиб хатуны, ҳазин хатуны, аяқчы хатуны, бавурчы хатуны (85р-10-11). Мазкур ўзлашма эски ўзбекча **бакавул** истилоҳи синоним вазифасини ўтаган:

Барды бакавул йасады дар замән,

Алтун аяқта барысы алты хан (Юсуф ва Зулайҳа 121-7).

Лекин кейинги давр эски ўзбек адабий тили обидаси “Бобурнома”да **бавурчы** “ошпаз”нинг **бакавулдан** бир поргона паст даражада бўлганлиғи эътироф этилади:

Райяты ва шавқаты мақамыда болуб, бавурчылык мансабыды хасса бакавуллуқ мартабасыға йэткуруб эрдим (БН, 210).

Ҳиндистонда ташкил топган буюк Бобурийлар сулоласининг атоқли намоёндаси Акбаршоҳ тарихига оид “Ойини Акбар” (XVIII)да ёзилишича, ҳукмдор ошхонасига бегона шахснинг кириши қатъий ман этилган. Таомни қозондан сузишдан олдин **бавурчы** ҳамда **бакавул** уни татиб кўришган, сўнгра овқатни бакавуллар бошлиғи **мирча бакавул** татган ва унга ўз муҳрини босиб, ҳукмдор дастурхонига топтишга ижозат берган⁶⁴. Чингизийлар салтанатида **бавурчы** “хон ошпазлари бошлиғи” маъносини ифодалаган⁶⁵. “Бош ошпаз, ошпаз маъноси эски туркий тилда (XI–XII) **апи башчысы**, **ашчы башы** изофали бирикмалари билан англашилган (ДТС, 61; 63).

“Тиг ёки уқдан сақланиш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим” семемали мўгул тилига хос **давулга** лексемаси “Гул ва Наврўз”да кўзга ташланади.

⁶³ Садықов С. Монгольско-тюркские языковые параллели. Фрунзе. 1983. С. 28

⁶⁴ Қаранг Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий.

⁶⁵ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Г. 1. Кн. 2. М.-Л. 1952. С. 40.

Сарасар болды қалқан ики пәра,
Давулғадын дағы кылды гузара (47v8)

Мазкур ўзлашма илк марта Замахшарий луғатида ўз ифодасини топган (МА, 27). Ўзлашманинг XV-XVI аср эски ўзбек адабий тили манбаларида *давулга, дубулга, добулга, долбога, толбога* (Алишер Навоий), *дубулга* (Бобур), *давулга* (Муҳаммад Солиҳ) фонетик вариантларида ишлатилиши унинг қайд этилган даврларда ҳали оптимал фонетик шаклини топмаганлигини кўрсатади. Бу ҳолат ҳатто кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. Хусусан, Л.З.Будагов луғатида терминнинг *дулуга, давулган, далга* фонетик шакллариининг берилиши сингари сурилган мулоҳазани тасдиқлаш учун хизмат қилади. XI-XIV аср эски туркий тил обидаларида “мудофаа мақсадида бошга кийилган жез қалпоқ” маъноси туб туркийча *ашуқ* (ДЛТ, III, 57), *йашуқ* (Тиржумон, 13-16) истилоҳи билан ифодаланган эди.

Эски мўғул тилида *sadaq* термини “ўқ-ёй тўрваси, халтаси” маъносида қўлланган. К.Ф. Голстунский луғатида унга “ўқдон” тарзида ишлатилиши берилган⁶⁶. Г.Рамстедт, В.И. Рассадин, Г.Дёрфер лексеманинг мўғул тилига хослигига шубҳа билдиришмайди⁶⁷. Ўзлашманинг эски ўзбек адабий тилида биринчи бор ишлатилиши Яқиний қаламига мансуб “Ўқ ва ёй мунозараси”да ўз ифодасини топади: Ўйигит тўз йолдын билиб садақ бирла барангарга чықты(257). XV-XVII аср эски ўзбек адабий тилида ўзлашма шунингдек *садаг, сагдаг, сақдақ* фонетик вариантларида қўлланган⁶⁸.

Эски туркий тилнинг XI-XIV асрларга доир манбаларида “ўқ-ёй халтаси (тўрваси)” маъноси туб туркийча *қурман* (ДЛТ, I, 416), *йасық* (ДЛТ, III, 24), *қуруқдуқ* (ДЛТ, I, 462), “ўқдон” эса *кэш* (ДЛТ, III, 140) ва *қодуқ* (ДЛТ, I, 126) терминлари билан англашилган.

Араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган лексемалар

Этироф этиш лозимки, араб тили узок муддат давомида, ўрта асрлар Европада латин тили сингари, мусулмон Шарқида умумадабий тил ролини ўйнади. Араб тили дин ҳамда фан тили сифатида ўзбек тилини тираққиётига улкан ҳисса қўшди.

⁶⁶ Голстунский К.Ф. Монгольско-русский словарь. I. СПб., 1893. С. 297.

⁶⁷ Etymologisches Wörterbuch. Helsinki. 1935. S. 316; В.И. Рассадин Монголо-бурятские заимствования. СПб., 1908; Doerfer G. Türkische und mongolische Elemente. Bd. I. S. 137, 340.

⁶⁸ Раҳимов Дадабоев Х. Эски ўзбек тили обидаларида мўғулча сўзлар // Адабиёт кўзгуси. 1998. №3. 127-бет.

Араб тили қаторида ўзбек тили ривожига бир неча асрлар давомида араб тилининг сезиларли таъсирини бошидан кечирган форс-тожик тили ҳам катта таъсир ўтказди. Форс-тожик тилидан ўзбек тилига ҳафта номлари (Маҳмуд Кошғарий таъкидлаганидек), кўпдан кўп ишлаб чиқариш ва зироатчиликка доир истилоҳлар, *ана* каби формологик (равиш) унсурлар, *-(u)стан, -вар, -дār, -dān, -sāz, -каш* каби сўз ясовчи формантлар ўзлаштирилди⁶⁹.

Араб тилининг қардош туркий тилларга, хусусан, лексик бойлигига таъсири масаласини тадқиқ этиш даражаси турлича. Амалга оширилган изланишларнинг салмоқли қисми ҳозирги туркий тиллар луғат фондидаги арабча улушни аниқлаш, таҳлил ва тасниф этишга бағишланган⁷⁰.

Туркийшуносликда Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий асарлари тилида ишлатилган арабча ва форсча-тожикча унсурлар борасида мулоҳазалар билдирилган⁷¹. Кутб қаламига хос “Хусрав ва Ширин” дostonида қўлланган арабча, форсча-тожикча ўзлашмаларнинг асар сўз бойлигидаги ўрни фоиз нуктаи назардан аниқланган⁷², XI-XIV аср туркий манбалар тилида қўлланилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий терминлар таркибидаги арабча ва форсча-тожикча ўзлашмалар таҳлил қилинган⁷³. Мазкур изланишларда арабча ва форсча-тожикча унсурларнинг қардош туркий тилларга, ёзма обидалар матнига ўзлашиш тамойиллари, омилиари хусусида етарли мулоҳазалар илгари сурилган. Шунингдек, жиҳатини ҳисобга олиб арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг

⁶⁹ Қаранг. Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики). Известия АН Уз ССР. 1940. № 7.

⁷⁰ Қаранг. Дмитриев Н.К. Арабские элементы в башкирском языке //Строй тюркских языков. М. 1977. С 189-201. Иванов С.Н. Арабизмы в турецком языке. Л. 1973; Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики) Известия АН УССР. Ташкент 1940 № 7.

Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке. Дисс. канд филол наук Ташкент 1945. Меметов А. Арабские заимствования в современном крымско-татарском языке // Советская тюркология. 1985. № 5 С. 9-21; Майзел С. Арабские и персидские элементы в турецком языке. М. 1941. Рустемов Л. Арабско-персидские заимствования в казахском языке. Алма-Ата. 1963.

⁷¹ Қаранг. Нигматов Х. Маҳмуд Кашғарский о взаимовлияния тюркских и иранских языков//Иранская филология: Краткое изложение докладов научной конференции, посвященной 60-летию проф. А.Н.Бондырева М. 1969, С 101-104; Султанов Б. Арабско-персидские заимствования в «Кутадгу билиг» Юсуфа Баласағунского //Советская тюркология. 1981. № 4 С. 14-16; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент. 1981. 146-153-б; Холманова Э. “Бобурнома” лексикаси. Тошкент “Фан”.2007. 19-22-бетлар

⁷² Қаранг. Наджиб Э.И. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. На материале «Хосрау и Ширин» Кутба. Кн. I. М. 1979. С. 136-148.

⁷³ Қаранг. Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент. “ Ёзувчи.” 1991. С 138-148

туркий тилларга, жумладан, эски ўзбек адабий тилига кириб келиш савоблари ва оқибатлари тўғрисида такроран тўхталишни ортиқча деб ҳисобладик. Шу билан бирга XI-XIV аср эски туркий тилдаги арабча ва форсча-тожикча ўзлашмалар таркибида кўзга ташланмаган, лекин Имомийгача бўлган эски ўзбек адабий тилида қўлланишда бўлган нисбатан янги ўзлашма лексемалар ҳақида муайян мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Қиёсий аспектдаги кузатишлар арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, маданий ва ҳаёт ҳаётининг турли қирраларида мавжуд тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилганлигини кўрсатади. Ўзлашмаларнинг кўламини шундайлаш уларни мавзуий гуруҳлар бўйича тасниф қилинганда яққол намоён бўлади. Алалхусус:

1. Ижтимоий-сиёсий терминлар таркибидан *кабир* “улуғлар, зодагонлар”, *гулам* “хизматкор”, *сагир* “кичиклар, омма, авом”, *аъжиз* “бетор”, “ночор”, *мунший* “котиб, мирза”, *зиндоний* “зиндонда ётувчи, мақбус”, *мақбус* “банди, ҳибсга олинган”, *ирсёл* “хабар, нома” каби арабча, *базиндон* “зиндоний”, *ин’ам* “туҳфа”, *пишва* “йўлбошчи”, *раҳбар* “раҳнома”, *пай’ам* “хабар, мужда”, *пишқали* “инъом, тортиқ”, *зиндонбан* “зиндончи”, *мард* “эркак”, *раҳзан* “қарокчи, йўлтўсар”, *маъ-у-бад* “зодагон(лар) ва авом”, *зан* “аёл киши”, *кадхудой* “эр, эркак”, *дарбан* “дарбозабон, сокчи”, *ҳамқаса*, *ҳамтабақ* “улфат”, *аъжисарай* “эшик оға” сингари форсча-тожикча ўзлашмаларнинг ишлатилганлигини кўриш мумкин.

2. Ҳарбий терминлар тизимидан *ма’рака* “жанг, муҳораба”, *ганим* “душман”, *миг* “калкон, сипар”, *адават* “душманлик, ёвлик”, *сувир* “отлиқ аскар”, *сад* “юзлик”, *миёд* “келишилган вақт, муддат” сингари арабча, *тир* “ўқ”, *шамшир* “килич, тиғ”, *камин* “пистирма”, *чодир* “чодир”, *саранарда* “олий бош кўмондон чодир”, *халқ-и минд* “лашкар, кўшин” каби форсча-тожикча унсурлар ўрин олади.

3. Диний терминлар доираси *жаннат* “жаннат”, *қаҳҳар* “қаҳр билувчи, ғазаб қилувчи (Аллоҳнинг сифати)”, *бир-у бар* “Худо, Аллоҳ”, *Рухул-амин* “Жабраил”, *раззақ* (Аллоҳнинг сифати) каби арабча, *биҳишт* “жаннат”, *равза-йи ризван* “жаннат”, *биҳишт - и шарим* “хос жаннат”, *хулд-и барин* “жаннат, фирдавс”, *набизода* “Найғамбарзода” каби форсча-тожикча лексемалар ҳисобига кенгайтади.

4. Мусиқа асбобларини ифодалаш мақсадида *рубоб* “рубоб”, *қўс* “таби, дўмбира”, *духул* “ноғора”, *наққара* “ноғора”, *нафир* “карнай”, *ширини* “куй, ашула” каби форсча-тожикча ва арабча ўзлашмалар

муомалага кириб келади ҳамда эски туркий тилнинг нисбатан кейинги даврларида фаоллашган *барбат* “ўрдак шаклидаги чолғу асбоби”, *табл* “довул, ноғора”, *танбур* “танбур”, *най* “най”, *чанг* “чанг” ўзлашмалари каторини кенгайтиради. Мусикий асбоблар номини англлатувчи терминларнинг XIV аср иккинчи ярми - XV аср бошларида эски ўзбек адабий тилига кириб келиши, шубҳасиз, улар ифодалаган тушунчанинг ўзлаштирилиши билан параллель равишда кечган.

5. Юлдуз илми (астрология)га оид астропонимлар таркибида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Хусусан, буржлар номи, сайёралар номини ифодалашда XI-XIV асрларда фаол қўлланган асл туркийча сўзлар ўрнини арабча ва форсча-тожикча ўзлашма терминлар эгаллашга киришади. Қайд этиш жоизки, осмон ёритқичлари (юлдузлар) ҳамда фалак сир-асрорларини ўрганувчи илми нужум-астрономия қадимда инсонларнинг вақтни аниқлаш, ҳаракатлар ёки саёҳатлар чоғида йўналишни белгилаш (мўлжаллаш) натижаси ўларок таркиб топган. Астрономия фанининг кўп асрлик тараққиёти оқибатида ушбу фан соҳасида қўлланувчи лексика микротизими юзга чиқади. Маълумки, XI-XIV аср эски туркий тил обидалари тилида юзга яқин астропонимлар истемолда бўлган.⁷⁴

“Астрономия, астрология” тушунчасини ифодаловчи арабча *нужум* نجوم (бирлиги *нажм*) ўзлашмаси илк бор “Қутадғу билиг”да қайд этилганлиги билан характерланади.

“Ўрта Осиё тафсири”да форсча *илм-и нужум* (Г,110 а 9) изофасининг калькаси *нужум илми* نجوم علمى ва *юлдуз илми* изофали бирикмалар ишлатилган.

Нужум илми изофали бирикмаси “Қисаси Рабғузий”да ҳам у ифодасини топади (39 а 9).

XIV аср Хоразм ёдгорликларида *нужум* “юлдузлар” (Г,110 а 9) маъносида ишлатилади. Текширилаётган давр эски ўзбек адабий тили ёдномаларида ҳам ўзлашма ўзининг асл “юлдузлар” маъносида қўлланишда бўлган:

Шамс-у камар бары бу он бир нужум,
Йэр йўзигә тўшти-йў қылды хужум (Юсуф ва Зулайҳо, 12-2)

⁷⁴ Каранг: Дадабаев Х.А. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв. // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Ташкент “Фан”, 1994. С. 32-43

Алишер Навоий асарлари тилида *нужум* “юлдузлар”, *нужум фани* ва *нужум илми* изофали бирикмаларининг “астрономия, фалакит” маъносида қайд этилгани кузатилади (АНАТИЛ, II, 488).

“Астролог” тушунчаси, табиий, даставвал асл туркийча *йулдузчы* деривати билан ифодаланган. Термин дастлаб Юсуф Хос Ҳожиб асарида ишлатилган (ҚБ, 158 б 1). Айни шу асарда арабча *мунажжим* *المناجم* ўзлашмаси ҳам туркийча терминга маънодошлик қилган. Мутлак синонимлар сифатида ҳар икки астропоним XIV аср Хоразм обидаларида ишлатилади (ХШ, 101а2; Г, 110 а 6; НФ, 42 а 6). Арабча ўзини-ўзининг эрта эски туркий тил лексик бойлигидан ўрин эгаллаши ва фаол ишлатилиши охир оқибат соф туркийча *йулдузчы* лексемасининг истъомолдан чиқиб кетишига сабаб бўлган.

“Осмон, фалак” тушунчасини ифодалаш учун қадимдан соф туркийча *кўк* астропонимидан фойдаланилган. Унинг “Девону луғотит турк” (III, 164), “Кутадғу билиг” (8 а 8), “Муқаддиматул-адаб” (21), “Ўгузнома” (ЛОК, 6-6), “Тафсир” (54 б 6), “Қисаси Рабғузий” (248 г 14), “Китобул-идрок” (83;112) асарларида ўта фаол қўлланганини кўриш мумкин. Соф туркийча *кўк* астропонимига синонимик қаторни вужудга келтирган арабча *ариш* *عرش* ўзлашмаси илк бор Юсуф Хос Ҳожиб асари тилида (ҚБ, 8 а 10), кейинроқ эса Рабғузийнинг сўз бойлигида қайд этилган (238 г 18). Изланишлар *кўк* астропонимининг арабча ўзлашмага нисбатан бир неча бор кўп қўлланганини кўрсатади.

“Сайёра (планета)” маъноси XI-XIV аср эски туркий ёдгорликларида асл туркийча *йулдуз* термини билан англашилган. Астропоним дастлаб Маҳмуд Кошғарий (ДЛТ, III, 47) ва Юсуф Хос Ҳожиб (ҚБ, 12 а 1) тилида ўз ифодасини топади. Кейинги давр эски туркий тил обидаларининг деярли барчасида истилоҳ ишлатилганлиги билан диққатни тортади.

Соф туркийча *йулдуз* астропоними англаган тушунчани ифодалаш вазифаси XI асрдан эътиборан арабча *акран* *اقران* ўзлашмаси шиммасига ҳам юклатилган (ДТС, 49). XIV асрда ушбу ўзлашма “Қисаси Рабғузий” сўз бойлигидан ўрин олишда давом этган (66 в 8). Маъно-мазмун жиҳатдан юқоридаги астропонимларга яқин турувчи арабча *кавакиб* *كواكب* ҳам дастлаб “Кутадғу билиг”да намоён бўлган ва “йулдузлар, осмон ёритқичлари» маъносида “Гулистон бит-туркий” (27 а 7) ҳамда “Хусрав ва Ширин” матнидан ўрин олган.

Биз текшираётган даврга оид манбалар тилида *кавакиб* лексемасининг бирлик, яъни *кавқаб* шакли “Юсуф ва Зулайҳо” достонида “йулдуз, ёритқич” семаси билан ишлатилган:

Озгәләри кавкаб-у ул мах эди,
Озгәләри хәдим-у ул шах эди (10-11).

Кайд этиш лозимки, аждодлар ҳисоб-китобиға кўра коинотдағи сайёраларнинг сони 7 та булган ва улар тегишли астропонимлар билан аталган.

“Сатурн” сайёраси Турфон матнларида санскритча *шанишчар* (ДТС, 520) ҳамда асл туркийча *топрак йулдуз* (ДТС, 575) бирикмаси билан номланган. “Қутадғу билиг”да *сәкәнтир*//*сәкәнтир* (12 а 4) астропоними, “Қиссаси Рабғузий”да унинг *сәкәндир* (66 а 7) ва *сәкәндиз* (66 а 11) вариантлари “Сатурн” маъносида ишлатилади. Кейинги давр манбаларида ушбу этимологияси ноаниқ астропоним ишлатилмайди. “Гулистон бит-туркий”да ўрганилаётган сайёра номи форсча-тожикча *кайван* *كَيَوَن* ўзлашмаси ёрдамида ифодаланади. Дурбек тилида арабча *зуҳал* ўзлашмасининг қўлланганининг гувоҳи бўламиз (“Юсуф ва Зулайҳо”, 162-12). Кези келганда таъкидлаш керакки, *Зуҳал* *زُحَل* нинг илк бор ишлатилиши “Қиссаси Рабғузий” (66 а 11) ҳамда Қутб асариди (ХШ,46 а 3) қайд этилади.

“Юпитер” сайёраси Турфон текстларида *йыгач йулдуз* (ДТС, 265), илк эски туркий тилда *қара қуш* (ДЛТ, 1, 318, ҚБ, 204 а 7), *оңай* *اوناي* (*айнан* “енгил, унғай, осон”) терминлари ёрдамида ифодаланади. *Оңай* терминининг сўнги бор қўлланишда булганлигини “Қиссаси Рабғузий”да кўрамиз (66 v 7).

Анбиёлар тарихига оид айни мана шу асарда илк бор арабча *муштарий* *مُشْتَرِي* ўзлашмасининг Юпитер сайёрасини англатиш учун ҳам ишлатилганлигига шөҳид бўламиз. XIV аср Ҳоразм манбаларида “Гулистон бит-туркий” (6 б 10) бу ўзлашмани ўз сўз бойлиги таркибига олганлиги билан характерланади. Навоийгача булган давр манбаларида *муштарий* астропонимининг қўлланиш частотаси янада тезлашган.

Уни “Юсуф ва Зулайҳо”:

Ҳар бириси эрди мах - и Хавари,
Аразыга шамс-у камар Муштарий (162-10),

“Гул ва Наврўз”:

Ким ай болса муқарин Муштарийга,
Азимат қылса Чолпан өз йэригә (27v10).

“Латофатнома”:

Ысырган данасы Чин Муштарийдур,
Сачынға нафа-йи Чин муштарийдур (114)

каби обидаларда ишлатилганлигини кўриш мумкин. Кейинги байтнинг иккинчи мисрасидаги охириги лексема “харидор, хоҳловчи”

миёноси билан астропонимга шаклдошлик парадигмасини юзага чиқирган.

Турфон обидаларида “Марс” сайёрасини ифодалаш мақсадида асл туркийча *бақыр соқра йултуз* (ДТС. 82) ҳамда *от йулдуз* (айнан: оловли, ўтли юлдуз) (ДТС, 373) бирикмалари истеъфода этилган.

“Қутадғу билиг”да биринчи бирикма *бақыр соқына* (176 б 11), Миқмуд Кошғарий лугатида эса *бақыр соқым* بقر من قم (айнан: мисдан яшилган ўқ учи, мисли пайкон) фонетик шаклида ишлатилади (ДЛТ, I, 142). Айни чоғда Юсуф Хос Ҳожиб достони тилида “Марс” сайёраси аниқ бир туб туркийча كرد *қўруд* астропоними билан юритилади (ҚБ, 12 а 6). Мазкур термин охириги бор “Қисаси Рабғузий” да ўз ифодасини топган:

Сақандир оңай ул кўруд ҳам йашық (66 v 7).

XIV асрнинг иккинчи ярмидан эски туркий тил обидаларида, Юсуфан, Қутб асарида “Марс” сайёраси тушунчаси арабча *Миррих* مریخ ўзлашмаси ёрдамида ифодаланади. Мазкур астропоним давр манбаларидан “Гул ва Наврўз”да ишлатилади:

Баҳадирлар ўни, атлар хурушы,
Садафрэк қар қылыб Миррих гушы (46v13).

Мозийда қуёш ҳам “айланувчи” сайёра тарзида баҳоланган. Маълумки, XVI асрга қадар қуёш ва қолган олти сайёра муқим бир жойда турувчи, ҳаракатсиз ер атрофида айланади деган таълимот манжуд эди. Эски туркий тилда “қуёш” соф туркийча *йашық* ياشيق астропоними билан аталган (ҚБ, 12 а 7). Ушбу термин билан ёнма-ён унинг маънодошлари *қўн* (ДЛТ, I, 327; ЛОК, 39-1; Абу Ҳайён, 85; Тафсири, 10 б 11; Таржумон, 28-10; МН, 292 б 3), *қўнаш* (Г, 3 а 11; Ат-туҳфи, 19 б 13; Таржумон, 5-4), *қўнас* “қуёш, қуёш нури” қўлланилган. *Йашық* астропонимини биз сўнгги марта “Қисаси Рабғузий” да (66 в 7) қайд этдик.

Кейинги даврларга келиб мотивланган (йаш “ҳаёт”+(ы)қ) *йашық* лексемасининг истеъмолдан чиқиб кетишига юқорида келтирилган асл туркийча *қўн*, *қўнаш* лексемалари қатори арабча *шамс* شمس ҳамда форсча-тожикча *хуршид* خورشيد ўзлашмасининг ўта фаоллашуви сабаб бўлган. Дастлаб Сайфи Саройи асарларида кўзга ташланган *шамс* астропонимининг Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тили манбаларида тез-тез ишлатилганини кўраимиз:

Шамс-у қамар бары он бир нужум,

Йэр йўзигә тўшти-йў қилды ҳужум (Юсуф ва Зулайҳо, 12-2).

Илк марта Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асарида ишлатилган *хуршид* ўзлашмаси ўрганилаётган давр обидалари тилида анча фаол бўлган ва у нафақат денотатив:

Жамалың аксидин Хуршид алур нур (“Латофатнома”, 68), шунингдек коннотатив “жозибали, гўзал” маъносини ҳам касб этган:

Йўзуң қуйаш дэдим, шакартэк эрниңни май,
Хуршид ичрә зарра-и ширини қанда бар (Лутфий, 102-4).

“Венера” сайёраси эски туркий тилда бир нечта сўзлар ва сўз бирикмалари ёрдамида номланган. Юсуф Хос Хожиб достонида *сэвфэ* феълига *-(u)t* кўшимчасини қўшишдан ҳосил қилинган *сэвит* астропоними ишлатилган: Сэвўг йўз урунды бэшинчи *сэвит* (КБ, 12 а 8). Рабғузий асарида шимол юлдузи *сақымт* *سقيت* (66 а 11), “Ўғузнома”да *алтун қазуқ* (ЛОК, 7-5), Махмуд Кошғарий луғатида *тэмўр қазуноқ* (ДЛТ, III, 393) истилоҳлари ёрдамида ифодаланган. Сайёрани ифодаловчи яна бир ном, яъни *чолтан* астропоними дастлаб XIV аср араб тилидаги рисоаларда кўзга ташланади (Абу Ҳайён, 4Г; Ат-туҳфа, 30 а 3). Форс шоирлари томонидан кўк чолғувчиси тарзида тасаввур этилган Венера сайёраси XIV асрдан эътиборан арабча *зуҳра* *زهرة* ўзлашмаси билан ҳам аталишда бўлган. Уни биз дастлаб “Хусрав ва Ширин”да учратамиз (46 а 2). Эътироф этиш лозимки, Турфон матнларида ўрганилаётган сайёра асл туркийча *алтун йултуз* (ДТС, 40) сўз бирикмаси ҳамда сўғдча *нағид* (ДТС, 354) ўзлашмаси билан аталади. Форсча ўзлашма “Қисаси Рабғузий” асарида *наҳид* *ناهيد* шаклида қўлланади. Шу ўринда сўғдча астропоним таркибидаги жарангли ундошнинг жарангсиз ундошга ўтиш жараёни содир бўлганлигини таъкидлаш фойдадан холи бўлмайди. Замахшарий луғатида Венера *таң йулдуз* *تانگ يولتوز* изофали бирикмаси билан англашилади. Шунинг алоҳида диққат қаратиш лозим бўладики, *сэвит*, *сақымт*, *нағид*, *наҳид*, *зуҳра* астропонимлари адабий тилда қўлланган бўлса, *тэмўр қазуноқ* (яъни *темир қозик*), *алтун йултуз*, *таң йулдуз* истилоҳлари жонли сўзлашув тили мулки ҳисобланган. Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тили обидаларида Венера сайёраси аксарият арабча *зуҳра* термини билан англашилади. Жумладан, уни Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”:

Кавәкиб орда-у ул ортада ай,
Муғанний Зухра-у ул мажлисарай (230v3),

Лутфийнинг “Гул ва Наврӯз”:

Тапукчысы бар эрди Зухра атлығ,
Навада Зухра-йи захра сыфатлығ (18г4),

Сиййид Аҳмаднинг “Таашшукнома”:

Сэниң базминдә, эй султән-и хубән,
Айакчы Михр-у сақи Зухра-у ай (142-8)

қабл исарларида кузатамиз. Баъзан арабча ўзлашма туркийча чолпан
астрономия билан маънодошлик қаторига кирган:

Ким ай болса муқарин Муштарийгә,

Азимат қилса Чолпан өз йэригә (Гул ва Наврӯз,

17v10).

Бу давр бадий адабиётида қадимги туркий тил ва эски туркий
тили қўлланган юқоридаги астрономияларнинг кўпчилиги қайд
этилади. Зеро, таъкидлаш мумкинки, XIV аср иккинчи ярми - XV
аср бошларида илмий терминология тизимида, хусусан,
астрономиялар таркибида хусусийлашиш, танлаш жараёни юзага
келтирилган натижаси ўларок муайян терминларгина адабий
тилида қўлланган. Айни чоғда астрономияларнинг давр бадий тилида
нафақат денотатив, шунингдек мажозий маъно оғтенкаси ташиш учун
қилган қилганлигини қайд этиш керак бўлади. Алалхусус, **чолпан**
лексемасининг “гўзал, чиройли, шахло кўз” маъноси касб этганлиги
Лутфийнинг қуйидаги байтида яққол намоён бўлади:

Қан йашым эрур йўз ўзә йулдуз киби сансыз,

Ул көзләри Чолпан, маҳ-и табаньима айтың

(134-4).

Кези келганда сайёраларни гўзал маъшуқа чехрасига ўхшатиш,
қани ташбеҳ этиш давр бадий адабиётида кенг ўрин эгаллаган
таъкидлардан эканлигини ургулаш лозим. Ушбу жиҳатни тасдиқлаш
мақсидида “Таашшукнома”дан тубандаги байтни келтириш билан
ифојланамиз:

Қуйашдур аразың йа Муштарийдур,

Ки жән бирлә жаҳәнэ муштарийдур (126-7).

Венера сайёраси хусусидаги фикрни Навоийгача битилган эски
туркий адабий тили ёдгорликларида форсча-тожикча **наҳид**
астрономиянинг деярли ишлатилмаганлиги хусусидаги қайдни
келтириш билан яқунлаш мақсадга мувофиқ.

“Меркурий” сайёраси эски туркий тил манбаларида **арзу** ارزو
“истак, хоҳиш, ният”) ўзлашмаси билан ифодаланади. Уни илк бор
“Қутадғу билиг”(12 а 9), сўнгги бор эса “Қисаси Рабғузий”да
келтирилади: Сақит, арзу, йалчық йағытэк болур (66 v 11). Қадимги

туркий Ўрхун-Энасой битикларида қадимги эрон тилидан ўзлашган *тир* лексемаси “Меркурий”ни англаган (ДТС, 676). Турфон манбаларида эса бу сайёра асл туркийча *суб йулдуз* (ДТС, 515) санскритча *буд* терминлари орқали англашилган (ДТС, 120). Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асарида сайёранинг мунший, қотиби ўхшатилиши оқибатида юзага чиққан форсча-тожикча *дабир-афлак* изофасининг калькаси *көк дабири- كوك نيري* ишлатилган. Текшириляётган сайёрани аташ учун XIV асрдаёқ арабча *атариб* *утариб* *عطار* ўзлашмасининг фаоллашганини унинг Сайфи Сарон (МН, 309 а), Қутб (ХШ. 39 б 2), Рабғузий (66 v 11) асарларида қўлланишда бўлганлиги билан изохлаш мумкин. Мазкур ўзлашма давр адабиёти лексемасида ҳам “Меркурий” маъносида фаоллиги килган. Жумладан, уни “Дахнома”да учратамиз:

Бу кун туттум Утарудтэк аламдын,

Дам ургайлар бары лавҳ-у қаламдын (271r2).

Ернинг йўлдоши бўлмиш ой мозийда еттинчи сайёра тарзида та саввур этилган ва Турфон матнларида сўгдча *маг* (ДТС, 33) ўзлашмаси ёрдамида ифодаланган. Бу ўзлашма кейинчалик истеъмода бўлмаган. Эски туркий тил манбаларида еттинчи сайёра асл туркийча *ай* (ҚБ, 32 б 14; Тафсир, 10 б 11; Таржумон, 28-9; Абу Хайё, 26), *йалчық* (ҚБ, 12 а 10; Қисаси Рабғузий, 66 v 7) ҳамда XIV асрда эски туркий тил манбаларида қўлланишда бўлган арабча *қамар* ўзлашмаси билан ифодаланган (Г, 183 б 3; Қисаси Рабғузий, 66 v 11). Навоийгача ўтган эски ўзбек тили намоёндалари асарларида *йалч(ы)-* “мафтун этмоқ. ром қилмоқ” феълидан -қ аффикс иштирокида ясалган *йалчық* астропоними қайта кўринмайди. У шубҳасиз, *ай*, *қамар*, *маҳ* терминлари томонидан истеъмолдан сикичикарилган. Ушбу маънодошлик қаторидаги ҳар учала термин ҳам давр адабий тилида фаол қўлланган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки қайд этилган лексик бирликлар ўзларининг бош семаси “ой(сайёра) қатори “ой юзли, гўзал” кўчма маъно ҳам касб этади. Ашъвий далилларга муурожаат этамиз:

Шамс-у камар бары он бир нужум

Йэр йузига тўшти-йў қылды хужум (Юсуф ва Зулайхо

12-2)

Мазкур байтдаги *қамар* ўзининг сигнификатив маъносини аниқлатган бўлса, қуйидаги байтдаги *ай* лексимаси “чиройли, гўзал” маъносини ифодалаган:

Барча дэдиларки, дарыға, дарыға!

Ай эди Йусуфки, кирди ба мығ (Юсуф ва Зулайхо, 19-15)

Форсча-тожикча *māḫ* (<сўгдча *maḡ*) ўзлашмасининг кўчма “гўзал, ҳусндор” маъно касб этиши XIV аср Хоразм обидаларида кўзга ташланади: Кёнўллар ақидын иймāнгил эй *māḫ* (МН, 303 а 1). Айни чоғда туб ай термини “ой” сайёраси маъносини ифодалашда ҳам давом этверган (Таржумон, 5-4). Ўрганилаётган давр эски ўзбек адабий тили манбаларида ҳам қайд этилган лексемалар ҳам денотатив:

Булут ичра йашунды ай йўзўндин,

Шақар сызды қамыш ичра сўзўндин (Латофатнома, 69),

қим мажозий(коннотатив) маъноларни англатишда давом этган:

Гар ۆлтўрсāң ырак тур мэндин эй māḫ (Латофатнома, 272).

Изданишлар, зикр этилган лексемаларнинг эски ўзбек адабий тили назмида асосан кўчма маънони англатиш, яъни маъшуқани ойга қишлоқчи мақсадида кенг қўлланилганини яна бир бор тасдиқлайди:

Айағын ۆпти-йў дэди ким: - Эй māḫ,

Нэ йэрдинки тўштўң мунда нāғāḫ (Гул ва Наврўз, 7v5).

6. Зироатчилик билан боғлиқ лексик бирликлар. Ўрганилаётган давр манбалари тилида қишлоқ хўжалигига доир тушунчаларни ифодлашда асосан асл туркийча сўзлардан кенг фойдаланилганлигини кўришимиз. Шунини эътироф этиш лозим бўладики, XIV аср обидаси “Таржумон”да⁷⁵ экинлар ва донлар ҳақидаги бешинчи фаслда қайд этилган 19 та лексик бирликнинг фақат биттаси, яъни *хирман* нинг форс-тожик тилига мансублиги кўрсатилган (9-11). Шундай ҳолатни “Ат-туҳфа”⁷⁶, “Китобул-идрок”⁷⁷ каби араб тилида битилган рисолада ҳам кўриш мумкин. Айни вақтда *дэхқан*, *бāғ*, *бāғбāн*, *гулзар*, *қилин* сингари форсча-тожикча ўзлашмалар XIV аср Хоразм обидаларида қўлланилишга кириб келган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, *дэхқан* ўзлашмаси асл туркийча *экинчи* дериватини XIV аср иккинчи ярмидан истемолдан сиқиб чиқара бошлаган. Илгариги ёдгорликларда ишлатилмаган ўзлашмаларнинг Навоийгача ёзилган эски ўзбек адабий тили манбаларида тез-тез қўлланилиши диққатни жалб этади. Жумладан, арабча *галла* ўзлашмаси туб туркийча *анилыз* мотивланган лексемаси билан параллель истемолда бўлади. Бу жиҳатни “Юсуф ва Зулайҳо”даги қуйидаги мисоллар тасдиқлайди:

⁷⁵ “Таржумон”-XIV аср ёзма обидаси. Тошкент. “Фан”.1980. 36-37-бетлар.

⁷⁶ Ибн-Салпиний дар тюркскому языку (Грамматический трактат XIV в. на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссорий, грамматический указатель // И.Ф.Филова и М.Г.Зияевой. Ташкент. “Фан”. 1978. С. 66-67

⁷⁷ Абуллова И. О лексике и лексикографических принципах «Китоб ал-идрак ли-л-исан ал-атрак»

Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников Ташкент “Фан”.

1994 (19

Ғалла-и анбар йэсүн барча халқ,
Анда болурлар бу гирифтәрэ халқ (72-12);
Бәрдиләр-у алдылар ашлығ бары,
Қалды аларның бары кул башлары (80-12)

“Ерга экин экиб, махсулотлар етиштириш, яъни деҳқончилик” семемасини ифодалаш мақсадида Дурбек ўз достонида арабча *zurdam* ўзлашмасини қўллайди:

Барча зираатға қылыңлар шуру’,
Қах(а)тқа қылғунча бу элни ружу’ (Юсуф ва Зулайҳо, 78-1).

“Экин экишдан аввал ерни ҳайдаш” маъносини ифодаловчи *шудгар* ўзлашмасининг ҳам илк бор “Юсуф ва Зулайҳо” девонида қайд этилгани диққатга молик:

Экмак ўчүн йэрни шудгар этиң,
Баш-башыдын узун анбар этиң (78-2).

“Мулк, бойлик” маъноси билан XIV аср Хоразм обидалари матнида фаол ишлатилган арабча *mal* ўзлашмаси (СУЯ, II 69-70) янги, яъни “ҳосил” маъноси касб этади:

Йэткәч экин баш-башыдын ордылар,
Малыны анбарға толдурдылар (Юсуф ва Зулайҳо, 78-9).

Мазкур ўзлашманинг яна бир “солик, хирож” маъноси истеъмолда бўлганлигини айнан Дурбек достонидаги тубандаги байтдан билиб оламиз:

Шаҳ-и Йаман фикр қылыб бималал,
Саки-йу хаббазға йыбарды мал (Юсуф ва Зулайҳо, 63-3).

“Қовун, бодринг каби палак отиб ўсадиган экинлар экилган жой” семемасини ифодаловчи форсча-тожикча *пализ* ўзлашмаси дастлаб Дурбек тилида ўз ифодасини топади:

Ташкары эрди бары пализ-у баг,
Шаҳр ичидә эрди басә дард-у дағ (Юсуф ва Зулайҳо, 7-10).

Ушбу асарда “ям-яшил барра ўт, майса” маъносини англатувчи *сабз*:

Экмаң экинни-ки көкөрмас экин.
Коргуси йок сабзни руй-и замин (79-4) ва *сабза*

ўзлашмалари ҳам қўлланишга кириб келган:

Ташта эди сабза-у аб-и равән,
Шаҳр ичидә эрди йўз аҳ-у фиған (7-11).

“Лоласи кўн, лола очилиб ётган жой” маъносини англатувчи *лалазар* ўзлашмаси XV аср эски ўзбек назмида кўрина бошлаган. Уни биз Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”сида учратишимиз мумкин:

Тилар болсаң йузумниң лалазарын,
Унуткын өзгә гулниң хәрхарын (254г2).

Ушбу лексеманинг маънодошлари ҳисобланмиш *чаман*, *гулшан*, *дулистан*, *гулзар* ўзлашмалари ҳам давр обидаларида фаоллик кўрсатган: Масалан:

Чаманлар ичра қушларның нафири,
Йығачларның ичи гулниң сарири (Гул ва Наврўз, 10г1);
Қылды нида гулшан ичида насим,
Зилзила ул саат саъй-и азим (“Гулшанул –асрор”, 241-8) ва ҳ.к.

“Ок, сарик рангли хуш ис гул, яъни ёсмин” маъносини ифодаловчи *саман* лексемаси XIV асрда форс-тожик тилидан ўзбек тилига кириб келган ва биринчи бор Кутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонида ишлатилган эди: Саман сакий ва наргислар қилур нуш (37 б 5). Ушбу ўзиниша ўрганилаётган давр манбалар тилида анча фаоллашган:

Гаҳи савсанни охшатур кадына,

Саманни мэнзатўр гаҳи хадына (Гул ва Наврўз, 8v9).

Ушбу байтнинг биринчи мисрасида қўлланилган *савсан* форсча-тожикча ўзлашмаси “гулсавсар, кўгагул” маъносини ифодалаш учун қимат қилган.

Маълумки, “хамрдан тайёрланиб, тандир, ўчоқда пишириладиган туғлик” семемаси қадимги туркий тил ва эски туркий тилда асл *туммак* // *әтмәк* сўзи билан ифодаланган (ДТС, 188. Таржумон, 15-19; УИ I. 158). XV аср бошларидан эътиборан қайд этилган семема форсчи-тожикча *нан* лексемаси билан ҳам англашилган. Мазкур ўзиниша лексеманинг илк бор “Юсуф ва Зулайхо”да истемолга киргизилиши кузатамиз:

Учар эди көзларидин накш-и нан,

Көз йашы эрди мағар аб-и раван (8-4).

Навоийгача бўлган даврда таълиф этилган эски ўзбек адабий тили манбаларини диққат билан кузатиш, уларнинг тилида ўзга мавзуий гуруҳларга тааллуқли кўпдан-кўп арабча ва форсча-тожикча ўзинишмаларнинг қўлланишида бўлганлигини кўрсатди. Айнан кузатиладиган даврда эски ўзбек тили луғат таркибидан ўрин олган ўзинишмалар сирасига *давлат* “сиёҳдон, сиёҳ идиши”, *миад* “ваъда; келишув”, *башар* “инсоният, халқ”, *адавот* “душманлик”, *миг* “совуқ, оғир”, *муаббир* “туш йўтовчи”, *жамъаза* “улов, туя”, *ҳашам* “гуруҳ, туд”, *ҳазин* “ҳазиначи”, “соқчи” *жаннат* “жаннат”, *жидд-у шайх* “тиришиш, ҳаракат”, *басир* “сўқир, кўр”, *мил* “масофа ўлчови бирлиги”, *фарсах* “масофа ўлчови бирлиги”, *Ҳалиқ* “Аллоҳ сифати”,

Ғафур “Аллоҳ сифати” каби арабча, *гард-у губар* “чанг-тўзон”, *чърсу* “чорсу”, *зайл* “кампир, қари”, *хаб* “уйқу”, *сад* “юз(100)”, *гаштгаҳ* “кезиш жойи, сайргоҳ”, *зан* “аёл, хотин”, *найтахт* “пойтахт”, хоша “бошок; бош”, *нэк-у бад* “яхши-ёмон”, *пир* “қари, кекса”, *руй-и замин* “ер юзи, дунё”, *маликзайда* “шаҳзода”, *саранарда* “баргоҳ, чодир”, *хан* “хонтахта”, *ҳамсайа* “кўшни”. *андух* “ғам, ғусса”. *рз-и шаб* “қундуз ва кеча”, *маҳ-у сал* “ой ва йил”, *раҳзан* “қароқчи, йўлтусар”, *нар-у майда* “эркак ва урғочи”, *хиргаҳ* “чодир”, *тур* “уқ”, *раҳ* “йўл”, *саг* “ит” сингари форсча-тожикча ўзлашмаларнинг кириши характерлидир.

Хуллас, арабча ва форсча-тожикча ўзлашмалар қатнашган мавзуй гуруҳлар миқдори. майдони туғрисида тагин фикр-мулоҳазаларни давом эттириш, фактик материалларни келтириш мумкин. Аммо қўйилган вазифанинг рўёбга чиқиши учун берилган ашъвий далилларнинг керагидан ортиқчалигини ҳисобга олиб, Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тилига хос обидалардагина қўлланишга кириб келган бир қанча арабча ҳамда форсча-тожикча ўзлашмаларнинг узлаштирувчи тилда фаол ишлатилибгина қолмай, балки сўз яшаш жараёнида қатнашганлигини ҳам эътироф этиш билан кифояланишни мақсадга мувофиқ топдик. Хусусан, *гаммазлык* “чақимчилик”, *накамлык* “маҳрумлик”, *ҳамразлык* “сирдошлик”, *дамсазлык* “улфаглик, ҳамдарлик”, *сардлык* “совуқлик, хунуқлик”, *танбурчы* “танбур чалувчи созанда”га ўхшаш қоришиқ сўзлар эски ўзбек адабий тили сўз хазинасининг кенгайишига, унинг ранг-баранг бўлишига хизмат қилган.

Айтилган фикр-мулоҳазаларга суянган ҳолда қуйидаги жиҳатларни таъкидлаш лозим бўлади:

1. XIV аср иккинчи ярми – XV аср бошида чет сўзларни узлаштириш характерли ҳодисага айланган. Ўзлашмалар маъмурий-бошқарув, ҳарбий, илмий, маиший ва ҳ.к. соҳаларга оид аташ тарқибини кенгайтирган. Ушбу вақтдан бошлаб ўзлашмалар муайян соҳада долзарблилиги туфайли эски ўзбек адабий тили сўз фондидан муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Бу даврда эски туркий тилнинг сўнгги таракқиёт босқичида (XIII-XIV) бўлгани каби ўзлашмаларнинг эски ўзбек адабий тилига интенсив кириб келишида форс-тожик тилидан қилинган таржималар муҳим аҳамият касб этган. Ўзбек миллати вакиллари (айниқса, зиёлилар ва сарой аҳлини) шарқ тилларига хос энг яхши асарлар мазмунидан бохабар этиш мақсадида таржималар амалга оширилган. Жумладан, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо”, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Сайфи Саройининг “Гулистон биттуркий”, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарлари оригинал

ҳисобланса-да, уларнинг битилишида форс-тожик тилидаги матнларнинг аҳамияти юқори бўлган. Натижада форс-тожик тили воситачилигида арабча ва форсча-тожикча сўзларнинг ўзлашиш доираси XI-XII асрларга нисбатан бир неча бор тезлашади. Ўзлашмаларнинг узбек тили сўз бойлигини кенгайтириш даражасини бирдай деб бўлмайди. Чунончи, диний, фалсафий, илмий, тиббий, сиёсий, тижоратий, ҳуқуқий, адабий тушунчаларни ифодалаш мақсадида асосан арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларга мурожаат этилса, ҳарбий ва маъмурий-бошқарувга оид терминология мўтулча ўзлашмалар ҳисобига тараққий этган.

2. Кўп сонли ўзлашмалар ушбу давр синонимиясининг шаклланишида муҳим восита ролини ўйнайди. Лингвистик синонимия лексиканинг етакчи бойиш омилларидан бири ҳисобланади. Лексикадаги ортиқчалик турли генетик манбаларга тааллуқли сўзларнинг шаклланиши ва қўлланишида кўзга ташлана бошлайди. Мавжуд синонимик катордаги сўзларнинг маъно яқинлиги доираси анча кенг бўлиб, улар: 1) умумий лексик маънога эга бўлган, бироқ маъно оттенкаси билан фарқланувчи; 2) семантика нуқтаи назардан бутунлай мувофиқ (мос) тушувчи (лексик дублетлар); 3) муайян матн чегарасида бири иккинчиси ўрнида қўлланиладиган (контекстуал, ситуатив синонимлар) лексик бирликлардан ташкил топган. Миқдоран улар икки, уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ сўзлардан ёки сўз бирикмалардан таркиб топа олган Соф туркий диалектларга оид сўзлардан ташкил топган синонимик қаторлар (вариантлар) истеъмомда бўлган:

т э = - *д э* = “демок. айтмоқ”, *сора* = - *сор* = “сўрамоқ, суриштирмоқ”, *унда* = - *инда* = “чорламоқ, чакирмоқ, ундамоқ”, *улуқ* - *улуғ* - *улу* “буюк, катта”, *эл-элиг* “қўл”, *эга* - *эйа* “хўжайин, соҳиб, эга”, *ары*- *арық* “соф, тоза” (“Гул ва Наврўз”), *адақ* - *айақ* “оёқ”, *айит* - *айт* = “демок. айтмоқ”, *асыг* - *асық* “фойда”, *әдгү* - *әйгү* “эзгү, лойиқ муносиб”, *әксил* = - *әксүл* = “йўқ бўлмоқ. тугамоқ”, *билә* - *билән* - *бирлә* “билан”, *бойлуғ* - *бойлуқ* “гавдали, коматли”, *йыгач* - *нигач* “дарахт”, *йалан* - *йалган* “ёлгон”, *йаңаг* - *йаңақ* “ёнок”, *көргүз* - *көргиз* = “кўргазмоқ, кўрсатмоқ”, *қамуг* - *қамуқ* “ҳамма, барча”, *қариг* - *қарақ* “кўз”, *қудуқ-қудуг*- *қуйуқ* - *қуйуг* “қудуқ”, *орам* - *орум* “соч ўрами”, *ошбу* - *ошул* “бу, ушбу”, *су* - *суй* “сув”, *тамга* - *тазма* “муҳр, тамга”, *тапуқ* - *тапуғ* “хизмат”, *топрағ* - *топрақ* “тупроқ, ер”, *түгәл* - *түгәйн* “ҳамма, тугал, барча”, *улуқ* - *улуғ* “улуғ, буюк”, *чэвүрткә* - *чэвүрткә* “чигиртка” (“Латофатнома”), *су-сув* “сув”, *айақ-ийиғ* “коса, жом; май”, *эл* - *элиг* “қўл”, *битқ* - *битиқ* “ёзмоқ, битмоқ”, *айяқ-айяғ* “оёқ”, *қарангулуқ* - *қарангулуғ* “зимистон, коронгулик”,

ачык- ачыг-аччык “аччик, заҳарханда”, *эв-уй* “уй, хонадон”, *йазақ – йазуг* “айб, гуноҳ” (“Дахнома”), *илә – бирлә* “билан”, *сөзләгучи – сөзләгүчи* “сўзловчи, нотик”, *улуқ-улуғ* “буюк, улуғ”, *әл-илик* “қул”, *пәмум-пәмуғ* “пахта” (“Гулшанул-асрор”) ва Ҳ.К.

Тадқиқот объектига оид давр манбалари тилида тил бирликларининг ифода планида тенг келиш ходисаси, яъни омонимия⁷⁸ луғавий бирликларда ўз ифодасини анча фаол топганини кўриш мумкин. Жумладан, эски туркий тилнинг нисбатан кейинги даврларида кўзга ташланувчи *бáры* I “барча, ҳамма”, *бáри* II “Яратган, Худо”, *ат* I, “исм, ном”, *ат* II “от(улов)”, *бүтк* I “битмоқ, тугамок”, *бүтк* II, “ўсмоқ, кўкармоқ”, *йа* I “ёй, камон”, *йа* II “ёки”, *йанк* I “ёнмоқ, алангаланмоқ”, *йанк* II “қайтмоқ”, *йўз* I “юз, афт, бет”, *йўз* II “юз(100)”, *оқ* I “ук”, *оқ* II “ўқ(юклама)”, *таш* I “тош”, *таш* II “ташқари” каби луғавий омонимлар қатори Навоий даврига қадар эски ўзбек адабий тилига хос бўлган *йаққ* I “ёқмоқ, алангалатмоқ”, *йаққ* II “ёқмоқ, маъқул келмоқ”, *қыйқ* I “мафтун этмоқ”, *қыйқ* II “аямоқ, эҳтиёт килмоқ”, *орам* I “кўча, кўй”, *орам* II “соч ўрами”, *хан* I “дас-турхон”, *хан* II “ҳукмдор”, *қур* I “масал, хикоя”, *қур* II “белбоғ” сингари омолексемалар истеъмолга кириб келганлиги кузатилади. Келтирилган фактик материалда омолексемалар асосан туб туркий сўзлар ифода планининг тенг келиши туфайли воқеланганлиги яққол намоён бўлмоқда. Омономиянинг воқе бўлиши шунингдек ўзлашма лексемалар орасида ҳам содир бўлган. Хусусан, “Гул ва Наврўз” достонида форсча-тожикча *дам* I “он, фурсат” :

Ошул дамдаки алам эрди хуррам,

Сабá урды дам-и Исá-йи Марйам (5r3),

дам II “нафас, овоз”:

Масихáдэк дамымдын жан тапар эл,

Ўнўмниц дардыдын дарман тапар эл (8r10),

дам III “ел, насим”:

Анындэк налалар башлады пурдард

Ки, субҳ ул налады урды дам-и сард (10r9)

лексемалари орасида омонимия воқеланганлигини таъкидлаш билан шаклдошлар борасидаги мулоҳазага нуқта қўйиш мумкин.

Давр манбаларида тил бирликларининг ўзаро қарама-қарши муносабатдаги маъноларни ифодалашни негизида гуруҳланувчи антонимия кенг кўламга эга бўлган. Лексемаларнинг ўзаро зид бўлиши асо-

⁷⁸ Қаранг: Турсунов У., Мухтаров Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992. 126-бет

снда вокеаланган лексик антонимия куйидаги туркум лексемалари орасида кечади:

1. Сифат ва равиш туркумида: *улуқ* “улуғ, катта”- *кичик*, *бузург* “улуғ, буюк” – *кичик*, *пир* “кекса, қари” - *йаш* “ёш, навкирон”, *йоган* “йўгон” – *иничка* “ингичка”, *тез* “тез, илдам” – *аҳиста* “секин, шопилмай”, *аччық- татлығ* “ширин, тотли” *тар* “тор, кичик”- *кэн* “кенг, катта”, *ақил* “доно, ақлли”, - *надан* “нодон, ақлсиз” ва ҳ.к.

2. От туркумида : *шаҳ* “шоҳ, хукмдор” – *гадд* “йўқсил, камбагал”, *имин* “ер, ер юзи”- *асман* “кўк, фалак”, *сахра* “чўл, биебон”- *гулзар* “чиманзор”, *ашна* “дўст”- *душман*, *йағи* “ғаним, ёв”, *ашналығ* «дўстлик» - *душманлығ* “ғанимлик”, *миҳнат* “машаққат” – *раҳат* “роҳат”, *гул* “гул” – *тикан* “тикон”, *қары* “чол” – *йигит*, *йигитлик* – *қирлығ* “кексалик”, *барангар* “қўшиннинг ўнг қаноти” – *жувангар* “қўшиннинг чап қаноти”, *ваф* “вафо” – *жиф* “жабр, азоб-укубат”, *суд* “фойда, кирим” - *зийан* “зиён”, *тамуг* “дўзах” – *биҳишт* “жаннат” ва ҳ.к.

3. Феъл туркумида: *йитур* = “йўқотмоқ” – *тан* = “тонмоқ”, *йан* = “ёнмоқ” – *оҷ* = “ўчмоқ”, *олтур* = “ўтирмақ” – *тур* = “турмоқ”, *ач* = “очмоқ(кўз)” – *йум* = “юммоқ(кўз)”, *йыбар* = “жўнатмоқ, йўлламоқ” – *йандур* = “кайтarmoқ”, *уйу* = “ухламоқ” – *уйан* = “уйгонмоқ, уйқудан турмоқ”, *тирил* = “тирилмоқ”, *ёл* = “ўлмоқ, дунёдан ўтмоқ”, *ёзиндин бар* = *мадхуш бол* = “хушидан кетмоқ, бехуш бўлмоқ” – ёзини кэлк “кушига келмоқ”, *ал* = “олмоқ” – *бэр* = “бермоқ, кайтармоқ”, *алмақ* “олиш”- бэрмак “бериш, кайтариш” ва ҳ.к.

Манбаларда асос жиҳатдан айнан, лекин ясовчи аффикслари ҳар хил бўлган антонимлар ҳам оз бўлса-да қўлланган: *хуш* “хурсанд, ажойиб” – *наҳуш*, “ҳафа, ёмон, ғамгин”, *кэрәклик* “керакли, зарур” - *кэрәкмәз* “керакмәс”, *миҳрибан* “раҳмдил” – *намиҳрибан* “раҳмсиз” ва ҳ.к.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий ижодигача бўлган давр эски ўзбек адабий тили лексикаси ижтимоий ҳаётнинг бирча соҳаларига оид маъно ва тушунчаларни ифодалашга қодир бўлган. Унинг асоси ўз ҳамда ўзлашган қатламлардан ташкил топган бўлиб, ўз қатлам таркиби қадимги туркий тил ва эски туркий тилга қис архаик лексемалар ҳамда эски ўзбек адабий тилининг ўз ўсиридан иборат эди. Ўзлашган қатлам эски адабий тили лексик фондини янада бойитган, турли лексик-семантик ходисаларда иштирок этган. Омонимия, синонимия, антонимиянинг ривожланишига улуш қўшган. Баъзи ўзлашмалар туб туркийча лексемаларни истиқомдан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлган.

Алишер Навоий даври ўзбек адабий тили лексикаси

Алишер Навоий асарлари тили нафақат ўзбек тилшунослиги доирасида, балки туркий тиллар тарихи, жаҳон навоийшунослиги йўналишида жуда кўп чет эл туркологлари тадқиқотларида ўрганилмоқда⁷⁹.

Навоий баъзи асарлари лексикаси махсус илмий тадқиқот объекти сифатида текширилган бўлса-да⁸⁰, тарихий лексикология йўналишида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу эса мутафаккир асарлари сўз бойлигини лексик-семантик, лексик-стилистик, лексикографик ва ҳ.к. нуктаи назардан тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради⁸¹. Яқин кезларгача Навоий асарларининг мукамал нашри амалга оширилмаган эди. Сўнги йилларда буюк шоир асарлари ихлосмандлари, айниқса, тадқиқотчилари ҳукмига эски ўзбек адабий тили хусусиятларини ўзида мужассам этган адиб асарларининг тўлалигича ҳавола этилишини муҳим ижтимоий воқеа тарзида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу асосда шоирнинг асарларида қўлланган ўз ва ўзлашган лексемаларнинг частотасини аниқлаш, уларга хос лексик-семантик, лексик-морфологик жараёнларни атрофлича таҳлил этиш имконияти яратилди.

Ҳар қандай тилга хос фонетик-грамматик, лексик-семантик тизимнинг ихтиёрий ва гайриихтиёрий ўзгаришга учраши табиий. Ушбу қонуният ҳар бир даврнинг ижтимоий ҳолати таъсири натижаси нуктаи назаридан Навоий асарлари тилининг лексик таркиби учун ҳам оиндир. Изланишлар мутафаккир асарларида вокеланган ва барча сўз туркумларига тааллуқли аксарият туркий сўзларнинг қадимги туркий тил давридан қўлланиб келаётганлигини тасдиқлайди⁸². Узок тарихий даврлар маҳсули бўлмиш, аниқроғи. Навоий асарларида ва ундан кейинги даврларда ҳам фаол қўлланишда бўлган соф туркий

⁷⁹ Исмаилов Х. "Муҳокаматул-луғатайн"нинг чет элларда ўрганилиши //ЎТА 1988, №2, 54-58 бетлар.

⁸⁰ Қаранг Қаримов А "Фарҳод ва Ширин" дostonида кўча маъноли сўзлар //ЎТА. 1981.№1, 25-31- бетлар, Шу муаллиф: Навоий лексикасининг бир қатлами//ЎТА. 1984. №2, 58-61- бетлар, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonининг луғати. 1,2 китоб, Тошкент, 2004, Бафоев Б: "Хамса" лексикаси бўйича кузатишлар//ЎТА, 1985 №1. 19-23- бетлар, Маматов Ҳ. "Маҳбул-қулуб"нинг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар// ЎТА, 1987.№1, 70-72- бетлар.

⁸¹ Рустамов А. Алишер Навоий тилидаги бир сўз ҳақида// Адабий мерос. 1976. № .131-133 -бетлар

⁸² 4 Рустамов А. Ўзбек адабий тилининг ilk даврига бир назар. Низомий номи ТДПИ. Лингвистик тўплам,113, Тошкент.1973. 114-129- бетлар.

сўзлар тизими ўзига хос тил занжири ҳисобланади. Бу сўзлар турли шартларда, турли адабий-тарихий асарларда мавжудлиги жиҳатидан тарихийдир. Бундай сўзлар илмий адабиётларда архаизмлар, яъни архисема (умумсема) деб аталади.

Архисема ҳар қандай тил луғат таркиби учун хос бўлиб, универсал ҳамда ижтимоий аҳамиятига кўра энг муҳим лексик-семантик воқеалар занжиридир. Навоий асарлари тилида асосий луғат фонди деб таърифловчи маълум тургун ядро – архисеманинг борлиги аниқ.

Шунинг учун эски ўзбек адабий тили тарихида, жумладан, Навоий асарлари лексикасида асосий луғат фонди деб аталувчи лексиканинг моҳияти, қўлланиш доираси, ҳажми ва чегарасини белгиловчи тилшунослик, қолаверса, Навоий асарлари лексикасини урганиш учун ўта муҳимдир.⁸³

Ҳар қандай миллий тилда анъанавий тараққиёт қонуниятларининг демократизациялашуви кузатилади. Жонли сўзлашув нутқининг таъсир доираси кенгайди. Жонли сўзлашув нутқида хос бир қатор сўзлар адабий тилга кириб келади.⁸⁴

XIV-XVI асрлар ўзбек адабий тилининг диалектал асоси масаласи борасида олимларнинг ягона фикри мавжуд мас.⁸⁵

Эски ўзбек адабий тилининг диалектал асоси масаласи ўз ечимини топган эмас. Бу муаммони Навоий ва Бобур асарлари тилининг диалектал асоси масаласи билан боғлаган ҳолда тўғри ҳал қилиш мумкин.

Эски ўзбек тилининг диалектал масаласи борасида олимлар асосан «Бобурнома»да келтирилган қуйидаги маълумотга асосланишади: "Жинубий тарафдағы қасабалар(дын) бир Андижандурким, вақатта вақий болубтур... Эли түркдүр". Шаҳр ва базарысында түркий билмас киши йоктур. Элининг лафзи қалам билә растдур. Аны учунким Мир Алишир Навоийнинг мусаннафати билмажудким Хирида нашъ-у нама тапыбтур, бу тил биләдүр"⁽⁶⁰⁾.

"Шаҳар ва бозорларида туркий тилни билмайдиган киши учрамаслигини, элининг талаффузи ёзувга мос" эканлигини кузатиш шунданки натижа эмас, балки йиллар давомидаги тажриба натижаси эканлиги сезилиб турибди. Бобур Навоийнинг " шу тил била

⁸³ Хамидов З. Навоий асарлари тили лексикаси (умумистеъмолда бўлган фаол сўзлар хусусида) Тилшуносликнинг долзарб масалалари. III. Тошкент. 2006, 85-89- бетлар.

⁸⁴ Кудимова Е.П. Изменение лексики русского литературного языка в пушкинское время. В книге Лексика русского литературного языка XIX - нчала XX века.-М.: Наука, 1981. С.15

⁸⁵ Чинарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начала XVI в. Ташкент. "Фан". 1979. С.4.

шухрат топганлигини" таъкидлайди. Ҳ.Дониёров бу фикрни тилшуносликка оид бўлган қимматли маълумотлардан бири сифатида баҳолаган.⁸⁶

Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Бобур асарлари диалектал асослари тўғрисида фикр юритган олим Ҳ.Дониёров эски ўзбек адабий тили ёдгорликлари таҳлилига асосланиб, уларда қипчоқ шеваларига хос хусусиятлар мавжудлигини таъкидлайди.⁸⁷ Т.Қудратов *р, л* ундошларининг талаффузда ассимиляцияга учраши (*кўрди—кўдди, келди—келли*), *й* ундошининг сўз бошида талаффуз этилмаслиги (*йил—ил, йилик—илик, йигит—игит*), сўзнинг қисқартирилган ҳолда талаффуз этилиши (*ювиб—юб, ингичка—инчка*) каби фонетик ҳодисаларни; *била, якка—жилов, гирд, жигда, пундик, тутак, савсани, нилови, пистоқи, нопармон* сингари лексемаларни мисол келтириб, Бобур асарлари тилининг қашқа воҳаси қадимги шеваларига яқинлигини айтиб ўтади⁸⁸. Асар гилидаги *илайига*(126; *шугун*(128); *уруғ* (77), *қатъмда* (77), *сахлар*(77), *алымызда*(145),*тўтагий, чыгыр—из, таныдым* (173) каби лексемалар ҳозирги қашқадарё шеваларида қўлланади. Баъзи топонимлар ҳам ҳозирда ишлатилади. Жумладан, «Бобурнома»да ҳудудий истилоҳ ҳисобланган *Кочабағ* — қарши шаҳрида (ҳозирда) маҳалла номи. Шаҳрисабз ва Китоб туманларида *кўчабоғ* — икки ёнида ариги, ўртасида йўли бўлган кўча.⁸⁹

Ф.Исҳоқов «Бобур асарлари тили билан ҳозирги Андижон шеvasи орасида фарқли ўринларга қараганда ўхшаш, яқин томонларнинг ортиқлиги» ни аниқ таъкидлайди. Бунда олим қуйидагиларга асосланади:

1) «Бобурнома»да Андижон аҳолиси тили ҳақида айтилган (юқорида келтирилган) фикрга асосланади. Олим бу фикрда ифода этилган уч жиҳатга: а) Андижоннинг этник хусусияти: элининг туркчилиги; б) бу эл тилининг сифати: «қалам бирла ростлиги» — адабий тилга мувофиқчилиги; в) Алишер Навоий асарлари тилининг диалектал асоси — Андижон эли тилига яқинчилиги эътибор қаратади; 2) Андижон шеvasининг ўзбек адабий тили тарихида ета-

⁸⁶ Дониёров Ҳ. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент. Фафур Фулом. номидаги адабий ва санъат нашриёти. 1972 6-бет

⁸⁷ Дониёров Ҳ. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент. 1976. 55-68 -б.

⁸⁸ Қудратов Т. Бобур асарлари тилининг Қашқадарё ўзбек шеваларига муносабати //Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Республика илмий анжумани материаллари. Андижон, 1993 130-б

⁸⁹ Нафасов Т. Бобур -номшунос // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Андижон. 1993. 41-б.

ачи ўрин тутганлиги таъкидланган тадқиқотларга (С.Иброҳимов, Г.Ф. Благова); 3) айрим морфологик кўрсаткичларнинг, лексемаларнинг «Бобурнома»да ва шевадаги услубий қўлланишга кўра ўхшаш жиҳатларига, лексик — стилистик хусусиятларига таянади.⁹⁰ Бобур ў асарларини жонли ўзбек тилида, ўша вақтдаги тараккий қилган шевалардан бири бўлган Андижон шевасида ёзади, уни ўша вақтдаги ўзбек адабий тили учун асос қилиб олади ва улуг шоир Навоийнинг ҳам шу йўлдан борганлигини уқтириб ўтади.⁹¹ Г. Благова изланишларида ҳам «Бобурнома»да Андижон шевасининг етакчи шаклини таъкидлаш кузатилади.⁹²

«Бобурнома»да келтирилган Алишер Навоий асарлари тили туркисидаги маълумотни профессор Қ. Содиков янгича нуқтаи назардан ёндашиб талкин қилади: «Англашилмовчилик, аввало, матндаги Андижон шеваси ҳақида айтилган Elinin lafzi qalam bila: ra:sttug жумласи билан кейинги-Навоий асарларининг тили хусусида айтилган фикрларни мантиқан хато боғлаш туфайли келиб чиққан. Аслида буни бошқачароқ тушунмоқ керак. Матндаги Elinin lafzi. qalam bila: ra:sttug жумласи икки хил хулосага олиб келади: 1) мазкур жумлада Фарғона (Андижон) элининг лафзи (яъни туркий тил) ёзма шаклда (бадний адабиёт орқали) шуҳрат қозонганлиги таъкидланмоқда; 2) бу жумла, мантиқан, улуснинг тили (Андижон шеваси) адабий тилга эканлигини ҳам англатади. Демак, Бобурнинг ёзмаларидан Тешурийлар даври адабий тилига («чиғатой туркиси»га) кўпроқ Андижон шеваси яқин турганлиги аён бўлади. Бобур Ҳирот адабий мактабининг вакили бўлмиш Алишер Навоий асарлари ҳам ушбу туркий ёзма адабий тилда эканлигини таъкидламоқда. Мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бобурнинг Андижон эли тили хусусидаги фикрини шундай талқин қилиш мумкин: «Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан (ёзма адабий тил билан) мосдир. Не учунким (ажабланарлиси), Мир Алишер Навоийнинг таснифлари (асарлари), (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб-улғайганига қарамай- ушбу тилда (Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда)дир». Бобурнинг ёзганлари М.Салье таржима-

⁹⁰ Иброҳимов С. Бобур ва Бобур адабий мероси тилининг Андижон шевасига муносабати (масалаларнинг қўлланишига доир) // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Андижон. 1993. 30-38-б.

⁹¹ Раулов Р. Бобур-ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Андижон. 1993. 42-б.

⁹² Благова Г. Ф. Анжижанский говор по материалам «Бабурнаме» (рубеж XV-XVI веков) и современным диалектным описаниям // Советская тюркология. 1977. №3.

сида тўғри ифодаланган.⁹³

«Андижон аҳолисининг тили», Андижон шеvasи XV аср ўзбек адабий тилининг асоси бўла олмас эди. Бобур Фарғона водийсининг пойтахти бўлган Андижон шеvasига шу ҳудуд нуктаи назаридан баҳо берган.⁹⁴

Эски ўзбек адабий тилининг диалектал асоси масаласи борасида фикр юритилганда кўпроқ XV—XVI асрларда яратилган манбалар (Навоий, Бобур асарлари) назарда тутилади. Бунинг қуйидаги асослари бор:

1. XV—XVI асрлар эски ўзбек адабий тилининг дастлабки тараққиёт босқичи бўлиб, адабий тилнинг диалектал асоси бош масалалардан ҳисобланган.

2. «Навоий, Бобур асарлари тилининг диалектал асоси» деган масаланинг қўйилиши мазкур ижодкорларнинг машҳурлик ва фаолиятларининг аҳамияти даражаси билан боғлиқ. Бошқа ижодкорлар (масалан, Муҳаммад Солиҳ, Турди Фароғий, Машраб, Абулғозий)га нисбатан масала бу қадар жиддий қўйилмайди.

Масаланинг «Навоий (ёки Бобур) асарлари яратилган давр ўзбек адабий тилининг диалектал асоси» шаклида қўйилиши маъқул. Негаки, «Навоий ҳам, Бобур ҳам асарларини ўзбек тилининг у ёки бу шеvasида эмас, адабий тилда, адабий тил меъёрлари асосида ёзганлар»⁹⁵. Уша давр адабий тилига озарбайжон, туркман тилларининг ҳам таъсири катта бўлган. Эски ўзбек адабий тилидаги озарбайжон, туркман тилларига хос жиҳатлар илмий асосда атрофлича тадқиқ этилмаган.⁹⁶ Ўзбек тилининг ўғуз гуруҳига хос шундай элементлар борки, XV-XVI аср насрида ва тарихий йилномаларда кўп учрайди. Бу ўринда буйруқ-истак майлининг 1 шахс кўплигини ифодаловчи *-линг -ли* кўшимчасини келтириш кифоя.⁹⁷

⁹³ Содиқов Қ. Бобурнинг Навоий асарлари тили тўғрисида айтган сўзларига бир боқиш: Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Тошкент. 2004. 26-28.

⁹⁴ Абдуллаев Ф.А. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари ҳақида: Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент, 1968. 238-б. Қаранг: Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начала XVI в. Ташкент. "Фан" 1979 С 5

⁹⁵ Исҳоқов Ф. Бобур ва Бобур адабий мероси тилининг Андижон шеvasига муносабати (масаланинг қўйилишига доир) // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Андижон. 1993. 30-6.

⁹⁶ Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начала XVI в. Ташкент "Фан" 1979. С.6.

⁹⁷ Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начала XVI в. Ташкент." Фан ". 1979. С.7.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, маълум маънода «китобий тил турли шева ва тилларнинг у ёки бу миқдордаги сунъий, тасодифий ва эркин аралашмасидан иборат бўлади».⁹⁸

Навоий ва Бобур асарлари XV—XVI асрда истеъмолда бўлган эски ўзбек адабий тилида ёзилган. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг ривожланиш босқичи ҳисобланиб, унда карлук, кипчок, ўғуз лаҳжаларига хос хусусиятлар ўз ифодасини топган. Шу билан бир каторда асарда сўзлашув услубига хос лексемалар ҳам қўлланган.

Навоий, Бобур асарлари яратилган давр ўзбек адабий тилининг шиклланишида Андижон шеvasининг муҳим ўрин тутганлиги қайд этилган. Баъзи жиҳатларларини қиёслаганда бир тарихий даврда яратилган «Шайбонийнома»га нисбатан «Бобурнома»да Андижон шеvasига яқинлик ортиқроқ экани кўринади.⁹⁹ «Бобурнома»да Андижон шеvasи хусусиятларининг кўп кузатилиши, биринчидан, уша давр адабий тилининг диалектал асоси билан боғлиқ; иккинчидан, Бобурнинг шу шевада сўзлашувчи элга мансублиги билан изоҳланади.

Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир сўз ва терминлар махсус ўрганилган бўлса-да, Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ мукаммал, умумлаштирилган лексикологик тадқиқотлар кўп эмас. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихий комплекс тадқиқ этиш, шубҳасиз, фан соҳасида, ижтимоий ва табиий илмлар билан боғлиқ ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш вазифасини маълум даражада ҳал қилишга олиб келади.

Ўзбек тилининг тараққий этиб, адабий тил даражасига чаққинлишига XI-XIV асрларда туркий тилда битилган илмий, тарихий, адабий манбалар асос вазифасини ўтаган бўлса-да, унинг тўлиқ шиклланишида Саккокий, Отоий, Гадоий, Яқиний, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, айниқса, Алишер Навоийнинг буюк хизматлари бор.

Навоий Темурийлар салтанатининг Самарқанд, Астробод, Мишҳад каби эътиборли шаҳарларига борган. Шоир сафар мобайнида

⁹⁸ Ўн письма Н.И. Ильминского, цит. По: На память о Н.И. Ильминском. Казань, 1982, С. 149. Ушунга кўйидаги манба асосида берилди: Благова Г.Ф. О соотношениях прозаического и поэтического вариантов среднеазиатско-тюркского письменного-литературного языка XV-начала XVI в. (Индеежное склонение в языке приведенный Бабура): Тюркологический сборник Л., 1978 91-4

⁹⁹ Исҳоқов Ф. Бобур ва Бобур адабий мероси тилининг Андижон шеvasига муносабати (масаланинг қўйилишига доир) // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари Андижон 1993. 37-6.

турли кишлок ва шаҳарларда тухтаб, ўша жойнинг иқлими, этник таркиби, халқнинг яшаш тарзи-ю, иқтисодий шароити, умуман, ерли аҳолининг шажараси, уруғлари, тили, лаҳжаларига катта эътибор берган. Шу аснода ўзининг ярагилажак йирик бадий асарларига зарур материал туплаган.

Шоир асарларида турли соҳага алоқадор лексемалар денотатив ва кўчма маъноларда ифодасини топган. Чунончи, диний-тасаввуфий, фалсафий, ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий терминлар, киши исмлари, таҳаллуслар, инсон тана аъзолари номлари, маиший лексика, касб-ҳунар, таълим-тарбия лексикаси, озик-овқат, об-ҳавога оид лексик бирликлар, жўғрофий, астрономик терминлар, зоонимлар, фитонимлар, кон ва маъдан билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, спорт ўйинлари, мусиқий, тилшунослик, адабиётшунослик терминлари ва ҳ.к. шоир асарлари сўз хазинасини ташкил қилади.

Алишер Навоий асарларида она тилининг ички имконияти ва бойлигидан нечоғлиқ санъаткорлик билан фойдаланган бўлса, эски ўзбек адабий тили лексикасининг салмоқли қисмини ташкил қилувчи ўзлашган катламдан шунчалик усталик билан истеъфода этган.

Навоийнинг “сўз”и бошқа адабий, лисоний терминларга нисбатан мазмун ва мантиқ доирасида кенг қамровга эгаллиги билан диққатни тортади. Мутафаккирнинг “сўз” ҳақидаги илмий мулоҳазаларига навоийшунослардан В.Зоҳидов, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, хусусан,¹⁰⁰ А.Рустамов томонидан фикр билдирилган. Бу ҳақда адабиётшунос олим Ҳ.Қудратуллаев “Навоий “сўз”ининг жозибаси” номли мақоласида куйидагича баён этади: “Навоийдаги “сўз” истилоҳи ранг-баранглиги, мазмунан кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, Навоий қаерда “сўз”ни ишлатар экан, у қайси мазмунда келишидан қатъий назар, адабиёт, тил, у билан боғлиқ нутқ, сўзлаш воситаси, нотиклик, ахлоқ ва бошқалар ҳақида ҳам фикр юритади.”¹⁰¹

Навоий “сўз” га ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиб, илмий кузатишларини ўртага ташлайди¹⁰², унга бир олам мажозий маънолар юклатилганлигини исботлайди:

Ул дамки йок эрди буд-у набуд,
Ма`дум эди эмди ҳар нэ мавжуд (СИ.30).

¹⁰⁰ Рустамов А. “Сўз хусусида сўз”. Тошкент. 1987; Навоийнинг бадий маҳорати. Тошкент. 1979.

¹⁰¹ Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг бадий – эстетик олами. Тошкент. 1991. 6 –бет.

¹⁰² Ҳамидов З. Навоий сўз таърифида// Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. Андижон 2002.208-210- бетлар.

Инсаф ила ҳар киши садиқ кўз
Анлар сўз эди – йу , мунда йоқ сўз (СИ.30).
Ким болды чу амр-и “Кун” Хувайда
Болды “Файакун” болгусы пайда (СИ.30).

Байтлар таҳлилида Навоий “сўз”ни оламнинг яратилиши билан баробар бир пайтда, яъни:

Анда ким, нэ жаҳанга эрди вужуд,
Нэ жаҳан аҳли эрдилар мавжуд¹⁰³

каби “ҳали бору мавжуд эмас, бир замонда яратилишнинг илк шибадаси вужуд сари кира бошлагач, ҳамма нарса шунда бор бўлди.

Аммо сўзнинг ўзи эмас, овоз, товуш пайдо бўлди”-, дейди. Навоий тил, чиройли нутқ, “сўз”ни ўз ўрнида қўллай олишга юксак мисъулият юклайди. Шоир тилдаги “сўз” ҳақида “Муҳокаматул - лугатайн” асарида фикр юритиб, унинг қудратига қуйидагича баҳо беради:

Сўз қаттығы эл кўнлин азар айлар,
Йумшағы кўңулларни гирифтार айлар¹⁰⁴

Алишер Навоий она тилининг бойлигини амалда кўрсатиш, унинг араб ва форс-тожик тилларидан асло кам эмаслигини исботлаш мақсадига “Муҳокаматул-луғатайн” асарини яратди. Унда адиб фақат эки ўзбек тили ва форс- тожик (сорт)тилини чоғиштириш билан чегараланмасдан, она тилидаги 100 та феълнинг маъно нозикликлари, маънодош, шаклдош сўзлар семантикаси, от ясовчи аффикслардан - **чи** - **вул**, феъл даражаларини ҳосил қилувчи - **ш**, - **т**, - **л** қўшимчалари ҳусусида чуқур илмий мулоҳазаларни ҳам баён этди.

Тилшуносликка оид ушбу асарда Навоийнинг тилнинг пайдо бўлиши, овоз, товуш, сўз ҳақидаги мулоҳазалари баён этилган, тил ва тифаккур, сўз маъноси, **тўш**, **йан**, **йақ**, **бар**, **соғын**, **тўз**, **кўк** каби сўзларнинг уч, тўрт, беш, ҳатто, олти маънода қўлланиши таҳлил этилган .

Сўз лексемасининг “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”да қуйидаги маъноларни ифодалашни қайд этилади:

1. гап, сўз, нутқ; 2. ҳикоя қисса, нақл; 3. ваъда, аҳд; 4. жавоб; сўз биғы “гап мажлиси”; сўз дурры “маъноли сўз, оқилона айтилган гап”; сўз иқлими “ сўз мулки”; сўз пардасы “сўз сири, камгаплик”; сўз қондасы “сўзни ўз ўрнида ишлатиш, маъноли гапириш”; сўзга тут=

¹⁰³ Алишер Навоий. Хайратул-аброр. Илмий-танқидий матн Тузувчи. Парсо Шамсиев Ташкент

¹⁰⁴ Алишер Навоий, Асарлар. Ғи беш томлик. 14-том Муҳокаматул-луғатайн Тошкент “Фан” 1988 103-133-бетлар.

“сүзлашмок, гаплашмок”; сөз сал= “гап ташламок, гап қотмок”; сөз узат= “гапни чүзмок”; сөз қат= “гапирмок, гаплашмок”.

Навоий сөз маъносига жиддий эътибор бериб, “Хамса” таркибидаги ҳар бир дөстон бошида сүз таърифи учун махсус боб ажратади. Сўзнинг маъно фазилатларини санаб ўтади. “Сүз таърифида” бобларида, “сөз”- бир ўринда насрий, яна бир ўринда назмий асар демакдир. “Сөз” ни Навоий Низомий ва Хусрав Дехлавий ижодига ўхшатган. Сөз “шовкин, биринчи садо, туганмас кўшиқ, рух, шудринг, битмас хазина; қуёш; сув, денгиз, денгиз бўйидаги гавҳар; хат, хуснихат; жой; кўнгил; инжу; очилган лола; жонбахш Исо - тирилтирувчи, сўз ташувчи” каби мажозий маъноларда қўлланган. Навоий “сөз” нинг мазмунан кенглигига ихчам ифодалилигига алоҳида эътибор беради. Тил ва тафаккур уйғунлиги, адабиётнинг талқин этилиши, нотиклик ва мангик, аҳд ва вафо, ишқ-муҳаббат изҳори, назм ва наср, умуман, ёзма адабиётнинг бадиий тасвир этишда сўзнинг хизмати катта. Шу боис Навоий “сөз”га сайқал беради, уни ижтимоий ҳаётда учровчи гурли нарса - предметларга муқояса қилиб, семантик доирасни ниҳоятда кенгайтиради, унга янгидан-янги вазифалар юклайди.

Моҳир сўз устаси ўз асарларини ёзишда, аввало, амалий натижа ва илмий мулоҳазаларни мушоҳада этган, тарихий-лисоний омилларни назардан қочирмаган.

Шоирнинг ҳар бир назмий ва насрий асарида гуё мавзуга алоқадор бўлмаган сўзлар иштирок этгандек кўринса-да, уларнинг яширин маънолари Шарқ бадиий санъатлар тасвирида ўринли, зарур сўзлар сифатида ишлатилади.

Ижодкор бундай сўзларни ишлатишда уларнинг тарихий даврлар маҳсули эканлиги, тилда барқарор, турғун, кенг истемолда бўлиши умум учун тушунарли, кундалик турмуш учун зарур эканлиги, тилнинг асосий воситаси, янги сўзлар учун асос, база вазифасини бажариши каби жиҳатларига эътибор берган.

Навоийнинг назмий ва насрий асарларида қўлланган қуйидаги лексемалар турғун ядровий оид сўзлар ҳисобланади:

1. Туркийча туб ва ясама субстантивлар:

а) қавм-қариндошликка оид: ага, ана, энга, оғыл, эр, аға, эгачи, қыз ва ҳ.к.;

б) инсон аъзолари: баш, йуз, йанақ, айақ, илинг ва ҳ.к.;

в) инсон характер-хусусияти ва касб-корга оид сўзлар: усрук, оғры, кошчы, кушчы, оракчы, тамғачы, айғакчы ва бошқа дериватлар;

- г) зоонимлар: **ҳökүз, тэвә, мушук, қабан, тўлкү, айығ, қузғун, чибин** ва ҳ.к;
- д) кийим-кечак ва озиқ-овқат номлари: **сут, талқан, умач, нуруқ, қуймақ, қымыз, тарығ, буғдай; боз, тон** кабилар;
- е) курол-аслаҳа номлари, **йай, қылыч, тэшә, көзгү, қар, йамғур, чакан, ташқын** ва ҳ.к.;
- ж) мавҳум тушунларчани ифодаловчи: **пычак, айағ(идиш), мамық, энлик (мато)** ва бошқалар¹⁰⁵;
- з) табиат ҳодисалари: **қыш, йаз, тозан** ва ҳ.к.
- и) инсон ҳолати билдан боғлиқ сўзлар: **уйқу, өгүт, қайғу, мўн, тилк** кабилар ;
- й) топонимлар: **Қарабағ, Қарагағ, Күмүшкэнт** ва бошқалар.
2. Сифатлар: **ақ, қара, көк, йашыл, мөл, йаны, тээ, чын, көп, мырығ, аччығ, көм-көк, ағыр каби.**
3. Сонлар: **бир, йэтти, сәккиз, икәв, бэшәлә, үчәлә** каби.
4. Олмошлар: **мэн, сэн, ол, алар, нэ, нэчүк, қайан, ошал** ва бошқалар.
5. Феъл категориясига оид сўзлар **сор=, ат=, отыр=, сыпқар=, алын=, бүк=, урун=, ажрат=, бар=, уз=** ва бошқалар.
6. Равишлар: **эртә, таңла, эмди, оң, сол, ичрә, дағы, қашыда, бийла** каби.
7. Күмакчилар: **үчүн, бирлә, киби//каби, йаңлығ, үзрә//үзә, сары, қаш, ара, ўст, бурун, илгәрү, кәйин, башқа, өзгә** ва ҳ.к.
8. Боғловчилар: **ҳам, дағы, йәки, гәх//гах, валәкин, валә, ләкин, йәкүд, ким, агар** ва бошқалар.
9. Юкламалар: **-ақ, -кинә//-гинә, -му-мү, -чи-чә, магар, кәшкә, йәлки, шәйат, гәйа** ва ҳ.к.
10. Ундовлар: **эх, ва, вай, ай, айа, аҳ** каби.¹⁰⁶

Алишер Навоий асарларида умумистеъмолда бўлган шундай сўзлар борки, улар ўз мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда талаффузда (олиғзилари ёзиллишда ҳам) фарклана бошлаган. Масалан, **бийик-буйук, чигирткә – чүгүрткә; авуч – ҳавуч; йылан-ылан; биртә-биттә; кирпик-киприк** каби вариантлар шулар жумласидандир. Бу-

¹⁰⁵ Ушбу соҳа сўзлари эски ўзбек тилида махсус тадқиқ этилган. Қаранг: Дадабоев Х. Эски ўзбек тилидаги мудофаа курол-яроғларини ифодаловчи терминлар// ЎТА. 1983 №5. 14-18-бетлар.

¹⁰⁶ Қаранг. Маматов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Ташкент 1960; Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Ташкент "Ўқитувчи" 1966; Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент 1981; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент "Ўқитувчи". 1973.

ндай сўзлар ўқилишида, ёзилишида ўзгаришлар содир бўлса-да, фаол умумистеъмомлик хусусиятини йўқотмаган¹⁰⁷.

Алишер Навоий асарларидаги турғун ва фаол сўзлар қаторига ўша даврдан буён ўзбек тилига сингиб кетган бир қатор арабча сўзларни ҳам киритиш мумкин: **аввал, авлад, мард, маъш, азин, асар, вақт, завқ, исм, касал, мактаб, қалам, шайр, нафас, мантиқ, ма'рака "жанг майдони", маскан, матн** ва бошқалар. Ушбу сўзларнинг баъзилари кейинги даврларда мазмунан кенгайган. Масалан, шоир асарларида **ма'рака** – “жанг майдони” маъносида қўлланган бўлса, бу сўзнинг кейинги даврларда “туй, йигин” маъносида қўлланилиши ортган. “Инсон, одам” маъносини ифодаловчи **мард** ўзлашмасининг Навоий асарлари ва кейинги давр манбаларида “киши, эркак, одам, жасур, ботир, ҳақиқий инсон” каби маъноларда келиши кузатилади: “... Шайх Абдуллаҳ ... аның ўйидә занг-у мард хуттаабдурлар (МН., 161); Бу хайл ичрә бар эрди рахнаварды Мусафир шива-и азада марды (ФШ, 103) ва ҳ.к.

Турғун ва умумистеъмомда бўлган форсча ўзлашмалар ҳам адиб томонидан қўлланган лексемаларнинг кўпчилигини ташкил этади. Шоир асарларида қайд этилган бундай сўзлар туб ва ясамалардан иборатдир: 1. Туб сўзлар: **дуст/дөст, раст, руза, сайа, умид, анжир, бадам, базар, гадә, гилам, гул, дашт, дэв** ва ҳ.к..

2. Ясама сўзлар: **гулзар, бимар, бадбахт, нанвай, дастурхан, хантахта, шахзада бутхана, кабутархана** ва бошқалар.

Бадий асар лексикаси тархий-этимологик жиҳатдан тасниф этилганда, аввало, ўз қатлам ва ўзлашган қатламга ажратилади. Бадий асар лексикасини бу тарзда тасниф қилиш адабий тил тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. Чунки у адабий тил лексик таркибининг тарихан қандай шаклланганлиги ҳақида фикр юритишга имкон беради.

Алишер Навоий асарларида ўзбек тилининг ички имконияти ва бойлигидан нечоғлик санъаткорлик билан фойдаланган бўлса, луғат таркибининг ўзлашган қатлам тизимига алоқадор элементларини ҳам ана шудай моҳирлик билан қўллайди. Фикрни тасдиқлаш мақсадида шоир асарлари сўз бойлигидаги лексемаларнинг баъзи мавзуну гуруҳларга мурожаат қиламиз.

Маълумки, XV аср маданий ҳаётида мусика санъати ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Абдурахмон Жомий, Биноий, Хожа Абдулло Садр, Хожа Юсуф Бурҳон, Мавлоно Салимий ва бошқалар мусика

¹⁰⁷ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент. 1981. 48-бет.

масалалари билан кизиққан. Жомий ўзининг «Рисолаи мусиқий» асарини яратган. Навоийнинг ёшлигидан ўз ғазалларига куй ёсталаганлиги ҳақида маълумотлар бор¹⁰⁸. Навоийнинг бу соҳадаги қобилиятини Бобур қуйидагича таърифлайди: «Йана мусикада йахшы нимадлар бағлабдур. Йахшы нақшлари ва йахшы пишравлари бардур» (БН, 233).

Назoий замoндoш мусикачи, хoнoндa ва сoзoндaлар ҳaқидa «Мижoлисун-нaфoис» асаридa маълумoт бeрaди. Улардaн бири: «Устaд Қулмуҳaммaд... кичик йaшыдa ғижжaк чaлар эрди. Қaбилият мaрри ул фaндa aндын кoп зaҳир эрди. тaрбийaтгa мaшғул бoлулды... пий ушaқ фaзaйили ҳaм бaр. Аммa у ғижжaк вa кoбузны асридa киши ничa чaлa aлмaс...» (139).

Навоий **чанг, уд, най, нағара, карнай, сурнай, ғижжак, қобуз** каби мусиқий терминларни асарларида кенг қўллаган.

Х.Дониёров ўзининг «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» номли асарида Алишер Навоийнинг қabila ва уруғлар ҳақидаги маълумотларини қуйидагича таърифлайди: “Улуғ сиймо Алишер Навоий тарих билан махсус шуғулланмаган бўлишига қарамасдан, ўзбек халқининг тарихи ҳақида, хусусан, этнографияси, аниқроғи, ўзбек халқининг уруғ ва қабилалари, уларнинг ўша даврда тутган ўрни, мавқеи ҳақида материаллар ёзиб қолдирган.”¹⁰⁹ Алишер Навоий шайхоний асарларида ҳам **қылчак, ағар, қийат, билгўт, қонғырат, бирлас, тархан, арлат, сулдуз** каби уруғ ва қабилалар номларини келтиради:

Эй Навоий, маңа бас ул санам -и луливаш,

Бэкка қылчак - у ағар, шаҳга қийат-у билгўт (ХМ.П6-77)

ёки

Мэн тилаб хусн, валэ шаҳ тилаб асл-у насаб,

Мэңа лули билә ҳинд-у, аңа қонғырат-у қийат (ХМ, П6-79)

Навоий ўзининг бадий асарларида ўзбек халқини ўша даврдаёқ бирлаштирган бир катор уруғ ва қабилалар номларини бежиз келтирмайди. Шоир уларнинг тарихий бирлашиш ва диалектал асосларига эътибор беради. Бу ҳақдаги ўз илмий мулоҳазаларини бадий услубда баён этиб, «Фарҳод ва Ширин» достонида яқун келгандек бўлади:

¹⁰⁸ Магсубов О Навоий наволарини излаб//ЎТА. 1991. №1. 54-59-бетлар.

¹⁰⁹ Дониёров Х Ўзбек халқининг шажара ва шевалари Тошкент. Фау 1968. 15-бет Қаранг. Ўзбек адабиёти бустони “Фарҳод ва Ширин”. Тошкент. Рафур Ғулoм номидaги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 356-бет.

Агар бир қавм, гар йўз, йокса миңдўр,
Муаййан тўрк улусы худ мэниңдўр.
Алибмэн тахт-и фармáнымға áсан,
Чэрик чэкмай Хитадын та Хурáсан (Ф.Ш. 356)

ёки

Көнүл бэрмиш сөзимга тўрк, жан ҳам,
Нэ йалгуз тўрк, балким тўркман ҳам (Ф.Ш. 356).

Хуллас, Навоийнинг бадий, тарихий, илмий асарларида ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли сўз ва терминлар ўзига хос услубда ифодаланган. Бу, албатта, мутафаккир дунёқарашидаги кенглик, турли соҳаларга бўлган кизиқувчанлик, айниқса, гуманистик ғоялар билан йўғрилган табиий фанларга нисбатан чуқур мулоҳазакорликдан дарак беради.

Алишер Навоий асарларидаги астропонимлар.

Алишер Навоий асарларида қўлланган коинот илми терминлари мавжуд сайёралар, юлдузлар ва буржлар номланишини ифодаласа-да, шоирнинг ички кечинмаларини бадий тасвирлашда асосий восита ролини ҳам ўйнай олган. Шоир томонидан ишлатилган астропонимлар таркибан, асосан, туркий (ўзбек), арабий, форсий қатламдан иборат бўлиб, маънодошлик шаклларида ҳам қўлланган. Коинот илми терминлари шоирнинг барча асарларида бош (бирламчи) луғавий ва кўчма (иккиламчи) маъноларда қайд этилган бўлиб, кенг таҳлил этишни тақозо этади.

Мисол тариқасида **қуйаш** астропонимнинг қўлланишига эътибор қаратамиз:

Аразы йадыдын чу тартыб вай,

Ортаниб көкдә ҳам қуйаш, ҳам ай (СС-63).

Яъни ошиқ маъшуканинг гўзал юзини эслаб оҳ-воҳ тортар экан, бундан кўкдаги қуёш ҳам, ой ҳам ўртанади. Бу ерда шоир ҳижрон азобини тортаётган ошиқнинг мушкул ҳолатини тасвирлашда муболага санъатидан фойдаланган. Вазиятни бўрттириб тасвирлашда жонлантириш санъатига мурожаат этилган. Гўё ошиқнинг чеккан кучли ноласини осмондаги қуёш ҳам, ой ҳам эшитиб, ғам-ғуссага чўмган. Байтда **көк**, **қуйаш**, **ай** астропонимларининг қўлланиши қаҳрамоннинг ўша онда қандай руҳий ҳолатда эканлигига ишора қилади. Асарда шоир **қуйаш**нинг маънодош шакли бўлган **кун** сўзини ҳам қўллаган:

Чарх йэткўрди ай-йу кўндин хишт,

Йасанур дэб йэр ўзрә йэтти бихишт (СС, 75).

Яъни фалак ерда етти жаннат барпо бўлишини истаб ой ва қуёшдан гишт келтирди. Бу ўринда шоир ой ва қуёшнинг ерга нур сочишини назарда тутган бўлиб, табиат ва инсоннинг баҳраманд бўлишини гўзал сабабга боғлаб кўрсатмоқда. Бихишт лексемаси диний "жаннат" тушунчасини ифодаласа-да, Навоий инсоннинг реал ҳаётда боғу роғлар яратишга қодирлигига ишора қилмоқда.

Асарда **қуйаш** астропонимининг ўғузча фонетик варианты **гўнаш** га ҳам дуч келамиз:

Жазм эттиларки, тахт-и гардунваш,

Айдур, амма **гўнаш** билә рукаш (СС, 121).

Яъни фалак каби тахтнинг ўзи аслида ой бўлиб, қуёш билан мнланганлигини аниқ билар эдилар.

Байтда Зайд Заҳҳобнинг Рум султониға ясаган тахти ҳақида гап кетмоқда. Аслида соф олтиндан ясалиши керак бўлган тахтнинг ичига қумуш ишлатилиб, фақат ташқи қисми олтин билан қопланганлиги тинибх орқали ифодаланган

Юқорида қайд этилган **қуйаш**, **кун** сўзлари уйгур-қорлуқ ҳамда минчоқ тиллари ва шеваларига хосдир.

Келтирилган мисолларда **ай**, **қуйаш**, **чарх**, **фалак** сўзлари ёнма-ён ишлатилган. Бу эса Алишер Навоий бадийятининг муҳим мисолларидан бири бўлиб, ўқувчини бевосита самовий тушунчалар ҳақида фикр юритишга ундайди. **Кун** сўзи "қуёш" маъносидан ташқари 1) "кун, кундуз, ёруғлик"; 2) "кун, бир кун, кеча ва кундуз"; 3) "вақт, фурсат, он, замона" каби маъноларда қайд этилади (АНА ГИЛ, П, 1386).

Ай астропонимининг Навоий асарларида **қамар**, **йалчык**, **бадр** каби синонимлари ишлатилган бўлиб, улар асар тилининг жонивадорлигини таъминлашга хизмат қилган:

Тарабдин фалак қылды халы аңа,

Йаъни айны жам-и хилалий аңа (СИ, 29 б),

яъни фалак (Искандарнинг шох бўлганлиги) хурсандчилигидан (тунга шундай бир нарса қилишга) ихтиёр қилди, Янги чиққан ойни янги ҳилолий қадаҳ қилиб тутди. Ойнинг бу пайтдаги шакли қадаҳга ўхшатирилган. Бундан ташқари, Искандарнинг ҳокимият тепасига қилини билан фалакда янги ойнинг туғилиши орасида ҳам боғланиш мумкин. Бу қадар теран маъно нозикликлари, албатта, Алишер Навоий ақолида кўплаб учратиш мумкин бўлган характерли томонлардан биридир. **Ай** сўзининг қайд этилган семадан ташқари "гўзал маҳбуба, ой ташли, гўзал, чиройли; ёруғлик, нур; вақт, вақт бирлиги" каби маънолари шоир асарларида ўз ифодасини топган (АНАТИЛ, II, 510).

Алишер Навоийнинг назмий ва насрий асарларида **кўк** лексемаси “осмон, фалак, чарх, сайёра, тақдир” каби маъноларда қўлланган.

«... ва **кўк** лафзин ҳам нэчә маъна билә истиъмал қилурлар. Бири **кўк** асманны дэрләр» (МЛ, XIV, 113)¹¹⁰.

Тубандаги байтда “осмон, фалак” маъноси **кўк** ҳамда **ақ уй** (бирламчи маъноси: “чодир, хайма”) лексемалари ёрдамида очиб берилган :

Кўк мазраи ичрә битаваххум,

Ақ ўйини тикди туркий анжум (СС, 78).

Мутафаккир асарларида ўз қатлам таркибига кирувчи астропонимлар орасида **йулдуз** лексемасининг нисбатан кам қўлланилганлиги кузатилади¹¹¹:

Қуйаш чашмаси бир қадах муз болуб,

Сачылган бары қатра йулдуз болуб (СИ, 129).

Бу байт “Садди Искандарий” достонининг ўттиз иккинчи бобида келтирилган бўлиб, у қиш таърифига бағишланган. Гўё, куёш чашмаси қишнинг совуғидан бир қадах музга айланган. Бу қадахдан тўкилаётган қатралар юлдуз каби сочилгандир. Бу ўринда икки қарра ўхшатиш қўлланилган, яъни куёш биринчи навбатда тинмай қайнаб турадиган булокқа, иккинчидан, чашма сингари лиммо- лим қадахга ўхшатилган. Қиш совуғидан титраётган қадахдан тўкилаётган томчилар музга айланиб, худди юлдуздек ҳар томонга сочилган. Қатра бевосита юлдузга ўхшашлиги боис куёш зарраларини эслатади¹¹².

Навоий асарларида “етти қават осмон, етти сайёра” маъносини ифодаловчи **йэтти кўк** бирикмаси нисбатан фаол ишлатилганлиги билан характерланади:

Тўрт унсур, йэтти кўк, алты жихат,

Надир-у алий асас-и кайнāt (ЛТ, 175-186.)

Ҳам йэтти кўк ҳукми муяссар ана,

Ҳам йэтти иқлим мусаххар ана (ҲА, 169 б.)

Навоий асарлари тилидаги астропонимлар ичида араб ва форс-тожик тилларига оид ўзлашмалар ҳам анчагина.

Алишер Навоий асарларида **кайнāt**, **алам**, **ҳисар**, **самā**, **фаза**, **арш**, **авж**, **сипэхр**, **қитъа** каби арабча истилоҳларга кенг ўрин берилган бўлиб, улар нафақат денотатив, шунингдек коннотатив маънолар-

¹¹⁰ Қаранг: Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т. II. Тошкент. 1983. 149 - бет.

¹¹¹ Қаранг: Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент: “Фан”. 1983; Қаримов А. Навоий лексикасининг бир қатлами // ЎТА. 1984. 58-61 -бетлар

¹¹² Қаранг: Алишер Навоий Садди Искандарий. Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1978. 97-бет.

ни ҳам ифодалашга бўйсундирилган:

Йазды фалак тақыга килк-и қазā,

Айат-и “Ваш-шамс” билә “Ваз-зуҳā” (ҲА, 28).

Яъни тақдир қалами кўк тоқига “Ваш-шамс” ва “Ваз-зуҳ” келтирени ёзди. Бунда куёш чиқиши, кун ботиши тасвир этилган. **Фалик** лексемаси “тақдир, бахт, толе” каби кўчма маъноларда ҳам ишлатилган:

Нэ кўнлўм қалды, нэ бағрым йарасыз,

Фалак ташыны ҳар йанымға атты (ХМ, I Уб. 629).

Шоир асарларида **фалак** сўзи асосли : **фалакиййāt** “астрономия”, **фаликсарир** “баланд тахтли, юқори мартабали”, **фалаксуръат** “қўлиқ, чаққонлик”, **фалактазийн** “осмон каби безалган”, **фаликқадр** “ юксак мартабали, шону шавкатли”, **фалак аҳли** “фаришталар, малаклар”, **жам-и фалак** “фоний дунё, борлик”, **қазā-и фалик** “тақдир ҳукми” лексик парадигмаларнинг қўлланиши эски адабий тили лексикасида ўзлашмалар роли ҳақида мулоҳаза қилишга имконият беради.

Алишер Навоийнинг илмий, тарихий, адабий асарларида шунингдек **кавкаб**, **кавакиб**, **савāбиг**, **зузаний** “думли юлдуз, юмта”, **суҳā** “Хулқар туркимига оид юлдузларнинг энг хираси”, **суҳийл**, **сураййā** “кичик юлдузлар туркуми”, **анжум** “юлдузлар”, **суфий** “юлдуз”, **Тимсāх** “юлдуз номи”, **Мунший** “Меркурий”, **нажм** “юлдуз”, **нужум** “юлдузлар”, **мунажжим** “юлдузшунос, астролог”, **расад** “юлдузлар ҳаракатини кузатиш”, **зиж** “астрономия жадвали”, **анжум арқамы** «юлдузларни ўрни бўйича тартибда», **Биржис** «Юпитер», **Тир** «Меркурий», **Кайван** «Сатурн», **Нахид** «Венера», **Ситāра** “юлдуз”, **шиҳāб** “учар юлдуз”, **Парвин** “кеки юлдуз туркуми”, **насрин** “самодаги икки юлдуз номи”, **ахтар** “юлдуз”, **Дабир** “Меркурий”, **устурлāб / сутурлāб** “куёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб, астролябия”, **тўрк-и фалик** “Марс» сингари астропонимлар ўз ифодасини топган. Мазкур лексик бирликлар Навоий томонидан ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи маъноларда қўлланган.

Диний-тасаввуфий терминлар. XII асрдан Ўрта Осиёда диний-тасаввуфий мазмунидаги асарлар туркий тилда пайдо бўла бошлади. Булар сирасига Алининг «Қиссаи Юсуф», Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Равнакул- ислом», «Тифсири», Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” «Сирожул-муллимийн» ва Бобурнинг «Мубаййин» асарларини киритиш мумкин.

Маълумки, Навойининг «Сирожул-муслимийн»¹¹³ асари тили умуман ўрганилмаган. Ваҳоланки, асар лексикаси, айниқса, диний-тасаввуфий терминлар бойлиги, турфалиги билан ажралиб туради.

Алишер Навоий «Сирожул-муслимийн» да диний-тасаввуфий истилоҳларни ўзига хос тарзда шарҳлашга, эски ўзбек адабий тилида тушунтиришга ҳаракат қилган. Масалан, иймонга оид истилоҳларнинг изоҳланиши бўлимида Аллоҳнинг Ҳақ, Халлақ, Маъбуд, Таъри, Худâ каби маънодошлари, Адил, Раҳим, Раҳман, Ғафур сингари минг бир сифатининг мавжудлиги таъкидланади. Асарда муқаввин”билдирғувчи”, муъман биҳ “мўминлар иймон келтириши керак бўлган тушунчалар” ақоид “қоидалар”, аҳад ”ёлғиз”, ҳай “мавжуд” каби лексемалар Навоийга хос услубда шарҳланган. Манбада жаннат-учмақ-биҳишт, дузах-тамуқ-жаҳаннам сингари маънодошлик ёки антонимик қаторлар талайгина қайд этилади. «Таҳорат фаройизининг адоси» қисмида таҳарат, ғусл, тайаммум каби арабча лексемаларнинг ўзбекча пākлик, арығлық, тазалиқ, йувиниш сингари синонимлари келтирилади¹¹⁴.

«Сирожул-муслимийн»да форс-тожик тилидан ўзлашган пāk, гуваҳ, рузадār, пишва, гунаҳ каб исломий сўзлар ёки тарк-и суннат, шарт-и ҳаж, ҳак-и пак, қасд-и ифтарга ўхшаш изофалар кўп учрайди. Алишер Навоий арабча, форсча-тожикча ўзлашмаларни эски ўзбек тили қонуниятларига бўйсундиради ва –лық/-лик//–лығ/-лиг сингари фаол сўз ясовчи аффикслар иштирокида худāлик, жаннатлик, қурбāнлық, пākлик, баидалық каби сўзларни ясайди.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида тил ҳодисаларини, жумладан, лексикага оид ҳодисаларни ҳам анъанавий, ҳам систем тилшунослик нуктаи назаридан тадқиқ этишда муайян натижаларга эришилди.

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва бугунги ҳолатга чиқишида, муболагасиз, унинг том маънодаги асосчиси Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс. Шоирнинг қаламига мансуб назмий ва насрий асарлар ҳам бадий, ҳам ғоявий-маънавий жиҳатдан юксак савияда ёзилганлиги сабабли, яшин тезлигида ўзга минтақаларга ёйилди, илм аҳлининг диққатини қозонди. Натижада унинг асарлари асосида тузилган қатор луғатлар ва грамматика юзага келди.¹¹⁵

¹¹³ Алишер Навоий Сирожу-л-муслимийн. Тошкент. “Мерос”. 1993.

¹¹⁴ Юлдашев Т. Навоий ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларида қўлланган шеърӣ атамаларнинг лисоний таҳлили. Номзод дисс. автореферати. Тошкент. 2002.

¹¹⁵ Абдурахмонов Ғ, Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент. “Фан” 1984.

Таъкидлаш лозимки, Навоий асарлари тилида истеъмолда булган сўз бойлигининг катта қисмини маънодош сўзлар ташкил этади. Муайян бир маънонинг турли тиллардаги сўзлар билан ифодаланishi, албатта, Навоийнинг сўз қўллаш маҳоратидан далолат беради. Ўзбек тилшунослигида Навоий асарларининг лингвистик хусусиятларига оид анчагина изланишлар амалга оширилганлигини ҳисобга олиб, биз шоирнинг «Сабъаи сайёр» асари тилида қўлланилган маънодош сўзларни семантик йўналишда тадқиқ этишни лозим деб ҳисобладик. Бу долзарб масаланинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, навоийшуносликка муайян улуш бўлиб қўшилади.

Турклогия ҳамда ўзбек тилшунослигида эски ўзбек адабий тилининг лексик-семантик сатҳида изланишлар олиб борилди, илмий асарлар, луғатлар, рисолалар, мақолалар чоп этилди, анжуманлар чиқарилди. Навоий асарлари тил хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар кўлами ва миқдорининг кўплиги уларни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш имконини бермайди.

Навоий асарлари тили лексикаси навоийшуносликда анча кўп ўрганилган сатҳ ҳисобланади. Шоир асарлари матнида қўлланган лексемалар статистик метод нуктаи назаридан аниқланган¹¹⁶, уларнинг лексик-семантик, стилистик, лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ этилган¹¹⁷, синонимлар қатори¹¹⁸ ва баъзи терминлар тизими¹¹⁹ тилида изланишлар амалга оширилган.

Ўзбек тилшунослигида синонимия ҳодисасига семасиологик нуктаи назардан ёндашиб келинади. Шунга мувофиқ синонимлар мизмун томондан муайян гуруҳларга, қаторларга бирлашадиган сўзларнинг бир кўриниши сифатида тавсифланади. Синонимларни бир қаторга бирлаштирадиган семантик асос, семантик мезон

¹¹⁶ Бифосв Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкен. "Фан" 1983 157-бет.

¹¹⁷ Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов «Хазайин ул-мааний» Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Л., 1968; Каримов А. Алишер Навоийнинг «Фирқод ва Ширин» достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. Номзадлик дисс. автореферати. Тошкент. 1974; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1969; Санакулов У. Исследование языка памятника XV в «Мухокамат ул-дугатайн» Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1971; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвистическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1982; Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги асосий туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда). Намуналик дисс. автореферати. Тошкент. 2007.

¹¹⁸ Рихмагуллаева М. К вопросу изучения синонимов в лирике Алишера Навои (на материале «Наводир ан-нихоя»). Автореф. Дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1965.

¹¹⁹ Давлабасв Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент "Фан" 1990.

талқинида тилшунослар орасида ҳали бирхилликка эришилмаган бўлса ҳам, ўзбек тилининг маънодош сўзлар бойлигини ўрганишда бу нуқтаи назар катта роль ўйнади. Бу принцип асосида ўзбек тили синонимлари бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди, ўзбек тили луғавий синонимлари луғати яратилди¹²⁰.

Ҳозирги вақтда лексик синонимия муаммоларига структурал-функционал, семантик жиҳатдан ёндашиш тилшуносликда кенг тарқалган. Шулар орасида синонимларга функционал жиҳатдан қараш фанда мустаҳкам ўрин ола бошлади. Проф. А.А.Брагина синонимларга функционал аспектда қарашнинг муҳимлиги ҳақида кўйидагиларни таъкидлаган эди: «Синонимларга функционал жиҳатдан ёндашиш уларнинг умумий системасидаги ўрнини аниқлаш, синонимларнинг асосий вазифалари –коммуникатив ва экспрессив –ифодавий вазифаларини таъкидлаб кўрсатишга имкон беради, бу эса ўз навбатида синонимларнинг дифференциал белгиларига асосланади»¹²¹.

Лексик синонимлар тилшуносликда функционал – стилистик жиҳатдан кўпинча ажратиб ўрганилади: а)лексик синонимлар; б)контекстуал – нутқий синонимлар. Лексик синонимлар тил системасида мавжуд бўлиб, тайёр материал сифатида нутқга қўлланилади. Контекстуал-нутқий синонимлар эса маъноси турлича бўлган лексик бирликларнинг семантик жиҳатдан яқинлашуви натижасида юзага келади, уларнинг дифференциал-семантик белгилари матнда нейтраллашади¹²².

Лексик воситалар орасида синонимлар тилимизнинг ижтимоий ва бадиий –эстетик жиҳатларини намоён қила олиши билан энг олий ўринни эгаллайди. Синонимияни нутқий ижоднинг чегараланмаган имкониятларини юзага келтира олувчи ўзига хос майдон дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам А.М. Пешковский ва А.И.Ефимов сингари олимлар нутқий воситалар синонимиясини ўрганишнинг стилистиканинг марказий муаммоси, деб ҳисоблаганлар¹²³.

¹²⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент.1974; Исамуҳамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке. Автореф. Дисс.канд.филол. наук. Ташкент. 1963; Мавлонова Х. Синонимлар классификациясига доир //Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. 2-сон. 74-76-бетлар; Жуманиёзова Р. Синонимлар таърифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 1-сон. 41-42-бетлар

¹²¹ Брагина А.А. Функции синонимов в русском языке. Автореф. дисс.доктора филол.наук. М. 1979.

¹²² Бу ҳақда қаранг Николаева О.М. Контекстуально - речевые лексические синонимы. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ростов-на-Дону. 1973. С. 3-7

¹²³ Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. М. 1961. С.252.

Тилшунининг тил устида қилган меҳнати энг аввало синонимик бирликлар устида ишлаш машаққатидир. Фикрни аниқ ифодалай оладиган элементни ахтариш ана шу қийинчиликнинг моҳияти ҳисобланади. Синонимик қатордан мос, керакли бирликни танлаб олиш экспрессивликни, субъектив баҳони аниқ ифода этишнинг энг ўзги йули бўлганлиги туфайли бадиий адабиётдаги зарур лингвистик восита саналади. Бунинг устига тилда стилистик меъёр белгилаш имконияти мавжуддир. «Синонимларнинг мавжудлиги ва умуман вариантлик муомаланинг у ёки бу вазиятга мос келадиган тил воситаларини танлашга шароит яратади, шу сабабдан танлаш тушунчаси стилистик категориялар қаторига киради»¹²⁴.

Ҳар бир миллий тилда, жумладан, ўзбек тилида маълум муаммоларни англаувчи синонимларнинг мавжуд бўлиши ва синонимик қатордаги бирликлар сони бу тилнинг бойлигини кўрсатувчи сифат белгилари саналади. Синонимик қатордаги ўзларнинг услубий табақалана бориши эса тилнинг бу филиалларини яна ҳам тўлдириши мумкин.

Алишер Навойнинг «Сабъаи сайёр» дostonида форс-тожикча сўзлар маънодорлиги, таъсирчанлиги, услубий бўёқдорлиги билан фарқлиб туради. Уларнинг миқдори ўзбекча сўзлар каби кўп бўлмасаму, лекин матнда алоҳида маъно ва мазмунга эга. Матндаги ҳар бир фирсча-тожикча сўз ва иборалар фикрнинг жозибадорлиги, нутқнинг ранг-баранглиги учун хизмат қилган. Асарда форсча-тожикча сўзларнинг маънодошлари бир талай. Муаллифнинг бу саъй-ҳаракати, биринчидан, ижодда ёҳуд ифодада тақдорнинг олдини олиш, иккинчидан, маънодош сўзларни таносуб ва меъёрига қараб ўз ўрнида қўллаш, учинчидан, нутқда мавжуд маънодош сўзларни танлаш ҳамда шу усул билан китобхоннинг луғат захирасини бойитиш мақсадида қилган.

Алишер Навоий асарлари услуб ва стилистик жиҳатидан бир-бирини тубдан фарқ қилади. Шунинг учун шоир асарларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида текшириш, уларнинг ўзига хос ёзилиш тарихи, услуби ва маъно ранг-барангликларини аниқлаш ҳозирги кундаги тилшунош илмий вазифалардандир.

Ўзбек тили тарихини, жумладан, унинг лексикасини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларда асосан XI-XV аср ёзма

¹²⁴ Хинанская З.И. Стилистика французского языка. М. 1984. С.252.

ёдгорликлар тилига катта эътибор берилган.¹²⁵ Ёзма ёдгорликлар лексикаси бир қатор махсус лугатларда ўз ифодасини топган.¹²⁶

Ранг ифодаловчи сўзлар синонимияси. Маълумки, ўзлашмавлар қабул қилувчи тилнинг ифода плани доирасидаги ҳодисалар системасига сингиб, унинг мазмун плани билан алоқадор бўлган янги тушунчаларни ифодалайди.

Шу жиҳатдан, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари лексик таркибидаги форсча-тожикча сўзлар ҳам ўзаро, ҳам умумтуркий, ўзбекча, арабча лексик бирликлар билан омонимик, синонимик ва антонимик қаторлари ҳосил этиш жиҳатидан характерлидир.¹²⁷

Алишер Навоийнинг назмий асарлари тили лексикаси таркибидаги ранг парадигмаларини ифодаловчи лексемалар компонентларининг сони ҳамда бадий – поэтик вазифа бажаришда бошқа сўзлар билан боғлана олиш даражасига кўра алоҳида ажралиб туради.

Қизил ранг ифодаловчи сўзлар синонимияси. Навоий «Сабъаи сайёр» асари тилида асосан уч тил элементларидан фойдаланиб, қуйидаги синонимик қаторни ҳосил этган: **қызыл – ал –**

¹²⁵ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. 1-китоб. Тошкент, 1949; Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихи тожик тилига кичикача очерк. Тошкент, 1959; Гаджиева Н.З., Исхаков Ф.Г. и др. Вопросы исторического развития лексики тюркских языков // Доклады делегации СССР М., 1960; Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тюркского языка XI-XIII вв. М., 1963; Наджип Э.Н. Архаизмы в лексике тюркского языка памятника XIV в. «Гулистан» Сайфи Сарая // Краткие сообщения Института востоковедения АН СССР 83. М., 1964; Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг лугат тарихи ва таркиби. Ташкент, 1968; Боровков А.К. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка // Алишер Навоий. М., Л., 1946; Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1965; Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Хазайин ул-мааний» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Л., 1968; Санакулов У. Исследование языка памятника XVI в. «Мухокаматул-лугатайн» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1971.; Маматов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1969.; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1973; Насыров И. Лексика «Маджаллис ан-нафис» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1980 ва х.к.

¹²⁶ Боровков А.К. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка // Алишер Навоий. М., Л., 1946; Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1965; Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Хазайин ул-мааний» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Л., 1968; Санакулов У. Исследование языка памятника XVI в. «Мухокаматул-лугатайн» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1971.; Маматов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1969.; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1973; Насыров И. Лексика «Маджаллис ан-нафис» Алишера Навоий // Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1980 ва х.к.

¹²⁷ Рустамов А. «Сабъаи сайёр» тилининг хусусиятлари. ТошДУ илмий асарлар, 240 чиқиш. Шарқ филологияси масалалари. Тошкент, 1964. 77-79- бетлар.

ал – гулнор – гулгун – гулфам – гулранг – лалагун – лалфам – лаллар – гул-гул – шафақгун – арғуваний – шингарфгун .

Шоир назмиёти тилининг ўзига хос лексик хусусиятларидан бири кўпгина сўзларнинг кўчма ва контекстуал маъноларда ишлатилганидир. Бунда сўзларнинг туб ва деривацион шакллари ишлатилган.

Қуйида қизиллик тушунчасини ифодаловчи сўзлар синонимияси шаклида фикр юритамиз:

қызыл :

*Майда сарқий магар қылиб эди ҳал,
Дардисар дафъыга қызыл сандал (264)¹²⁸,*

ал :

*Сарв-и гулчиҳр қылды истиқбāl,
Гул киби барча рахт-и ҳулла-йи ал (204);*

гулгун :

*Шаҳ Баҳрам кийди гулгун рахт,
Тикти гулгун уй ичра гулгун тахт. (204)*

Байтда гулгун лексемасининг такрори маънони бўрттириш учун ишлатилган.

Бир мисрада **гулгун** сўзи ҳам сифат, ҳам атокли от ни англатган:

*Гам-и “Шабдиз”дин кэлиб афзун,
Ранги гулгун-у аты ҳам «Гулгун”. (219)*

Лалфам ...шафақгун ҳуллалик хуришд била саргар-и йақутфам шаклида **лалфам** билан боғланади:

*Лалфам:
Бададын йузни лалфам айлаб,
Конул айваныда хирам айлаб (32).*

Алишер Навоий асар тилида такрордан қочиб мақсадида ишлатилган сифатга мурожаат қилади: ...**ул йақут ва лалфамдин уйку учун** **лафғарриқ тарғиб қылыб...** (204)

Мазкур мисолдаги **йақут** сўзи **йақутфам** қадаҳ, **лалфам** эса **лалфам** билан боғланади. **Лалфам** билан боғланади. Асарда **лала** сўзи ҳамда унинг асосида юзага чиққан **лалавар, лалагун, лалафам, лаллархсёр** каби лексемалар “қизил” маъносини ифодалашда ишлатилади. “Сабъаи сайёр”да мазкур синонимик қатордан ўрин олган **лалавар, лалагун** сўзларигина “**лаларанг, қизил**” маъноларини ифодалаш учун ишлатилган.

¹²⁸ Мисоллар С.Хасанов томонидан нашрга тайёрланган Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асаридаги ишлатилган Алишер Навоий. «Сабъаи сайёр». Тошкент. Фағур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат институти 1991.

Май тил бирлиги денотатив “шароб” ҳамда кучма “қизил” маъносини англатишга йўналтирилган:

Йана май ичмак эрди, гул сачмак,

Йана май чихраларда гул ачмак (219).

Кўрилатган маъно шунингдек **арғуваний** :

Ози илгид арғуваний май,

Ити алдыда хасм қаны май (205),

қан:

Болды йэр қанлары билә гулфам,

Корки гул фаслидур нэ хуш аййам. (235),

шафақгун:

...: шафақгун хуллалик хуршид билә... (204),

шингарфгун:

Баглады зэл-и чарх олуб раъна,

Абр-и шингарфгун билә хинна (204) лексемалари ёрдамида ҳам ифодаланган.

“Сабъаи сайёр” асарида “кўк ранг”ни ифодаловчи ўзига ҳос синонимик қатор мавжуд. Маълумки, асл *туркийча* лексема “тиник осмон рангидаги; мовий, зангори” маъносини ифодалайди.

“Сабъаи сайёр” асари тилида **кўк** сўзининг куйидаги синонимик қатори мавжуд: **кўк – мавий – асманий – фирузагун – фируза – лажувард – нилтий – нилуфар – нилуфариий – нилуфаргун.**

Юқоридаги синонимлар асарда ўз ўрнида қўлланган. Масала:

Ойлаким кўз йарутқалы жавид

Чықты кўк атласин кийиб хуршид. (238)

Маълумки, **кўк** сўзи омонимик хусусиятга эга бўлиб, “ер устиди” ҳам ифодалайди:

Кўк фазасыга миҳр қылды сафар

Болубон рубаруй нилуфар. (238),

Асар тилида кўк рангни ифодалаш мақсадида:

Мавий: *Чаҳаршанба кўни Баҳамниң мавий киват билә гунбайи и нилуфариийга май қылыб...* (238),

самавий :

Миҳрким гулрухи самавийдур.

Нилуфарваши либасы мавийдур. (263).

асманий:

...хуршид-и асманий либас билә. (238);

фируза :::

Илгига алды жам -и фируза,

Лаъл май андын этти дарйуза (238),

фирузагун:

...жам-и фирузагун ара кабудан майидэк. (239).

лажувардий:

Қаламинга кэчә сипиҳр ара,

Лажувардий дават ичиндә қара (14),

кабудан каби сифатлардан ҳам фойдаланилган:

...кабудан майидэк бада салыб. (238).

Асар тилида кўк рангни ифодалаш мақсадида **минна, нилгун, миннаранг, нилуфар, нилуфариий, нилуфаргун, нилуфарвар** сўзлари ҳам қўлланилган бўлиб, уларнинг аксарияти ўз ҳамда мажозий маъно касб этган. Масалан:

Нилуфардэк либаслар билә ай,

Болды хуршиддэк жаҳанраӣ. (238) ва ҳ.к.

«Сабъаи сайёр» тилида қора ранг қара **-тийра – шабгун – шам – шамранг – шамгун – шабгун – мушқфам – мушк – мушкин**, сарик ранг

сарыг-асфар-қаҳраб-алтун-каҳ-каҳваши-заъфаран, оқ ранг **ақ – кайфур – кайфургун – кайфурий – кайфуркар**, **яшил ранг эса йашил – сибз – сабза – сабзаранг – зумрад – ахзар** сингари маънодошлар ёрдамида англашилган. Ушбу лексемаларнинг маъно нозикликлари хусусида алоҳида мулоҳаза юритишнинг имконияти чекланганлиги бонс баъзи сифатларгагина тўхталиб ўтамиз.

Сарыг сўзи *саман, зарчува, алтун* каби нарсаларнинг рангини¹²⁹, шунингдек, “малла ранг, малла (соч, тук, тери)” маъносини ифодалашда қўлланилади:

Қундуз этти қара, сарыг тоныны,

Кун сийахтаб қылды алтуныны. (156)

Маълумки, олтин - сарик-қизғиш тусли қимматбаҳо нодир металл. Навоий баъзи ўринларда олтиндаги белгини кучайтириш мақсадида **сарыг** сўзидан фойдаланади:

Жилва қылды нигар-и румий чихр,

Сарыг алтун ара нэуукким, миҳр. (155).

Сир эмаски, феъл категориясига оид лексик бирликлар бир тилдан бишқасига жуда кам ўзлашади. Феълнинг тил бирлиги сифатидаги миклори шу тилнинг сўз бойлиги даражасини белгиласа, ҳар бир

¹²⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳи луғати. 1-том. Тошкент, 2000. 23-бет.

бирлигинин кўн маънолилиги шу тилнинг ифода усули кучини ҳам кўрсатади¹³⁰.

Алишер Навоий эски ўзбек, араб, форс-тожик тиллари сўз бойлигини мукаммал билган. Мана шу катта бойликдан поэтик ижодида самарали фойдаланган. Бу жиҳат ҳаракатни ифодаловчи сўзлар маънодишлиги ва семантикасида яққол намоён бўлади. Фикрни далиллаш мақсадида

«Саъбаи сайёр» тилида ўз ифодасини топган баъзи ҳаракат феъллари синонимиясига диққатни қаратамиз¹³¹, холос.

Йаз=, бит= лексемалари “қоғоз ёки бошқа материл юзига бирор белги (ҳарф, рақам ва ш.к.) туширмак” маъносини ифодалайди:

Оқуғлч ул сурук асир-и фирақ,

Қылганин йазмиш эрди баштын-айақ (170). Буюк шоир

рақам қыл=, рақам чэк=, рақам тарт= сингари кўшма феълларни ҳам “ёзмак” маъносини ифодалашга йўналтиради:

Растқа лутфдин рақам чэккил,

Саҳвума афв ила қалам чэккил. (352).

“Суюқликни хўплаб ёки шимириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ” семемаси **ич=-йут=-сыпқар=-нуш қыл=** лексик бирликларни иштирокида очиб берилади

Ич=:

Фаррух-и натавин нэча кун эди,

Ки нэ сув ичти, нэ таам йэди (1350),

Сыпқар=:

Хожжа худ андоқ узидин барди,

Ки олиб бехудона сипқарди (275)

Йут=:

Таки йутмақ шиарыны тутты,

Йута алганча халқны йутты (326),

Шу ўринда келтирилган феълларнинг бирлаштирувчи ва фарқловчи семалари Навоий асарлари аниқ фарқланишини таъкидлаш лозим бўлади. Мухтасар килиб айтиш мумкинки,

Алишер Навоий синонимлар ичидан тасвир мақсади ва руҳият мувофиқ келадиган сўзни топиб, муайян асарида қўллашга ҳаракат қилган, шу тариқа қаҳрамонлар руҳияти, тасвир объектининг мавжуд қирраларини реал кўрсатиб беришга интилган. Шоир асар тилида

¹³⁰ Бафоев Б. Навоий назаридаги юзта феъл ҳақида // Ўзбек тили ва адабиети. Тошкент. 1990. 1-сон. 22-бет.

¹³¹ Ҳамидов З., Холбоева М. “Саъбаи сайёр” асарида ҳаракатни ифодаловчи сўзлар синонимияси // Илм сарчашмаси. 2007. 4-сон. 63-68 -бетлар.

икки ёки ундан ортиқ синонимлардан ифодаланаётган маъно учун энг миқбулини танлайди ёки айтиб берганда бир байт ёхуд матннинг таркибида икки ва ундан ортиқ маънодош бирликларни бадиий тасвир мақсадида ўз-ўзига ҳолда қўллайди.

Навоий асарлари тилида лексик, фразеологик синонимлар ишлатилган.

Шоир лексик синонимлардан тил бирликларининг такрори натижасида юзага келадиган ифода камбағаллиги ва рангсизлигидан қочиш, тасвир объектга эътиборни жалб қилиш мақсадида фойдаланган.

Адиб фақат тилда мавжуд синонимлардан фойдаланиб қолмасдан, бадиий тасвир эҳтиёжига кўра бошқа сўзларга ҳам айтиб маънони ифодалаш вазифасини юклайди ва матний-стилистик синонимлар қаторини янада кенгайтиради.

Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг бой ва ранг-биранг имкониятларидан кенг қўламли истифода этган ҳолда унинг тиракқий этган тиллардан мутлақо кам эмаслигини, аксинча, айрим жиҳатлари билан улардан устунлигини рад этиб бўлмас иншўвий далиллар билан исботлаб берди. Шу билан бирга улуг мутафаккир таълиф этган асарларда фақат унинг даҳосига хос бўлган тил ҳодисалари ва ижодий хусусиятларининг яққол намоён бўлиши Алишер Навоийнинг Она тилига мансуб фонетик-фонологик, морфем-морфологик, лексик-семантик ва грамматик сўзлар доирасида моҳирона ижод қилибгина қолмай, балки уларни янада ривожлантиришга, юқориқ босқичга олиб чиқишга қармай-толмай бел боғлаганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, мозийда туркийда битилган ҳам насрий, ҳам назмий асарлар матнини кузатиш жамиятда ёмон, қўпол, хунук деб тан олинган воқеа-ҳодисаларнинг номларини англлатувчи сўзларни тилга олмаслик, яъни табу тарзида белгилаш, уларнинг ўрнига бошқа лексик бирликларни, перифразаларни қўллаш сингари меъёр жуда қадимдан одат тусига кирганини белгилайди.

Жумладан, «ҳаёти тугамоқ, яшашдан тўхтамоқ, қазо қилмоқ»¹ маъносини англлатувчи ёл= сўзи табу ҳисобланиб, мазкур лексема ифода этган воқеа-ҳодиса жамият аъзолари томонидан қабул қилинган меъёрга биноан ўзга сўз ва сўз бирикмалари - эфемизмлар кўмагида айтилганлигини мумтоз адабиёт, алалхусус, Алишер Навоий қаламига мансуб насрий асарларда кўриш мумкин. Адибнинг «Насойимул-муҳабба мин шамойимул-футувва», «Тарихи мулуки ажам», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти

Паҳлавон Муҳаммад», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Мажолисун-нафоис» сингари насрида *ол*= лексемаси семемаси билан бевосита алоқадор маънодошлик қатори *узининг* микдори, ишлатилиш частотаси ва қўлланиш услуби билан диққатни жалб этади.

Ол= лексемасининг ахлоқий ва маданий жиҳатдан ноқулай деб топилганини унинг шоир асарларида онда-сонда учрашидан ҳам билиб олса бўлади: Кубадға Йалашның олганин хабарын йэтқурди (ТМА, 222).

Қайд этилган сўз ифода этувчи тушунча, маъно билан боғлиқ синонимия қаторининг диққатга сазоворлиги шундан иборатки, унга тааллуқли лексемалар бош лексема, яъни доминанта вазифасини ўтаган *аламдын от*= лексемаси атрофида бирлашган. Маълумки, доминантанинг хусусияти шундаки, унинг семемаси таркибидаги ифода семалари маънодошлик қаторида аниқланган, ойдинлаштирилган ифода семаларига нисбатан бефарқ-нейтрал бўлади.

Амалга оширилган таҳлилларимиз зикр этилган доминантанинг Алишер Навоий насрий асарлари тилида қўлланиш доираси ва частотаси қатордаги бошқа лексемаларга нисбатан анча кенг ва қўп эканлигини белгилаб берди.

Эътироф этиш жоизки, бош лексема тарзида таъкидланаётган лексемани шоир асосан унинг муносабати нейтрал бўлган шахслар ҳақида гап кетганда қўллайди.

Аламдын от ~ лексемасининг маълум даражада кўгаринкилик бўёғига эга бўлишига қарамасдан на фақат Алишер Навоий асарларида, шунингдек замондошлари асарларида, жумладан, «Бобурнома»да ҳам фаол қўлланиши унинг ХУ-ХУІ аср эски ўзбек адабий тилида доминанта вазифасини адо этганини таъкидлайди. *Ул уйга кириб, асасига тайаныб, аламдын отти* (ТАҲ, 51). Бош лексемага *хос* бўлган камбағаллик, бефарқлик мазмунининг маънодошлик қаторидаги нисбатан унга яқинроқ бўлган қуйидаги контекстуал синонимларда ҳам мавжуд эканлигини пайқаса бўлади:

аламдын чық -: *Ва аз фурсатдин соңра Малик Раййан ҳам аламдын чықты* (ТАҲ, 25);

вафат қыл -: *Чун вафат қылды, оғлы йоқ эрди, амма ҳарам хамила эрди* (ТМА, 213);

дунйадын от -: *Сусқа барды ва анда дунйадын отты* (НМ, 101); *дунйадын бар* -: *Уч йуз йигирма йэттида дунйадын барды* (НМ, 102);

вафат тап - Фирсдын эрди ва Нишанпурда вафат тапты (ИМ,14). Келтирилган мисоллардаги маънодошларни доминанта билан бемалол алмаштира билади. Бунда гапларнинг мазмунида жиддий ўзгариш содир бўлмайди.

Маълумки, субъектнинг денотатга бўлган салбий муносабати коннотатив семада зоҳир бўлади. Алишер Навоий насрида қайд этилган маънодошлик қаторида «шахсий салбий муносабат» семаси *ахир бол* =: *Ҳамул уч-тўрт кунда гуйа узвига туган қопуб, ул жароҳат газак болуб, ахир болды* (ХМ, 62) ҳамда *жаҳаннамга бар* =: *Ул тоқмақны аның башыга бэрк қаттықрақ ургай, та бу алаб билә жаҳаннамга баргай* (ТАҲ,5) сўз бирикмасида ўз инфодасини топган. Салбий муносабат даражаси *ахир бол* = дан *жаҳаннамга бар* = га қараб ўсиб боради.

Таҳлил объекти бўлиб турган маънодошлик қаторида «ижобий муносабат» семаси адиб насрида бир қанча лексемаларда ўз аксини топган. Фактик материалларга мурожаат қиламиз:

Таңри раҳматыга бар =: *Ва Шам наваҳийсида Чарун қирийасыда Таңри раҳматыга барды* (НМ,17);

аламга видъъ эт =: *Ва умри йўз отузга йэткәндин соңра аламга видъъ этти* (ТАҲ,7);

жанны тапшур =: *Ва жанны жаннафаринга тапшурды* (ИМ,342);

азим бол =: *Оқибат ул дагы өзгәләр азимат қы лгандәк азим болды* (ТМА, 2063; *шарбат ич* =: *Ақибат ул дагы қардашы ичкән шарбатни ичти* (ТМА.206).

Бу лексемалар қаторида «ўта кўтаринкилик, китобийлик» белгилли маънодошлар алоҳида ўрин тутади. Мазкур семемали мураккаб сўз бирикмалари ва иборалар Алишер Навоий гомонидан унинг учун ўта хурматга, иззатга сазовор бўлган шахслар ҳақида маълумот берилган чоғларда қўлланилган. Масалан: *дорул-бақага бар* =: *Ва Йаъқуб алайҳис-саләм... нэчә вақт рисәлат амрыга мин:ул эрди, та дорул-бақага барды* (ТАҲ,18);

дорул-фанъдын гулшан-и бақага хирам қыл =: *Ва дорул-фанъдын гулшан-и бақага хирам қылды* (ТАҲ,25);

бу *фанъ танғнайыдын бақә гулшани фазасыга хирам көргүз* =: *Икхлавдин ҳамул хазратнинг пайравлигига бу фанънинг:найыдын бақә гулшани фазасыга хирам көргүзди* (ХПМ, 101; *өзгә алам азиматыга айақ ур* =: *Алар башыга йэткүнча*

Паҳлавāн худ ӯзгā алам азиматыга аяқ урган экāндур (ХПМ,01);

руҳ вадиатин жāнāфаринга тапшур=: *Алар руҳ вадиатин жāнāфаринга тапшурдылар* (ХМ,63); *хāйāt вадиатин мутақāлини и ажалга топшур=:* *хāйāt вадиатин арвāх қабызыга тапшур=* *Чун рузгār ҳарунлигидин ва лайлқу нахār буқаламунлыгыдын Паҳлавāн Бусайд хāйāt вадиатин муптақāзийқи ажилгā тапшурубтур. Иқлимāны аңа никāх қылыб, ӯз орныга валиақд қылды ва хāйāt вадиатин арвāх қабызыга тапшурды* (ТАХ,9);

Ҳақның живār=и раҳматига вāсил бол= *Ва ҳазрат=и мавлāни анда Ҳақниң живār-и раҳматига вāсил болды* (НМ,297);

касрат анжуманидин кōз йумуб, ваҳдат хилватхāнасыга нузул қыл=: *Алар касрат анжуманидин кōз йумуб, ваҳдат хилватхāнасыга нузул қылдылар* (ХМ,65); *риҳлат кōсин чал=:* *Кōн кишвар алды ва āхир риҳлат кōсин чалды* (ТМ,213); *ажал шикāристаниниң сайды бол=:* *Бир кўн авда ажал шикāристаниниң сайды болды* (ТМА,205); *руҳқи гизалы ажал оқыга қатыл бол=:* *Авда руҳ-и гизалы ажал оқыга қатыл болды* (ТМА,206).

Тадқиқ этилаётган маънодошлик қаторига мансуб сўзларни синчиклаб таҳлил этиш юқорида кўриб ўтилган лексемалардан ифода семаси фаркли бўлган сўз бирикмаларнинг ҳам Алишер Навоий насрий асарларида қўлланишда бўлганлигини кўрсатади. Булар жумласига «фожиали равишда ўлмоқ» семали *ҳалāк бол=*. *Бир йэрдин йықылды ва бойны сынды ва ҳалāк болды* (НМ,331) ва *от=:* *Ва бихуд тамдын йықылыбтур ва отубтўр* (НМ,125) ҳамда «дин йўлида ҳалок бўлмоқ, жонни фидо қилмоқ» семали *шаҳāдат мартабаси тары=:* *Баргандын сонра ул уруште шаҳāдат мартабаси тарыбдур ва жасадин Тусқа накл қылыбдурлар* (НМ,289) ва *шаҳāдат давлатига мушарраф бол=:* *Шайх васийат қылыб дэдики, биз бу сафарда шаҳāдат давлатига мушарраф болгумуздур* (НМ,289) лексемаларини киритиш мақсадга мувофикдир. Бу лексемалар қатордаги «ижобий муносабат» белгили лексемалар билан бирлашади ва «салбий муносабат» (коннотатив сема) белгисига эга *жаҳаннамга бар=* *āхир бол=* лексемалари билан зиддиятга киришади.

Хуллас, жамият томонидан ўлчов сифатида қабул қилинган меъёрларнинг қандай шакл ва кўринишларда юзага чиқишини Алишер Навоийнинг асарлари, жумладан, насрида ишлатилган синонимия қаторлари мисолида кўриш мумкин.

Алишер Навоий ижодидан кейинги ўзбек тили лексикасига бир назар.

XV-XVIII асрларда яратилган Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Бобур лирикаси, "Бобурнома", Суфи Оллоёрнинг "Сиботул-ожизин", Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк" асарлари ўзбек адабий тили лексикасининг шу даврлардаги тараккиёт ҳусусиятларини акс эттирган.

Эски ўзбек адабий тили луғат таркибида қуйидаги лексик бирликлар фаол қўлланган:

Нарса-буюм, воқеа-ҳодиса номлари: *сибаргазар, ҳавза, йах, итлақ, шалипайа, шарабхор, харāблық, йахдāн, йахāб, арзанлық, бидāт, шигърунāс, мулкдārлық, нāнвāйлық, ашпазлық, бандахана, шайхана, сир-асрār, савдāхāна, шаҳдхāна, гурхāна, суратхāна ва ҳ.к.;*

Белги-ҳусусиятни билдирувчи лексемалар: *ҳавāлық, хушхавāлық, қышқи хукми, сувлар кичик, қуттаут-тариқ, бинамāз, нāнāҳм, кафирваш, ҳамвār, пурмашаққат, мутабаррак, сайфийдур, қаламий эмас, хушбаш, хушмааш, хуштабъ, намāзгузар, турк, сāдиқ, йийлак; ҳамвār-ҳамвār, даҳ-и дардаҳ;*

Қадимги туркий тилда ишлатилган миқдор, тартиб сонлари билан бир қаторда ҳазār (1000), тўмāн (10000), лак (100.000) каби миқдор сўзлари ҳам қўлланган:

Бухта-йи симкаш қатар-қатар,

Йўқи ичрā дирам ҳазār-ҳазār,

Ки ҳисāб ичрā бар эди он лак,

Ҳар лаки он тўман кэлиб бишак (Навоий)

Ҳазār, тўмāн, лак миқдор сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиққан. Айрим бадиий манбаларда, тарихий асарларда учрайди. Тўмāн сўзи ҳозирги маъмурий-ҳудудий бўлиниш тизимида қўлланади. Бунда лексема семантик таркибида ўзгариш юз берган бўлиб, сўз муайян миқдор(сон)ни эмас, балки турлича ҳажмга эга бўлган майдон тушунчасини ифодалайди. Ушбу сўзининг ҳосила семаси ҳозирги қўлланишга асос бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган «бирники мингга, мингники туманга», "Саломатлик туман бойлик» мақолларида, "тумоноғ одам" бирикмасида ҳам тўмāн лексемасининг "кўп" семаси намоён бўлган. Кишилик олмошлари, умуман, олмошлар ҳозирги даврдагига нисбатан фонетик жиҳатдан фаркланади. Шу билан бир қаторда, ўша даврга хос олмош сўзлар фаол қўлланган. Масалан, биринчи шахс бирлик маъноси *ҳақир, банда, фақир, мэн* сўзлари билан ифодаланган. Сўроқ олмошларининг *қайу* шакли ҳам ишлатилган. Бу шакл асосан

поэтик нутқда қузатилиб, кейинги давр адабий тилида ҳам давом этган:

Қайу тил бирла эй жана́н сэниң васфиң байа́н этсам,

Тилим ла́лу көзим гирийа́н соңа́кларни чунан бртар (Машраб).

Сон туркумига оид сўзлар эски ўзбек адабий тилига ҳос шаклларда қўлланган. *Бир* сўзи тарихан ҳам, ҳозир ҳам *бирор* чами сон шаклида келиб, ноаниқликни ифодалайди. Аммо *икки* сўзи ҳозир бу шаклда ишлатилмайди. Бирок қадимги туркий тил даврида бу сўз *иккирар* тарзида ишлатилган. Бу шакл Бобур асарларида ҳам учрайди: *Қишлақ баҳанасы Хиридин шаъбан айының йэттисиди чықыб, Бадегис наваҳусида ҳар йуртта бирар кун, иккирар кун таваккуф қыла-қыла көч қылуру эдүк, та вилайатларга таҳсил ва иш-куч учун барғанлар кэлиб қошылғайлар*.¹³² —*ар/-ар* чамасон ҳосил килувчи қўшимча бошқа сонлар таркибида ҳам учрайди: *Алты кишига йўзар мисқал кўмуш, бирар тонлуқ парча, ўчар ўй, бирар гавмуш..(299) Танбал ва тавабии бидил ва бинай болуб, чэриги ва эли ўчар-тўртар таққа ва тўзгә қача кириштилар(163).*

«Бобурнома»да миқдор, меъёр-ўлчов тушунчасини ифодаловчи бирликларнинг тарихий шакллари акс этган. Миқдор, меъёр-ўлчов тушунчасини билдирувчи лексемалар кишилик жамиятида кундалик муомалада қўлланадиган миқдор тушунчасини акс эттирувчи сўзлардир. Меъёр-ўлчов тушунчаси: 1) рақамлар; 2) нумеративлар ёрдамида ифодаланган. **І.Пул бирлигини ифодалаган нумеративлар:** *динар, дирҳам, дирам, флус, фулус, дангэ, таңа, ашрафий, йармақ, кўмуш, алтун, ратиба, важх, жаваҳир, жаров, ашхар, алмас, шаҳруҳий: Йигираа миң шаҳруҳийлық алтун ва ашрафий ва таңаким.* (322);

II.Ҳажм-ўлчов тушунчасини ифодаловчи нумеративлар: а) *нарса-буюм (предмет) ҳажмини билдирувчи нумеративлар: шафақ, кафи дастчи, гурунч пилали, тутам, ушақ, парча;* б) *узунлик, масофа билдирувчи нумеративлар: йағач, қулач, газ, мил, манзил;* в) *предмет сатҳини (ер ўлчовини) ифодаловчи нумеративлар: жириб, жариб, танаб;* г) *суюқлик ҳажмини ифодаловчи нумеративлар: тэғирман, тарнаб, ҳисса.* Нумеративлар нарса-буюм отларидан шаклланган. Жумладан, қадимий сув ўлчов бирлиги *тэғирман* тегирмонни айлантиришга қодир бўлган сув ҳажмини ифодалаган¹³³ (метонимия асосида маъно кўчган); д) *ёзувди*

¹³² Тўйчибоев Б. Бобур ва ўзбек адабий тили. Тошкент, 1993. 27—бет.

¹³³ Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XVI начала XVII в. Ташкент "Фан" 1979. С.18.

ифодаланган маълумотлар ҳажмини ифодаловчи нумеративлар: *сирлик, хат, байт, маснавий, вазн, кӓгаз, китаб*. Ҳажм, масофа ҳаракатдаги жисм эгаллаган масофа билан *тош отими: арзи бириндани атымы болгай...*(216); *газ атымы: ...бир газ атымы инчкӓ танӓб ниърлар* (202). Бу уринда *газ* “камоннинг парсиз ўки”(НАЛ,154); *тиргаз атымы: бир тиргаз атымы йэр* (145); *оқ атымы: Булар оқбат тутқан йэрдин бир оқ атымы бир баланд жарнинг атымыда...*(154). *Бир оқ атым йэр 110-125мга тенг келади.*¹³⁴ *...бир оқ атымы қуйи барды* (216); *...бир нишӓна атымы кӓйинимизча келдилар* (164); *оқ йэтӓр йэр: Булар ҳам оқ йэтӓр йэргӓ йэттилар* (171): *...бир отунлуқ йэргӓ тушуб* (256); *оқ чаптырым нумеративи манжуд бўлиб, бир ўқ чоптирим ер* (камондан отилган найзанинг учган масофаси) 215 м.га тенг келади.¹³⁵ *Оқ чаптырым* нумеративи “Бобурнома”да ишлатилмаган; е) нарса-буюмнинг жойлашиш ўрнини билдирувчи бирикмалар нумератив сифатида келган: *бир орду тушунчалик (ер), уй орнуча - уй орнуча (ер), бир тақийа миқдари (ер), муҳаққар (ер), йакандӓз (ер), бир хизӓналик (ер);* в) нигоҳ ҳаракатига асосланилган: *кӓз йэтӓр (ер): кӓз йэтӓр йэрдӓ бир атын устида* (173). III. **Миқдор тушунчасини ифодаловчи нумеративлар:** а) *огирликни ўлчашида қўлланадиган нумеративлар: мисқал, рати, маъша, тӓла, батман, ман, минӓса, танг, сир, пуштиварӓра, харвар, қап, сандуқ, танг-танг, тӓвӓ, сабад, артмақ; б) вутуннинг қисмини ифодаловчи нумеративлар: бӓлак, ҳисса, шиқ, қисм, хумси, кӓсим, карж, ажзӓ, чӓрак, чӓраг, йарым, тиккӓ, чаҳӓрдӓн; ду дӓнг, парча, даҳси, даҳчил; в) жамлик маъносидаги нумеративлар: қабза, шуъба, қулула, харвар-харвар, сурук-сурук, шода, фавж, танг-танг, қатӓр, тавила-тавила, пара; г) дона тушунчасини ифодаловчи нумеративлар: баш, топ, дӓна; муайян саноқ сонни билдирувчи нумеративлар: тӓман, лак, курур, карб, нил, надам, сӓнг, арб; д) нарса-буюмнинг жойлашган объектга қўра қиймат ифодаловчи нумеративлар: айаг//айақ, кӓзӓ, хик, тулун, туҷум, қап, харвар, сандуқ, туйӓ, тӓвӓ, сабад, араба, уйлук, қора. IV. Викт тушунчасини ифодаловчи нумеративлар: аср, ай, йыл, фӓсл, ҳафта сӓат, нӓс, паҳр, гири, гари, пул, дақиқа.*

Арабча лексемалардан шаклланган нумеративлар: *мисқол* (338) “огирлик ўлчови”; *жериб* “юзӓ-ҳажмни ўлчаш учун қўлланган:

¹³⁴ Найимов С.Н. «Бобурнома»да масофа ўлчов бирликлари. //Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққийетининг айрим масалалари. Андижон, 1993. 137 – 6

¹³⁵ Найимов С.Н. «Бобурнома»да масофа ўлчов бирликлари //Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққийетининг айрим масалалари. Андижон. 1993. 137 – 6

Ва ҳар бирига саксан жэриб (йэр) бэрурлар (224). Саат, саат-и нуҷумий вақтни ўлчашда ишлатилган: *икки саат-и нуҷумий* (187); (455); *шаръий* "масофани ўлчаш учун қўлланган": *Маҳаллат-и қорғандын бир шаръий йирақрақ тўшўбтур* (62); арз "узунлик"ни билдирган: *Дарйаның арзидин ҳам көп артты* (438); *фавж* "гуруҳ": *...йана бир фавж Султан Жалалиддин Шарқий йана бир фавж озбэк султанлары...* (441); *Фурсат*: *Ганг дарйасыдын отар фурсатта...* (399); *Фарсаҳ* "масофа ўлчов бирлиги": *...арабча фарсаҳ, эронча санг, фарсанг, узбекча таши ва йыгач* - деярли бир кийматдаги, бир узунликдаги масофа. *Фарсаҳ* – арабча сўз бўлиб 12000 кадамга яқин. Бир фарсаҳ (фарсанг) 8 чақирим ёки 8,5-9,5 кмга тенг (137). Мил-илмий адабиётда мил (миля) ики хил маънода учрайди. Жугрофий мил- 7240 м, денгиз мили- 1852м. Араб мили эса булардан бир оз фарық қилган.¹³⁶ (423); эшиклик-тувурлук: *Танбал йана бир киши биле йасалыдин эшиклик-тувурлук илгаррак туруб эди* (300).

Форсча-тожикча лексемалардан шаклланган нумеративлар: *пос*-"кечанинг бир қисми" (БАЛ,112); "кечанинг саккиздан бири"; *пас* 2. ф."риоя, эътибор"; *пас* 3. "кўриқлаш, саклаш": *Эл тамам кэлгач, ошал намаз-и пишин- оқ көчүб, кэчаниң бир пасыгача йуруб, Качакут сувының йавугига тўшулди* (289); *Пас* ҳозирги ўзбек тилидаги *бирпас* таркибида сакланиб қолган: *Ва кундин бир пасы отуб эрдиким...* (454); *Кэчаниң бир пасыда...* (449); *Икки пас, уч пас* истеъмолдан чиккан *...кэчаниң икки пасыда...* (449); *Кэчаниң уч пасыгача йол кэлдук* (172) *Даст* "марта": *Бир даст сўл қўл кишисини тебраттилар* (409). *Пара* Навоий асарларида: I. "Парча, бўлак, бурда"; II. "Китобнинг бир жузы бўлиб, бир босма табакка тўғри келади" (НАЛ,511); *Пара* нумератив "Бобурнома"да лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги мақсадларда қўлланган: 1) шахслар гуруҳини ифодалаган: *бир пара киши сувга барур* (434); 2) ҳайвонлар тўдасини ифодалашда ишлатилган: *Ҳазара малыдын мэн ҳам бир пара қой йиғиштурдум* (260); 3) нарса-буюмнинг тахминий миқдорини билдирган: *бир пара асир ва ўй ва галаларини кэлтурдилар* (288); *...бир пара кэмә кэлди* (448); 4) аниқ миқдорни билдирган: *...бир пара оқны балимга санчды* (171); 5) "масофа" тушунчасини билдирган: *Бир пара йол бардуқ* (219); 6) «бўлак» тушунчасини ифодалаган: *бир пара кафирни басыб...* (437); 6) мавҳум воқеликка нисбатан қўлланган: *Бир пара давлатхалым изҳари қылыб...* (331); *бир пара бимаза гармхолуқлар қылдылар* (254).

¹³⁶Найимов С.Н. «Бобурнома»да масофа ўлчов бирликлари //Бобур ва ўзбек миллии маданияти тараққиятининг айрим масалалари. Андижон. 1993. 136—6.

7) маблағ микдорини ифодалаган: ...*бир на́ра ашрафий пишкаш қилды* (329); 8) “бир оғиз сўз” тушунчасини англатган: *бир на́ра сўз* (136); 9) “худудий бўлиниш” тушунчасини ифодалаган: *Йэтти на́ра қисабасы бар* (60).

Форсча-тожикча нумеративлар турли нарса-буюмларнинг микдорини ифодалаган: *пуштвара* ўсимлик микдорини ифодалаш учун ишлатилган: ...*бу қулан қўйруғидын он-он икки пуштвара*. (203); *сир* “пул бирлиги ёки маблағ микдорини ифодалаган: ...*бир сир алтун шода қылыб эдим* (379); *газ* “узунлик ўлчови”. Масофа ўлчовлари, оғирлик ўлчовлари сингари, турли вилоятларда турлича бўлган. Мисалан, газлама ўлчайдиган *газ* билан меъморлар қўллаган *газ* бир-биридан фарқ қилади. *Газ* “ўрта бўйли кишининг бармоғи учидан бурнигача (ярим қулоч) ёки бир қўлнинг қўлтиғигача” бўлган узунлик ўлчовини билдирган. Газ аксари жойларда бир метрдан узун, шикроғи, 106 смга тенг бўлган.¹³⁷

Форсча-тожикча нумеративлар такрор қўлланиб, тахминий микдорни билдирган: *чарсу-чарсу гунбазчалардур* (413);

Эски ўзбек адабий тили лексикасида *мундақ, ёзи, ул фурсатта, бу, андын, биз, маңа, баъзилар, мэн, ҳич нимә, ҳар нэча, ошул, ул, сэн, мунча, нэ, нэким, ушбу, қайсы, қачан, аңа, ҳич киши* каби олмошлар ишлатилган. Кўрсатиш олмошлари фаол қўлланган. “...биргина «Шайбонийнома»да 659дан кўпроқ бу олмоши учрайди.”¹³⁸

XV-XVI аср ёдгорликлари тилида қуйидаги кўрсатиш олмошлари мавжуд: *бу, бул, ул (у), шул (шу), ушбу, ошул, ошал, ҳамул, ҳамин, ҳамин, уш*. Мазкур олмошларнинг семантикаси турличадир. Кўрсатиш олмошларини семантик таҳлил қилишда уларни *дейктик* (бевосита предметларни кўрсатиш) *анафорик* (олдин эслатилган ва маълум бўлган предметларни кўрсатиш) ва *препаратив* (кўрсатилаётган предмет ҳақида кейин маълумот берилади) типларга ажратиб ўрганиш асос қилиб олинади.¹³⁹ XV-XVI аср ёзма ёдгорликлари тилидаги кўрсатиш олмошлари анафорик вазифада энг кўп қўлланади. *Алар* бир кишига нисбатан ҳурмат формаси сифатида XV-XVI аср ёзма ёдгорликлари тилида энг кўп учрайди. *Ошул//ошал*

¹³⁷ Найимов С.Н. «Бобурнома»да масофа ўлчов бирликлари //Бобур ва ўзбек миллии маданияти тарқиқетиининг айрим масалалари. Андижон 1993. 136-б.

¹³⁸ Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар)// ЎТА.1986,№3.-Б.22

¹³⁹ Митинская К.Е. Местоимения в языках разных систем. М.,1969. С. 80; Ашнин Д.Ф. Принципы дифференциации туркменских указательных местоимений. Труды Института языка и литературы. Вып. II.-1957.-С.69. Қаранг: Юсупов Б. Эски ўзбек тилида курсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар)// ЎТА.1986. №3.21-б.

«Бобурнома»да ҳар иккаласи ҳам учрайди (*ошул* кўпрок). Навоийли асосан *ошул* қўлланади. Муҳаммад Солиҳ эса фақат *ошалдин* фойдаланишни афзал кўрган. *Ҳамул* Навоийда кўп, Муҳаммад Солиҳда фақат икки ўринда, «Бобурнома»да учрамайди. *Ҳамул* то XIX асргача қўлланган (XIX аср ёдномаларида учрайди).¹⁴⁰

III шахс бирликдаги *ул* || *ол* олмоши қўлланган: ... *бу иттифақдын анларни хабардар қылыбдур, чун хабар таптылар, ул қылган хайъл муйассар болмады...* (БН, 135).

Кўрсатиш олмоши ҳам *ул* шаклида ишлатилган: *Бу аталық огуллуқтын ул муддатда галаба хорлықлар тартылды.* (БН, 131) *андақ, ушбу, ошал* || *ошул* кўрсатиш олмошлари фаол қўлланган *ушбу маҳалларда Бабурий хатны ихтирā қылдым* (БН, 204). *Бу йиғилар ошал кэчā кōндāлаңдин кириб, қалын кишини оқлаб алыб, қалын олжа кэлтурдилар* (БН, 98). Кўрсатиш олмошининг му варианты ҳам учрайди: *Муның, тубидин ақар* (БН).

III шахс кўплиги *алар, аилар* билан ифодаланган: *Ҳануз анлар кишиниң атын тутмай турурлар* (ШТ).

XVII асрларга келиб *биз* I шахс кўплик олмоши I шахс бирлик ўрнида ишлатилиб, аксарият ўринларда услубий-семантик хусусиятларни намоён қилган: *Биздин бурун таърих айтқанлар арабий луғатларни қошуб турурлар.* (ШТ).

Ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексемалар. «Бобурнома»да эски ўзбек тилига хос ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексемалар қўлланган. Фейл туркумига оид лексемаларнинг туркий тилларга хос семантик хусусиятлари акс этган. Э.Р. Тенишев 18та ҳаракат феълининг семантик хусусиятини изоҳлаб, бу феълларни семантик хусусиятларига кўра тўртга ажратган: 1. Ҳаракат феъллари. 2. Ҳолат феъллари. 3. Ҳис-туйғу феъллари. 4. Нутқ феъллари.¹⁴¹ Феъл лексемалар содда (қайт-, йан-, ал-) ва кўшма (рафъ қыл-: манъ қыл-; болдура ал-; артга сал-; кōмāккā йэтиш-), ҳаракат тарзи (йэта кэл-) шаклида ишлатилган.

Ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдирувчи лексемалар: *будум, хили, хāлā, пайāпай, тамам* (бутунлай), *аксар, андын бэри, йавуқ, таңласы, йырақ, уч қатла, дағы, тэк, маҳал, хāҳи на хāҳи* (хоҳлаб-хохламай), *хайл-хайл, бир гарц, икки гарц, нэ таврлар билā, йана, бāт, намаз-и пишин, намāз-и дигар, соңра, пайдарпай, дағы, тушчилик йол, қуйы, йуққары, кам, бир кўндā, таң атгунча, қатла, бир айчылық йол*

либи сўзлар қўлланган. *Ҳарғиз* равиши кенг ишлатилган: *Гармсар иллийатларини ва Ҳиндустāн наваҳисини ҳарғиз кōрулган эмās эди* (БН, 205). *Ҳарғиз* ҳозирги ҳрч га тенг келиб, баъзи адабиётларда олмош сифатида изоҳланган.

Қадимги туркий тилда мустақил қўлланган бир қатор лексемалар эски ўзбек тили даврида луғавий маъносини йўқотиб, ёрдамчи сўз сифатида грамматик маъно ифодалашга хизмат қила бошлади. *Тэги, сары, бирлā* сўзлари кўмакчи вазифасида қўлланган: *Кайул йангандын бир нэчā кун соң Қандаҳар сарыга рухсат этилди* (БН).

Қат, алд, йан, қаш, оң сўзлари мустақил маънода қўлланган, ҳам кўмакчи вазифасида келган.

Тил таракқиётининг ҳар бир босқичида луғат таркибида эски қатлам, янги қатлам, замонавий қатлам сўзлари мавжуд бўлади. Бошқа тиллардан олинган сўзлар маълум бир сўзларнинг архаиклашувига олиб келади. Аксарият ҳолларда, ўз қатлам ва улашган қатлам сўзлари параллел ҳолда ишлатилади. Маънодош лексемалардан бирининг архаиклашуви шу сўзнинг ифола имконияти ва маъно хусусиятлари билан белгиланади.

Эски ўзбек адабий тилининг XV-XVI асрлардаги таракқиёт босқичида маънодош сўзларнинг куйидаги кўринишлари қўлланган:

1. Туркий сўзлар ўзаро маънодош сифатида қўлланган: *йан = кайт =; йырақ-узак; ушақ-майда-кичик; бурун-бурнағы-илғари; кили = асра =; туй = -сээ =; ун-тавуш.*

2. Туркий сўзлар форс-тожик сўзлари билан синоним ҳолда ишлатилган: *баш-калла; йэл-бад; йаман-бад; бойын-гардан; йафрақ-бар; илдиз-раг; йығач-дарахт; йыроқ-дур; кōпрук-пул; муз-йах; кōк-ман куйаш-афтаб; йулдуз-ситāра; савуқ-сард; сув-аб; соңак-тихан; йол-раҳ;*

3. Туркий сўзлар араб тилидан ўзлашган лексемалар билан маънодошлик каторини ҳосил қилган: *иситма-ҳарāрат; кэңай-тислахат; қабал-муҳāраса, ана-вāлида; арал-жазира; йашырын-шихрий; сағ-саламат; кэң-васиъ.*

4. Туркий- форс- тожик- арабча сўзлар ўзаро маънодош сифатида қўлланган: *туткун-банди-асир; йалғыз-йакка-фард; йосун-равши-шиъ; тартық-пишкаш-инām; тэңри-худā-ҳақ; сōз-сухан-калима; ишин-мардум-ādām; йат-бигāна-гайр; ав-шикар-сайд*

5. Ўзлашма сўзлар ўзаро синоним тарзда қўлланган: *мива-самар; рашиан-айāн; дашт-сахрā; жаҳāн-алам; дард-мараз; хизматкār-кўнāним; шāҳ-султāн; пушайман-таассуф; раҳгузар-раванда; хуш-*

¹⁴⁰Қаранг: Юсупов Б. Кўрсатилган мақола. 21-24-бетлар.

¹⁴¹Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках// Историческое развитие лексики тюркских языков. М.: Изд-во Академии наук. 1961 С.232-293.

ақл; *аваза-шухрат*; *дарман-дава*; *нишан-аламат*. Бу каби маънодошлик каторида туркий сўзларнинг учрамаслигини куйидагича изоҳлаш мумкин:

а) нарса-буюм, вокелик билан бирга шу нарса-буюм ёки ходисани ифодаловчи сўз ҳам кириб келган.

б) туркий сўзлар ўзлашган лексемалар билан ёнма-ён қўлланиб, маълум даврдан сўнг архаиклашган (бунда, албатта, ўша даврдаги форс-тожик ва араб тилининг эътиборли мавкеи ҳамназарда тутилган лозим).

Форс- тожик- араб тили маънодошлиги кўп кузатилган даврларда (XIV-XVII) туркий муқобил (вариант)нинг истъомол доираси нисбатан торайган. Масалан, **шаҳ-султāн** сўзларининг маънодоши ҳисобланган **қаған** (ка:н) XII асргача бўлган даврда фаол қўлланган. XIV-XV аср манбаларида **қаған** сўзи **хақан** шаклида учраса-да, унинг **шаҳ** ва **султāн** сўзларига нисбатан кам ишлатилганини кузатиш мумкин.

6. Ўзлашма лексемаларнинг маънодошлари билан бирга истъомолга кириб келиш ҳоллари ҳам учрайди. Бунда ҳар икки (ёки уч) лексемани бир вақтнинг ўзида ўзлашган, деб бўлмайди. Масалан форсча-тожикча: биҳад-баси-бисйār; парча- **ришва**: пилкаш-савғāt; бādийа-дашт-бийāбāн; хизматқар-чақар; раҳгузар-раванда; намāйāн-āшқāра;

арабча: атрāф-жавāниб; китъа-шувба; вақт-аснā; маҳал-аййām; мухāлиф-ғаним-аъдā; жамий-тамām; навъ-тариқ-тавр; калима-қавл-лафз; ҳақ-раб; алāмат-асар; давā-муāлажа; захмат-āриза-мариз; тааб-суубат; расм-ādат; ғайр-сāйир... каби лексемалар ўзаро бир тилга мансуб маънодошлар бўлгани ҳолда, ифода имкониятлари, услубий-семантик хусусиятларига кўра муайян фарққа эга.

Ўз қатлам сўзлари билан маънодош бўлган ўзлашмалар кейинги даврларда жуфт ҳолда қўллана бошлаган. Буни оддийгина лексикалеоназм билан изоҳлаб бўлмайди. Ана шу жуфтликда муайян сўзнинг маънодошидан фаркли равишда ўзига хослиги намоён бўлади: *йалғыз-йакка* (турк-форс); *сағ-салāмат* (турк-араб); *йан-атрāф* (турк-араб) *эс-хуш* (турк-араб). Бундай жуфтлик ўзлашма сўзлар орасида ҳам кузатилади: *гирд-атрāф* (форс-араб); *бахт-саādат* (форс-араб); *гина-қудурат* (форс-араб); *дард-у балā* (форс-араб); *азм-у қарār* (форс-араб). Лексемаларнинг шу тарздаги жуфтлашиши ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам кузатилади.

Эски ўзбек адабий тилига ўзлашган сўзлар от, сифат, равиш, ёрдамчи модаль сўз туркумига оид бўлиб сон, олмош, феъл туркумидаги

олнма сўзлар учрамайди (ҳисоб сўзлари, *камина*, *ҳамми* олмошлари бундан мустасно) . Форс-тожикча **банда** сўзи ҳам I-шаҳс кишилик олмоши ўрнида келган:

Йа агар хан бу сарылар кэлсә,

Банда хан сары азимат қылса.

7. Ўзлашма сўзлар фақат луғавий маъносига кўра эмас, балки маълум бир семасига асосан истъомолга кириб келган. Кўп маъноли лексемалар маълум бир семасига кўра ўзлашган. Араб тилидан ўзлашган **миҳнат**, **мараз** сўзларининг луғавий маъноси билан эски ўзбек тилидаги маъноси фарқ қилади. Лексемаларнинг семантик имкониятлари матнда реаллашади. Шу жиҳатдан кўпгина лексемалар матидаги маъносига кўра маънодошлик каторини ҳосил қилади. Яъни маънодошлик каторида муайян лексема маълум бир семаси билан иштрок этади. Полисемантизм билан изоҳланувчи бу ҳодиса эски ўзбек тилида қўлланган туркий лексемаларга ҳам хос. Масалан, **азурда бол**=**ранжида бол**=**ағры**=**азурда бол**= “озорланиш” тушунчасини ифодалайди: *Султон Масъуд мирзāның бэк ва ичкиси ва ишқитлари азурда болиб эдиләр* (БН, 144)

Ранжида бўл= форс-тожикча «машаққат, қийналиш, оғриқ» маъносидаги ранж лексемасидан ҳосил қилинган кўшма феъл. **Ранж** ҳам аслида жисмоний оғриқ, касалликни билдирган. Кўчма маънода рухий озорни англатиб, маънодош парадигмада иштрок этган: *Бу навъ дил ва фисқдин бажāн-у дил азурда ва ранжида болдылар* (БН, 79).

Агры=аслида тананинг ёки бирор аъзонинг қолати билан боғлиқ тушунчани ифодаловчи лексема. Кўчма маънода қўлланиб, рухий озорланишни билдирган: *Узун Ҳасан ва Танбал зāлим ва фāсиқ ва кайфирваш эллār эди, раййат ва вилайāt эллари булардын бисйār ағрыб эдиләр*. (БН, 120)

Араб тилидан ўзлашган сўзлар ўзакдошлари билан бирга қўлланган.

Йок эди зāлим-у мазлум анда,

Йок эди ҳāким-у маҳқум анда (ШН, 21)

Шаклдошлик туркий тил табиатидагина хос ҳодиса. Шаклдош (омоним) сўзлар маъносига асосланган туюқ жанри ҳам туркий калкларнинг “хос ашъори” (Навий таъбири) ҳисобланади. Туюқ, листлаб, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”ида жанр сифатида кўзга ташланади. Аммо бу жанр тараққиётининг асосий босқичи эски ўзбек адабий тилининг XIV-XVI асрларига тўғри келади. XV-XV асрларга келиб, фақат туркий сўзлар эмас, балки ўзлашган сўзлар шаклдошлиги асосида тажнис санъати шаклланди. Бу ҳолатни

ўзлашган сўзларнинг туркий тил қонунятларига мослашуви билан изоҳлаш мумкин:

Саҳиби жилвада бустан ичида,

Қан йутуб саҳиби қорған ичида. (ШН,89)

Биринчи мисрадаги саҳиб узумнинг турини билдирса, иккинчи саҳиб “эга” маъносида келган ёки:

Ҳар нэ кэчиб дэмағайлар Сырдыр,

Киши билма бу нэ йанглыг сирдир.

Сыр-дарё номи; сир-пинҳона асрор. Ўзлашма сўзлардаги бу каби омонимлик куп маъноли лексемаларнинг семалари ўртасидаги боғлиқликнинг йўқолиши натижасида юзага келган.

Эски ўзбек тилида фақат лексемалар эмас, ўзлашма ибора, тасврий ифодаларнинг ҳам истемолга кириб келганини кузатиш мумкин.

“Сурхак” атлык узумы дилкаш эди,

“Лаъли йакдана” си асру хуш эди (ШН,89).

Хуллас, XV - XVI асрлар эски ўзбек адабий тили лугат таркиби ўз ва ўзлашган қатламдан иборат бўлган. Ўз қатламга доир сўзлари эски ўзбек адабий тили лексикасининг асосини ташкил этувчи умумтуркий ва хос ўзбекча лексемалардан ташкил топган. Асасан араб, форс-тожик ва мўғул тилларидан кириб келган ўзлашмалар лексика таркибининг турфалигини таъминлаган, синонимик қаторни янада кенгайтган, қоришиқ лексик бирликларнинг юзага чиқишида иштирок этган (мўғулча ўзлашмалар бундан мустасно).

Лексикадаги семантик ўзгаришлар.

Сўз маъно -семасиз ёки товушли (жарангли) белгисиз юзага чикмайди. Ўз табиатиға кўра фарқланувчи бу икки жиҳат айна пайтда муайян унсурнинг яхлитлигини, ажралмаслигини ташкил этади. Жаранг, товуш маъно-мазмунга хизмат қилиши боис маъно сўзнинг асосий элементи хисобланади.

Сўз маъноси воқеликнинг тил соҳиблари томонидан айнан бир хил, ўхшаш ёки яқин идрок қилишиға асосланади, тил эгаларининг билиш салоҳиятиға мувофиқ тузилади. Инсон шурида акс этувчи инъикос, асосан, кишиларнинг ўзаро мулоқот жараёнида, уларнинг тилида рўёбға чиқади.

Сўз шакли эса сўз идеал томонининг материал тимсоли хисобланиб, унинг туфайли маъно (идеал томон) суҳбатдоши тушунарли бўлади. Демак, сўзнинг материал томони на фақат идеал (маъно) томонини ифодалайди ва рўёбға чиқаради, балки идеал томоннинг коммуникатив, умумий, тушунарли бўлиши учун хизмат

қилади. Идеал томон материал томонсиз мавжуд бўлолмаслиги каби, материал томон ҳам идеал томонсиз юзаға келмайди.

Сўз янгиланибгина, янги қиёфаға кирибгина қолмай, шунингдек ўз фонетик кўриниши (шакли)ни ўзгартирмаган ҳолда семантик ўзгаришлар негизида қайта майдонға чиқиши мумкин.

Сўздаги семантик ўзгарган шакл янги сўз туғилишиға, бунинг натижасида мустиқил мавжудлик ҳуқуқиға эға янги лугавий бирлик юзаға чиқиши мумкин. Масалан: таш “тош” ва таш “снаряд”, оқ “камон ўқи” ва оқ “милтиқ ўқи”; уч “бирон нарса-предмет учи” ва уч “кўшин қисми” ва ҳ.к.

Полисемантик сўзлар

Эски ўзбек адабий тилида лексемаларнинг туркий тилларға хос полисемантик хусусиятлари намоён бўлган. Полисемия ҳодисасининг моҳияти, унинг конверсия, омонимия, фраза каби ёндош ҳодисалардан фарқи. Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Алишер Навоийларнинг полисемантик сўз изоҳиға оид фикрлари, А.А. Потебня, Л.В. Шчерба, Р.А. Будагов, Норейн, О. Еслерсенларнинг полисемия ҳодисасиға муносабати изчил ёритилган.¹⁴² Полисемия ҳодисасиға соф лингвистик нуқтаи назардан ёндашиш француз эмасиологи М. Бреалдан бошланди.¹⁴³

Полисемантик сўзлар тилнинг ифода имқониятларини, лексеманинг семантик мундарижасини тўлиқ ёритишға хизмат қилувчи лингвистик ҳодисадир. Эски ўзбек адабий тилидаги полисемантик сўзлар воқелик ва фикр-тушунчани таъсирчан ифодалашда иштирок этган. Навоий асарлари, “Шайбонийнома”, “Нобурнома” лексикасини ҳозирги ўзбек адабий тилиға қиёслаш жараёнида эски ўзбек адабий тилиға хос полисемантик сўзларнинг ҳозиргиға нисбатан кенг семантик мундарижаға эға эканлиги кузатилди. Буни қуйидаги мисоллар асосида кузатиш мумкин. Қадимги туркий тилда “*кўтарилмоқ*” маъносини англаган қалы= сўздан ясалган қалын сифати (ЎТЭЛ,517)нинг ҳозирги ўзбек тилидаги қўлланиш доираси торайган. Қ. Каримовнинг таъкидлашича, қалын сифати туркий тилларнинг кўпчилиги учун умумий хисобланиб, деярли барча даврларда истемолда бўлиб келган. Қалын сўзи аслида ясама деб қаралади. Кейинги даврларда ажралмас асосға

¹⁴² Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия Тошкент “Фан”. 1975. 3-5-бетлар.

¹⁴³ Каранг-Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия Тошкент Фан., 1975. 4-бет

айланган.¹⁴⁴ Қадимги туркий тилда qalın 1) “кўп сонли”, “кўп микдордан иборат”; 2) “гала”, “кўпчилик”, “гурух”. “тўда”, “йигит” (ДЛТ, I, 487); 3) “йўғон”, “катта” маъноларида қўлланган (ДЛТ, III, 216, ДТС, 412). “Бобурнома”да ушбу сўзнинг қадимги туркий тилга хос кўп маънолилиги акс этган; асарда юздан ортиқ ўринда қуйидаги маъноларда ишлатилган: 1) «ёнлама ҳажм»ни билдирган: *Бир ариқ суёйда ким йақалары қалын муз тунғуб эди* (154); 2) «кўп» тушунчасини ифодалаган: *Қалын киши таш била зайиғ болды* (125); 3) суюқлик ҳажмини билдирган: *Ҳар йэрда-ҳар йэрда қалын сувлар турубтур* (325); 4) мавҳум воқеликка нисбатан ишлатилиб, ҳаракатнинг мунтазам равишда бажарилишини билдирган: *..қалын шафқат ва миҳрибонликлар көрсаттилар* (89); 5) «зич» тушунчасини билдирган: *Анджсан вилайатының саҳранишинларыдын бир Чақри элидур, қалын элдур* (90); *...қалын арғуванзар вақий болубтур* (194); 6) ҳаракатнинг микдорий белгисини билдириб келган: *Самарқанд ми сипаҳи ва шаҳри Пул-и Муҳаммад наваҳисига қалын чықтылар* (102); 7) «узок муддат» тушунчасини ифодалаган: *Балут ҳам йахши отундур, агәрчи тийрарақ куйар, валэ таблық куйар, чоғи қалын турар* (201); *Қалын талашти, ташвиш била Дост йықытты* (434); 8) «тўда» маъносига келган: *Икки киши қалындын тэзрак айрылыб чаптылар* (409); 9) «каҳратон», «каттик» маъносига келган: *қалын кыш йэтган била-оқ алыб тэбрар* (269); 10) *йамғыр* сўзининг сифатловчиси бўлиб, “шаррос”, “шиддатли”, “сурункали” тушунчаларини ифодалаган: *...қалын йамғурлар йағды. Қалын сўзининг эски ўзбек тилига хос кўп маънолилиги ҳозирда қалин дуст, қор қалин ёғди* бирикма ва гапларида сақланган.

Эски ўзбек адабий тилига хос лексемаларнинг аксарияти коннотатив характерга эга. *Метафора*, *метонимия*, *вазифадошлик* (функциядошлик) каби лингвистик ҳодисалар коннотацияни юзати келтирувчи омил сифатида қаралади. Денотатив маъно атрофида коннотатив маъно (ёки маъноларнинг) шаклланиши семема доирасида янги семаларнинг шаклланишига олиб келади. Коннотатив маъно лексеманинг семантик имкониятлари билан боғлиқ.

Эски ўзбек адабий тили манбаларида кўп қўлланган тасвир воситаларидан бири *метафора* (ўхшатишдир). Ёзма манбалардаги метафора кўринишларини иккига ажратиш мумкин: *1. Содиқ кўринишдаги метафора: масалан*, “Бобурнома”даги жанг майдони

¹⁴⁴ XV- XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. Тошкент. 1990. 56-бет. Яна қаранг: Зоҳидов Р. “Сабот ул ожизин”да “елин” ва “қалин” сўзларининг маъно хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиети. 2000. №3. 56-бет.

тасвирида душманга қилинган ҳужумни муаллиф кийик ойнайдиган ҳолатга қийслайди: *кийик киби, кийикдэк: Қыйру калда кийик киби шалаб, дарығанны кийикдэк атқуладук* (БН, 259). **2. Муриққаб кўринишдаги метафора: отқа сув ургандэк:** Бобур ҳузуридаги Хусравшоҳ навкарларининг Хусравшоҳ ўлими ҳақида хабар топгандаги ҳолатларини шундай тасвирлайди: *Бу хабар кэлган била отқа сув ургандэк басыла қалдылар* (БН, 214). «Ўтга сув уриш» оловнинг тафтини зудлик билан (тезда) ўчиришни ифодалайди. Бу ўринда хабарнинг таъсир кучи акс эттирилган. Бунда кишилар ҳолати «Ўтга сув урган»даги ҳолатга ўхшатишган. Бобур тўтининг овозини қуйидагича қийслайди: *чинни сынығыны мис табаққа тартқандэк: чинни сынығыны мис табаққа тартқандэк көп нахуш ва тэз уни бар* (БН, 348). Кадҳил мевасини куй корнига ўхшатади: *..байниҳи қоинның карныдурким, киссадэк қарының ичи ташқары болгай* (354). «Бобурнома»даги метафора кўринишлари эски ўзбек адабий тили лирига хос ўхшатиш асослари ва воситалари ҳақида тасаввур беради. Жумладан, ҳозирги «эҳтиёт қилиш» тушунчаси *кўз қорачигидек* деб ишланса, асарда *көз бағы йосунлук* тарзида келтирилган: *Бағалий буларны көз бағы йосунлук саҳлар экандур* (438). Бобур тана аъзолари номидан метафоранинг тўлақонли намунасини яратишда фойдаланган: *Бурунғылар дэбтурларким, қоргон бэркитмакликка баи кэрак, икки қол кэрак, икки бут кэрак: баи сардэр болгай. Икки қол икки тарафтин кэлур көмак ва мадад болгай. Икки бут қорғанның сүйи била захирасы болгай* (148).

Маъно кўчишининг метонимия усули ҳам фаол қўлланган: *Самарқанд* - “халк”: *Самарқанд Ҳазрат-и амирул мў-муъминин Усман заманыда мусулман болгандур* (БН, 104); *бар* = “вафот этмоқ”: *Ситобидын Кусам ибн Аббас анда баргандур* (БН, 104). *Қиблатомон* (ғарб): *Бу масжидниң қибласы била мадраса қибласының арасыда бисйар тафавуттур* (БН, 105). *Такйа қыл* = “ухламоқ”: *Ми такйа қылдым. Аҳл-и мажлис йана бир уйга барыб, нақара келтиргача ичтилар* (БН, 313). *Қызыл* - “олтин”; *ақ* - “кумуш”: *..қызыл ва ақны бу зайтуца устига төктилар* (БН, 424); *Куллук* - «хузур»: *.. биз келтирилиб, надидҳ куллугыга кэлдук* (БН, 98). *Аш-у-аб-шефат*: *Миришхбэк аш-у аб тартты* (БН, 306). *Тағ* - “кийик”: *Мишианг била Алангэр аралығыдаги тағны авладик* (БН, 320). Бобур Шайбонийхон номи ўрнида “ўзбек” сўзини ишлатади. Бунда ҳам метонимия ҳодисаси кузатилади: *Ахир өзбек илкига түшти, көзларини кыр қылдылар* (БН, 135).

Синекдоханинг кўринишлари учрайди: **баш** “соч”: *Калтий парганаларидин Дийданур атлық парганадә башымны қырқтым Икки ай эдиким, башымны қырқмайду эдим* (БН,432). **Эшик** “сарой”: *Эшикта тарханийлар туруб эдиләр* (БН,94).

Омонимлар. Эски ўзбек адабий тилида полисемияга ёндош бўлган омонимия ҳодисаси ҳам кузатилади. Омонимлик тилнинг фонетик, лексик, грамматик сатҳларида намоён бўлади. Лексик омонимлар омолексемалар сифатида қайд этилган. Қадимги туркий тилда таркибида ундош фонемали бир хил лексемаларнинг маълум бир қисми ўзаро унлиларига хос қисқа-чўзиклик, қаттиқ-юмшоқлик белгилари билан фарқланган. Бундай лексемаларнинг аксарияти кейинги тараккиёт босқичларида истеъмолдан чиққан, айримлари эса ҳозирги ўзбек тилига қисман ўз талаффуз шаклида, асосан турли товуш ўзгаришлари билан етиб келган. Шундай ўзгаришлар оқибатида бир неча жуфтларда омолексемалик ҳолати юзага келган, буларнинг баъзилари ўзаро омоним бўлса, баъзилари омоформани тенг¹⁴⁵.

Эски ўзбек адабий тили манбаларидаги омонимларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Бир туркумга мансуб лексемалар ўртасидаги омонимлик:

а) омонимлик от туркумига мансуб сўзлар орасида кузатилади: **ички** I “ички мажлис, хос ўтириш” (БАЛ,57); **ички** II “подшоҳ саройига хос амалдор”. Қадимги туркий тилда *Icraci, icrak* шаклида қўлланган (ДТС,202). **Ичкү** “ичкилик, май” маъносидаги сўз юқорида келтирилган сўзлар билан омоним ҳисобланади: *Бавужудким мажлис асбаби муҳаййа болуб эрди, қазинң истиръзайи хатиры учун ичкү бартараф болды* (БН,301). Қадимги туркий тилда *Iskii* шаклида қўлланган (ДТС,202);

сачық I “тўй ва зиёфатларда тортиладиган ноз-неъматлар”; **сачық** II “Келин-куёв ва бошқа хурматланган кишилар бошидан сочиладиган танга; чочки”; **сачық** III “тортиқ, туҳфа” (НАЛ,570; БАЛ,131): *Бэкши бэгат улуг-кичик сачық кэлтурдиләр* (БН,279); **бурж** I “қадимги астрономияда куёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ун икки нуқтанинг ҳар бири” (БАЛ,24): ... *афтаб қавс буржыда эди* (БН,321). **бурж** II “қалъа деворининг тиргақлари, қалъанинг чўққиси”. *Наман хуфтән бурж учти* (93); **таш** I “тўп, замбарак снаряди” *Фарман болдыким, бу ташны атсун, йана мэн баргунча йана бир ташны*

тайяр қылсун (БН,442); **таш** II “жисм”: *Имарат курсисини тамам ташдын фарш қылыбтурлар* (БН,106); **таш** III “ичимлик, чоғир пави”: *Икки навъ чагыр болур: арра ташы ва суҳан ташы дэрлар* (БН,191). Бу ўринда **тиш** кўшма сўзнинг таркибий қисми ҳисобланади; **қуҳпайа** I “улуғ”: ...*икки қуҳпайадур, Саййид Йусуф мажам аның улугы эди.* (БН,130); **қуҳпайа** II “маъмурий-худудий бирлик”: *Исфара ишлайаты торт бөлүк қуҳпайадур* (БН,61); **қуҳпайа** III “географик худуд”: *Йана бир Исфарадур, қуҳпайада вақий болубтур* (БН,61); **қанун** I “Абунасер Форобий ихтиро қилган мусика асбоби”: *Аҳли ишмадын қанунны Хажжа Абдулла Марварийча киши чалмас эди* (БН,244); **қанун** II “тартиб қоида” (БАЛ,181; НАЛ,740); **башлык** I “бош кийими” (БАЛ,23); **бошиқ** II “гуруҳ етакчиси”; **нақиш** I “куй, ишула, тарона”: ...*ул жумладин бир нақишы бар, нуҳранга мавсум* (БН,242); **нақиш** II “буюм ва биналардаги нақш” (БАЛ,99);

б) омонимлик феъл туркумига мансуб сўзлар орасида кузатилади: **рийайат қыл** = I -Навоий асарларида “рийоят” (а.риоя, ытиборга олиш сўзидан) «хурматламоқ» маъносида келган (НАЛ,527). “Бобурнома”да ҳам шу тушунча ифодаланган: *Атам Умаршайх мирза рийайат қылыб эди ва ҳануз рийайат қылмақта эди* (БН,111); **Рийайат қыл** = II “амал қилмоқ”: *Нақаҳат аййаьмыны абдан рийайат қыла алмадым, узулдум* (111).

II. Омонимлик бир неча туркум лексемалари ўртасида содир бўлган.

От I; **от** II; **равиш** III: **пул** I “кўприк” (БАЛ,112): *Корганга йэтиб, шату қойуб чықыб дарвазаны алыб, пул-и равән салылыб,*... (БН,167); **пул** II “вакт бирлиги”: *Йана ҳар гирини алтмыш болубтурлар, ҳар бирини пул дэбтурларким, бир кэча-кундуз уч миң алты йуз пул болгай* (БН,448); **пул** III “бир тўда, бир талай, аллақанча”: ...*пул тир йыгылыб турубтур, обдан-обдан йигитлардэк.* (БН,259);

От I; **сифат** II; **сифат** III: **сабит**-а. II. “Бир жойда кимирламай турувчи юлдуз” (НАЛ,565; БАЛ,130); **сабит** а. II. “Бир жойда кимирламай турувчи, барқарор, тебранмас”; **сабит** а. III. “Исботланган, ҳужжатланган”.

Омонимликни юзага келтирувчи лексемаларни генетик қусусиятига кўра қуйидагича изохлаш мумкин: 1.Омонимлик бир тилга мансуб сўзлар ўртасида содир бўлган: 1)туркий сўз I; туркий сўз II; туркий сўз III: **тўра** I “қоида, қонун, интизом, одат”; **тўра** III “хонзода, подшоҳзода” (НАЛ,620); **тўра** IV “қисм, аъзо”: *Дусайн алылганда қысқалық қылганларның кайфийатин көруб, тўра-мучаларидин хураттүк* (БН,306). “Одам бўйи баравар қилиб

¹⁴⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили лугатининг туркий қатлами. Тошкент. Университет. 2001. 323—6.

ясалган қалқон” *тура* юқоридаги сўзларга пароним сифатиди қаралиши мумкин.

2) арабча сўз I; арабча сўз II; арабча сўз III: *мақам* I “турар жой”: *Таи қорганда атамның имаратларыда маңа йурт ва мақам таъйин қылыбтур* (БН,167). *мақам* II “даража,босқич”; *мақам* III “куй,оҳанг” (БН,167) -БАЛ, 76; НАЛ,381; *савад* а.I “узокдан кўринган қора, нишон”; “қоралик, қора тус”; “қоронғи, қоронғилик”; *савад* а.II “хат, савод”; *савад* а.III “шаҳар, ўлка, теварак” (БАЛ,122; НАЛ,538):..*бир шаръий қалганда Параланың савады көрүнди* (БН,296).

3) форсча-тожикча сўз I; форсча-тожикча сўз II; форсча-тожикча сўз III: *саман* I. “илож, ёрдам, кўмак; “куч, ҳол, кудрат”; *саман* II “тартиб, интизом”; *саман* III “қобилият, лаёқат” (НАЛ,569; БАЛ,131): *Булар нэ қышлақлық йэрни саман бэрадур, нэ саманлық йэрда қышлақ* (БН,255).

2. Омонимлик турли тилга оид сўзлар ўртасида содир бўлган: арабча сўз I; арабча сўз II; форс-тожикча сўз III: *сур* I а. “шоҳдан ишланган қарнай, був.”; *сур* II а. “кўрган. қалъа” (НАЛ,576); *сур* III ф. “Тўй, базм, шодлик йиғини” (НАЛ, 576); *Сур* исм таркибиди нисба сифатида келган: ..*Ширҳан сур, йана Алавулдин сур ва йана бир нэча афган умараларының арзадаштлары кэлди* (БН,436).

Арабча сўз I; ҳиндча сўз II: *рай* I. а. “фикр, қараш”: *Мирза раин билә амал қылмас эди* (БН,232); *рай* II “Ҳинд подшоҳлари унвони” (БАЛ,119; НАЛ,529): *Агарчи кичик-кирим рай ва ража таг ва жангалда хэли бар эдилар, валэ муътабар ва мустақил булар эдилар* (БН,340).

Эски ўзбек адабий тилида қўланган омонимларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабатида қуйидагилар маълум бўлади.

1. Омоним ҳисобланган ҳар икки (уч) сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланади. **Қалын** I “ёнлама ҳажм”; **қалын** II “«никоҳ тўйиди киз учун куёв томонидан бериладиған мол, пул» маъносини ифодалайди. **Қалын** келинга бериладиған сеп, маҳрни англагган.¹⁴⁶ **Қалын** II дан ясалган **қалынлық** «Бобурнома»да «унашилган киз» тушунчасини ифодалаган: *Султан Аҳмад мирзаның Айша Султонбэгим атлық қызыныким ата абага тирик эканда маңа қалынлық қылыб эдилар* (БН,131). **Қалынлық/қалындык** фонетик ўзгариш натижасида қаллик кўринишига келиб қолган: қалын қалық-қалынлық-қаллық-қаллик (УТЭЛ,517); «никоҳламок» маъносидан

¹⁴⁶ Қаранг: Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. Тошкент “Фан” 1980.59-бет.

қол=сүзининг асоси ҳам қалыңга боғланади: ..бурун Жаҳангир мирзага мирзалар тиригидә қолуб эдиләр (БН,178).

2. Омоним ҳисобланган сўзлардан бири ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланади. Масалан, **йан= I**. Jan 1. “қайтмоқ” (ДҲТ,III,64; ДТС,231; БАЛ,41: *Биз йангандын соң хан кишиси Оратэна ўстига журуды* (БН,32). **Йандур=** “қайтармоқ”: “барчасыны эгаларига йандура бирдиләр (БН,39). Бу маънодаги **йан=** феъли ҳозирда ишлатилмайди. “Ўт олмоқ; ўтда куймоқ” маъносидаги **ёнмоқ II** ҳозирда қўлланади (УТИЛ,1,259). Бир сўзнинг турли маънолари сифатида келган **тарт=**лексемаси кейинги даврларда омонимга айланган: **тарт= I** “чизмоқ”: “..агар наққашлар такаллуф билә тартсалар, анча тарта алмагай эрдиләр (БН,314); **тарт=II** «бормоқ», «қўшилмоқ»: “..йигит йалаңи ва йайақ йалаңи билә Қундузга Хусравшаҳга тартты (БН,100); **тарт= III** “совға қилмоқ, бермоқ”: *Бир эгарлик ат ҳам тартты (БН,302)* омонимлари ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди; “тўхтатмоқ” маъносидаги **тарт= IV** (*Атыны тартты – БН, 169*) ҳозирда ишлатилади.

Қари I “узунлик ўлчов бирлиги ҳозирда истеъмоқ қилинмайди. Шахснинг ёш сифатини билдирувчи **қары II** ҳозирда қўлланади: “..озбакдәк из миң қары йагыны арқада қойуб... (БН,340). *Бурж, башлық, нақиш, сабит, таш, қанун, мақам, туз, туман, тунд каби* омонимларининг ҳам биттаси қўлланади.

3. Омоним сўзларнинг ҳар иккитаси (учтаси) ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган: **вафир I** “қуш, мўл”: *Ашлығы вафир, мэваси фараван (60); вафир II* “аруз вазнларидан бири” (БАЛ,28). **Йармоқ I** “пул бирлиги”; **йармоқ II** “ғаним томон”: “..мусалаҳа арага салылыб эди, тавжих қилган йармақлар аксар иликкә тушти (БН,295). *Савад, пул, сур, кұхпайа, такъйа, таассуб, тавр, тоқа, уд, шаръий* омонимлари ҳам ҳозирда ишлатилмайди.

«Бобурнома»да омонимияни юзага келтирувчи ҳодиса - қадимги туркий тил лексемаларига хос туркум синкретизми ўз ифодасини топган. Э.В. Севортян томонидан “феъл-от асослар” («глагольно-именные основы») ¹⁴⁷ деб номланган бу ҳодиса туркий тилларнинг бошланғич таракқиёт босқичларида бир бўғинли лексик асоснинг айни бир луғавий маънога эга бўлгани ҳолда исм сифатида ҳам, феъл сифатида ҳам ишлатилишини ифода этади. Э.В. Севортян ўз қарашларида “феъл-от омонимлиги” («глагольно-именная омонимия»), “феъл-от омоформалар” («глагольно-именные омоформы») те-

¹⁴⁷ Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). М. Наука 1974 С. 32-40.

рминларини қўллаган. Шу билан бир қаторда, бу ҳодисани «лексик-морфологик синкретизм» деб қараш тўғрироқ эканлигини эътироф этган. Ш.Раҳматуллаев бу ҳодисани изоҳлашда «туркум синкретизми» терминидан фойдаланиш маъқуллигини таъкидлайди.¹⁴⁸

Туркий тилларнинг дастлабки тараққиёт даврида айна бир лексема матн талабига қўра феъл сифатида ёки исм сифатида ишлатилган, Айна бир идеографик (луғавий) семалар таркибига эга бирликки «туркум» семаси муқим биркитилмаган, «исм» ёки «феъл» семаси эҳтиёжга қараб нутқда қўшилган. Туркум синкретизми мавжуд бўлган даврда айна бир лексик бирлик исм ёки феъл сифатида морфемалар орқали эмас, бошқа усул ва воситалар ёрдамида белгиланган. Кейинчалик, морфемалар (аффикслар) йўқолмаган, балки феъл ёки исмга хос грамматик парадигмалар кўрсаткичлари билан фарқлана бошлаган. Агглютинация юзага келиши билан туркум синкретизми чекланган ҳодисага айланган. Туркум синкретизми ҳозирги туркий тилларда турли даражада сақланиб қолган. Ҳозирги ўзбек тилида айна синкретик бирликнинг турли туркумга хос хусусият ифодаланган кўринишлари икки туркум лексемаси деб қаралади.¹⁴⁹

Туркий тиллар табиатига хос туркум синкретизми феъл ва от ўртасида содир бўлган: *кўч* = «бир жойдан бошқа бир жойга жўнамок»; *кўч* «бир жойдан бошқа жойга олиб бориладиган буюмлар» (бу мисол ЭСТЯнинг «Кириш» қисмида (I, 34) синкретик бирлик сифатида қайд этилган). ДЛТда (1,312) ва ДТСда (311) *кўч* сўзи «кўчиш» маъносини англатувчи от сифатида келтирилган.¹⁵⁰ Туркум синкретизмининг юзага келишида лексеманинг семантик структураси белгиловчи аҳамиятга эга. *Кўч* лексемасининг семантик структурасида куйидаги семалар қайд этилган.

Қайт = сўзининг асоси бўлган *кай* ҳам от, ҳам феъл вазифаси учун хосланган. Буни ҳозирги чуваш тилида *кай* от сифатида «орқа томон», «ғарб» маъносини ифодалаш ҳам тасдиқлайди (Егоров, 200; Золотарев, 30); феъл сифатида «орқага йўналмок», «кетмок»

¹⁴⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. Тошкент. Университет 2001. 302-304-бетлар.

¹⁴⁹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами Тошкент Университет. 2001 302-304-бетлар.

¹⁵⁰ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. Тошкент Университет 2001. 305 – бет..

тушунчаларини ифодалайди (Ашмирин, VI, 2).¹⁵¹ Қайт-қайтариқ
инсбат шаклида, -т ўзакка қўшилиб кетган (қиёс: ай-т).¹⁵²

Асар лексикаси семантик жиҳатдан ўзини хос. Асар тилида кўп
маъноли сўзлар, синонимлар, антонимлар воқелик, нирса-халиса
ҳақидаги тушунча, маълумотни батафсил етказишга хизмат қилган
Омонимларнинг ҳам услубий мақсадларга хизмат қилишини
“Муҳокамат ул-лугатайн”да ёритилган.¹⁵³

Эски ўзбек адабий тили лексемаларининг семантик табиати, се-
ма ва семема тушунчаларининг моҳияти шу даврда яратилган
тарихий-бадий манбаларда акс этган. Лексема-яхлитликдаги ифода
ва мазмун планига эга бўлган тил бирлиги. Лексеманинг ифода
қўламини ўрганиш ўзбек тилининг имкониятлари, характерли
жиҳатларини таҳлил қилишда муҳимдир. Лексема табиатида хос
жиҳатларни талқин этишда бадий матн аҳамиятли ўрин тутди. Ба-
дий матнда:

-лексеманинг семантик қўлами, маъно хусусиятлари акс этади;

-лексеманинг тил бирлиги сифатида кўзга ташланмаган
семалари намоён бўлади;

-лексема муаллиф маҳорати даражасида қўлланади ва матн
талабига кўра янгича семалар шаклланади.

Эски ўзбек адабий тилидаги туркий сўзларнинг полисемантик,
омонимик хусусиятларини лексемаларнинг ҳозирги ўзбек адабий
тили даврига қадар тарққиёт жарёнини таҳлил қилиш орқали ёритиш
мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланаётган туркий лексемалар
семантикасида маъно торайиши кузатилади. Бундай ҳолат ўзлашма
лексикада ҳам учрайди.

Эски ўзбек тилидаги фаол туркий, форсча-тожикча, арабча
лексемалар ҳозирда айрим семантик ўзгаришлар билан қўлланади.
Эски ўзбек тилидаги арабча лексемаларнинг ҳозирги ўзбек адабий
тилига қадар қўлланиш жараёнидаги семантик торайиш икки омил
асосида юзага келган: 1. Маъно торайиши лексема коннотатив
маъносининг истеъмолдан чиқиши асосида юз берган. Муайян

¹⁵¹ Тенишев Э. Р. Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики
тюркских языков. М.: Изд-во Академии наук. 1961. С. 239.

¹⁵² Тенишев Э. Р. Глаголы движения в тюркских языках // Историческое развитие лексики
тюркских языков. М.: Изд-во Академии наук. 1961. С. 240.

¹⁵³ Қодиров М. Навоийнинг тилшуносликдаги маҳорати // Тилшуносликнинг долзарб
масалалари. 1. Тошкент. 2002. 85-б.

тушунчанинг истеъмолдан чиқиши шу тушунчани ифодаловчи семанинг қўлланиш даражасини сусайтирган. Буни айрим арабчи сўзлар семантик мундарижасидаги ўзгаришлар орқали кузатиш мумкин.

Ҳозирда “инсонлар, одамлар, инсон насли, башарият” (ЎТИЛ, I, 329) маъноларидаги **инсоният** «Бобурнома»да “одамийлик” тушунчасини ифодалаш учун қўлланган: ...*адна кишиларга қылган инсонийатны бизга қылмады* (178). *Инсонийат* ҳозирги ўзбек адабий тилида «одамийлик» маъносида қўлланмайди. Сўз семантикасида “умумийлик” семасининг дастлабки планга чиқиши натижасида конкрет “шахс” тушунчасини англатувчи *адам* сўзидан шаклланган коннотатив характерга эга бўлган “одамийлик” семаси истеъмолдан чиққан.

Хилват “*холи, кимсасиз жой*” (НАЛ, 654) маъносидаги лексемани Бобур сўзга нисбатан аниқловчи сифатида қўллайди. *дэди ким, хилват сөзим бор. Хилват қылыды* (210). **Хилват** сўз “*махфий ган*” маъносида келган. Бу ўринда мазкур гапнинг хилватни айтилишга ҳам ишора қилинган. **Хилват**нинг сўзга нисбатан қўлланиши айтилмоқчи бўлган фикрнинг махфийлигини ифодаловчи хизмат қилган. **Хилват** лексемасининг семантик таркиби 1) “*кимсасиз, холи*”; 2) “*чет, чекка*”; 3) “*яширин*” семаларидан иборат. Юқоридаги жумлада Бобур **хилват** лексемасининг ўзига хос семантик-услубий ифодасига эришган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида **хилват** «одамлардан, кўздан йироқ, ҳеч ким кўрмайдиган, пана, овлоқ, чекка» жой маъносида қўлланади (ЎТИЛ, II, 324). **Жой**га нисбатан сифатловчи бўлиб келади, бошқа объект ва тушунчаларнинг сифатловчиси тарзида қўлланмайди. **Хилват**нинг “яшириш”, “махфий” тушунчасини ифодалаган коннотатив семаси ҳозирда истеъмолдан чиққан.

Саф “тоза”, “тиник”, “равшан” маъносини англатувчи сўз. “Бобурнома”да “очик”, “самимий” маъносида шахсга нисбатан ҳам қўлланган: *Ҳэч ким биаа саф эмас эди* (217). Шахс феъл-атворининг табиатини сифатловчи “очик кўнгил”, “самимий” тушунчалари **саф** лексемасининг коннотатив функцияси орқали ифодаланган. **Соф** ҳозирда «беғубор, тоза, мусаффо» маъносида нарса-буюм ва мавҳум ҳодисаларга нисбатан қўлланади (ЎТИЛ, II, 69). Шахс фаолияти, характер-хусусиятининг аниқловчиси сифатида келмайди. Бу ҳолда **соф** лексемаси семантик мундарижасидаги коннотатив семанинг истеъмолдан чиқиши билан белгиланади.

Маҳкам “қаттиқ”, “қаҳратон” тушунчасини ифодалаган *Қади маҳкам савуқтур* (105). Конкрет нарса-буюмнинг муайян хусусияти кўра сифатини кўрсатувчи **маҳкам** лексемасининг юқори даражадаги белгини акс эттирувчи коннотатив семаси кейинги даврларда истеъмолдан чиққан. Ҳозирги ўзбек тилида асосан «тевди бузилмайдиган, синмайдиган; чидамли, мустаҳкам, пухта» маъноларида аниқ воқеликка нисбатан қўлланади (ЎТИЛ, I, 457). «Бобурнома»да ифодаланган «қаттиқ» маъноси ҳозирдаги «қўлни маҳкам сикмоқ» жумласида қисман сақланиб қолган.

Маҳкам сўзи шу маънодаги **зарб** сўзи билан синонимик қатор ҳосил қилган: *Маҳкам зарб савуқ эди* (154). **Зарб** алоҳида сифатловчи ҳам бўлиб келган: ...*битаваққуф қышның зарб савуғыда тәңригә таваккул қылыб...* (129). **Зарб** Навоий асарларида “уруш”; “кўпайтириш”; “сўқиш (пул сўқиш-НАЛ, 244)” маъноларида қўлланган сўз бўлиб, “Бобурнома”да белги тушунчасини билдириб келган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида «қаттиқ урилиш, кучли, шиддатли туртки» маъносига эга бўлган (ЎТИЛ, I, 299). Бу сўз семантикасидаги белги билдириш хусусияти истеъмолдан чиққан.

2. Маъно горайиши лексема ифодалаган тушунча қўламнинг қисқариши асосида юз берган. Лексеманинг истеъмол доираси горайиб, маълум тушунчаларни ёки тушунчани ифодалаш учунгина хосланиб қолган.

Масалан, **айём** эски ўзбек адабий тилида “кунлар, давр; чоғлар, имонлар, вақтлар” маъноларида қўлланган (НАЛ, 36): *Чин Тэмур Сұлтанның ушбу аййамда арзадашты кэлиб* эди (444)¹⁵⁴. Ҳозирги ўзбек адабий тилида «байрам куни», «тантанали кун» тушунчаларини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 31). **Йавм** “кун”, **аййам** - шу сўзнинг арабча кўплик шакли. “Бобурнома”даги мисолдан кўринадики, **аййам** араб тилидан вақт меъёрини билдирувчи лексема сифатида ўзлашган. Тарихий тараққиёт жараёнида лексема семантикасида торайиш, конкретлашиш юз бериб, “алоҳидалик” семаси биринчи планга чиққан. Натижада, лексема “ҳар бир кун”ни эмас, муайян, ажратилган, алоҳида аҳамиятга эга бўлган “маълум бир кун” тушунчасини ифодалаш учун хосланган.

Мажлис иш юритиш тартиби, бирор воқеликни амалга ошириш асоси бўлган “йигин” тушунчасини ифодалашга хизмат қилган: ...*шурб мажлиси болды* (315). **Мажлис** асли “ўтирди” маъносини англатувчи **чаласа** феълдан ясалган ўрин оти

¹⁵⁴ Мисоллар “Бобурнома”нинг 1960 йилдаги нашри асосида берилди, саҳифалар кавс ичида кўрсатилди.

бўлиб, араб тилида “ўтириш ўрни”, “йиғилиш”, “жамоа”, “бошқарув хайъати” маъноларини англатади (АРС,134). “Бобурнома”да “бошқарув” тушунчасини ҳам ифодалаган: *Мажлис ва баҳиши ишлан ва дивъаны бисйър йахши эди* (82). Ҳозирги ўзбек тилида мажлисининг “бирор масала муносабати билан ўтириш, йиғилиш” семалари кузатишмайди. Мажлис эски ўзбек адабий тилида йиғинининг инсталлан курунишини англатган бўлса, ҳозирги кунда фақат “расмий йиғилиш” тушунчасини ифодалаш учун хосланган.

Лаҳм “гўшт” (НАЛ,335). Бобур *эт-лаҳм-гушт//гўшт* синонимик парадигмасидан матн услубини мақсадга мувофиқ шакллантиришда фойдаланган. Асарда асосан *гушт*, *эт* лексемалари қўлланган: *Ҳазараның бир сэмиз лок тезвасини тапыб клтүрдилар, аны олтуруб гўштидин бир парча кабаб қылдук, бир парасыны афтабдо пишируб йэдүк, анча лазиз тэвә эти ҳаргиз йэйилгән эмәс эди, баъзи қой этидин фарқ қыла алмайдылар* (219). *Лаҳм* арабча бирикма ва жумлалар таркибида учрайди: *Йана лөчадур... Маъкулул-лаҳмдур, бисйър лазиз эти бардур* (349). Маъкулул-лаҳм “гўшти ейиладиган, ҳалол” маъносига бирикмадир. **Лаҳм** ҳозирда “суяксиз”, “юмшук” (гўшт) тушунчасини ифодалайди (ЎТИЛ, 1,430).

Хат арабча “чизик”, “из” маъносига сўз бўлиб (НАЛ,651), “ёзув” семаси кейин шаклланган. Шу сема асосида «пахсининг фикр-мулоҳазалари, истаги, орзу-интилишлари, тилаклари битилган матн» тушунчаси юзага келган. «Бобурнома»да “шахсининг фикр-ўй, даъват, талаб, хоҳишни муайян объектга етказиш” тушунчасини ифодалаган: *«бу навъ хатлар кэлиб, мундақ эҳтимаб билә тылагайлар* (112)... *Хат «ёзув», «имло» маъносига ҳам қўлланган: .. хат ва тасвир ва оқ ва пайкән ва зиҳгир ҳар нимәд илиги часпандур* (68). Бобур тузган алифбонинг «Бобурий хат» тарзида номланиши ҳам хатнинг «ёзув», «имло» маъносига қўлланганини кўрсатади. XV-XVI асрларда қўлланган **хат чықар**, **хат-ти амән** (**хат-ти амәни**), **хат бар хат**, **хат-ти истиъмәләт**, **хат-ти нажәт**, **хат-ти азәдлик**, **хат-ти губәр** бирикмаларида **хат** лексемасининг «хукм», «далолатнома», «изчил», «тизимлик», «даъватнома», «тасдиқнома», «маълумотнома», «чиройли ёзув» семалари намоён бўлган (НАЛ, 651). Қадимги туркий тил манбаларида ҳам **ХАТ** а.1) “хуснихат”: 2) “хат”, “хужжат” маъноларида қайд этилган (ДТС,636). **Хат**дан шаклланган **сархат** лексемасида хатнинг «намуна» семаси ифодаланган. **Сархат** “яшил хуснихат машк қилувчи учун кўрсатма сифатида муаллим томонидан ёзиб бериладиган хат намунаси” (НАЛ,552): *Мирзәбэк тагайинов*

қим Камранга таржима ва Ҳиндқа кэлгәли айтқан ашғар ва Ҳайбурий хаты» билә битилгән сархатлар йыбарылды (429). **Сархат** намунавий шаклдаги хуснихат бўлиб, маърифий мақсадга хизмат қилган.

Хат лексемасида алоқа – муносабатнинг ёзма равишда қилинишини таъкидлаш воситасида мақсад, тилак, аҳвол ҳақида арз қилинигани эътироф этилади. **Хатнинг** “хукм”, “изчил” маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатишмайди (ЎТИЛ,2,318).

Асарда “мактуб” маъносига **ариза** сўзи ҳам қўлланган: *Муҳаммад Ҳумайундын қасидлар кэлиб, мулазамат қылдылар ва ариза ҳам кэлтурдиким, анда битиб эрдиким...*(457). Расмий шурожаат воситаси маъносига қўлланадиган расмий иш қоғози тушунчасини англатувчи **ариза** юқоридаги лексеманинг семантик тариккиёти натижасидир. Ҳозирда **ариза** “расмий ёзма илтимос ёки шикоят” (ЎТИЛ,53) маъносини англатади, ёзма кўрунишдаги шурожаат тушунчасида қўлланмайди.

Жорий “ҳозирги кунда”, “ҳозирги пайтда юз бераётган”, содир қилиётган”, “давом этаётган”, “олиб борилаётган”, “амалдаги”, “мунодалик” маъноларини ифодалайди (ЎТИЛ,289). **Жарий** Навоий асарларида «оқувчи, оқиб турган; айланиб юрган; юриб турган; очилган. юрган» каби маъноларда қўлланган (АНАТИЛ,1,593). «Бобурнома»да «оқиб турувчи» маъносига келган: *бир тэзирман суы бағның ортасыдын ва бағның ичидәги пуштаниң устидин ҳамиша жарийдур* (190). **Жарий** лексемаси **ақар** сифатдош шаклидаги феълнинг синонимик парадигма ҳосил қилган. *Ҳиндистанда ким, ақар ҳаргиз болмас, чашма худ нэ тилар* (398). **Жарий** воқеа –ҳодиса, ҳараётнинг муайян (айни) вақтда рўй бераётгани, содир қилиётганини ифода этади. Ҳозирда **жорий** лексемасининг шу маъноси «жорий тил», «жорий қилмоқ» бирликларида кузатилади. **Жарий** бошқа воқелик, нарса-буюмга нисбатан ушбу тушунчада қўлланмайди.

Ҳарф Навоий асарларида 1) “товушнинг ёзувдаги шакли; 2) «ташқи. нишона»; 3) “сўз” маъноларида қўлланган (НАЛ,768); «Бобурнома»да “гап”, “сўз”, “ҳикмат” маъноларида келган. *Ул ҳиндурким, “Он гузарро об бурд”. Аның давлатиниң ва нувқариниң таъқиқлыда бу ҳарфни аның тилига тэнри салды* (181). Айрим асарларида «ҳолат» тушунчасини ифодалаган: *Икки гариб ҳарфэ ан-наби сәдир болды* (181); **Ҳарф** ҳозирги ўзбек тилида “товушнинг ёзувдаги шаклини ифодалаш учун қабул қилинган ва алфавит тартибига киритилган белги” тушунчасини англатади (ЎТИЛ,II, 689).

Лексема семантик мундарижасидаги “гап”, “сўз”, “ҳикмат” семалари истеъмолдан чикиб, тушунча қўламининг торайиши содир бўлган.

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, лексеманин семантик таркиби ўзига хос таракқиёт қонуниятларига бўйсунди. Тарихий таракқиёт жараёнида тилда янги пайдо бўлган лексик бирликлар маълум вақт давомида муайян семаларнигина англаниш учун қўлланади. Кейинги даврларда лексеманин қўлланиш частотаси юқори бўла боради ва семантик кўчиш натижасида янгича семалар шаклланади. Лексема ифодалаган тушунчани англатувчи бошқа лексик бирликининг шаклланиши натижасида (у ички имконият асосида ясалган ёки олинма сўз бўлиши мумкин) унинг истеъмол доираси торая боради. Бир қатор семалари билан фаол қўлланган лексемалар семантик доирасида торайиш кузатилади. Нофаол лексемалар истеъмолдан чиқади ва архаизмга айланади. Бу жараён тилнин ички таракқиёт қонунияти асосида юз беради.

Эски ўзбек адабий тилида янги сўз ва терминларнин ҳосил бўлиш жараёни турли ташқи, ижтимоий-тарихий шароитлар ҳамда ички, яъни шу тилга хос соф лисоний хусусиятларга боғлиқ ҳолда содир бўлганлигига шубҳа йўқ.

Ташқи хусусиятлар деганда: 1) эски ўзбек адабий тили лексикаси ривожда муҳим аҳамиятга эга бўлган умумий ; 2) маҳаллий таъсир кўрсатувчи жузъий, экстралингвистик омиллар назарда тутилди.

Тил ичидаги омиллар эски ўзбек адабий тилинин маълум тарихий таракқиёт босқичидаги лексик-семантик хусусиятлар ҳамда сўз яшашдаги дериватив воситаларга асосланган. Шу билан бирга ташқи ва ички омиллар бирикувидан иборат икки ҳодиса орасидаги, яъни оралик омиллар ҳам кўзга ташланади. Эски ўзбек адабий тили лексикаси таракқиётида умумий, глобал аҳамият касб этувчи ташқи омиллар сирасига, албатта, XIV-XIX асрларда содир бўлган сезиларли ўзгаришлар киради. Бу даврда ўзбек халқи ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан ижтимоий, маиший диний турмуш тарзида пайдо бўлган янгиликларни тилда акс эттириш эҳтиёжи сезилди.

Қайд этилган даврда эски ўзбек адабий тили сўз бойлиги таракқиётида араб, форс-тожик ва мўғул тилларидан кирган ўзлашмаларнин муҳим улуш бўлиб қўшилганлигини такрор эътироф этиш лозим.

Эски ўзбек адабий тили лексикаси ривожига сезиларли таъсир ўтказувчи ички омиллар қаторидан турли таркибли характерга (туб, дериватив) эга бўлган луғат бойлиги (фонди) ўрин олади.

XVI-XX аср боши ўзбек адабий тили лексикаси

XVI-XX аср бошида Мовароуннаҳр ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар, бухронлар, талотумлар юз берди. Темурийлар давлати куч-қудратининг ўзаро урушлар боис кифлашуви, кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннуҳрни ўз тасарруфига киритиши, Шайбонийлар давлатининг XVI аср охирида ўзаро феодал кураш оқибатида сиёсат саҳнасида кетиши, феодал гарқоқликнинг кучайиши негизда XVI-XVIII асрларда Хоразм хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигининг ташкил топиши билан боғлиқ жараёнлар ўзбек адабий тили товуш тизими, сўз ясалиши, гап қурилишига бирон бир жиддий янгилик киритмасе-да, лекин унинг лексик-семантик сатҳига сезиларли таъсир ўтказди.

Кўчманчи ўзбекларнинг Ўрта Осиёни забт этиши хонликлар ўртасидаги низоларнинг маълум муддатга барҳам топишига боис бўлди. Уруғчилик тузумидан феодализм муносабатларига ўта бошлаган Шайбонихон бошлиқ чорвадор қабилалар тил нуқтаи назаридан Темурийлар ва маҳаллий туркийлар тилига жуда яқин эди. Шайбонийхоннинг ўзи ёки унинг ҳомийлигида ижод қилган шоиру ёзувчилар асарлари эски ўзбек адабий тилида битилган бўлиб, улар тил томондан баъзи бир жиҳатларни ҳисобга олмаганда, ўтроқ туркийлар ва чорвадор ўзбеклар учун бирдай тушунарли эди. Ижод иқлимига муайян ҳурмат ва эъзоз билан маносабатда бўлиш Шайбонийхон ва унинг ворислари учун бегона нарса эмас эди. Шайбонийлар давлатида туркий ва форс-тожик тилларида бадиий, тарихий асарлар яратилганда алоҳида эътибор қаратилди. Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома”, номаълум муаллифнинг “Таворихи Гузида. Нусратнома” (1505), Камолуддин Биноининг “Шайбонийнома” (1507), Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” (1509), Масъуд ибн Усмон Қуҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхони”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” (Шарофномаи Шоҳий) (1584-1590) сингари асарларида XVI аср Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётида юз берган турли воқеалар қатори ўша давр ўзбек адабий тили меъёрлари, ишлалхусус, сўз бойлиги ҳақида муҳим маълумотлар ўз ифодасини

топган¹⁵⁵. XVI асрда Самарқандда Рашидуддин Фазлуллохнинг машҳур “Жомеъ-ут-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарининг форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўтирилиши ўзбек миллати вакилларини Чингизхон ва Чингизийлар тарихи ҳамда соҳибкирон Амир Темур юрушлари тарихи билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этиши қатори ўзбек адабий тили лексик таркиби тараққиётига маълум даражада улуш қўшди. Шундай ҳолатни ўзбек хонликлари даври ўзбек тили тараққиётида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Абулғозийнинг “Шажарайи турк” (1663-1664) ва “Шажарайи тарокима” (1660-1661), Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулк” (1695-1696), Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихий Муқимхони” (1704), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Тарихий Убайдуллахони” (1716), Абдурахмон Давлат Толенинг “Тарихи Абулфайзхони” (XVIII), Мир Муҳаммад Салимнинг “Силсилот ус-салотийн” (1730-1731), Муниснинг “Фирдавс ул-икбол” (1839 йили Огоҳий томонидан яқунланган), Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ут-таворих” (1843), Ниёз Муҳаммад ибн Ашур Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳи” (1871) каби туркий ва, аксарият, форс-тожик тилида ёзилган манбаларнинг ўрганилаётган давр ўзбек адабий тили лексикаси, унинг қатлами, мавзуй майдони, лексемаларнинг мазмуний гуруҳлари тўғрисида маълумотлар олишга замин яратади. Шу ўринда XVII-XVIII аср ўзбек адабий тили сўз бойлиги хусусида муайян таассуротга эга бўлишда ижод қамровининг кенглиги, ёзилган ёки таржима ишларининг нафақат сон, шунингдек сифат жиҳатдан ҳам ўзбек мумтоз адабиёти намояндлари ичида йирик фигуралардан ҳисобланмиш Огоҳий қаламига мансуб тарихий бадиий асарларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Хоразм хонлари тарихига бағишланган адиб асарлари давр сарой адабиёти тили анъаналарига амал қилинганлиги, аксар ҳолларда эски ўзбек (чигатоӣ) адабий тили учун фаол ҳисобланган умумтуркийча ва соф эски ўзбекча лексик бирликлар билан ёнма-ён араб ҳамда форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларнинг қўшилиши билан характерланади. Иккиланмасдан таъкидлаш мумкинки, Алишер Навоийни ўзининг салафи санаган ва улуг шоирнинг серкири

¹⁵⁵ Қаранг: Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. Тошкент “Фан” 1993.10-8- бетлар, Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники Ташкент “Фан”. 1985

ижодидан баҳраманд бўлган Огаҳий тилимиз асосчиси изидан борди, унга хос лисоний жиҳатларга анъанавий тус берди.

XVI-XIX аср биринчи ярми ўзбек адабий тили лексикаси таркибига назар ташлаш, уни ҳар томонлама таҳлил ва тасниф қилиш сўз бойлиги тизимида XIV аср иккинчи ярми, айниқса, XV асрга хос лексемаларнинг деярли сақланиб қолганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳар қандай тилнинг лексик таркибида ҳаётдаги ижтимоий ўзгаришлар оқибатида юз берувчи жараёнларнинг қайд этилган эски ўзбек тили лексикаси учун ҳам мустасно эмаслигини урғулаш зарур.

Шайбонийхон раҳнамолигидаги кўчманчи қабилаларнинг XVI аср бошида Мовароуннаҳрга бостириб кириши ўзбек миллатининг шаклланишга қисман бўлса-да таъсир ўтказди, этник таркибнинг янада ранг-баранг ва турфа бўлишига олиб келди.

Маълумки, ўзбек тили бошқа туркий тилларга қиёсан кўп диалектлилиги билан ажралиб туради. Қарлуқ-чигил, қипчоқ ва ўғуз диалектларидан ташкил топган¹⁵⁶ ўзбек тили (ўзбек диалектларининг бир бутун йиғиндиси сифатида) ягона системанинг, ҳеч қачон амалда бўлмаган ўзбек “бобо” тилининг диалектологик парчаланиши йўли билан эмас, балки тил системаларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган”, деган фикрни илгари сурганда Е.Д. Поливанов¹⁵⁷, албатта, кўндан-кўп шева вакиллари бирикувидан ташкил топган ўзбеклар бирлашмасига кирган Дашти қипчоқлик уруғ ва қабилалар тилини ҳам назарда тутган эди. Шайбонийхон тарихига оид Муҳаммад Солиҳ ва Биноий асарларида XV-XVI аср кўчманчи ўзбек қабила ва уруғлари номлари келтирилган бўлиб, улар эски ўзбек тили этнонимларини ўрганишда, ўзбек, козоқ ва ўзга қардош туркий халқлар этногенезини аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Мақсад ва мазмун нуқтаи назардан мувофиқ келувчи Муҳаммад Солиҳ ва Биноий “Шайбонийнома”сида қайд этилган уруғ ва қабила номлари ўзбек тили лексик тизими, жумладан, этнонимини янада бойитди. Ўртироф этиш жоизки, Дашти Қипчоқда истиқомат қилган уруғ ва қабилалар бирлашмасини ўзида ифода этувчи **ЎЗБАК** эли бирикмаси Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” маснавийсида Жўжиҳон авлодидан бўлмиш Абулхайрхон фарзандлари ва набиралалари тасарруфида бўлган Ясси, Саброн, Тароз, Ўтзор, Туркистон каби

¹⁵⁶ Поливанов Е. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент. 1933.

¹⁵⁷ Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Тошкент: “Фан” 1979. 107–бет.

шаҳарлари билан Чигатой улуси, аниқроғи, Темурбек асос солган давлат билан чегарадош юрт аҳолиси ифодаланган:

Ул киши бардур Шайбанийхан,
Хан-и Шайбандур у маҳди-йи заман.
Ҳали аның йэри Туркистандур,
Ўзбэк элигә муаззам хандур (ШН,18-19).

Мазкур брикмага синоним тарзда ўзбэк этноними ҳам қўлланаверган:

Дэдилар: Асру эрур душвар иш.
Барыб ўзбэк билә қылмак санчыш (ШН,35-8).

Маълумки, Алишер Навоий Дашти Қипчок ўзбекларини **ўзбэк халайиқы**: Аның авсафы турк ва ўзбэк халайиқы арасыда андин көпрак ва лашхурракдурки, шаҳрга ихтиёажы болгай(ИИМ.XV-155) ни **ўзбэк**:

Мавлананы ўзбэк шаҳид қылды(МН, 9-10) этнонимлари билан атагани эди. Биринчи мисолдаги **турк** этноними остида Мовароуннаҳр ва Хуросонда қадимдан ўтроқ ҳолатда ҳаёт кечирувчи туркийлар ифодаланганлиги яққол сезилиб турибди. Шу ўринда ўзбек адабий тили асосчиси Чигатой улусида яшаган элни **чығатай халқы** дей атагани ва бу халқ туркий миллатнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаганлиги қуйидаги фактик материалда равшан намойиш бўлганлигини урғулаш лозим бўлади: Яна турк улусы, батахсия, чығатай халқы ара шайи авзандурким, алар сурудларын ол вазн билә йасаб мажалисда айтурлар(МА,179)

Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” мемуар асарида **турк** этноними билан Чигатой улуси худудида ва Хуросонда яшовчи ўтроқ туркий халқни ифодалаган: Эли туркдур. Шаҳр ва базарысыда турки(ШН) билмас киши йокдур (БН. 60). Ўз навбатида **ўзбэк** сўзининг бевосита Шайбоний ўзбекларига нисбатан қўлланганини рад этиб бўлмайди. Шаҳ Исмаил ўзбэки Марвда басканда Ханзадабэгим Марвда эди. (БН,66).

Муҳаммад Солиҳнинг“Шайбонийнома”асарида ҳам **турк** этномининг Темурийлар салтанатида ўтроқ турмуш тарзи билан машғул туркий элга нисбатан ишлатилганлиги рўй-рост кўзга ташланади:

Чэрики барча йайағ-у атлык
Моғул-у турк-у сипаҳы атлык (165-3).

XVI-XVII асрлар давомида **ўзбэк, ўзбэк халқы, ўзбэк** эли этнонимлари Шайбонийлар томонидан эгалланган, кейинчалик, Хоразм, Бухоро ва Қўқон хонликларида яшаган халқга нисбатан

ишлатила бошлаган. Фикрни далиллаш учун Абулғозийнинг “Шажарайи турк” ига мурожаат этамиз: ӱзбӱк халқина айтдим, мэн бу йуртда тура билмайман (ШТ,178а). Айни чоғда Шайбонийлар даврида Хоразм ва Мовароуннахрда ўтроклашган қабила, уруғ вакиллари ўзларини ӱзбӱк деб аташда давом этган. Бу хуудларда ўзлари келгунга қадар яшаган туркий халқ вакилларини **чығатайлар** деб номлашган: Кӱтниц чығатайларындын алты киши йолуқур (ШТ,148 а).

Мовароуннахр ва Хуросон ерларида азалдан туркийлар билан аралаш ҳолда форсийзабон аҳоли ҳам турмуш кечирган. Ушбу миллат XV асрдан эътиборан санскритча **сарт** (илк бор Махмуд Кошғарий лугатида “тожир, савдогар” маъносида қайд этилган) термини билан ифодаланган эди. XVI-ХУП аср ўзбек тили манбаларида у асосан “тожик миллати, тожик миллати вакили” маъноларида қўлланишда бўлган. Маргилон қасабасини таърифлар экан Бобур: “Эли сарттур”, - лейди (БН, 61). Бухоро вилояти, жумладан ,Ромитон шаҳрида Шайбонийхон лашкарига қаршилиқ кўрсатган тожик эли Муҳаммад Солиҳ томонидан ҳам **сарт** этноними билан ифодаланган:

Вахмдин сарт чықа алмады хэч,

Кӱчӱбанд ичрӱ басӱ айлады хэч(ШН,38-11).

Этнонимнинг айни мазмунни ифодалаш и Абдулғозий асарлари тилида ўз аксини топган: Муҳаммад Хусайнбӱк бир сартның эвиндӱ тушти (ШТ,174 б).

Шу ўринда **сарт** этноними англаган маъно шунингдек **тажик** (биринчи бор “Қутадғу билиг” тилида ишлатилган) сўзи билан ҳам англашилганини таъкидлаш керак бўлади: Вазирики тажикдин ва уйғурдын болса ака қынжан дӱрлӱр: (ШТ,85 б).

Муҳаммад Солиҳ маснавийсида сўнгги этнонимнинг **тазик** фонетик шаклда ҳам ишлатилгани ўз аксини топган:

На араб қалды, на тўрк-у тазик

На улуг қалды-йу на риза шарик(ШН,113-3).

Кези келганда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида **тазы** этноними араб миллати, **тазы** тили бирикмаси «араб тили» маъносини ифодаланини (ДТС,543) эслаб ўтиш лозим бўлади.

XIII асрнинг 20-йилларидан XV асрнинг 70-йилларигача Чингизийлар асорати асосида қолган Мовароуннахр ва Хуросон хуудларида **моғул** этноними билан бир қатор уруғ ва қабилалар иттифоқини ўзида мужассам этган, тарихий манбалар берган маълумотга кўра Аланчаконнинг кичик ўгли Мўғул ва унинг фарзандларидан тарқалган халқ ифодаланган.Абулғозий **моғул**

сўзининг асли **мунул** эканлиги, авом бу сўзни талафуз қилишда қийналиб, уни **моғул** шаклида атаганлари, **муң** нинг маъноси “қайғу” эканлигини, бундан келиб чиқиб **мунул** “*қайғули содда дил*”ни англатишини қайд этади: Тадқиқ этилаётган давр обидаларида **моғул** этноними асосан Чигатой улусида Чингизхон истилосидан бери яшаётган, мусулмон динини қабул қилган, лекин ўзига хос расм-русм ва урф-одатларни сақлаб қолган эл назарида тутилган. Хусусан, “Бобурнома”да **моғул** этноними Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон қўл остидаги юртларда истикомат қилувчи хос мўғул элига ва қўшинига нисбатан ишлатилган:

Бир эмас хамиша бадбахт моғулның адаты ош мундақтур. Басса ҳам олжа олур, бастурса ҳам өз элини талаб, түшүруб олжа алур (БН, 145).

“Шайбони. нома”да ҳам **моғул** этноними:

1. Хоникахон (Султон Маҳмудхон) сардорлигидаги аскарый қисмни номлаш учун хизмат қилган:

Айласун хайл-и моғулны вайран,

Балки туфрақ ила қылсун йаксан(85-15).

2. Юнусхоннинг кичик ўғли Олачахон (Султон Аҳмадхон) тасарруфидаги эл, юрт англашилган:

Йортавул барса моғул кишварига,

Фитналар салур экан лашкарига (ШН, 127-11).

Таъкидлаш керакки, давр обидаларида муайян шахснинг қайси уруғ-қабиллага тааллуқлигини қайд этиш ўзига хос усул билан амалга оширилган. Яъни киши исми шу шахс мансуб уруғ-қабилла номи билан бирга аталган. Шундай ҳодиса **моғул** этноними функциясида ҳам кўринади. Фактик материаллар этнонимнинг антропонимдан кейин: **Ва Тэнриқулы Пышғы** моғулны толғамаға йасадук (БН, 336) ҳам олдин: **Йана шайх Пурандэк вали азиз** кишини **моғул Абдулваҳхобға туттурды** (БН, 269) қўлланаверган. Ҳар икки мисолда этнонимнинг қўлланиш ўрни гап мазмун-моҳиятига жиддий таъсир ўтказмаса-да, иккинчи гапда муаллиф ўқувчи диққатини ҳаракатнинг ким томонидан бажарилганлигига кучлироқ тортиш мақсадида этнонимни шахс номидан аввал ишлатган дейиш мумкин.

Этнонимлар ҳақида гап кетганда, табиий, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилган маълумотларни четлаб ўтишнинг имкони йўқ. Зеро луғатда зикр этилган турк табақалари ва қабилалари номларининг қайсидир қисми эски ўзбек адабий тили обидаларида ҳам ишлатилишда давом этган.

Маълумки, Маҳмуд Кошғарий туркларнинг аслида йигирма қабила эканлигини, ҳар бир қабиланинг саноксиз уруғлари борлигини, шу сабабли луғатда уларнинг асосини-она уруғларини зикр этганини, шахобчаларини ташлаганини, айтиш чоғда, фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйиладиган белгиларини ҳам ёзганлигини урғулаб, Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг қўнимгоҳларини тартиб билан кўрсатган, Румдан Шарққача бўлган худудларда истиқомат қилган бэчәнәк, қыфчак, оғуз, йәмәк, башғырт, басмыл, қай, йабақу, татар, қыркыз, чигил, тохсы, йағма, ыграқ, жаруқ, ж(ч)умул, уйғур, танут, хытай, тавғач қабилаларни санаб ўтган эди.¹⁵⁸ Қадимги Ўрхун-Энасой битиклари матнида оғуз, қыркыз, уйғур, танут, татар, табғач ва аз этнонимлари қайд этилганлиги улар ифодалаган қабилаларнинг турк халқининг шаклланишида етакчи ўрни борлигидан далолат беради. Айтиш пайтда рун обидаларида қўлланилган татабы этнонимларининг у англаган уруғ ёки қабиланинг сиёсат саҳнасида кетиши ёки ассимиляция бўлиши оқибатида кейинги даврда кўзга ташланмаслигини таъкидлаш лозим бўлади.

Таҳлил этилаётган давр қабила ва уруғ номлари таркибида қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол ишлатилган қыпчак¹⁵⁹, уйғур, қарлук, турк, татар, туркман этнонимларининг қўлланиш частотаси юқориликча қолган.

Шу билан бирга давр тилида аввалги асрлар манбалари матнида кузатилмаган бир қатор этнонимлар ўз ифодасини топган. Булар жумласига, хусусан, “Бобурнома”да келтирилган доғлат, жалайыр, арғун, қавчын, барлас, долдай, барын, нарын, оғлақчы, манғыт, сағрычы, чарас, қалмақ, қазақ, никўз, тоқчы сингари этнонимларни киритиш жоиз.

Асардан барын, нарын, чарас, сағрычы этнонимлари ифодалаган қабилаларнинг моғул деб аталган уруғнинг шахобчалари эканлигини англаш мумкин:

Ул мунасабат билә Эрзан барын тўман бәкләридин Мирак туркманким, чарас тўман бәкләридин эди, ханны ўч-төрт миң ўйлук моғул улусы билә Улуғбәк мирзаға кәлтүрдиләр (БН, 67).

¹⁵⁸ Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. Т. I. Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С. Муталлибов. Тошкент. 1960. 64-бет

¹⁵⁹ Алишер Навоий ушбу этнонимни Чингизхон бошчилигидаги мўтулларга нисбатан ҳам қўллаган: Чун татар куффары Харазмға йэтибтүрләр(НМ, XV-145).

“Шайбонийнома” асарида Шайбонийхон бошлик лашкарини Хоникахон ва Олачахон раҳбарлигидаги мўгул хонлари қўшини билан жанг саҳнасининг тасвирланишида мўгуллар ҳамда Шайбоний ўзбеклар томонида туриб курашган қабила- уруғ номлар батафсил келтирилган. Муаллиф қайдича, мўгул хонлари тарафида **қалмақ, тайши, татар** қавларидан иборат лашкар саф тортган бўлса, Шайбонийхон томонида эса **сайхуйут, қыйат, қонғырат, бурқут, манғқыт, найман, дөрман, ошун, кошчы, жалайыр, қарлық, сулдуз, нўкўз, тамадур, татар, адгў, шабанлығ, ойрат** қабилаларидан ташкил этилган ўн минг кишилик аскарини қисм турган. Қайд этилган қавмларнинг умумлашмаси, бирлашмаси ўз аксини **ўзбэк** этнонимидан топган:

Тўрт миң ўзбэк ушбу тарик,

Барча бир-бирига қарындаш-у рафик (ШН.138-21).

Муҳаммад Солиҳ қаламига мансуб асарда шунингдек **адағ эли** (217-15), **қыпчак, макрит, барын** (176-19), **чоғул** (81-19), **хазар эли** (199-14), **казак** (32-3), **араб, халаж** (113-11) этнонимларининг ҳам қайд этилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Сунгги этноним дастлаб Маҳмуд Кошғарий луғатида **қалач//халач** (ДТС,411:635), “Ўғузнома” достонида **қалач** (ДТС,411) фонетик шаклида ишлатилган. “Шажарайи турк”да ҳам **қалач** фонетик шакли кўзга ташланади: **Барча қалач эли шул кишининг наслидин турурлар** (13а).

Абдулғозий турк элининг асосини беш уруғ, яъни **уйғур, қыныклы, қыпчак, қалач** ва **қарлук** этнонимлари билан аталувчи қавмлар ташкил этганини урғулайди ва бу уруғларга ном берилиши билан боғлиқ тарихий асарларда мавжуд ривоятларга киши диққатини тортади. Зикр этилган уруғларга ном беришга оид воқеалардан кўпчилик лингвистларнинг Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих”, муаллифи номаълум “Ўғузнома”, “Таворихи гузида. Нусратнома”, Абулғозийнинг “Шажарайи турк”, Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” каби асарлари орқали етарли маълумотга эгаллигини ҳисобга олиб, ушбу масалага такроран тўхташни мақсадга молик деб топмадик.

Бирок Абулғозий шундай эл-уруғлар ҳақида ҳам муфассал ифода берганки, улар хусусида махсус фикр-мулоҳаза билдириш ўзини бутунлай оқлайди.

Аслида мўгул ва уйғурдан айри бўлган **тикрин** (макрин) (25а) қалин ўрмонда яшаган **орманқыт** этнонимлари (25 б) билан ифодаланган уруғ ва эллар XIII аср бошида Чингизхонга боқингани Чингизхонга тобе бўлган уруғлар сирасидан **ойрат** ва ушбу уруғ асосида шаклланган **турғавут, қоры, толас** (26 б), **тўмат** (27а)

уруғлари ҳамда **кирайт/кэрайт** (276), **үнгүт** (“сақловчи , посбон”) ҳам ўрин олган. Асарда турк-мўғул халқлари шаклланишида иштирок этган уруғ ва эллардан **мәркит** (мәкрит) **алқанут**, **инкирәс**, **қаранут**, **қурулас**, **элчигин** (30 б) , **ормовун** (оймовут) (31 а), **арлат** (31 б), **уйшун** (32 б), **сулдус** (32 б), **илдўркин** (сулдуснинг шахобчаси), **дөрмән**, **барын** (дөрмән уруғи шахобчаси) (32 б), **бурқут**, **қурлаву**т (қонғыратга яқин уруғлар) (33 а), **байавут** (мўғулнинг дарлагин уругидан айрилган) (33б) **жолайыр** (мўғулнинг дарлагин уругидан) (33б-34 б) кабиларнинг номлари, маъноси очиб берилган.

Маълумки, XIII-XIV асрларда Дашти Қипчоқда қипчоқлар билан ёнма-ён аланлар ҳам истиҳомат қилган. Ушбу этноним илк бор Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асарида Чингизхон лашкарбошиси Субудай баҳодирнинг Нахичиван ва Озарбайжон вилоятларини забт этгач, Дарбанддан ўтиб ўрдугоҳга қайтиб кетаётган пайтидаги воқеаларни тасвирлаш чоғида қайд этилган. Алан этноними туркийда битилган манбалардан “Шажарайи турк”да ўз ифодасини топган: Сувудай баҳадир Қыпчакга киши йыбарыб айтды ким, бизниң қарынташымыз турурсыз. Алан бир йат халқ турур (ШТ,69 а). Абулғозий асарида бир неча ўринда рус, орус истилоҳининг ҳам ишлатилганлигини таъкидлаш зарур. Зеро ушбу термин асар матнида “Руслар юрти, Россия”: **Кыпчак эли Рус сары барыб андын көмәк алыб, моғулларның ўстигә кәлди** (69 а)... **он йәтти киши Орусға савдаға кәтәр** (169 а), “рус миллати вакили” : **Қош Йайық тәғәндә миң қазақ орус бар экәндүр**(169 а). Сўнги гапдаги қазақ лексемаси “қазақ, эркин, озод, ажралиб чикқан” маъносини ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Шу ўринда рус этнонимининг Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида осетияликлар яшайдиган жой, “Осетия”ни англатувчи **Ас** топоними билан биргаликда қўлланганлигини эслаб ўтиш даркор:

Чу азим болуб жәниб-и Ас-у Рус,

Болуб йўзләри ваҳидин сандарус (СИ,Хамса,1297).

“Шажарайи турк”да туркман халқи қавм ва уруғларининг номлари ўз аксини топган. Унда айтилишича, **ташқы салур** этноними билан **эрсары**, **Хурасан салуры**, **тәкә**, **сарық йавмут** эллари бирлашмаси ифодаланган: Тақы он алты миң қойны эрсары, он алты миң қойны **Хурасан салуры**, **сәккиз миң қойны тәкә** ва **сарық** ва **йавмут** бэрмәк болдылар. Бу айтылған элларниң барчасы бир урук турур. Жумләсинә **ташқы салур** дэрләр (121 б-122 а). **Ташқы сарур** дан бошқа туркман уруғлари **Хасан эли** (122 а), **игдир**, **чавулдур**,

арабачы, көклән, адаклы (Амурдә этагининг сүл томонидәги жойларда хәт кечирган), **Уч эл** (Хизр элиниң адаклысы , али эли ии тэвачи) (122 б) этнонимлари билан номланган.

Тахлил этилаётган давр манбалари тилида **қызылбаш** лексемасининг тез-тез ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Мазкур лексема «Бобурнома»да Эрон шоҳи Исмоил Сафавий бошлик кўшин ва элга нисбатан ишлатилган ва у **түркмән** этноними билан маънодошлик қатори ҳосил қилган: **Сэшанба** кўни айның он олтысында кызылбаш билә өзбәкниң урушыда бар киши Дәв султанның навқари кәлди. Андақ тақрир қылдыким, Жәм ва Хәрғирл навахисидә ашур кўни түркмән билә өзбәкниң масафы вақи болур (БН,425). Этноним “Шажарайи турк”да фаол қўлланган Қазылбашның қарысыны көрүб султанға хабар қылдылар (ШТ, 141 б). Огаҳий асарларида **қызылбаш** истилоҳи эронликларга нисбатан қўлланган: ...сипаҳқи бишумар ва лашкар-и кинагузар билә Машиҳад ўстигә хирам көргүзүб, кызылбаш аҳлидин интиқам тартғай (Риёзуд-давла, 38). Эътироф этиш лозимки, юқорида, айниқса, Абулғожи асарида зикр этилган этнонимларнинг аксарияти XIX аср тарихий обидаларида ҳам қўлланишда бўлган. Жумладан, Огаҳий қаламига хос тарихий пландаги манбаларда **өзбәк, сарт, тажик**(мазкур сүл Бухоро амири Насрулло кўшинига нисбатан қўлланган) этнонимлари кенг ишлатилган. **Йа(в)мут, тәкә, чавдар, йамралы, көклән, сарум, қарадашлу** қавмлари туркман (тарокима) уруғлари сифатида қайд этилган, **йуртоғлы, қарақалпақ, қарахан, аймақ** тойифаси номлари келтирилган. Айни пайтда уларда **манкыт, қонғырат, қыйит, қанғлы, қыпчак, татар** каби этнонимлар ҳам кўзга ташланади Огаҳий асарларида **қазақыйа, қарақалпақыйа, өзбәкыйа,** (Риёзуд-давла 54), **йавмутыйа, йамралыйа** (Риёзуд-давла 97) фонетик шаклидаги этнонимлар **асқарыйа, лашқарыйа** каби сўзларга монанди ясалгани ва ишлатилганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Русийа халқы бирикмаси “Риёзуд-давла”да (151) қайд этилган бўлиб, “рус халқи” маъноси касб этган. “Рус миллати вакили” маъноси аввалгидай **орус** лексемаси билан очиб берилган:

Қарлы йўзбашы орусларны ва элчиләрни өз назарий учанға салыб қайтды (151). Ушбу лексеманиң “Русия, Россия” маъносига эга бўлганлиги куйидаги гапда кўрилади: **Атажән ахундким, Орус вилайатыға элчиликкә кэтиб эрди.** (Риёзуд-давла, 152). Шунини алоҳида қайдлаш лозимки, Огаҳийнинг ушбу асарида бирипчи бор **инғлис** лексемаси “инглиз” маъносида қўлланишда бўлган: **Йақуббай Ханакәхийким..... инғлис элчиси билә кәлди** (152)

Хива хонлиги ва Британия ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг мавжудлиги инглиз элчисининг 1840 йили Хивага келиши имконини туғдирган. Умуман, ғарб давлатлари, жумладан, Россия билан боғланган муносабатлар негизида давр ўзбек тилига **Фэтирбург** (Петербург), **импиратур** (император), **Никулай Павлофич** (Николай Павлович), **Прукуфий Андринч Никикурус** (Прокофий Андреевич Никифоров) сингари ўзлашмаларнинг кириб келишини Огаҳий асарлари мисолида кўриш мумкин.

Давр манбалари тили сўз бойлигида филологиянинг тилшунослик ҳамда адабиётшунослик соҳасига доир истилоҳлар ҳам анча фаол қўлланганлиги билан характерланади. Қайд этилган фан соҳаларида мавжуд тушнчаларни ифодаловчи терминларининг аксарияти эски ўзбек адабий тилининг илк шаклланиши босқичида истеъмолга кириб келганлигини эслатиб ўтиш лозим бўлади. Жумладан, эски туркий тил обидаларида “мулоқот воситаси, тил” тил лексемаси орқали ифодаланганлигини кузатамиз: Киши тилни билса билур маънасын (ЮГ, 13-503). Тилдан нутқни фарклаган аждодлар иккинчи, яъни индивидларга оид ҳодисани тил сўз: **көнўл қоткы тил сўзда йумшақ кэрәк** (ҚБ-ДТС, 559), тил лафз жуфт сўзлари билан номлашган. Бу жуфт сўзлар таъкидланган маъно, семада туб сўз лексемаси билан маънодошлик қаторини шакллантирган: ол сўзут анлады (ДЛТ, 1, 71). Шу ўринда қадимги туркий рун битикларида “сўз, нутқ”нинг **саб: кёрүг сабы антағ** “жосус сўзлари бундай” (ТҮН, 9), **саб сўз** (ДТС, 478), **сўз саб** (ДТС, 511) лексемалари билан англашилганлигини эътироф этиш мақсадга молик.

Эски туркий тилда **тўркчә** лексемаси “туркча, турк тилида” маъносини билдириш мақсадида ишлатилган: аның-ош чықардым бу тўркчә китаб “Шу сабабли бу китобни турк тилида яратдим” (ЮГС-473). Ушбу терминга муқобил равишга **арабча** “арабча, араб тилида” ҳамда **тазикча** “форсча, форс тилида” лексик бирликлари ҳам муомалада бўлган: **Арабча тазикча китаблар ўкүш** “Араб тили ва форс тилидаги китоблар кўп (ҚБ-ДТС, 559).

Тўркий лексемасининг дастлаб қўлланиши Сайфи Саройининг “Гулистон биг туркий”сида ўз аксини топган: **Шайх Садий** “Гулистанын тўркий таржума қылсақ (Г, 5а12). Келиб чиқиши нуктаи назардан тожик-араб аффикси¹⁶⁰ сифатида қаралаётган “ё-йи нисбат” деб аталувчи-йи аффикси иштирокида ясалган **тўркий**

¹⁶⁰ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Алишер Навоий тилининг грамматик хусусиятлари Тошкент. 1984. 76-77 бетлар.

сифати ажам тили ярим калькаси каби: **ажам тилин билўр киши бармы** (Г, 131 б 8) форс-гожик тилли бадий адабиётдан қилинган таржималар заминида эски туркий тилга кириб келганига шубҳа йўқ. **Туркий** лексемаси “форс тили” маъносида истемолда бўлган **пърсий** терминига монанд ҳосил қилинган дейиш мумкин: **ханым атынгга ошбу пърсий тилни чэвүрдүм** “Хоним учун бунни форс тилидан ўгирдим” (ХШ,7а14). Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарлари матнида “турк тили, туркий тил” маъноси **түркчә** тил: Ҳамул “Арбаин”га **түркчә** тил билә таржима арзусы кәңүлға тўшти (ХМ, XIV, 46), **түркчә алфаз**: Чун түркчә алфаз билә назмға илтифат қылмас эрдиләр (ХМ, XIV-59), **түркий**: Ва ўч тилни, туркий ва фърсий ва хиндий болғай (МЛ, XIV-107), **түркчә**: ва бу түркчәдә мундак адә тапыбдурким... (МЛ, XIV, 111), **түрк лафзы**: ва ул түрк лафзыда бу навэ таркиб билә адә тапыбдур (МЛ, XIV-110), **түрк алфазы**: Ва түрк алфазыда бу навэ лафз көп тапылур (МЛ, XIV-109), **түркий алфаз**: Қалды түркий алфаз билә мақсуд адасы (МЛ, XIV-107), **түрк тили**: хэч қайсы түрк тили билә такаллум қыла алмаслар (МЛ, XIV-108), **түркчә тил**: Ва көкәлташны түркчә тил билә дәрләр (МЛ, XIV-115). Келтирилган истилохлар сирасига Абдулғозий “Шажарайи турк” асарида ишлатган **түркий тили** бирикмасини ҳам қўшсақ: Муаррихлар **түркий** ва **фърсий тили** бирлән... йазыб турурлар (ШТ, 1 б) синонимик қатори қуйидагича тус олади:

	түркий
	түркчә
	түркий тили
Туркий (ўзбек) тили	түркийчә тил
	түркчә алфаз
	түрк лафзы
	түрк алфазы
	түркий алфаз
	түрк тили
	түркчә тил

Шу ўринда “туркий тили” маъносини ифодалаш учун ишлатилган юкоридаги терминлар эски туркий тилда умуман ўл табиатига қўра араб, форс тилларидан фаркланувчи туркий тилни англатган бўлса, Навоий ва унинг издошлари асарларида кўпроқ эски ўзбек адабий тилини ифодалаган. Абулғозий **түркий тили**, **түрк тили** терминлари остида жонли сўзлашув тилини назарда тутган на унга омма учун тушунилиши қийин бўлган адабий тил, яъни **чығатай**

тўркийсини зид қўйган: Бир калима чығатий тўркийсинин ил фāрсийдын ва арабийдын қошмайман, равшан болсун тўб (ШТ, 21 б). Маълумки, Алишер Навоий **тўрк тили** ва **чығатий лафзы** термин бирикмаларини «эски ўзбек адабий тили» маъносида қўлланган. Тўркий тили билā қалам сурдум..... чығатай лафзы билā рақим урдум (МЛ, XIV-135).

Замонавий терминология терминлардаги синонимия ҳодисасига салбий жиҳат сифатида ёндашади. Тил шаклланётган, ўз мақомига эга бўлаётган даврда муайян “тушунча” ёки “маъно-мазмунни” ифодалаш бир нечта истилоҳлар ёки уларнинг дублетлари зиммасига юкланган. Бундай ҳодиса нафақат эски ўзбек адабий тили, шунингдек бошқа тиллар, хусусан, рус тили тараққиёти боқичларида ҳам мавжуд эди.¹⁶¹ Муштарк ҳолат “араб тили”, “форс тили” маъносини билдирувчи терминлар ранг-баранглигида ҳам ўз инъикосини топган. Фактик материаллар “араб тили” учун араб тили, арабий тил, арабий, “форс тили” учун фāрсий, сарт тили, фāрсий тил, сарт лафзы, фāрсий алфāз, “ҳинд тили” учун ҳинд, ҳиндий алфāз (МЛ), “мўғул тили” учун моғул тили (ШТ, 21 б) терминлари қўлланишда бўлганлигидан далолат беради. Абулғозий тил терминининг баъзан “тап, сўз” маъносида ҳам ишлатишга эришган: Агар барчаңыз бирикиб, бириңизни пādшāх қылыб аның тилиндин чықмасаңыз хэч ким сындура билмās (ШТ, 53 а).

Ўрганилаётган давр манбаларида “сўз, лексик бирлик” маъносини ифодалашда сўздан ташқари **лафз**: Бу сыпқарай лафзы мазмуныға йэтгандā фāрсий ши’рда нэ илāж қылғайлар (МЛ, XIV, 109) ўзлашмасидан ҳам фойдаланилган. Араб тилига хос ушбу лексема дастлаб “Қисаси Рабғузий” (179 б 3), ундан кейин XIV аср Хоразм обидалари матнида “сўз, ибора” маъносида қўлланган (СУЯ, II, 21). “Муҳокамат ул-луғатайин”да ушбу ўзлашма шунингдек “тил” семасида ҳам бир ўринда ишлатилганлигини кўрамыз: Ва расул (алаҳиссалават вас-салам) ның аҳадиси анжāжы ул лафз билā вāрид болубдур (МЛ, XIV, 106). Навоий баъзан “аффикс, кўшимча” маъносини англатиш учун ҳам **лафз** лексемасига мурожаат этади: ба’зан алфāзның соңғыда «ч, и»ки, -чы(-чи) лафзыдур, ортурурлар йа мансабның йа хунарның йа пишаниң изхāры ўчун (МЛ, XIV-117). Охириги мисолдаги алфāз ўзлашмасининг ҳам “сўз, лексик бирлик”ни англатаётганлиги равшан кўриниб турибди. Абулғозий **лафз** истилоҳини “сўз, лексик бирлик” маъносида сўз лексемаси

¹⁶¹ Қарағ: История лексики русского литературного языка. Конца XVII-начала XIX века. М, Наука, 1981. С 154-157.

маънодоши сифатида ишлатади: Лафз-и адам араб тили турур (ШТ, 4 а). Эски ўзбек тилида

“сўз, жумла, гап” маъноларини ифодалашда эски туркий тил (XIV) даврида ўзлашган калима, каләм ўзлашмаларидан ҳам истифода этилган. Навоий арабча ибарат сўзини ҳам “сўз, ибори” маъносида ишлатганлиги мана бу гапда ўз аксини топган: Ҳар гуруҳ ибараги йанларидин мутағаййир (МЛ, XIV-106).

Арабча луғат истилоҳини биринчи бор илк эски туркий тил обидаси «Қутадғу билиг»да «тил, нутк» маъносида кузатамиз: Бутун Тўркистан элинда Буғрахан тилинча, тўрк луғатынча бу китабтын йахшырак ҳаргиз ким эрса тасниф кылмай турур (ҚБ, ДТС, 334).

“Қисаси Рабғузий”да луғат лексемаси “сўз, лексик бирлик” маъноси касб этган: Ибраҳим ва Абраҳам ва Ибраҳам-бу камур луғатлар дуруст турур (ҚР, 37в 17). Ўзлашманинг мана шу маъноси XVI-XVIII асрларда ҳам фаол бўлган: Арабий ва фарсий ва тўркий луғатларның ма’насыны билмақлик (ШТ, 26). Лексеманинг «сўзлик, луғат» семаси бу даврда ҳали шаклланмаган эди.

Такаллум терминининг “суҳбат” маъносида ишлатилиши “Тулистом бит-туркий”да кўзга ташланади: “Ол такалаумдан сая хушдур сукут” (Г, 46 а 4). Навоий ушбу арабча ўзлашмани, шунингдек лингвистик яъни “мулоқот” маъносида қўллайди: Такаллум чағида киши муҳтаж болур (МЛ, XIV-109). “Сўзловчи, мулоқат эгаси (адреси) семемаси эса мутакаллим лексемаси билан англашилган: ва ул мутакаллим өз тили билә өз расвалығыга өзи икрар кылгандәкур (МЛ, XIV-108).

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида қўлланган ма’на “фикр, маъно, мазмун”, байан “изоҳ, талкин”, мазмун “моҳият, маъно”, мубалаға “бўрттириш”, ада “мазмун, маъно, сема”, ади қыл= “ифодаламоқ, англатмоқ”, сарф “морфология”, фи’л “фعل”, истилаҳ “термин», васл қыл= “орттирмоқ, қўшмоқ”. илҳақ қыл= “қўшмоқ, орттирмоқ”, сифат, далаил “фактик материал, ашённий далил” каби лексемалар кейинги давр лингвистик терминлар тизимининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

XV-XVI аср ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, шеършунослиги Алишер Навоийнинг “Мезонул-авзон”, Бобурнинг “Аруз рисоласи” да

илгари сурилган илмий-назарий таълимот асосида шаклланди, тараккий этди¹⁶².

Аруз илми Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган шеърят назарияси бўлиб, у ҳақда Ибн Ҳожибнинг “Илм ул-аруз”, Воҳид Табризийнинг “Жамъ-и мухтасар”, Шамсуддин ар-Розийнинг “Алшуъжам фи маъойири ашъор ул-ажам”, Хожа Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Мир Шамсуддин Дехлавийнинг “Ҳадойиқ ул-балоға” каби рисолалари яратилган бўлиб, улар араб ва форс-тожик аруз илимга сезиларли улуш қушган¹⁶³. Арузга хос қонун-қоидаларни ўзида мужассам этган “Мезон ул-авзон” ни ёзиш жараёнида Навоий Дарвеш Мансурнинг аруз ҳақидаги рисоласи, Шамс Қайс, Хожа Насируддин Тусий, Абдурахмон Жомий, Ҳалил ибн Аҳмаднинг илмий ғоялари билан танишади. Бобур ҳам ўз навбатида Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари қатори Рашидуддин Ватвот, Насируддин Тусий, Сайфи Бухорий, Шамсуддин ар-Розий кабиларнинг шеърый санъатлар, аруз борасидаги назарияларини диққат билан ўрганади. Ўзбек арузи фани қонун-қоидалари Навоий томонидан асослаб берилди, Бобур бу қонун-қоидаларни янада мукаммаллаштириб, уни араб, фарс-тожик назми назарияси даражасига кўтарди.

Ўзбек арузи фани араб, форс-тожик арузшунослик таъсирида шаклланди, боис унда мавжуд тушунчаларни ифодаловчи терминларнинг аксарияти, шубҳасиз, ўзлашмалардан таркиб топган. Аруз фанига хос терминологик тизимда қўлланган арабча ва форисча-тожикча истилохларнинг миқдоран ўта кўплиги улар ҳақида муфассал тўхталишга имкон бермайди. Шунга қарамай байт, маснавий, қит’а, назм, фард, рубайй, тарих, тажнис, ийҳам, баҳр, вазн, рукн, жузв (сабаб, ватад, фасила), зиҳаф, фуруъи, тактиъ, даира-и мухталифа, даира-и муттафика сингари юзлаб истилохларнинг эски ўзбек адабий тили лексик таркибига кириб келганлигини таъкидлаш керак бўлади.

Ўзбек халқи шеърят назариясига оид арузни қабул қилиш билан бирга уни ўзбек тили қонуниятларига мослаштириш йўлидан борди. Натижада эски ўзбек тили меъёрлари, қонун -қоидаларига мос терминлар яратишга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, Навоий ва

¹⁶² Алишер Навоий Мезонул-авзон. Асарлар ун беш томлик. Ўн тўртинчи том. Т. 1967; Султонов И. “Мезонул-авзон” ҳақида Шу асар. 266-269 бетлар, Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисола-си” асари Тошкент. 1981; Стеблева И. В. Семантика газелей Бабура. М. 1982.

¹⁶³ Акрем Джафар. Особенности азербайджанской поэтической метрики аруза. М. 1960; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисола-си” асари. 4-б.

Бобурнинг юқорида зикр этилган асарларида арабча ва форсча тожикча ўзлашмалари билан ёнма-ён *аруз фани*, *назм авзани*, *аруз қавиди*, *фърсий шиър*, *ҳазаж баҳри*, *матақариб баҳри махражи*, *бурунқи жузв*, *соңғы жузв*, *аввалғы мисра*, *соңғы мисра* каби турфа изофали бирикмалар ва сўз бирикмалари истъеъмолга олиб кирилган. Айни чоғда ҳам Навоий, ҳам Бобур асарида аруз ҳақидаги китобларли келтирилган вазнлардан фаркли ўларок арузга тааллуқли бўлса-да, аруз тўғрисидаги рисолаларда қайд этилмаган, асосан, туркий халқлар ижодида мавжуд вазнлар ва шеърлий шакллар борасида қимматли маълумот берилган. Навоий янги вазн ва шакллардан тўққизтаси ҳақида ўта таъсирли мулоҳаза юритади ҳамда уларнинг қуйидаги терминлар билан ифодаланганлигини зикр этади: **туйуғ**: Ва бу икки байтки тажнис-и тамдур, ҳам тўрк шуарасы хассасыдурки, сартди йокдур ва мўни туйуқ дэрләр(МЛ, XIV-113), **қошук**: Йани қошукдурким арғуштак” усулыда шайидур ва баъзи адвар кутубиди ул усул зикр болубтур (М А, XIV-179) **чәнә**: Йана “чәнә” дўрким, тўрк улусы зуфаф ва қыз кочўрўр тойларыда аны айтурлар (МА, XVI-180), **муҳаббатнама**: Ва йана ҳам тўрк улусыда бир сурудурким аны «Муҳаббатнама» дэрлар (МА, XIV-108), **мустазād**: Ва йана халқ арасыда бир суруд бар экандўрким... аны мустазād дэрләр эрмиш (МА, XIV-180), **арузварий**: Йана Ирак аҳли тарақимасыда сурудэдур шайиъким аны арузварий дэрләр(МА, XIV-181), **тўркий**: Йани сурудэдурким, аны тўркий дэбтўрләр ул дағы рамал-и мусамман-и максур вазнидә вакъъ дур (МА, XIV-181)

Навоий аруз илмига даҳли бўлмаган шеърлий шаклларни тўхталиб, уларни **озмағ** ва **буды-будай** деб номланишини эътироф этади: Чун озанларнинг озмағы ва озбакларнинг буды-будайы хэч вазн билә рост эмәс эрди (МА, XIV-181)

Олим «Мезон ул-авзон»да **чәнә** хусусида фикр юритиб: Ул сурудэдур бағайат муассир ва икки навдур», дейди. Лекин бу икки турнинг номи келтирилмайди. Бобур “Аруз рисоласи”да биринчи турни **тарханий**, иккинчисини эса **олән** терминлари билан юритилишини қайд этади. Ҳам Навоий, ҳам Бобурнинг таъкидича , олән қўшиқ турида ҳар мисра охирида **йар-йар** сўзи келтирилган (МА, XIV- 180, Мухтасар 172)

XVI-XIX асрларда юз берган муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар эски ўзбек адабий тили лексик фонди тизимида маълум янгиликларнинг киришига таъсир қилган бўлса-да, лекин бу даврларга қадар мавжуд сўз бойлигини, табиий, тубдан ўзгартириб юбормади. Зеро, ҳар қандай тилда бўлгани каби ўзбек тилининг ҳам

бир неча асрлар мобайнида шаклланган лексик фонди ўрганилаётган даврда ҳам ўз мавқеини, асосан, сақлаб қолган. Айни чоғда қайд килинган даврда ўзбек тили лексикасида ҳеч қандай ўзгаришлар содир бўлмаган, дейиш мутлақо нотўғри бўлар эди. Лексик фонднинг ҳаётнинг турли қирраларига оид тушунчаларни ифодалаш мақсадида танланган ва қўлланган ҳам асл туркий, ҳам ўзгаришлар ҳисобида кенгайиши бир қатор лексемалар мазмуний гуруҳлари таҳлилида яққол кўзга ташланади. Хусусан, ижтимоий-сиёсий терминлар тизимида **давлат**, **мамлакат**, **ҳукумат**, **диван** “девон, маҳкама”, **диванхана** “девонхона, канцелярия”,

авул, **маҳалла**, **кэнд**, **қасаба**, **қасабача**, **тўман**, **вилаят**, **кўрўнўшхана**, **шиланхана** **ишхана**, **қабулхана** сингари давлат курилиши, **ақсақал** “маслаҳатчи”, **вазир**, **тўра** “бошлик”, **дафтардār** “девонхона кириш-чиқим дафтари учун масъул”, **ҳисабдан** “бош ҳисобчи”, **ҳазиначы** “ҳазиначи”, **инак** “инок”, **аталық** “мураббий”, **табиббашы** “бош табиб (врач)”, **нақиб**, **михтар**, **қазы**, **парваначы**, **маҳрам**, **мираҳур** “отхона бошлиғи”, **наиб** “вакил, ўринбосар”, **элчи**, **пādшāх** “ҳукумдор” каби давлат структурасида хизмат қилувчи шахслар мансаби, лавозимини ифодаловчи истилоҳлар бу даврда ҳам қўлланишда фаол бўлган. Абдулғозийхон «Шажарайи турк»да **инāl** “қирғиз эли ҳукумдори”, **тылмач** “таржимон”га ўхшаш баъзи архаиклашган сўзларни ишлатишда давом этган. **Панжāхбашы** “элликбоши” (ЖВС, 183), **мираҳурбашы** (ЖВС, 184), **бандар** “порт” (ШТ, 85 а), **муҳркан** “муҳрловчи” (ШТ 126 а) каби неологизмлар истъеъмолга кириб келган.

Хоразмда битилган тарихий асарлар матнида ўзга туркий манбаларда қайд этилмаган бир жиҳат, яъни –мыш (ы)//-м/иш (и) аффиксли лексемалардан бир нечтаси мавжуд бўлиб, улар хусусида махсус тўхталишни мақсадга мувофиқ топдик.

Таъкидлаш лозимки, эски ўзбек адабий тилида ҳамда форс-тожик тилида ёзилган тарихий мазмундаги манбаларда асосан феъл гуркумли сўзларга –мыш (ы)//-миш (и) аффиксини қўшишдан ясалган содда ясама лексемалар асосан ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий гушунчаларни ифодалаш билан характерланади. Маълумки, -мыш/ -миш аффикси эски ўзбек тилида сифатдош ясовчи маҳсулдор қўшимча ҳисобланган¹⁶⁴. Мазкур аффиксли айрим сўзлар ўзининг

¹⁶⁴ Қаранг : Абдурахмонов Ғ. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси Тошкент: “Ўқитувчи” 1973. 121-122-бетлар; XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили . Тошкент. “Фан” 1986 130-132-бетлар; Ғ.Абдурахмонов, Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент. “Фан”. 1984. 105-106 –бетлар.

фезллик (сифатдошлик) хусусиятини йўқотиб от категориясига кўчган. Бундай сўзлар эски турки тил манбалардаёқ оз бўлса-да истезмолда бўлган. Жумладан, йэмиш (йэ="емок"+миш) "мева": йэмини пышды" мева(лар) етилди (ДЛТ, III, 19) тоғмыш (тоғ="туғилмок, дунёга келмок"+ мыш) "қариндош" (ДТС, 571) га ўхшаш субстантивлар, озмыш (оз- узмок, ўзиб кетмок+мыш): Озмыш тэгин "742-755 йилларда ҳукумдорлик қилган сўнгги ғарбий турклар ҳокони" (ДТС, 375), Огдўлмиш (огдўл= "мадҳ қилинмок, махталмок"+миш) киби антрапонимлар шулар сирасига киради.

Кутбнинг "Хусрав ва Ширин" достонида-мыш//-миш аффиксли куйидаги еттита отлашган сифатдошлар ишлатилган: олтырмыш "яшаш, ўтириш", бўмиш "ўлим", сўрмиш "қувилиш", катығланмыш "қўполлик, дағаллик", қылмыш "фаолият, хатти-харакат", кўрмиш "тақдир", йэмиш "мева".¹⁶⁵

Умумтуркий -мыш(ы)/-миш(и) кўшимчали лексик бирликлар эски ўзбек тили манбалари ичида дастлаб "Шажарайи турк"да ўзифодасини топган бўлиб, улар чырғамышы// жырғамышы "фаровонлик, тўкин-сочинлик, тўклик" ҳамда суйғурғамышы "суюрғол, тортик, инъом, совга" лекемаларидир:

Оғуз кылды ул тойда чырғамышы,

Бу алты оғулны суйғурғамышы (ШТ, 14 б)

Таҳлил этилаётган аффиксли лексемаларни шунингдек XIX аср ўзбек адабий тилининг йирик намояндаси, атокли шоир, мутаржим ва муаррих Огаҳийнинг "Зубдатут-таворих": Ирдәр йолықа йэттилар ва ул йолның йуқары ва ашакын эҳтийяткн тамәм билә никамиши кылдылар (ЗТ, 191) ва Мирхонднинг XIX асрда туркийга таржима қилинган "Равзатус-сафо" асарида кўриш мумкин: йасамышы "жанговар тартиб, саф", суйурғамышы "инъом, совга". Зикр этилган истилоҳлар никә= "кезмок, таъкиб этмок", йаса= "тартибга солмок", суйурка=/суйурға= "совга қилмок, инъом этмок" фезлларидан ясалган.

Эътироф этиш лозимки, таҳлил этилаётган аффиксли содда ясама лексемалар рун битиклари, эски туркий тил ёдгорликларида умуман кузатилмайди. -мыш (ы)// миш (и) аффикс-морфема иштирокида ясалган содда ясама дериватлар илк бор машхур тарихчи Рашидуддиннинг (1247-1318) "Жомеъут-таворих" (1309-1311)¹⁶⁶,

¹⁶⁵ Наджип Э. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века. На материале «Хосрау и Ширин» Кутба. Кн. 1. М., 1979. С. 107-108.

¹⁶⁶ Рашид-ад-Дин. Сборник летописей. Том. 1. Кн. 2 Перевод с персидского О Смирновой М. Л. 1952.

шундан сўнг Низомуддин Шомий (XIV-XV) ва Шарафуддин Али Яздий (1454 йили вафот этган)нинг “ Зафарнома¹⁶⁷, Улуғбекнинг “Тарихи арбаа улус” (1425 йили ёзиб тугатилган)¹⁶⁸, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарларида истеъмолда бўлганлигини таъкидлаш зарур. Рашидуддин томонидан ишлатилган башламышы 1) “бошқарув, раҳбарлик” (I.C. 100), 2) “олға, юриш” (I. C. 189), йағламышы “ мойлаш, ёғлаш” (I.C.110), қамламышы “афсунлаш, даволаш” (I.C.110), қушламышы “лочин ови” (I. C.112), чырғамышы 1 “тўқлик фаровонлик; эркинлик” (I.C.113) 2) “роҳатланиш, хузур” (I.C.252); чыдамышы “бардош, чидам, тоқат” (I. C.163), тиләмиши “ имлаш, чақириш” (I.C.165), отрамышы “ гулхан ёқиш” (I. C.167), йасамышы 1) “жанговар тартиб, саф” (I.C.168). 2) “интиқом, тартиб” I.C.183) ; олжамышы “тортиқ, совға” (I.C.188) ; суйурғамышы “раҳм, шафқат” (I.C.188), суйурғамышы “инъом, совға” (I.C.117) кэңәмиши “машварат, кенгаш (I.C.252), тарқамышы “тарқаш, тарқаб кетиш” (II. C.379), йалбармышы “ялиниш, ёлвориш” (II.C. 433), тосамышы “қўмондонлик қилиш, бошқарув, саркардалик” (II.C.257), йайламышы “ёз мавсуми жойи, ёйлок”, қышламышы “кишлоқ, қиш мавсуми жойи” каби лексик парадигмалар кейинчалик бир қатор форсийда яратилган тарихий асарларда сайёр лексемалар гарзида қўлланилган. Хусусан, Темурийлар тарихи ёритилган манбаларда шунингдек йасамышы “саф, жаговар тартиб” (Шомий, 69), башламышы “раҳбарлик, қўмондонлик” (Шомий, 123) никәмиши “таъқиб”, олжамышы “таъзим, тортиқ совға”, қабамышы “қамал, муҳосара” каби лексик бирликлар истифода этилган.

Улуғбек Мирзонинг тарихий асарида қорғамышы “чегаралаш, маъмурий бирликларни аниқлаш” (B,22 б), суйурғамышы “сийлаш, совға” (B.40 б), олжамышы 1) “таъзим” (B. 48 б) 2) “тортиқ, инъом” (B.52 а), никәмиши “таъқиб, таъқиб этиш” (B.75 б) сингари содда ясама лексемалар анча фаол қўлланган.

“Фарҳанги забони тожики”да юқорида қайд этилган лексемаларнинг баъзилари, алалхусус, йасамышы (I,417), сийурғамышы (II,252) терминлари туркча-мўғулча ва мўғулча сўзлар сифатида изоҳланган.

¹⁶⁷ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўтирувчи. Ю. Ҳақимов. Т., 1996; Шарафиддин Али Яздий Зафарнома Мовароуннахр воқсалари (1360-1370) Таржимон ОБўриев Т 1994.

¹⁶⁸ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи Форс тилидан Б Аҳмедов, Н.Норкулов ва М Ҳасанийлар гаржимаси. Т., 1994.

Унли фонемалар билан тугаган **башла**= “бошқармоқ, сардорлик килмоқ”, **йағла**= “мойламоқ, ёғламоқ” **камла**= “афсунламоқ, даволамоқ” (кам “шаман, афсунчи, эмчи”); **кушла**= “лочин билан он килмоқ”, **чыда**= “чидамоқ, бардош бермоқ”, **тиля**= “истеъмоқ, чақирмоқ”, **отра**= “ёқмоқ, уртамоқ”, **кэня**= кенгаймоқ, маслаҳатлашмоқ” **тарқак** “тарқамок, пароканда бўлмоқ”, **тоса**= “бошқармоқ”, **йайла**= “ёз мавсумини ўтказмоқ, ёзламоқ”, **кышла**= “киш мавсумини ўтказмоқ, кишламоқ” каби феъллар –мыш (ы)ғ-миш (и) аффиксини қабул қилган. Баъзан ушбу аффикс олжа “ўлжа, ғанимат”, **йалбар**= “ялинмоқ, ёлвормоқ”, **бас**= “таламоқ, босмоқ” каби от ҳамда ундош билан тугаган феъл ўзақларга ҳам кўшилиб янги лексик бирликлар ясаган. Ўрганилаётган лексемалар туркийча матнларда асосан **қыл**=, форсча мантларда эса **кардан, фармудан, кунад** каби ёрдамчи феъллар билан синтагматик муносабатга киришган.

Қайд этиш керакки, аксарият чиғатой адабий тили обидаларида (форсийдан туркийга қилинган таржималар, Абдулғозийхоннинг “Шажарайи турк” ҳамда Огаҳийнинг юкорида номи тилга олинган тарихий асари бундан мустасно) –мыш(ы)ғ-миш(и) аффикс-морфемали лексемаларнинг мавжудлигини исботовчи ашёвий материаллар йўқ.

Текширилаётган аффикс вазифасини эски ўзбек адабий тилида – л (**йасал**

“жанговар тартиб, саф”, **суйурғал** “инъом, тортиқ”, **қабал** “муҳосара, камал”) -ш (**кэняш** “машварат”, **тарқаш** “пароканда бўлиш”, **йалварыш** «ялиниш, ёлвориш»), -к (**йайлак, кышлак**), -м (**чыдам**) аффикслари бажарган.

Хуллас, асосан туркийча, қисман мўғулча феъл-сўзларга кўшилиб от ясовчи -мыш (ы)//-миш (и) аффиксли лексемалар форсийда битилган тарихий обидаларда фаол қўлланиши билан диққатни тортади. Айни чоғда ушбу кўшимчали муайян истилоҳларнинг кам сонли бўлса-да эски ўзбек адабий тилининг XVII-XIX асрларга тааллуқли манбаларида қайд этилишини форсча-тожикча обидалар таъсири билан изоҳлаш ўзини оқлайди.

Туркологияда -мыш// -миш аффиксли ясамалар хусусида баъзи мулоҳазалар билдирилган. Н.Дмитриев бошқирд тили грамматикасига бағишланган асарида -мыш, -меш, -мош,- мёш аффиксли формаларнинг тарихан от туркумига мансублигини, шу ҳолда у Ўрта Осиё ва Волгабўйи тилларида оз сондагина сақланиб қолганлигини қайд этади. Айни чоғда Ғарбий туркий тиллар (озарбайжон, турк) да

ушбу аффиксининг ўтган замон сифатдошини ясовчи формант тарзида фаоллигини эътироф этади ва бошқирд тилида – мыш аффикси билан ясалган ҳамда актив ишлатилувчи яз-мыш “тақдир”, тор-мош “турмуш, ҳаёт”, қырк-мыш “тарошчи”, қор-мош “сўна”, тара-мыш “боғич, пай”, бул-мыш “шуҳрат”, тыу-мыш “туғилиш”, қил-мешек “қелгинди” каби лексемаларни мисол тарзида келтиради. Аёллар исмини англлатувчи Гўлемеш антропонимини ҳам шу аффикс асосида юзага келганини фараз қилади¹⁶⁹.

Н.Гаджиева Ўрта Осиё ва Волгабўйи туркий тилларида –мыш аффиксли архаик лексемаларнинг ҳамон ишлатилишини ҳисобга олиб, қўшимчанинг “бобо тил”да мавжуд бўлганлигини, сўз ясовчи аффикс сифатида феълдан от туркумли лексемалар ясаганини таъкидлайди.

XVI-XIX эски ўзбек адабий тили манбаларида истъмолда бўлган лексик бойлик таркибида ҳарбий иш ва ҳарбий санъат билан боғлиқ маъно ва тушунчаларни ифодаловчи терминлар фаоллиги билан характерланади. Ушбу терминологик тизимнинг турфа бирликлари, айниқса, тарихий-бадий жанрдаги манбаларда кўпсонлиги ва актив ишлатилганлиги билан ажралиб туради. Эътироф этиш жоизки, ўзбек тили ҳарбий терминологияси узок шаклланиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтган бўлиб, ўзининг чўққисига Амир Темур ва Темурийлар даврида эришди десак муболаға бўлмайди. Эски ўзбек тили ҳарбий терминологияси функционал-семантик, тарихий-этимологик ва структур-грамматик нуқтаи назардан махус ўрганилганлиги боис¹⁷⁰, мазкур тадқиқотда унга такроран алоҳида тўхталмасликка қарор қилинди. Лекин давр манбалари тили учунгина хос бўлган бир қатор ҳарбий терминлар учрайдики, улар тўғрисида оз бўлса-да маълумотга эга бўлиш мақсадга моликдир.

Маълумки, Амир Темур, Темурийлар, Бобур, Шайбонийхон қўшини тузилиши, тактик амалиётлар, бошқарув аппарати, қуроляроғ, аслаҳа, техника ва ҳ.к.ларни англлатувчи терминлар тизими асл туркийча, арабча, форсча-тожикча ҳамда мўғулча қатлам ҳисобига таркиб топган ва ривожланган. XIV-XV асрлар эски ўзбек адабий тилида мавжуд ҳарбий терминларнинг аксарияти XVI-XIX эски ўзбек

¹⁶⁹ Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. – М., 1962. С. 181-186.

¹⁷⁰ Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс. канд. филол. наук Ташкент 1981.; Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент. “Фан”. 1990. С. 3-83; Дадабаев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент. “Ўзбекистон”. Тошкент. 1996 ва ҳ.к.

тили Ёдгорликларида қўлланишда давом этган. Шу билан бирга XVI-XIX аср эски ўзбек тилида олдинги давр эски ўзбек тили обидаларида қайд этилмаган бир катор терминлар истеъмолда бўлганлиги билан характерланади. Бундай истилоҳлар ҳарбий терминологиянинг турли мавзуй гуруҳлари таркибида учрайди. Хусусан, ҳарбий унвон, лавозим ва мансаб номларини англатувчи **тўман ақаси** “дивизия қўмондони” (ШТ, 76 б), **умарá-и тўман** “туманбеги”, **умарá-и ҳазарá** “минг кишилиқ қисм саркардаси”, **умарá-и сад** “юзлик қўмондони, юзбеги”, **умарá-и даҳ** “ўнлик сардори, ўнбеги” (ШТ, 76 б) каби изофалар, **йасавулбашы** “йасавуллар сардори” (РД, 21) **көшбэги** “қисм бошлиғи” (РД, 48), **тоқсаба** “полк қўмондони, полковник” (РД, 84), **сараскар** “саркарда, лашкарбоши” (ЖВС, 10) сингари ясамалар, ҳарбий қисм, бўлинма номларини билдирувчи **ҳазáра** “минглик”, **сад** “юзлик”, **даҳ, даҳча** “ўнлик” (ШТ, 76 б), **сақа** “арьергард, орт қисм” (РД, 89) сингари ўзлашмалар, ҳарбий қисм турларини ифодаловчи, **шамхálчы** “милтиқчи”, **жазáирчы** “замбаракчи, тўпчи” (РД, 29) **топчы** “тўпчи, артиллериячи” (РД, 120), **мылтықчы** “ўқчи, милтиқчи”, **он бөйрэгчи** “ўнг қанот”, **сол бөйрэгчи** “сўл қанот муҳофазаси” (ШТ, 185 а), **ҳашарий** “хужум пайтида тирик қалқон тарзида сафнинг олдида турувчи одамлар” (РД, 153), **чапавулчы** “ғорат, талон-тарож қилувчи гуруҳ” (ЗТ, 181), **аламан** “номунтазам лашкар” (ЗТ, 183), **сурдавул** “тартиб, интизом сақловчи бўлинма” (ЖВС, 24), ҳарбий ва тактик амалиётларни билдирувчи **чапавул** “хужум, ғорат” (РД, 51), **татавул** “босқин, талон-тарож” (ЖВС, 13), **чапавуллак** “ғорат қилмоқ”, курул-яроғ аслаҳа номини ифодаловчи **тобғ топ** “замбарак, тўп” (РД, 30), **мылтық** “милтиқ” (РД, 49), **замбурак** “тўп” (РД, 56), **шамхál** “милтиқ тури” (РД, 107), **киштий** “қайиқ” (ШТ, 85 а), **учан** “рус ҳарбий кемаси” (РД, 150), **қурхана** “аслаҳахона” (ЗТ, 180), **жазáир** “енгил тўп” сингари терминлар эски ўзбек тили ҳарбий терминологиясини янада турфалаштирган, бойитган. Кузатилётган даврда форс-тожик тилидаги тарихий манбаларда кенг қўлланган **оғрук** “лашкар ортидан борувчи қисм” (обоз) (РД, 33), **қурáн** “гирди-атрофи ихота қилинган манзил, лагерь” (ШТ, 336), **бунаҳ** “қўшиннинг кўч-қўлани ортилган обоз” (РД, 129) каби терминлар туркийча манбалар тилида ҳам кузатилади ва фаоллашади.

Хонликларда ҳукм сурган иктисодий сиёсатни муайян даражада англаб етишда эски ўзбек тилида битилган тарихий-бадий асарларнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги сир эмас. Зеро уларда халқ хўжалиги, молия, солиқ тизими, тижорат билан боғлиқ тушунчаларни

акс этирувчи истилоҳлар анчагина топилади. Бу терминлар таркибидаги бирликларнинг катта қисми олдинги давр эски ўзбек тили лексик бойлигида ҳам фаол бўлган эди. Булар жумласига **таңа** (ШТ, 92 а) **сикка қактур**=, “пул зарб қилдирмоқ” (ШТ,91 а), **мал** “солиқ, бож” (ШТ, 24 б), **баратдар** “солиқчи, солиқ йиғувчи” (ШТ, 120 а), **дах йак** “ўндан бир (солиқ тури)” (ШТ, 122 а) (солиқнинг мазкур тури жонворлар ва экин майдонларидан олинадиган ҳосилга солинган), **базирган** “тожир”, (ШТ,54 б), **базар** “бозор” (ШТ,126 а), **савдагар** “тижоратчи” (ШТ,54 а) ва бошқа истилоҳларни киритиш мумкин. Айни пайтда **ашрафий** “пул бирлиги номи” (ШТ, 80 а), **дастмайа** “маблағ, пул” (ШТ, 80 а), **савдагарчилик** (ШТ, 80 а), **йузум бағи** “токзор, узумзор”(ШТ, 120 б), **чықыр** “сув чиқарувчи мослама”: баланд йэрларга чықыр қуар эрди (ШТ, 120 б), **тоған** “тўғон” (ШТ, 24 а). **дарахтистан** “дарахтзор” (ШТ,120 б), **йарым мисқал** (ШТ, 162 б), **бир мисқал** (ШТ,162 б), **дафтардарлық** “иш юритиш” (ШТ, 24 б) га ўхшаш лексемалар давр ўзбек тили лексик фондидан ўрин олади. Касб-хунарга оид лексик бирликлар сафига **анбур** “омбир”, **сандан** “сандон”, **чакўч** “болға” (ШТ, 20 а), **кўмўрчи** “кўмирчи, кўмир қазувчи”, **отунчы** “ўтинчи, ўтин йиғувчи” (3Т, 199) сўзлари кириб келади.

Тадқиқотнинг олдинги бобларидан бирида эски ўзбек адабий тили манбаларида қўлланган астрапонимлар хусусида муайян маълумот берилган эди. Шу сабабли сайёралар, буржлар, юлдузлар ва улар билан боғлиқ илми нужумга доир лексемаларни қайта таҳлилга тортишнинг имкони йўқлигини ҳисобга олиб, биз ушбу бобда фақат ўн икки циклли йиллар номини ифодаловчи истилоҳлар ҳақида мулоҳаза юритишни мақсад қилиб қўйдик. Маълумки, йилларнинг туркийча номлари ҳақида дастлабки тўлиқ маълумот Маҳмуд Кошғарийнинг девонида келтирилган бўлиб, улар қуйидаги тартибда аталган **-сычған йылы** “сичқон йили”, **уд йылы** “сигир йили”, **барс йылы** “(йўл)барс йили”, **тавышған йылы** “қуён йили”, **нэк йылы** “тимсоҳ йили”, **йылан йылы** “илон йили”, **йунд йылы** “от йили”, **қой йылы** “қой йили”, **бизин йылы** “маймун йили”, **тақағу йылы** “товуқ йили”, **ит йылы** “ит йили”, **тоңуз йылы** “тўнғиз йили” (ДЛТ,1,331). Кузатилётган давр эски ўзбек адабий тилига доир обидаларнинг муайян қисмдагина қайд этилган йилларнинг номланиши ўз аксини топган. Хусусан, “Шажарайи турк” матнида Маҳмуд Кошғарий томонидан келтирилган туркий йил номлари деярли айнан сақланган. Фақат баъзи йил номлари терминларида муайян фонетик ўзгаришлар содир бўлганлиги кузатилади.

Қиёслаймиз: **сычқан йылы** (158 а), **барс йылы** (158 б), **тавушқан йылы** (169 а), **йылан йылы**, **қой йылы** (155 б), **бизин йылы** (191 а), **тақуқ йылы** (157 а), **ит йылы** (187 а), **тонқуз йылы** “тўнғиз йили” (168 б). **Уд йили** ўрнида **сигир йылы** (187 а), **нэк йылы** ўрнида **лў йылы** (189а), **йунд йылы** ўрнида **йылқы йылы** (168 б) ишлатилган. Абургозий яшаган вақтга келиб соф туркийча уд “сигир”, йунд “от” лексемалари архаиклашган ва улар ўз ўрнини **йылқы**, **сигир** лексемаларига бўшатиб берган. Форсча-тожикча нэк “тимсоҳ” ўзлашмаси ўрнида хитойча лў зоонимининг қўлланишини тарихчи-хон ижодига Рашидуддин қаламига мансуб “Жомеъ ут-таворих” асарининг таъсири билан изоҳлаш мумкин.

Ўрта Осиёнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан босиб олинishi туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида иктисодий, ижтимоий, сиёсий ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Русийзабон аҳоли билан бевосита алоқалар, ишлаб чиқаришда юз берган ўзгаришлар, енгил саноат, алоқа, почта, телеграф, матбуотнинг шаклланиши ва ҳ.к. экстралингвистик омиллар ўзбек тили лексикасига рус тили орқали Ғарбий Европа тилларидан кўпгина сўзларнинг кириб келишини таъминлади.

Бир неча асрлар мобайнида ўзбек тили лексикаси асосан умумтуркий ва ўз ҳамда араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган қатламлар ҳисобига бойиб борган бўлса, XIX асрнинг 70-йилларидан рус тили лексикаси ўзбек тили сўз хазинасини тўлдиришда муҳим ролга эга бўлди.

Маълумки, “рус тилининг ўзбек тили таракқиётига таъсири ундан фақат сўзлар олишдангина иборат бўлмасдан, балки ўзбек тилининг кенг микёсда бойишига, сўз яшаш ва семантик системасининг кенгайишига ҳам кучли таъсир кўрсатди”¹⁷¹. Оқибатда рус тили ўзбек тили лексикасининг бойишида асосий манбалардан бирига айланди. Юқорида кайд этилган даврда яратилган обидалар, нашр қилинган газета ва журналлар тилида қўлланган лексика таркибида русча-байналмилал қатламга оид сўз ва терминлар турли мавзуй гуруҳларга мансублиги билан характерланади. Ушбу қатлам халқ ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб ола бошлаган эди. Масалан, аристан “махбус”, афисар // афитсар “офицер, зобит”, байарин “бой”, бойқут “бойкот”, болшивик “большевик”, баришни “ойимқиз”, болус “булис, мингбоши”, буржуазийа “буржуазия”, манарх “монорх”, манифест “тантанали мурожаатнома”, сенат “сенат”

¹⁷¹ Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент. “Фан”. 1981. 3-бет.

каби ижтимоий-сиёсий, банка “банк”, Банкир “Банкир”, Банкир “Банкир”, банкрут “банкрот, синиш”, фирма “фирма”, биржа “биржа”, шайх “бай пули”, зайум “заём”, залок // залот “гарон”, истидрарнаш “суғурта”, каммирсант “савдогар, тожир”, каммирсант Банки “тижорат банки” каби иқтисодий, лагир “лагерь”, майур “майор”, маршал “маршал”, матрос “денгизчи”, вайснот “ҳарбий суд”, бомба “бомба”, артилерийа “артиллерия”, гинирал “генерал” сингари ҳарбий, гимназия “гимназия”, гимназист “гимназиячи”, интернат “интернат”, институт, инспектур “инспектор, тафтишчи” университет “университет” каби маориф, таълим, фабрика, завут “корхона, завод”, инжинир “инженер” сингари саноат, академия “академия”, архитектура “меъморчилик”, барометир “барометр”, вадарод “водород”, кислород “кислород”, лексийа “маъруза” каби илм-фан, машина, машинист, вагон, вагонетка, трамвай, винтилатур “винтилятор” га ўхшаш техника, адвакат “адвокат”, сод//суд “суд”, судебний приступ “суд ижрочиси”, судья “судья” сингари ҳуқуқ, тилиграф “телеграф”, тилифон // тилифун “телефон” каби алоқа ва ҳ.к. оид ўзлашмалар шиддат билан ўзбек тили лексикаси таркибидан ўрин ола бошлаган. Ушбу жараён XX асрнинг 20-йилларидан кейин янада фаоллашди.

Таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 20-йилларигача бўлган вақт мобайнида рус тили орқали “ўзбек тилига ўзлаштирилган ва эндигина ўзбек тилига кириб ўзлашиб бораётган сўзларнинг имлосида барқарорлик бўлмаганлигидан бундай сўзлар турлича, ҳатто бир хиллалари 7-8 хил ёзилиб¹⁷² келган. Масалан, телеграмма ўзлашмаси тилиграм, тилграм, тилиграмнама шаклларида ёзилган (албатта, араб алифбосида), талаффуз этилган. Бу ҳолатга кейинги ўн йилларда барҳам берилган, сўзларни бир хиллаштириш кун тартибидан ўрин олган. Русча ўзлашмалар ҳақида сўз кетганда шунингдек қуйидаги лингвистик жиҳатларга диққат қаратиш ўзини оқлайди. Чунончи,

а) рус тилидан кирган лексик бирликнинг ўзбек тилида муқобили йўқлиги боис у янги маъно англатувчи денотат сифатида луғат таркибидан ўрин олган. Апера “опера”, артист “артист”, автамабил “автомобиль”, дума “дума”, иликтир “электр”, касса “касса”, натарийус “нотариус” сингари кўпдан-кўп ўзлашмалар шулар жумласидан ҳисобланади;

¹⁷² Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент: “Фан”. 1981. 7-бет. Яна қараг: Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики). Известия. АН УзССР. №.7. 1940.

б) рус тилидан ўзлашган муайян лексик бирлик ўзбек тилида мавжуд маънодоши билан параллел қўлланишда бўлган. Масалан, торт - ҳалвайтар, кирасин - йэр йағы, крипост - ҳисар, маклер - даллад, дивизийа - жайш, правакатур - игвагар каби синонимик қаторлар микдоран кўплиги билан характерланган;

в) баъзи рус тилидан ўзлашган сўз икки ва ундан ортиқ сўзлар билан ифодаланган. Жумладан, программа ўзлашмаси масала, танзимат, тартибнама сўзлари ифодалайдиган маънони очишга йўналтирилган, улар билан синонимик қаторни юзага келтирган. Рус тилидан ўзбек тилига кириб келаётган тушунча (сигнификат) аксарият ўзбек тили лексик хазинасида мавжуд бирлик ёрдамида аталган. Масалан, следствие - тэргав, следователь - тэргавчи, артиллерия - топхона, трагувар - йолка, труба - қувур, револьвер - тўфанча, университет - мадраса каби дублет қаторларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда поезд - аташ араба, вагзал - аташ араба манзили, матрос - параход салдатлари, нефт - йэр майи, карташка - йэр алмаси каби бевосита ўзлашма семаси асосида яратилган эквиволентларни кузатамиз. Давр лексикасида йэр олчагўчи < землемер, йэтимхана < детский приют, интернат, қанун илми < правоведение, кизил крист < красный крест, қишли қаср < зимний дворец, пива фурушлик докани < пивная, пивная будка каби айнан таржима (калька)лар исталганча топилади. Кейинги ўн йилликларда ўзбек тили лексикаси имло қоидаларига бўйсундирилди, ёзувдаги турфаликка барҳам берилди, терминларни унификация қилиш йўлидан борилди. Масалан, сайлав йурты, сайлов йэри, сайлав участкаси изофали бирикмалардан фақат охириси адабий тилда меъёр сифатида фаолият кўрсатди. Ёки русча сберегательная книжка бирикмасининг ярим калькаси сбиргательнай дафтерча кейинчалик омонат (касса) дафтарчаси тарзида меъёрлаштирилди ва ҳ.к.

Кузатилаётган давр ўзбек тили лексикасида қисқа муддат давомида озор ва турк тиллари сўз бойлигига оид элементларнинг ҳам қўлланишга (асосан матбуот тилида) кирганлиги намоён бўлади. Бу ходисага 1905 - 1917 йилларда “умумтуркий тил” ни яратиш ни пуристик ҳаракатлар натижаси деб қараш лозим бўлади. “Хуррият”, “Ойна”, “Турон” каби газета ва журналлар тилида юқорида қайл этилган ўғуз гуруҳига кирувчи тилларга хос алай “полк”, алмиш “немис”, адами марказийат “федерация”, амалла “ишчи меҳнатқаш”, Балқан “Балқон”, Балчыка “Белгия”, боғаз “бўғаз”, вапур “пароход”, дарилмуаллимун “муаллимлар институти”, дамвқраси “демократия”, қарол “қирол”, командан “қўмондон”, санжақ “уезд, вилоят” каби

лексемалар анча фаол ишлатилган. Бундай лексик элементларнинг маълум қисми кейинчалик ўзбек тили луғат таркибидан мустақкам ўрин эгаллаган бўлса, бошқалари қўлланишдан қолди.

Ўзбек тили лексикасида илгаридан мавжуд бўлган сўз ва истилоҳлар пайдо бўлган янги тушунчаларни ифодалашда маълум даражада иштирок этди. Масалан, “вакил, аъзо” каби маъноларда қўлланиб келган вакил лексемаси “депутат; делегат” маъноларини ҳам англатишга хизмат қилган. “Бир тутам, бир тўп, бир даста (гул ҳақида)” маъноси билан Навоий давридан истеъмолда бўлган даста сўзи ўрганилаётган давр манбаларида “група, гуруҳ, тўда, отряд” семаларини ҳам ифодалаган. “Доира, айлана, давра” маъноси билан эски ўзбек тилида қўлланишда бўлган идара лексемаси семантикасида жиддий силжиш содир бўлган ва у “бошқарма, муассаса, контора” ҳамда “редакция, таҳририят” маъноларини англашишга йўналтирилган ва ҳ.к.

Эътироф этиш зарурки, ўзбек тили лексикаси (терминологияси ҳам) сермахсул аффикслар иштирокида ясалган лексик бирликлар (дериватлар) ҳисобига янада бойиди.

Кўҳна аффикслардан бўлмиш -чы/-чи, -лык/-лик // -лыг/-лиг, -ли, -ма/-ма билан нафақат асл туркийча, арабча, форсча, шунингдек русча-байналмилал ўзлашмалардан ҳам янги ясамалар ҳосил қилинган. Масалан, балчықалық “бельгиялик”, болма “купе”, вагончы “йирик савдогар”, газитчи “газета ходими, муҳбир; журналист”, гимнастикачы “гимнастикачи”, испиртлик ичкўликлар “спиртли ичимликлар”, йаврупали “европалик”, машиначы “техник”, наборчы “ҳарф терувчи”, номирлик “рақамли” сингари дериватив лексемалар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида қайтлаш зарурки, бир қатор русча лексемалар ёки сўз бирикмалари ўзбек тилига форсий изофат ёрдамида ўгирилган. Масалан, штраф - жазá=йи нақдий “жарима”, народная (демократическая республика) -жумхурийат=и авám “халқ демократик республикаси”, учредительное собрание мажлис=и муассисан “таъсис мажлиси”, мировая война - муҳариба=и умумий “жаҳон уруши”, педагогика - усул=и таълим “педагогика” ва ҳ.к.

ХУЛОСА

Генеологик жиҳатдан асосан умумтуркий, асл ўзбекча ҳамда сўғд, хитой, араб, форс-тожик, мўғул, рус тилларига оид ўзлашмалардан таркиб топган ўзбек адабий тили лексикаси бир неча асрлик шаклланиш ва тараққиёт даврини бошидан кечирган.

Алишер Навоий ижодигача бўлган давр ўзбек тили сўз бойлиги қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол истеъмолда бўлган сўз ясовчи аффикслар иштирокида ҳосил қилинган янги лексик бирликлар билан бойитилди. Айни чоғда рун битиглари ҳамда Қорахонийлар даври обидаларида фаол ҳисобланган баъзи қўшимчалар билан нисбатан оз лексемалар ясалган.

Бу даврда —чы/-чи, —лық/-лик, —лығ/-лиғ каби аффиксларнинг нафақат туркий сўзлардан, балки ўзлашмалардан ҳам янги лексемалар ҳосил қилиши, уларнинг сўз яшаш қобилятини сақлаб қолганлигини билдиради.

Мазкур давр икки отнинг аниқловчилик муносабатига киришуви натижасида юзага чиққан туркий изофаларнинг миқдоран кўпайганлиги билан характерланади.

Эски ўзбек адабий тилида қадимги туркий лексика фаол қўлланган. Шу билан бир қаторда эски ўзбек адабий тили ички имкониятлари заминида шаклланган сўзлар эски ўзбек адабий тили луғат бойлигининг асосини ташкил қилган.

Эски ўзбек адабий тилида қарлук, қипчоқ, ўғуз диалектларига хос жиҳатлар акс этган. Хусусан, давр лексикасида қадимги туркий тилда фаол қўлланган, бироқ эски ўзбек адабий тили даврига келиб диалекталлашган сўзлар ишлатилган.

Туркий сўзларнинг маълум қисми қадимги туркий тилга хос маъноларда ишлатилган. Эски ўзбек тилида қўлланишда давом этган айрим туркий сўзларнинг семантик структурасида ўзгариш юзага келган. Баъзи лексемаларнинг семалар доираси торайган. Айрим лексемалар янгича маъно касб этган. Туркий лексемаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатини ёритиш жараёнида кўпгина сўзларнинг семантик мундарижасида маъно торайиши, яъни маълум семаларнинг истеъмождан чиққанлиги кузатилди.

Эски ўзбек тили даврида яратилган манбалар таҳлили кейинги даврларда шаклланган лексемаларнинг архитипларини аниқлашда ёрдам беради: масалан, уйқула->уйқла->ухла-; уҳда қил->удда қил- >уддала-; фуржа> бафуржа.

Давр лексикасидаги айрим туркий ва ўзлашган сўзлар анахроник маъноларда қўлланган.

Эски ўзбек адабий тили даврига хос янги лексемалар луғат таркибидан ўрин олган. Бундай сўзлар аффиксация ва композиция усуллари асосида шаклланган.

Алишер Навоий, Захируддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғозий, Огаҳий асарлари эски ўзбек тили имкониятлари кенг қўламда акс этганлиги билан характерлидир. Коннотациядан моҳирлик билан фойдаланиш ва бу ҳодисани таъсирчанликни оширишга хизмат қилдириш таҳлил этилган асарлар лексикасининг асосий услубий хусусияти ҳисобланади. Бу асарларда синонимик парадигмалардан фикрни теран ифодалашда, мазмунни бутун моҳияти билан акс эттиришда, таъсирчанликни оширишда фойдаланилган.

Лексемалар тузилишига кўра содда, қўшма, жуфт ва такрор шаклларда ишлатилган.

Туб лексемалар шу даврда фаол қўлланган нарса-буюм отлари, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат билдирувчи сўзлардан иборат.

Содда ясама сўзлар -лығ /-лиг // -лык/ - лик, -луғ/-лүг// -лук/-лүк, -дар, -ғу/-ғү// -қу/-қү каби аффикслар ёрдамида ҳосил қилинган.

XIV аср иккинчи ярми-XX аср боши ёзма манбалар таҳлили лексема семантикасидаги иррадиация, метасемия, десемантизация ҳодисаларини изоҳлашда, лексемаларнинг архетипларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, эришилган натижалар глоттохронология, семасиологияга доир тадқиқотлар учун маълумот сифатида муайян қийматга эгадир.

Фан ва дин тили сифатида араб тили ўзбек тили лексикасининг тараққий этишига жуда кучли таъсир ўтказди. Айни чоғда араб тили таъсирида қолган форс-тожик тили ҳам давр ўзбек тили лексикаси ривожига салмоқли улуш қўшди.

Арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг давр ўзбек тили луғат таркибада миқдоран кўпли ва ранг-барангли уларнинг ўзбек тилида мустақкам ўринга эга бўлганлигини кўрсатади. Ўзлашмалар асосида коришиқ лексик бирликларнинг вужудга чиқиши чет сўзларнинг ўзлаштирувчи тилдаги мавқеи даражасини кўрсатади.

Ҳеч иккиланмасдан таъкидлаш жоизки, ўзлашмаларнинг сонидан катъий назар ўзбек тили ўз табиатини сақлаб қолди. Бу ҳолат нафақат унинг фонетикаси, молфологиси, гап қурилиши, шунингдек луғат бойлигида ҳам ифодасини топди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1945.
2. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. 1977.
3. Абдуллаев Ф.А. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари ҳақида// Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент. 1968.
4. Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳраин. Ташкент, 1969.
5. Абдурахмонов Г., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг лугат составида гожиқча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Т. 1968.
6. Акрем Джафар. Особенности азербайджанской поэтической метрики аруза. М. 1960.
7. Алишер Навоий. Сирожу-л-муслимин. Тошкент. Мерос. 1993.
8. Алишер Назойи Садди Искандарий. Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1978.
9. Алишер Навоий. Мезонул-авзон. Асарлар ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. Т. 1967.
10. Алишер Навоий. Мезонул-авзон. Ўн тўртинчи том. Тошкент. 1967.
11. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Нарсо Шамсиев. Тошкент. 1970.
12. Артамошина В. Условия формирования и некоторые особенности языка среднеазиатских народов-предшественников А.Навои // Тюркско-монгольское языкознание и фольклористика. М. 1960.
13. Асилова Н. О лексике и лексикографических принципах «Китоб ал-һдрак ли -лисан ал-атрак» // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Ташкент. Фан. 1994.
14. Ашнин Д.Ф. Принципы дифференциации туркменских указательных местоимении. Труды Института языка и литературы. Вып. II. 1957.
15. Бартольд В.В. Двенадцать лекции по истории турецких народов Средней Азии // Сочинения. Т. 5. М. 1968.
16. Бартольд В.В. Сочинения. Т. II Ч. I М. 1963.
17. Баскаков Н.А. Алтайский язык. М. 1958.
18. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М. 1969.
19. Баскаков Н.А. К проблеме китайских заимствований в тюркских языках// Советская тюркология. 1987.
20. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкен. 1983.
21. Бафоев Б. “Хамса” лексикаси бўйича кузатишлар// Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. 1985.
22. Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. Тошкент. Фан. 1991.

23. Бафоев Б. Навоий назаридаги юзта фсъл ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 1990.
24. Березин И.И. Ханские ярлыки. II. Тарханные ярлыки Тохтамышша, Тимур-Кутлука и Саадет-Гирея. Казань, 1851.
25. Благова Г.Ф. Анжижанский говор по материалам «Бабурнаме» (рубеж XV-XVI веков) и современным диалектным описаниям // Советская тюркология. 1977.
26. Благова Г.Ф. Распирение функции антропонимов монгольского чигатай и арабского Osman в тюркских языках. Антропонимика. М. 1970.
27. Благова Г.Ф. Смена диалектной ориентации среднеазиатского-тюркского литературно-письменного языка XV-начала XVI в. // Советская тюркология. Ташкент. 1975.
28. Благова Г.Ф. Тюркский чигатай, русский чагатай (джагатай)// Тюркологический сборник. М. 1971.
29. Благова Г.Ф. Тюркское склонение в арсально - историческом освещении. М. 1982.
30. Боровков А.К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка // Алишер Навои М.-Л. 1946.
31. Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики). Известия АН Узбекистан. 1940.
32. Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тefsира XII-XIII вв. Москва. 1963.
33. Брагина А.А. Функции синонимов в русском языке. Автореф. доктр.дисс. М. 1979.
34. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. 1-2. СПб., 1869-1871.
35. Владимирцов Б.Я. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм. Л., 1934.
36. Гаджиева Н.З., Исаков Ф.Г. и др. Вопросы исторического развития лексики тюркских языков // Доклады. М. 1960.
37. Гиясалдин Али. Дневник походи Тимура в Индию. М. 1958.
38. Голстунский К.Ф. Монгольско-русский словарь. I.I. СПб. 1893.
39. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв. Л. 1980.
40. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падения. М.,-Л. 1950.
41. Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке // Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент. Фан. 1990.
42. Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс. канд.филол.наук. Т. 1981.

43. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент. 1991.
44. Дадабаев Х.А. Сословная терминология в старотюркских письменных памятниках XIV-XV вв. //Адабий мерос. 1989. № 2 (48).
45. Дадабаев Х. А. «Бобурномадаги баъзи бир терминларга доир //Адабий мерос.1988.
46. Дадабаев Х. А. Ҳировул, шиговул нима, чоповулчи? // Ёш куч. 1988.
47. Дадабаев Х. Амир Темурнинг харбий махорати. Тошкент. Ёзувчи, 1996.
48. Дадабаев Х. Эски ўзбек тилида қайд этилган мўғулча ўзлашмалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 6.
49. Дадабаев Х. Эски ўзбек тилида харбий терминларнинг қўлланилиши (VII-XIII) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 6.
50. Дадабаев Х.А. Эски ўзбек тилида мудофаа қуроллари номларини англатувчи терминлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. № 6.
51. Дмитриев И.К. Арабские элементы в башкирском языке // Строй тюркских языков. М. 1977.
52. Доза А. История французского языка. М. 1956.
53. Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. Тошкент .Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972.
54. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Тошкент. Фан. 1979.
55. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент. Фан. 1968.
56. Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент. 1976.
57. Древнетюркский словарь. Л. Наука. 1969.
58. Егоров В.Г. Этимологический словарь чувашской языка. Чебоксары. 1964.
59. Ефимов А.И.Стилистика художественной речи. М. 1961.
60. Жуманиёзова Р. Синонимлар таърифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970.
61. Зияева М.Г.Исследование языка памятника XIУ в. «Китаб ат – тухфат уз-закийя фил-луғат-ит-туркийя» (лексика, морфология, словообразование). Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1972.
62. Зоҳидов Р. “Сабот ул -ожизин”да “ёлин” ва “қалин” сўзларининг маъно хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. –№3.
63. Иванов С.Н. Арабизмы в турецком языке. Л. 1973.
64. Исамухамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке. Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1963.
65. Исмагуллаев Х. “Муҳокамагул-луғатайн”нинг чет элларда

- ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. № 2. 1988.
66. История лексики русского литературного языка. Конца XVII - начала XIX века. М. Наука. 1981.
 67. Исхоқов Ф. Бобур ва Бобур адабий мероси тилининг Андижон шева­сига муносабати (масаланинг қўйилишига доир) // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Андижон, 1993.
 68. Қазргі казак тілі (лексика, фонетика, грамматика). Алматы, 1964.
 69. Кайдаров А. Развитие уйгурского литературного языка. Алма-Ата. 1969.
 70. Каримов А. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достони тилининг лексик-сма­ртик ва стилистик хусусиятлари. Номзодлик дисс. автореферати. Тошкент. 1974.
 71. Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1973.
 72. Каримов А. Навоий лексикасининг бир қатлами // Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. 1984.
 73. Каримов А. Фарход ва Ширин достонида кўчма маъноли сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. 1981.
 74. Каганов Н.Ф. Опыт исследования урянхайского языка с указанием главных родственных отношений его к другим языкам тюркского корня. Казань. 1903.
 75. Кляшторный С.Г. Эпоха Махмуда Кашгарского // Советская тюркология. 1970. № 1. С.18-23.
 76. Қодиров М. Навоийнинг тилшуносликдаги махорати// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Тошкент. 2002.
 77. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М., -Л. 1960.
 78. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв. Л. 1980.
 79. Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-гази хана Хивинского. М., -Л. 1956.
 80. Қудратов Т. Бобур асарлари тилининг Қашқадарё ўзбек шеваларига муносабати // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Республика илмий анжумани материаллари. — Андижон. 1993.
 81. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг бадий – эстетик олами. Тошкент. 1991.
 82. Мавлонова Ҳ. Синонимлар классификациясига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968.
 83. Майзел С. Арабские и персидские элементы в турецком языке. М. 1945.

84. Майтинская К.Е. Местоимения в языках разных систем. М. 1969.
85. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.,-Л. 1951.
86. Маматов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1969.
87. Маматов Х. "Махбубул -қулуб"нинг тили хақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. 1987.
88. Маматов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишер Навои. АКД. Ташкент. 1960.
89. Матёкубов О. Навоий наволарин излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991.
90. Маҳмуд Кошгарий. Девону луготит турк. Т. I. Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С.Муталлибов. Тошкент. 1960.
91. Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул - ҳақойиқ" асари хақида. Тошкент. Фан. 1972.
92. Мелиоранский П.М. Араб филолог о турецком языке. СПб, 1900.
93. Меметов А. Арабские заимствования в современном крымско-татарском языке // Советская тюркология. 1985.
94. Менгес К. Восточные элементы в «Слове о полку Игореве». Л. 1979.
95. Мирзо Улугбек . Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б.Аҳмедов. Н.Норкулов ва М.Ҳасанийлар таржимаси. Т. 1994.
96. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент. Фан. 1975.
97. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. Тошкент. 1959.
98. Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент. 1995.
99. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент. 1979.
100. Наджип Э. Тюркязычный памятник XIV века «Гулистан» Сейфа Сарая и его язык. I. Алма-Ата. 1975.
101. Наджип Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: На материале «Хосрав и Ширин» Кутба. Кн. I. М. 1979.
102. Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начала XVI в. Ташкент. Фан. 1979.
103. Найимов С.Н. «Бобурнома»да масофа ўлчов бирликлари. // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Андижон. 1993.
104. Насыров И. Лексика¹ «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1980.
105. Натачкова Д.Ф. Материалы к изучению история лексики хакасского языка // Вопросы хакасской филологии. Абакан, 1962.
106. Нафасов Т. Бобур -номшунос // Бобур ва ўзбек миллий маданияти

- тараққиётининг айрим масалалари. Андижон, 1991.
107. Нигматов Х. Морфология языка восточнотюркских памятников XI-XII вв. Автореф.док. дисс. Баку, 1978.
 108. Низомиддин Шомий. Зафарнома Фаришаддан Устурумчи Ю. Ҳақимов. Т. 1996.
 109. Николаева О.М. Контекстуально - речевые лексические синонимы. Автореф.канд.дисс. Ростов-на-Дону, 1973.
 110. Покровская Л.А. Термины родства // Историческое развитие лексики тюркских языков. М. 1961.
 111. Поливанов Е. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, 1933.
 112. Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. М. 1957.
 113. Рассадин В.И. Монголо-бурятские заимствования в сибирских тюркских языках. М. 1980.
 114. Рассадин В.И. Монгольские заимствования в алтайском языке // Советская тюркология. 1973.
 115. Расулов Р. Бобур—ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. — Андижон. 1993.
 116. Расулова Н.А. Исследование языка «Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак» Абу Хайяна (Морфология, лексика, глоссарий). Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1969.
 117. Рахманалиев Р. Жизнеописание Тамерлана Великого. М. 1996.
 118. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили лугатининг туркий қатлами. Тошкент. Университет. 2001.
 119. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. 1. Тошкент. 2000.
 120. Раҳматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в лирике Алишера Навои (на материале «Наводир ан-нихоя») Автореф.канд.дисс.Ташкент, 1965.
 121. Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т.1. Кн.2. Перевод с персидского О.И. Смирновой. М.,-Л. 1952.
 122. Рейсер С. А. Основы текстологии. Изд. 2-е. Л. Просвещение. 1978.
 123. Розенцвейг В. Ю. Языковые контакты. Л. Наука, 1972.
 124. Рустамов А. “Сабъаи сайёр” тилининг хусусиятлари, ТошДУ илмий асарлар, 240 чикиши, Шарқ филологияси масалалари. Тошкент. 1964.
 125. Рустамов А. “Сўз хусусида сўз”. Тошкент. 1987.
 126. Рустамов А. Алишер Навоий тилидаги бир сўз ҳақида // Адабий мерос. № 1. 1976.
 127. Рустамов А. Ўзбек адабий тилининг илк даврига бир назар// Низомий номли ТДПИ. Лингвистик тўплам, 113, Тошкент. 1973.

128. Рустамова С. Махмуд Кошғарий лугатининг лексикографик хусусиятлари. Филол. фан. номзоди диссертацияси. Тошкент. 1998.
129. Рустемов Л. Арабско-персидские заимствования в казахском языке. Дисс.канд.филол.наук. Алма-Ата. 1963.
130. Садыков С. Монгольско-тюркские языковые параллели. Фрунзе. 1983.
131. Самойлович А.Н. К истории литературного среднеазиатского тюркского языка // Мир-Али-Шер. Л. 1928.
132. Санакулов У. Исследование языка памятника XV в. «Мухокамат ул-дугатайн» Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1971.
133. Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. Опыт сравнительного исследования. М. 1966.
134. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). М. Наука. 1974.
135. Содиқов Қ. Бобурнинг Навоий асарлари тили тўғрисида айтган сўзларига бир боқин// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Тошкент. 2004.
136. Сорокин Ю. С. Развитие словарного состава русского литературного языка. 30-90 годы XIX века. М-Л. 1965.
137. Стеблева И. В. Семантика газелей Бабура. М. 1982.
138. Султанов Б. Арабско-персидские заимствования в «Кутадгу билиг» Юсуфа Баласагунского // Советская тюркология. 1981.
139. Султонов И. “Мезонул-авзон” ҳақида. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Асарлар. 15 томлик. Ўн тўртинчи том. Тошкент. 1967.
140. Татаринцов Б.И. Монгольские языковые влияния на тувинскую лексику. Кызыл. 1976.
141. Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках// Историческое развитие лексики тюркских языков. М. Изд-во Акад. наук. 1961.
142. Тенишев Э.Р. Принципы составления исторических грамматик и истории литературных тюркских языков//Советская тюркология. 1988.
143. Турсунов У., Мухтаров Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1992.
144. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1995.
145. Тўйчибоев Б. Бобур ва ўзбек адабий тили. Тошкент. 1993.
146. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Тошкент. Ўқитувчи. 1966
147. Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Ҳазайин ул-мааний» Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Л. 1968.
148. Усманов А. Мухокамат ал-дугатайн Алишера Навои. Ташкент.

1948.

149. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т.1-2. Ташкент. 1966, 1971.
150. Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи (Фасихов свод.). Перевод, предисловие, примечания и указатели Ф. Юсуповой. Ташкент. 1980.
151. Филин Ф.П. Проблемы исторической лексикологии русского языка (древний период)// Вопросы языкознания. 1981.
152. Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Ташкент. 1965.
153. Хамидов З. Лексико-семантическое и лингво-поэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1982.
154. Хованская З.И. Стилистика французского языка. М. 1984.
155. Ходакова Е.П. Изменение лексики русского литературного языка в пушкинское время// Лексика русского литературного языка XIX - начала XX века. М. Наука. 1981.
156. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр вокеалари (1360-1370). Таржимон О.Бўриев. Тошкент. 1994.
157. Шукуров Ш. Ўзбек тили феъл майллари тараққиёти. Тошкент. 1980.
158. Шукуров Ш. Ўзбек тили феъл замонлари тараққиёти. Тошкент. 1976.
159. Щербак А.М. О характере лексических взаимосвязей тюркских, монгольских и тунгусо-маньчжурских языков// Вопросы языкознания. № 2. 1966.
160. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.,-Л. 1962.
161. Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М. 1960.
162. Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана. М.,-Л. 1961.
163. Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадкики (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда). Номзодлик дисс. автореферати. Тошкент. 2007.
164. Юлдашев Т. Навоий ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларида қўлланган шеърый атамаларнинг лисоний таҳлили. Номзодлик дисс. автореферати. Тошкент. 2002.
165. Юнусов А. Исследование памятника XIУв. «Таржуман турки ва ажами ва мугали» (морфология лексики, словарь, перевод). Автореф. канд. дисс. Ташкент. 1973.
166. Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар)// Ўзбек тили ва адабиёти. 1986.
167. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезисе узбекского народа. М. 1941.
168. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент. 1981.

169. Ҳамидов З. Навоий асарлари тили лексикаси (умумистеъмода булган фаол сўзлар хусусида) //Тилшуносликнинг долзарб масалалари. III. Тошкент. 2006.
170. Ҳамидов З., Холбоева М. “Сабъаи сайёр” асарида ҳаракатни ифодаловчи сўзлар синонимияси // Илм сарчашмаси. 2007.
171. Alisir Nevayi Muhakemetul- Lugateyn. Iki Dilin Muhakemesi. Hazirlayan. Sema Barutcu Ozonder. Ankara. 1966.
172. Clauson G. An Etymological Dictationary of Pre-Thirteenth- Century Turkish. Oxford. 1972.
173. Doerfer G. Turkische und mongolische Elemente im Neupersischen. Bd. I. Wiesbaden. 1967.
174. Ramstedt G. Kalmükisches Wörterbuch. Helsinki 1935.
175. Vambery H. Cagataische Sprachstudien. Zeipzig. 1867.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	6
Кириш	7
I боб. Ўзбек адабий тили лексикасининг Алишер Навоийгача бўлган даврдаги тараккиёти XIV аср иккинчи ярми – XV аср биринчи ярмида ўзбек адабий тили лексикасида содир бўлган асосий жараёнлар	17
Лексиканинг бойиши	25
Лексик таркибнинг ўзлашмалар ҳисобига бойиши	28
Санскритча ўзлашмалар	29
Сўгдча ўзлашмалар	31
Хитойча ўзлашмалар	33
Мўғулча ўзлашмалар	37
Араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган лексемалар	47
II боб. Алишер Навоий даври ўзбек адабий тили лексикаси	64
Алишер Навоий асарларидаги астропонимлар	76
Диний-тасаввуфий терминлар	79
Ранг ифодаловчи сўзлар синонимияси	84
Алишер Навоий ижодидан кейинги ўзбек тили лексикасига бир назар	93
Лексикадаги семантик ўзгаришлар	102
XIV–XX аср боши ўзбек адабий тили лексикаси	117
Хулоса	144
Фойдаланилган адабиётлар	146

Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Мухаррир: *М. Содиқова*

Нашриёт рақами: з-689. Босингга рухсат этилди: 13,07,2007.
Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆. Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт табоғи: 12.0. Шартли босма табоғи: 6,25.
Адади: 500 нусха. 117 - буюрма.
Келишилган нарҳда.

ЎЗР ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент,
И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ООО «GEO FAN POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди:
100041, Тошкент. Н. Ҳожибоев кўчаси, 64.

50005

ISBN 978-9943-09-330-0



9 789943 093300